

ШАҲРИЁР САФАРОВ

СЕМАНТИКА



CANDY MIL

A Pillu

Kewred neazapmacas
uyamufgaa
mofgaa

Safasor

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2/3/2.
таджиком язсан
таджик таъсиф мактабаси

ШАҲРИЁР САФАРОВ

СЕМАНТИКА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент - 2013

*Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети
Илмий Кенгашин томонидан нашрға тавсия этилган*

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори,
профессор Н.Махмудов

Тақризчилар:
филология фанлари докторлари
С.Боймирзаева,
И.Сиддикова

Сафаров Шаҳриёр. Семантика /Ш.Сафаров; Масъул муҳаррир Н.Махмудов;
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Самарқанд
давлат университети. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат
илмий нашриёти, 2013. 344 бет

ББК 81.2.5

Мазкур монография тилшунослик фанининг семантика соҳасига оид
муаммолар тадқикига багишланган. Тадқиқотда асосий эътибор замонавий
тилшуносликда кенг тарқалаётган таҳлил усуллари, назарий гояларнинг
лисоний бирликлар маъно структурасини яратувчи механизмларнинг харакат
шаклини тадқик қилишга оид масалалар мухокамасига каратилган. Генератив
ва когнитив семантикага доир назарий қарашлар ҳамда таҳлил амалларига
оид маълумотлар ўзбек китобхонлари эътиборига илк бор етказилмокда.
Ушбу тадқиқот маъно ҳодисасининг умумий назариясини яратиш борасидаги
уринишнинг дастлабки намуналариданdir.

Монография маъно ҳодисасининг моҳияти, табиати ва илмий тавсифи
билин қизикувчи барча илм соҳиблари, магистрлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш измида юрганлар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-07-134-6 НУКИЧИЛАНГАН МАССУЛ МУҲАРРИР

© 105 - ТИР © «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2013.



Сарыбай баласи
Алтын күндең көзүнен түштүрүлгөн
Дүйнөн көтөк аж шийткөйдөн күнгөн
Боладын күндең көзүнен түштүрүлгөн
Түштүрүлгөн күндең көзүнен түштүрүлгөн
Алтын күндең көзүнен түштүрүлгөн
Сарыбай баласи

МУҚАДДИМА

Ушбу рисолани волидалик меҳридан
мени баҳраманд қила олмасдан ўтган онам –
Муяссарбеким ва меҳрибонлик тимсоли бўлган
қайнонам – Муяссархонлар хотирасига
багишлайман.
Яратган уларни жаннатда
Ўзининг валига етказгани рост бўлсин!

МУҚАДДИМА

Дунёдаги барча мавжудотларнинг Яратувчиси ягона.
Лекин инсон бошқа жонзотлардан фарқли яратилган, унга
ақл-идрок, билим ато этилган. Тўтри, айрим ҳайвонлар ҳам
идрок этиш ва фаҳм ила ҳаракат қилиш имконига эга, бироқ
инсоннинг ақлий фаолияти, идрок этиш қобилиятининг
кўлами ғоят кент, баъзан бу фаолиятнинг чегараси йўқдек
кўринади. Инсоннинг тафаккур қобилиятини шаклантира-
диган ва тинимсиз бойитадиган манба – тил. Инсонга тил
инъом этилибдики, у бошқалардан устуворлик рухиятида
яшайди ҳамда уни ҳар қадамда намоён этади. Буюклиқда
бетакрор Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек,

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Тил мuloқot воситаси бўлиш билан бир қаторда, дунёни билиш, унинг ҳақида ахборот тўплаш ва уни сақлаш, бошқаларга етказиш воситаси ҳамдир. Тилнинг инсоният тараққиёти ва ҳаёт фаолиятида бажарадиган вазифалари хисобсиз. Аммо қандай вазифа бажарилишидан қатъи назар, тил бирликлари, биринчи навбатда, маънога эга бўлишлари лозим. Акс ҳолда, тилнинг мuloқot воситаси, билим манбаи бўлиш ҳамда ахборот узатиш куввати багамом йўқолади.

Фараз қилингки, сиз бегона юрт – Каталониядасиз. Гашрифинғизнинг биринчи тонгида меҳмонхонадан чикиб, ногаҳон кўчада икки нотаниш одам сухбатининг гувоҳи бўлдингиз. Улардан биринчиси иккинчисига кўли билан шимол томонни кўрсатиб, нималарнидир гапирмоқда. Тил сиз учун нотаниш бўлганилиги сабабли гап нима ҳақида кетаётганлигини тушуна олмайсиз. Ишора қилинаётган томонга – шимолга қарасангиз, денгиз, унда сузаётган кема, Колумбнинг ҳайкали, сайр қилиб юришган сайдхлар, итини ўйнагаётган қиз бола, расм чизаётган рассом ва саксофон чалаётган дайди мусиқачини кўрасиз. Тавба, каталониялик мавжуд нарсалардан қайсиниси ҳақида гапираётган экан? Каталон тилини билганингизда, у Колумбни Американинг кашфиётчиси сифатида таърифлаётганини фахмлаб, сўзсиз, сухбатга қўшилиб кетган бўлар эдингиз ва

Америка - сеҳрли диёр,

Ухлар эди Колумб ҳам ҳали, Денгиз ортик ёритди иш бор,

Берунийнинг ақл машъали

-дея Америка қитъасининг асл кашфиётчиси ким эканлигини унга тушунтириб қўйган бўлар эдингиз. Айтмоқчи бўлаётганим: лисоний фаолиятнинг туб мақсади маъно яратиш ва маълум қилинаётган маънони англатишидир.

Ёш гўдак ҳам тилни ўзлаштиришни маънони тушунишдан бошлайди. У ҳали тилга кирмасидан олдинроқ

секин-аста атрофидаги нарсаларни фарқлай бошлайди **и** бир ёшдан ўтганидан сўнг эшиштган товушлар тўплами-нинг бу нарсаларнинг қайсилари билан боғлиқлигини фаҳмлашга интилади. Эшишиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тегиниб кўриш ва ўйнаб кўриш каби ҳаракатлар воситасида тўпланаётган билим дастлаб нолисоний билимини шакллантирса-да, кейинчалик лисоний билимга кўчиб, маъно яратилиш жараёнининг негизида туриши мұкаррар. Тилнинг тафаккур, инсоннинг когнитив қобилияти ривожида ҳал қилувчи роль ўташини қайд этар эканимиз, лисоний фаолликда маъно ифодаси етакчилик қилинини эътироф этишга ҳам мажбурмиз.

Ер юзида, коинотда ва хаёлий дунёда мавжуд бўлган нарсалар, кечадиган ҳодисаларнинг барчасига лисоний белгилар воситасида ном бериб, уларни инсоннинг ителлектуал ҳамда амалий тажрибаси қамровиги топширадиган ҳодиса – маъно қадимдан файласуфлар, руҳшуносларнинг диққат-марказида. Аммо тилшунослик фанининг бу ҳодисага бўлган муносабати турғун бўлмаган. Афсусланаарли томони шундаки, тилшунослик тараққиётининг маълум бир даврида (ўтган асрнинг ўрталарида) бу фан ўзининг асосий обьекти – маънини унутгандай бўлди. Бир нарсани йўққа чиқариши ёки вақтинчалик унтишнинг сабаблари бўлади, албатта. Маълумки, абориген қабилалар тилларини тавсифлашга изчил киришган америкалик тадқиқотчилар мавжуд бўлган анъянавий таҳлил услубларининг ушбу тиллар тизими тадқиқи учун номаъкул эканлиги ҳақида фикр билдира бошладилар. Ф.Боаснинг тил тизимини «ички» томондан ўрганиш лозим ва бунга эришиш учун, масалан, **сўз** категориясидан фойдаланишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, деган гоясига эргашган олимлар тилга оид тадқиқотларни «жиддийлаштириш» йўлларини қидира бошладилар. «Тил ҳақидаги фан қоидалари»ни нашр қилган Леонард

Блумфилд лингвистик тадқиқотлар учун ҳеч қандай назарияга ҳожат йўқлигини, тил тузилмаларини қисмларга ажратиш ва тавсифлаш учун зарур бўлган «объектив» ва «жиддий» амаллардан фойдаланишнинг ўзи етарли эканлигини эълон қилди. Натижада анъанавий тилшунослик «зулми»дан кутулган «ялангоч» тадқиқ йўналиши пайдо бўлди. Лисоний бирликларнинг маъно ва вазифавий хусусиятларини батамом унтишга аҳд қилган декриптивизм ва унинг «қариндошлири» бўлган тагмемика, стратифик грамматика ҳамда бевосита иштирокчилар грамматикаси каби йўналишлар вакиллари формал амаллар (синтактик-морфологик бирликиш, кетма-кетлик, ўрин олиш ва ўрин алмаштириш каби) ёрдамида тил бирликларини ажратиш ва уларнинг «соғ» муносабатларини ўрганишни маъқул кўриб қўя қолди. Маъно ҳодисасини улар истаганлариdek «объектив» ва «аник» таҳлил қилиш қийин бўлганидан сўнг, фаркланиши ва таҳлили осон бўлган грамматик ва фонологик ҳодисалар тадқиқи билан чегараланиш табиийдир. Бундай надоматли ҳолатдан кутулиш осон бўлмади. Тилшунослик фанининг семантика бағрига қайтиши «адапган фарзанд»нинг оиласига қайтишидек қийин кечди. Шўр босган ерга ишлов бериб, уни қайтадан яроқли ҳолга келтиришнинг мушкуллигини қўлига кетмон ушлаган одам билади. Семантика майдонига кирган тадқиқотчи эса, ўз майдонига ишлов бериб, уни аввалги ҳолатига қайтариш билан чегараланиб қола олмайди. Семантик тадқиқотларни янги давр ғояларига мослаштириш, тадқиқ тамойилларини бойитиш ва улар татбиқини тақозо этувчи янги йўналишдаги таҳлил усулларини жорий этиш табиий равишда пайдо бўладиган талабдир. Ўз навбатида, талабларни тезда ва бир текис қондириш амри маҳол эканлигини ҳам биламиз. Ҳатто «семантик шов-шув» номини олган даврда ҳам маъно ҳодисасининг сир-асрорига етиб бўлмади. Одатда, сирлилик

рамзи сифатида қаҳрабони эслатишади. Маъно ҳам мўъжизакорликда қаҳрабодан қолипмайди, унинг ботинида ҳам коинот сирлари, абадийликнинг ажиблиги, минг йиллик тажрибанинг иссиқлиги, тафти ётади. Маъно тафтидан, нуридан баҳраманд бўлиш – тадқиқотчилар орзуси, лекин бу орзу насиб қилиши учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади. Бундан қочмаганлар семантика хирмонидан насиба топишлари аниқ. Зотан, бу хирмонда ҳали қанчадан-қанча янчилмаган бошоқлар ётибдики, уларни эҳтиёткорона, яхши ният ила силкитганларга ризқ сочилишига ишонаверинг.

Камина ҳам шу хирмондан камтарона улуш излаётиб, камтарин мақсадни режалаштиридим. Кўзлананаётган илк мақсад, албатта, семантиканинг кўхна бўлса-да, ҳамиша навқиронликдан умидвор эканлигига, унинг мавзулари қанчалик муҳокама қилинишига қарамасдан, долзарблигини ҳеч қачон йўқотмаслигига, янгидан тугилаётган мавзулари эса қад ростлашда «катта оға»ларидан қолишмаслигига дикқатни жалб қилишдир.

Ўқувчи дикқатини тортишнинг икки усули бор. Уларнинг бирида мавзуга оид барча фикрлар жамланиб, адабиётларда баён қилинган нуқтаи назарлар изоҳланади. Иккинчисида эса, асосий ёндашувлар, мавзуларга оид муаммолар муҳокама қилиниб, муаллиф ҳар бир муаммо борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради ва ушбу муаммолар истиқболини белгилапга ҳаракат қиласи. Мен иккинчи йўналишни танлаб қўя қолдим. Гап ҳатто семантиказга оид ишлар орасида бу турдагилари камлигига ҳам эмас. Асосий сабаб семантиканинг ҳудуди тобора кенгайиб бориб, унинг бошқа фан соҳалари билан «қўшничилик» муносабатлари янада мустаҳкамланаётганида. Мустаҳкам «қўшничилик» фанлар жуфтлашувига, инновацион ғоялар пайдо бўлишига олиб келади. Тилишунос, психолог, файласуф, невропатолог, когнитивист бир-бирига қараб, «бу томони меники, ундан у ёги сеники»

дэйишларига ҳожат қолмайди. Маъно – фанлар учун умумий соҳа. Семантика ҳеч кимга бегона эмас. Семантиканинг умумий назариясига оид масала – мавзуларни ёритиш измида бўлганингдан сўнг баҳс юритмасликнинг иложи йўқ. «Умумий семантиканинг алоҳида бир мавзусини танлаб олиб, шунинг тадқиқи билан машғул бўлиш мумкин-ку!», дейишингиз мумкин. Тўғри, семантика соҳаси ривожланиб, такомиллашиб бормоқда, у муаммоларга жуда бой. Бажариладиган тадқиқотнинг мукаммаллиги учун муаммоларни фарқлаш, уларнинг долзарблигини белгилаб олиш лозим. Аммо автомобилни бошқараётган шахс фақат ўн қадам олдиндаги йўлни кўрмасдан, балки узокдаги масофани ҳам кузатади, баъзан ён-атрофига назар ташлаб, табиат гўзаллигидан, атрофдаги воқеликдан завқ ҳам олади. Илмий изланишлар ҳам шу йўлдан бориши лозим. Мавжуд муаммони тушуниш ва таҳлил қилишдан ташқари, бу муаммони кенг миқёсда англаш, уни бошқа муаммолари қурповида кўриш мухимдир.

Фанлар, соҳалар интеграцияси – замон талаби. Ҳозирги кунда «якка отнинг чанги чиқмас»лиги аниқ бўлиб қолди. Тилшунослик ҳам ўз ёндошлари билан жуфтлашмокда, психолингвистика, прагмалингвистика, компьютер тилшунослиги, биолингвистика, когнитив тилшунослик йўналишларидан хабарсиз талаба қолмади ҳисоб. Семантика интеграция жараёнига тез мослашаётган соҳа, зеро, маъно шаклланиши ва идроки моҳиятан когнитив фаолият бўлиб, улар тафаккур ва лисоний амалларнинг омухталашуви шароитида юзага келадиган ҳодисалардир. Шу сабаб ушбу рисолада асосий эътибор маъно ҳодисасининг когнитив тавсифига қаратилади. Лекин бунинг билан тил бирликлари семантик мундарижасининг бошқа жиҳатларини ҳеч бир камситишни жоиз кўраётганим йўқ. «Йўқсиллик» эски тушунча, энди уни унутайлик. Маънонинг «камбағал»

жихати бўлмайди, унинг ҳар бир хусусияти алохидада эътиборга лойик.

Илмий фаолият билан машғул шахсларда бир одат бор: бирор бир янги таҳлил усули, йўналиши топилганидан сўнг ҳамма бирваракайига ушбу усулнинг ўз эҳтиёжига мос келишини сезгандай бўлади ва тинимсиз унинг бошқалардан устуворлигини тарғиб қила бошлайди. Лисоний ҳодисалар моҳиятини, табиатини англаш эса, тамоман бошқача йўл тутишни талаб қиласди ва бу максад сари бораётган тадқиқотчи турли таҳлил усуслари, воситалари, амалларига мурожаат қилишга мажбурдир. Фақат қайси ҳолатда мавжуд воситалардан қайси бири маъқул эканлигини ҳамда яна қандай янги воситаларни қидириш лозимлигини унутмасак бас. Тилишунослик «ўйини»нинг бошқалардан фарқи ҳам шунда, бу ўйин иштирокчиларининг ҳаракати коидалар қамровида бўлса-да, уларнинг ақл-идроқи, шиҷоати очиқ ҳамда ўзлари танлаган тубсиз уммон - тилнинг ботинида яширинган сирларни янада чукурроқ ҳис этиш, билишга интилиш ўзларининг ихтиёрида. Бироқ эркинлик – бебошлик эмас. Мўлжалланаётган режанинг самарали бўлиши учун ҳаракатинг заковат ила бажарилиши даркор. Юсуф Хос Ҳожиб ўйтит қилганидек: «барча иш-юмушилар заковат туфайли битади, беклар ҳам давру давлатга билим орқасидан эришадилар».

Кўлингиздаги кигоб ёш тадқиқотчиларнинг тил, хусусан, семантика соҳасидаги билимларини бойитишга қандайдир даражада имкон тугдирса, муаллиф ўз вазифасини бажарганидан хурсанд бўлишга, эҳтимол, ҳақлидир. Мабодо бу вазифа ижроси охирига етказилмаган бўлса, сиздан сарфланган вакътингиз учун узр сўрапшга тайёрман. Сўзбошида муаллифлар йўл қўйилган нуқсонлар, мавзулар ёритилишидаги камчиликлар, мунозарали фикрлар баёнидаги камчиликлар учун кечирим сўрапшга одатланишган. Мен бундай қилмоқчи эмасман, чунки

нуқсонлар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, муаллифнинг айби (уларни шу китоб саҳифаларида тузатишнинг иложи йўқ), мулоҳазалар ҳам муаллифники, янги холосага келиш учун янги ишни бошлаш керак. Фақат бир ҳолатда узр сўрашга мажбурман. Мальумки, семасиология лисоний маъно муаммосини яхлит, тизимли ҳодиса сифатида ўрганиш мақсадини кўзлайди. Бу ҳодиса барча тиллар учун умумий хусусиятларга эга бўлиш билан биргаликда ҳар бир тил учун алоҳида, ўзига хос идиоэтник хусусиятларга ҳам эга. Ушбу рисолада асосий эътибор семантиканинг жадал ривожланаётган йўналишларига қаратилаётганлиги боис, алоҳида тил бирликларининг маъно кўлами ва маъно ифодасининг миллий-маданий кўрсаткичлари ва бошқа турдаги хусусий семантикага оид масалаларга тўхтаб ўтишга имкон бўлмади. Бундан ташқари, семасиологиянинг кўпгина томонлари ва тадқиқ усуллари бошқа муаллифлар ишларида бирмунча батафсил ёритилганлигини ҳам эътиборга олишингизни сўпар эдим (масалан, қаранг: Chierchia and Mcلونел-Ginet 1990; Mamardon 2000; Кобозева 2000; Никитин 1986; Миртожиев 2010 ва бошқалар).

Мухтасар айтганда, ўқувчилар нигоҳига тақдим қилинаётган ушбу рисола маъно умумий назарияси ҳақидаги ишdir. Бундай назария ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги боис, иш холоса бўлишга даъвогар эмас. Ҳар қандай фикр тўлиқ холоса кўринишини олиши учун баҳсга, муҳокамага муҳтож. Кўзланаётган мақсад ҳам шунда – ҳамкасларимизни мунозарага чақиришdir. Маъно ҳодисаси ҳақида қанчалик баҳслашсак ҳам кам, унинг ботинига кирганингиз сари ҳайратингиз ҳам ортаверади. Гётенинг сўзларини эслайлик: *Nicht ast innen, nichts ist draussen – den was innen, das ist aussen* – «Ботинида ҳеч нарса бўлмаса, сиртига ҳам ҳеч бир нарса чиқмайди, зеро, ботинидаги сиртидадир». Ҳа, мен ҳам маъно ҳодисасининг

ботинидагидан имконим етганича бирор нарсани топиш ва уни бошқаларга етказишнинг ҳаракатида бўлдим. Умид қиласманки, бу ҳаракат бехуда кетмагандир.

Алқисса, «маъно» калимасининг ўзи накадар сехрли, пурмазмунли эканлигини унутмаслигимиз лозим. Этимологик тадқиқотлар кўрсатишича, немис тилидаги *bedeutung* «маъно» сўзининг ўзагида қадимги герман тилларидағи *diot* «қабила, халқ» туроди ва ҳозирги тилдаги *deutch* «немисча» даставвал «ўз қабиласига, халқига оид, тегишли» мазмунига эга бўлган. Шунингдек, венгер тилидаги *maguards* «изоҳламоқ, тушунтироқ» феъли қабиланинг номи (*maguar*)дан олинган ва унинг илк мазмуни «венгер тилига таржима қилинмоқ ва шу аснода тушунарли бўлмоқ» қабилида англашилган. Рус тилидаги «смысл»нинг негизини «мысль» сўзи (қиёсланг: с+мысль; за+мысль; до+мысль) ташкил қиласди ва бу сўзининг санскритдаги муқобили – *manas*, яъни «маъно», «маъни». Венгер тилидаги *ertelem* «онг, мазмун» сўзининг ўзагини ташкил килувчи *er-*; ўзб. *эриш* – туркий тиллардан ташқари, мугул ва қалмоқ тилларида ҳам сақланган. Ўзбекча «маъно» калимаси «маъни» ва «маънавий» сўzlарига бевосита боғлиқ бўлиш орқали ақлан ҳамда руҳан бойиш, моҳият ва аҳамият касб этиш мазмунига яқинлашади. Буларнинг барчаси яна бир бор маънонинг ақл-идрок, инсон когнитив фаолият меваси эканлигидан дарак беради. Маънони англаган шахс заковатга эришади, фаҳм ила миллат бойлиги – тилдан фойдаланади, уни сақлайди, ардоқлади. Абдураҳмон Жомий баёнида бу фарз аниқ янграйди:

Мол, амал гарчи жонга яқинроқ,
Сўз камоли ундан минг бор яхшироқ.
Барчаси жаҳонда йўқолажсакдир,
Дунё тургунича сўз қолажсакдир.
Интихода қайд этиш жоизки, бу рисолани ёзишга жазму аҳд тўсатдан пайдо бўлгани йўқ. Семантикага бўлган

эътиқодим илм бўсағасига илк қадам қўйишимиданоқ пайдо бўлган. Қадимги инглиз тилидаги феълларнинг маъно ва бирикиш хусусиятларини ўрганаётib, феъл ва ясама сўзлар семантикасига оид қанчадан-қанча рисола-ю, мақолаларни «титкилаш»га мажбур бўлган эдим. Шу даврда Юрий Сергеевич Маслов, Александр Владимирович Бондарколарнинг грамматик семантикага, Владимир Михайлович Павлов, Татьяна Михайловна Беляеваларнинг ясама сўзлар мақоми ва мазмунига, Саломон Давидович Кацнельсоннинг умумий семантикага, Анатолий Митрофанович Мухин ва Виктор Самуилович Храковскийларнинг синтактик семантикага оид маҳсус семинарларига иштирок этиш баҳтига муяссар бўлдим. Д.Н.Шмелев, Л.А. Новиков, Н.З.Котелова, М.И.Стеблин-Каменский каби анъанавий маъношуносларнинг ва янги русумдаги семантик тадқиқотлар тарафдори бўлган М.В.Никитин, А.А.Залевская, В.Б.Касевич, О.Н.Селиверстова ва бошқаларнинг баҳс-мунозараларининг гувоҳи бўлдим. Семантикага нисбатан иштиёқимнинг янада авж олишига сабабчи бўлган олимлардан бири – Елена Самойловна Кубряковадир. Номзодлик диссертациямга оппонентлик қилганидан сўнг хос устозимга, маслақдошим ва дўстимга айланган бу инсон менга семантика «вируси»ни юқтириш билан биргаликда, хорижда чоп қилинаётган семантикага доир асарлар билан узлуксиз таъминлаб туришни қандай қилиб ўз зиммасига олганлигига ҳозиргача ҳайронман.

Кейинги йиллардаги А.Абдуазизов, Д.Ашуррова, М.Жусупов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Маматов, Г.Боқиева, Ж.Ёкубов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Б.Ризаев, А.Содиков, С.Рахимов, М.Ўмархўжаев, У.Юсупов, Р.Сайфуллаева, С.Муҳамедова, М.Курбонова, И.Мирзаев, Б.Йўлдошев каби юртимизнинг етук тилшунослари билан қурган «қўр»ларимиз, қатор ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари билан танишиш, уларга тақризлар тайёрлаш

жараёнида туғилған фикрлар муаллифни қўлга қалам олишга ундаи. Айниқса шогирдларимнинг ундовлари менга доимо далда бўлмоқда. Уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ишнинг масъул муҳаррири - ўзбек тилшунослигининг йирик вакили, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовга ва тақризчилар - шижаоти чексиз фан докторлари Саодат Боймирзаева ҳамда Ирода Сиддиқоваларга ташаккуримни изҳор қиласа мөмкин. Уларнинг маслаҳат ва мулоҳазаларисиз ишни бу даражага етказишининг имкони бўлмас эди. Шунингдек, рисоланинг илмий «пардоз» олишида хорижлик ҳамкасларимизнинг ҳам ҳиссаси борлигини қайд этиш зарур. Япониянинг Цукуба, Кореянинг Донггук, Италиянинг Сапиенза университетларидағи семинарларда семантиканинг айрим мавзуларига доир маъruzалар ўқиётганимда профессорлар Сабуро Аоки, Цуоши Кида, Канно Ҳироми, Андрей Бекиш, Ду Вон Ли, Магда Педачи, Мёнг Хи Ро кабилар ва семинар қатнашчилари: магистрантлар ҳамда докторантларнинг билдирган фикрлари рисола матнини замонавийлантиришга ёрдам берди.

Нихоят, сиз азиз ўқувчиларимга қалб изҳоримни етказиши ўз бурчим деб биламан.

Шаҳриёр Сафаров
Самарқанд, 2013 йил, 8 март санаси

1-БОБ. МАЬНО ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОСИ

Мишель Бреаль юонча *semantikos* «ифодаловчи, маъно билдирувчи» ўзагидан 1883 йилда «семантика» (*semantique*) терминини ясаганига ҳам тез кунларда 130 йил бўлар экан. Фаранг тилшуноси ўша пайтларда ёзган қайдни эслайлик: «Мен шу пайтгача ўрганилмаган ва кўплаб тилшунослар авлодларининг меҳнати самараси сифатида шаклланиши лозим бўлган соҳанинг асосий йўналишларини белгилашга, унинг қисмларининг умумий тасвирини беришга ҳамда дастлабки режасини тузишга ҳаракат қилдим. Шу боис, ўқувчимдан ушбу китобни мен «семантика» деб аташни таклиф қилаётган фанга кириш сифатида қабул қилишини сўрайман» (Breal 1904: 8). Қарангки, шунча йил ўтишига қарамасдан (*semantics* термини инглиз тилида XVII асрдаёқ мавжуд бўлган), лингвистик семантика соҳасида унчалик катта ўзгаришлар юз бермагандай бўлиб турибди. Бундай «турғунлик»нинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, олимлар семантикани, М.Бреалга эргашиб, сўз ва иборалар маъносининг пайдо бўлиши ва ўзгариши тақдири билан шуғулланадиган фан сифатида қараб келдилар. Иккинчидан эса, семантика ҳозиргача асосан лексик маъно ҳақидаги фан бўлиб қолмоқда ва унинг эътиборини сўзлар кўп маънолилиги, антонимлик, синонимлик муносабатлари, омонимия қаторлари, валентлик имкониятлари каби ҳодисалар тортмоқда (ишонмасангиз, «Семасиология» сарлава-

ҳаси билан нашир қилингандай ҳар қандай рисола ёки дарсликни очиб кўришингиз мумкин). Лекин бу ҳодисалар худди маънонинг «кенгайиши», «торайиши», «кучайиши», «кучсизланиши», «силлиқланиши», «қўполлашуви» каби номлар билан аталаётган ҳодисалар каби лексик семантиканинг тадқиқ доирасидан чиқа олмасдан, луғавий бирликларнинг маъно мундарижасидаги ўзгаришлар, силжишлар босқичларини ўрганиш манбаси бўлиб қолмоқда. Акс ҳолда маҳсус луғатда «семасиология тилшуносликнинг лексик семантика билан шуғулланувчи бўлаги», деган таърифни учратмаган бўлармидик?!

Кўриб турганингиздек, сиз билан бизни қийнаб турган нарса «Семантиканинг ўзи нима-ю, уни қандай тавсифлаш ва ўрганиш лозим?» саволидир. Куйида баён қилинадиган фикрлар ҳам барчани бир хилда қониқтирмаслигини сезиб турган бўлсан-да, бъязи мулоҳазаларни билдирамасликнинг иложи йўқ. Ахир, савол саволлигича қолаверса, ейдиган нонимизни қандай оқлаймиз. Л.Витгенштейн *Was ich nicht weiss, macht mich nicht heiss* –«Билмаган нарсан мени қониқтирмайди» дейиш билан катта мантикий хатоликка йўл кўйган эди. Инсон, аксинча, билмагани билан қониқади, унинг ҳақида маълумот топиш ҳаракатида юради. Ноаниқлиқдан аниқлик сари юриш – гносеологик фаолият мақсадидир.

Ўз пайтида Ж.Мунен тилшунослик «мантикий тажриба асосида юзага келадиган нолисоний семантиканинг лисоний семантиканда қандай акс топишини» аниқлаши лозимлигини қайд этган эди (Mounin 1972: 217). Фаранг тилшуносининг ушбу қайдига изоҳ бераётган молдаван олими С.Г.Бережан бундай кенг маънода талқин қилинаётган «семантика»ни ўрганишни тилшунослиқдан талаб қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, тилшуносликнинг «объектини семантиканинг факат кичик бир қисми, яъни лисоний белгилар воситасида ифодаланадиган маъно ёки турли

сатҳларга оид тил бирликларининг маъноси ташкил қиласди» (Бережан 1982: 59). Олимнинг ишонишича, туб лисоний семантикан тил бирликлари маъноси доирасидан ташқари турадиган (тил воситасида ифодаланишига қарамасдан) нолисоний семантикандан фарқлаш керак бўлади. Семантиканинг бу қисми билан фалсафа, психология, мантиқ кабилар шуғулланиши керак эмиш (Бережан 1972).

Мантиқшунос Карл Поппер «шахсан мен маъно муаммоси билан қизиқмаганман, аксинча, у менга сўз ўйини ёки сохта муаммодек қўрииган» (Поппер 1983:251), деган иқоридан сўнг, «ҳеч қачон сўзлар ва уларнинг маъноси муаммосига ружу қўйманг» (Popper 1976:19) мазмунидаги чақириқни ўртага ташлаган эди. Лекин баъзи файласуфларнинг Поппер сингари семантика ҳодисасига бефарқ бўлишларига қарамасдан, маъно категорияси доимий равишда файласуф ва мантиқшунослар эътиборида. Айнан немис математиги ва мантиқшуноси Г.Фреге ҳамда американлик файласуф – семиотика фанининг асосчиси Ч.Пирсларнинг назарий ғоялари мантиқий семантика соҳасининг шаклланиши ва бўлажак ривожига туртки берди. Ҳозирги пайтда семасиологлар қўллаб турган «денотат», «сигнификат», «интенсионал», «экстенсионал», «импликационал» каби терминлар семиотика ва мантиқшуносликдан ўзлаштирилган мерос.

Юқоридаги ва бошқа қўринишдаги мантиқ соҳасидан кўчган терминлар замонавий тилшуносликда «ўтроқлашиш»га улгуриб олган бўлсалар-да, лекин уларнинг аниқ тавсифига эга эмасмиз ва лингвистик тавсиф мундарижасига мутаносиб қўллашдан анчалик йироқмиз. Гап шундаки, мантиқий семантика шаклланиши давридан бошлаб ва ҳатто маънонинг Огден Ричардслар хаёл қилишган учбурчакли тасвиридан (Ogden, Richards 1927) сўнг ҳам мазмуний қатламларни тил тизимининг статик кесимида,

ифодаланмисш ва ифодаловчи муносабати доирасида тавсифлаш анъанаси давом этмоқда.

Яна бир анъана – маъно ва унинг ифодаловчи бирлик муносабати билан қизиқаётган лингвистик таҳлил соҳасининг доимий равишда лисоний белги муаммосига дуч келаётганида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, бошқа бир умумий муаммони – семиотика ва семантикани фарқлаш масаласини туғдиради. Худди бошқалар сингари семантикани маънолар ўзгаришини ўрганувчи соҳа (Соссюр 2004: 84), деб билган Ф.де Соссюр семиотикани (семиологияни) «белгиларнинг жамиятдаги ҳаёти» ҳақидаги фан сифатида фарқланпни таклиф қилган эди (Ўша асар, 40-бет). Лекин белгининг жамиятда «ҳаёт кечириши» унинг маълум бир маъно (маънолар)ни ифодалаш куввати ва шу кувватнинг аниқ бир мулоқот мухитида воқеланиши билан боғлиқ. Тилнинг мазмуний асосини унинг «ёпиқ, бекилган структураси» доирасида кўриш ва турли соҳаларга тақсимлаб ташлаш анъанаси ўзини оқламаслиги ҳам олдиндан маълум эди. Тақсимотли ёндашув, даставвал, маъно ҳодисасининг ҳаракатдаги ҳолатини, динамикасини йўққа чиқарса, кейинги навбатда, тилнинг ижодкерлик, бунёдкорлик руҳини буғиб кўяди.

Лингвистик семантиканинг лисоний белгиларнинг тузилиши ва ҳаётий фаоллиги ҳақидаги фан – семиотика билан алоқасини зиддиятлар кўзгусида эмас, балки ҳамкорлик муносабатлари кесимида кўрганимиз маъкул бўлар. Ч.Моррис семиотикани уч таркибий қисмлар – семантика, синтаксика ва прагматикага ажратар экан айнан шуни назарда тутган бўлса керак. Семантиканинг семиотика соҳалари билан тенг даражада талқин қилиниши тўғри йўл эканлиги қачонлардир ўз исботини топган бўлса-да, лекин семантиканинг тадқиқ предметини факат «лисоний белгининг тузилиши ва белги ва воқелик ўртасидаги муносабат» сифатида талқин қилиш (Morris 1955; Степанов

1971: 81) унинг ҳудудини кескин чегаралашдан бошқа нарса эмас. Синтактиканинг қарамига қолдирилаётган «лисоний белгилар ўртасидаги муносабат» семантиканы қизиқтирумаслигини тасаввур қилиш қийин. Тил бирликларининг ўзаро бирикиши қонуниятларини кузатиш, бир томондан, уларнинг маъно хусусиятларини ойдинлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, бу бирликларнинг маъно кўламини аниқлашга асос бўлади. Валентлик, лексик парадигматика ва синтагматика ҳодисаларининг «семасиология» дарслклари ва рисолалар мундарижасидан ўрин олишининг сабаби ҳам шундадир. Семантика ва синтаксисни бир-биридан ажратиш йўлидан борган генеративистларни танқид қилган Ж.Оллernerнинг фикрича, «лисоний структура сўзловчи ва тингловчи муҳокама қилишаётган воқелик ҳақидаги билимдан айри ҳолда мавжуд бўла олмайди, улар маълум вазиятда ўзаро жипслашган ҳолатда мавжуд бўладилар» (Oller 1972: 48).

Семантик соҳалар ўзаро боғликлигини таъкидлаш билан бир ҳолатда, уларни бир бирига қарам қилиб қўйиш ҳам хавфлидир. Зоро, «семантика – прагматиканинг, яъни олам ва лисондан қандай фойдаланиш борасидаги билимимизнинг ажралмас қисмидир» (Schank, Brinbaum, Mey 1982: 129), деган ақидани тўлигича қабул қилиш қийин. Сўзловчи ва тингловчининг олам ҳақидаги билими синтактик-семантик ўлчовни олганидан сўнг нутқий акт мазмуни воқеланишини инобатга оладиган бўлсак, прагматиканинг семантика ва синтаксисга нисбатан устувор эканлигига ишонишимиш керак. Лекин ўзаро боғлиқликни қарам бўлиш билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳар бир соҳа мустақил «иш кўриш» ҳукуқига эга, акс ҳолда улар ўзига хос нуқтаи назар ва тадқиқ мақсадини йўқотиши турган гап. Лисоний бирликнинг воқеликдаги референт ҳодиса ва мулоқот вазияти иштирокчиларига бўлган муносабатини акс эттирувчи жиҳатларини инобатга оладиган бўлсак, маълум

миқдорда прагматика семантикага тобеланишини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Семантиканы семиотиканинг қайси таркибий қисмлари билан боғлашимиздан қатъи назар, унинг талқинида юзага келадиган муаммолар асосан белги ва маъно муносабатига алоқадор.

Ф.де Соссюр лисоний белгини фарқлашда унинг маъновий мундарижаси муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаган эди: «лисоний ҳодиса ифодаловчи ва ифодаланмиш боғлиқлигига мавжуд бўлади, улардан бирортаси эътибордан четда қолганда эса, бу ҳодиса йўқолади ва аниқ обьект ўрнига соф мавҳумлик пайдо бўлади» (Соссюр 2004:105). Р.Годель хабар беришicha, Соссюр маърузаларини тайёрлаётганида бу фикрни янада қатъиyroқ ифодада ёзиб қўйган экан: «сўзни нутқ давомийлигидан ажратиб олишнинг ягона манбаси - маънодир» (Godel 1957:214). Женевалик тилшуноснинг ушбу қайдларини ўқиётганимизда баъзилар уни формализмда айблашга уринганликлари асосиздек кўринади. Яна бир машхур шахсни менталистлар қаторига осонгина ўтказиб олсак, буюк иш қилган бўлар эдик-ку, аммо тилнинг субстанция эканлигини инкор этиб, тилшуносликни фақат лисоний шаклларни ўрганувчи фан, деб ҳисоблаган олимни ментализм нишони билан тақдирлашнинг иложи йўқ. Соссюрнинг лисоний белгининг табиати ҳақидаги зиддиятли фикрларини ўқигандан сўнг унинг асосий ғоясида формализм тамғаси абадий тақилганига яна бир бор ишонамиз. «Тил - барча қисмларининг ички тартибига эга бўлган системадир, - деб ўқиймиз олимнинг қўлёзмаларида, -тил ифодаланаётган обьект билан боғланишда, лекин унга нисбатан эркин ва ихтиёрийдир» (Соссюр 1990:112). Лисоний белги танловини ихтиёрийликка бериб қўйган Соссюр беихтиёр маъно ва белги ёки ифодаланмиш ва ифодаловчи ўртасида бевосита муносабат борлигини инкор

этаётганлигини ўзи ҳам сезмай қолган бўлса керак. Афтидан, шундай инкор этиш усули Соссюрнинг ўзини ҳам қониқтирмаётгандай, акс ҳолда у ихтиёрийликни «батамом» ва «нисбатан» турларига ажратмаган бўлар эди. Масалан, француз тилидаги *poirier* «нок дарахти», *cerisier* «гилос дарахти»каби – *ier* суффикси билан ясалоётган сўзлар ва қўшма сўзларни «нисбатан мотивацияга эга бўлган белгилар» (Соссюр 2004:127-128) сифатида таърифлашидан ихтиёрийлик чегарасини белгилашдаги иккиланишлар уни тарк этмаётганлиги кўриниб турибди.

Нуткий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган номинация (аташ) ҳаракати бажарилаётганда лисоний белги танловининг ихтиёрий ёки мотивли (асосли) бўлиши масаласи назарий тишлиносликнинг ўта жиддий масалалариданdir. Тўгрида, не сабабдан француз тилида *s-ö-g* товушлар қатори «опа» ёки «сингил» тушунчасини ифодалашини, шунингдек, «хўқиз» тушунчасини француз *böf*, немис *Ochs*, рус «бык», ўзбек «хўқиз» шакиларида аташини тушуниб етмасак, қандай қилиб тилнинг табиатини англашимиз мумкин?!

Кўйилаётган саволга жавоб топиш учун лисоний белгининг иккилама (жуфт) хусусиятли ҳодиса эканлигини эътиборга олиш лозим. Соссюр ифодаланмиш ва ифодаловчи ҳакида гапирганида, воқеликнинг акустик тасвири ва фикрий (онгдаги) тасаввурини назарга тутаётганлиги аниқ. Лисоний белгининг жуфт хусусиятлиги айнан шундай тасвир ва тасаввур муносабатида юзага келади. Агар лисоний белгининг маъноси номланаётган воқелик (предмет ёки ҳодиса) билан эмас, балки улар ҳақидаги тушунча билан боғлиқ бўлса, у ҳолда лисоний белги (ифодаловчи)ни тушунчанинг (фикрий тасаввурнинг) товушларга кўчиши, деб тушунмоғимиз даркор. Ифодаланмиш – тушунча эса, ўша акустик тасвир, ифодаловчининг ментал (тафаккурдаги) муқобилидир.

Иқтисодиёт соҳасидаги билимимизга ишонадиган бўлсак, товар айирбошлишнинг асосий шарти эквивалентлик, яъни алмашиниладиган нарсалар қийматининг мос келиши. Шундай экан, тушунчанинг товушга кўчишида ифодаловчининг қиймати ифодаланишинига мос келиши асосли талабдир. Муқобилликнинг бундай талабини инобатга олмасдан туриб, лисоний белгининг структур яхлитлиги ва уни таркиб топтирувчи «ўзаро бириккан, жуфт субстанциалик» хусусияти ҳақида гапириш қийин. Энг ачинарлиси, ифодаловчи ва ифодаланишинига қиймати мос келиши шартини унтиш тил тизими, лисоний фаолият тавсифини «тасодифлар», «асосиз танловлар», «номуқобилликлар» изоҳлари ихтиёрига бериб қўйишга сабаб бўлмоқда. Янада ачинарлиси, тил тизимини «эрkin анархия» ҳукмонлигига ўтказиш онгли фаолиятни лисоний фаолиятдан узоқлаштириш, узоқ қадимдан буён илм дунёсини қизиқтириб келаётган тил ва тафаккур муносабати муаммоси муҳокамасидан қочишга ундаиди. Лисоний белгининг структур яхлитлиги акустик образ ва тушунча муносабати, яъни жуфт субстанциаллиги замираida юзага келишини таъкидлаган Э.Бенвенист тилшунослар фалсафий муаммо бўлган тил ва онг муносабатини ўрганиш натижаларидан унумли фойдаланишларига ишонган эди. Унинг таъбирича, ифодаловчи ва ифодаланиш ўртасидаги «муносабатни эркин (ихтиёрий) деб ҳисоблаш ушбу муаммодан (тил ва тафаккур муносабати муаммоси – Ш.С.) четлашишнинг йўлидир... сўзловчи учун тил ва реал воқелик тўлиғича муқобилдир: лисоний белги воқеликни тўлиғича қоплади, унга ҳукмини ўтказади, боз устига, белгининг ўзи воқеликдир» (Бенвенист 1974:93). Француз тилшуносининг ишонишича, «ифодаланиш ва ифодаловчи орасидаги боғлиқлик эркин (шартли) эмас, аксинча, бу боғлиқлик - заруриятдир» (Ўша асар, 92-бет). Инсон онгидаги «хўқиз»

түшүнчаси, албатта, böf (француз учун) ёки ox (инглиз учун) акустик образи билан қиёсланади, тенглаштирилади. Лисоний тафаккурдаги бундай тенглашув ифодаланмиш ва ифодаловчи орасидаги боғлиқликнинг заруриятлигидан дарак бермайдими?! Худди шу зарурият сабабли барча ифодаланмишлар, бошқача айтганда, воқеликни акс эттирувчи түшүнчалар лисонда ўз ифодаловчисини топади. Айтилган боғлиқлик зарурият бўлмаганида пайдо бўлаётган лисоний шакл, ифодаловчи белги бизнинг онгимиз учун нотаниш ва бегона бўлиб қолаверар эди.

Лисоний белги танловининг ихтиёрийлиги борасида Соссюрнинг назарий карашлари мукаммал эмаслигига унинг шогирди Ш.Балли ҳам ишора қилган эди. Маълумки, Соссюр лисоний белгининг ихтиёрийлигини унинг турли ассоциатив муносабатларга киришиши билан изоҳламоқчи бўлиб, ушбу белгининг иккала қисми алоҳида ассоциатив қаторларга киришини ҳамда ихтиёрийлик ифодаловчи ва ифодаланмишга бир хилда хослигини исботлаш йўлини қидирган эди (Соссюр 2004:121-129). Аммо Ш.Баллининг кузатишича, лисоний белги танловининг асосли (мотивли) бўлишини аниқлаш учун унинг ташқи ассоциацияларидан кўра, ички боғлиқлик кўрсаткичлари аҳамиятлидир (Балли 1955:152). Масалан, немис тилидаги Schimmel белгиси «от» ва «оқ» түшүнчалари ва инглиз тилидаги starve феъли «ўлмоқ» ва «оч(лик)» түшүнчалари бирикувидан иборат. Бирикаётган ифодаланмишлар ушбу сўзларнинг икки хил ассоциацияга эга бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг имплицит (яширин) мотивга эга бўлишига муҳит яратади. Худди шунингдек, «йўргаламоқ», «лўқкиламоқ», «ҳиингламоқ», «иршаймоқ», «байтал», «совлик», «тойчоқ», «жўжа» каби лисоний белгилар таркибида ҳам икки (баъзан ундан ҳам ортиқ) түшүнчалар бирикувини ва уларнинг ботиний структурасида яширин мотивация мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Ҳатто устозининг измидан бутунлай чиқиб кетишни истамасдан лисоний белгиларни икки гурухга ажратиш тарафдори бўлиб турган Ш.Балли ҳам бу гурухлар ўртасида кезиб юрган белгилар истаганича топилишини эътироф этади (Ўша асар, 150-151). Умуман олганда, Соссюр амалиётга киритган ва кейинчалик семиотика ва семасиологиянинг асосий терминларига айланган *l'arbitraire* (ихтиёрий, эркин) ва *le moti've* (мотивли, асосли, изоҳли) тушунчаларининг қўлланиши ҳам нисбатан бўлиб, улар шартли мазмунга эгадирлар. Юқоридаги икки калимани қарама-қарши қўядиган бўлсак, Соссюр жанобларига, *l'arbitraire* сўзининг «изоҳлаш қийин» кўринишидаги маъносини танлашни маслаҳат берганимиз маъкул, чунки бу сўз фақат шу маънодагина «сабабини изоҳлаш, асослаш мумкин» мазмунидаги *le moti've* сўзига антоним бўла олади. Ушбу тушунчаларниң ўта кескин мазмунда талқин қилиниб келинаётганлигида таржимонларниң ҳам ҳиссаси бўлса ажаб эмас. Бинобарин, рус таржимонлари *l'arbitraire* тушунчасини «произвольный» кўринишида ўтиришиб, Соссюрниң талқини «тасодиф»дан ташқари, «ўзбошимчалик, мантиқсизлик» руҳини олишига сабаб уйғотганлар. Ахир шунчалик айлов гарданига тушаётган, XX аср систем тилшунослигининг дарғаси сифатида танилган Ф.де Соссюр тил табиатида «ўзбошимчаликлар» ва «мантиқсиз тасодифлар» хукмон бўлишини тарғиб қилишни ҳеч қачон хаёл қилмаганлиги аниқ-ку! У «*l'arbitraire*» тушунчасини қўллаш билан лисоний белги танловини ҳамда ифодаловчи ва ифодаланмис ўртасидаги алоқани ҳар доим ҳам, айниқса, синхрон тизимда, аниқ изоҳлаш қийинлигини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Лисоний белгининг табиатини нотўғри англаш, унинг маъно ва воқеликка бўлган муносабатини бир томонлама талқин қилиш семантикани лисон ҳудудига қолдириш ёки қолдирмаслик борасидаги сохта, мантиқсиз баҳс-муаммо

тугилишига сабаб бўлади. Бундай сохта муаммонинг кўтарилиши эса худди «олабўжи»дек тадқиқотчиларни семантикамага оид масалалар мухокамасидан чўчитади. Жумладан, бир пайтлар ўзини «марксист тилшунослар» қаторига кўшиб юрган ва лисоний белгининг табиатан жуфт хусусиятли эканлигини инкор этишнинг йўлини тинимсиз қидирган А.Г.Волковнинг таъкидича, «маъно - тилнинг белгилар тизими эканлиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган нолисоний категориядир. Демак, лисоний белги (тушунчаси – Ш.С.) маънони қамраб олмайди ва у онг (психика)га тегишли ҳодисадир» (Волков 1966: 69).

Москва давлат университети умумий ва қиёсий-тариҳий тилшунослик кафедрасининг профессори маънони нолисоний ҳодисалар сирасига киритиш ҳақидаги ғоясини Л.Блумфилд, Г.Шухардт, Ҳ.Пауль, А.А.Шахматов, А.А.Потебнялар номларини эслатиш билан «оқлаш» умидиди бўлади. Аммо Блумфилд антиментализмини Потебня ва бошқалар психологизми билан тенгглаштириб бўлмаслигини барчамиз биламиз-ку! Америка структурализми лисоний шаклларнинг семантик жиҳатларига умуман эътибор бермаслиги илмий адабиётларда доимий равишда танқидга учраб келаётган факт. Психологизм йўналишида эса, маъно ҳодисаси – мунтазам эътиборда. Ҳатто, А.Г.Волков номларини эслатган «ёш грамматика-чилар»ҳам маъно ҳодисасини лисон ҳудудидан ҳайдаб чиқариши ниятида ҳеч ҳам бўлмаганлар. Шу жумладан, антименталистлар қаторига кириб қолган Ҳ.Пауль маъно ўзгариши жараёни ҳақида гапираётиб, сўзлар узуал планда кўп маъноли бўлиши мумкинлигини эътироф этади. Масалан, немис тилидаги Fuchs сўзи кўпмаънолидир (*тулки - малия рангдаги от - малия одам - айёр одам - олтин танга - биринчи курс талабаси*), лекин окказионал қўлланишда у ҳар доим якка маъноли бўлади (Пауль 1960: 96). Немис тилшуносининг «айби» маъно фаоллашувини индивидуал-

рухий жараён сифатида қараш ёки маъно тараккىётини мииллий маданият билан боғлашидадир. Лекин бу Х.Пауль маъно ходисасини тилдан ташқарида кўраяпти ёки С.Д.Кацнельсон ўйлаганидек (Кацнельсон 1986: 246), «семасиологиянинг муҳим масаласи талкинида идеализм ва субъективизмни ҳимоя қиласайти», дегани эмас.

А.Г.Волков каби «материалистлар»нинг ҳар қанча зорланишларига қарамасдан, маънонинг лисоний белги (бирлик) табиатига хос эканлигини инкор этишининг имкони топилгани йўқ. Маънони лисоний фаолият кесимида ўрганиш лозимлигини бундан минг тилдан ортиқ олдинроқ Абу Али ибн Сино уқтирган экан: «Мантиқшунослик авалдан ва ўз-ўзидан лисонга аҳамият бермайди ва у тилга фикр алмашинув ва мулоқот ҳақида сўз кетгандагина мурожаат киласди. Агарда мантиқ таълимоти фақат оддий фикрни ифодаловчи маънони назарда тутса, балки бу етарли бўлар эди. Мабодо сўзловчи шахс ўзига ва бошқаларга яширин фикр ҳақида тилдан бошқа бирор нарса воситасида хабар бера олганида, унда тилдан фойдаланишга эҳтиёж қолмас эди. Бироқ тилдан фойдаланишга эҳтиёж ва заруриятдан қочиб бўлмайди» (қаранг: Сайфуллаев 2005: 528). Ватандошимиз инсон тафаккури сўз ва тушунча воситасида воқеланишини қайд этиш билан маъно ходисаси мантиқ ва психологияда қай даражада ўрганилса, ундан юқорироқ кўламда тилшуносликнинг обьекти бўлиши лозимлигини уқтираётгани йўқми?! Аспирантлик давримиздан буён ҳамфикр дўстим, назарий физика соҳасининг иирик мутахассиси Шуҳрат Сайфуллаевнинг тўғри таъкидича, Абу Али ибн Сино тил ҳодисалари таҳлили борасида ҳам Европа ва Америка тилшуносларидан саккиз-тўққиз асрлар олдинлаб кетган илм соҳибидир (Ўша асар, 527-бет). Ахир алломанинг юқорида келтирилган фикри Соссюрнинг «тил тушунчаларни ифодалаш учун яратилган ва шунга мослашган механизм эмас», деган

мурожаатини қай даражада чилпарчин қилаётганлигини яққол кўриб турибмиз-ку!

Хуллас, маъно ҳодисасининг лисоний-семиотик талқини ҳозиргача ўз қийматини сақлаб қолмоқда ва уни ҳеч қачон йўқотмаса керак. Семиотик ёндашувда семантиканинг объекти сифатида, одатда, «яхлит тил ёки унинг бирор бирлиги, ибораси воситасида узатилаётган ахборотнинг тўлиқ мазмуни» (Степанов 1981:12; Қиёсланг: Уфимцева 1986:62-69) танланади. Семантикани «тилшуносликнинг лисоний маънони ўрганувчи асосий соҳаси» (Crystal 2008:428) ёки, бошқача айтганда, тил бирликларининг мазмуний жиҳатларини ўрганувчи соҳа сифатида таърифлаш одат тусига кирган экан, семасиологияни ҳам айрим Фарб олимлари каби семиотика билан чалкаштирумасдан (бундай чалкашликтини, масалан, Д.Кристалнинг лингвистик атамалар лугатида «семасиология» тушунчасига изоҳ берилмаганида кўрамиз - Crystal 2008: 430), балки унга тилшуносликнинг алоҳида соҳаси мақоми берилгани асослидир. Албатта, турли бирликларнинг маъно хусусиятларини ўрганувчи соҳанинг маҳсус ва алоҳида мақомга эга бўлиши муҳим, аммо бу соҳага берилаётган таъриф-таснифга лисоний мазмуннинг қайси томонларини семантик таҳлилга тортиш ва бундай таҳлилни бажариш учун қандай метатил, амалий усувлардан фойдаланишга ишора бўлгани маъқулроқ кўринади.

«Бугунги кунда, - деб ёзган эди Адам Шафф, - семантика илмий тадқиқот соҳаси сифатида шунчалик мураккаблашиб бормоқда ва терминнинг ўзи ҳам шу қадар кўпмальномик касб этмоқдаки, агар биз кўнгилсиз чалкашликлар ва мантикий ноаниқликлардан қочишни истасак, «семантика» сўзининг ўзини семантик таҳлилга тортишимиз лозим бўлади» (Шафф 1963:23). Поляк семасиологиининг олтмиш йил олдин айтган сўзларини ҳозир ҳам такрорлашга ҳақлимиз. Тилнинг мазмуний қатламига

оид тадқиқотлар кўлами тобора кенгайиб, миқдори шиддат билан ўсиб бораётган бўлишига қарамасдан, семантика фанининг ўрганиш обьекти ҳақида аниқ бир фикрга келингани йўқ. Шу боис бўлса керакки, семантик таҳлилга тортилаётган материал кўлами ҳам тўхтовсиз ўзгариб турибди, у фонематик сатҳ бирликларидан бошланиб, то яхлит матнлар худуди, баъзан матнлараро муносабатларни ҳам қамраб олмоқда. Маъно категорияси бугунги кунда файласуфлар, мантиқшунослар, психологлар, тиљшунослардан ташқари, маданиятшунослик, социология, неврология ва семиотика каби соҳалар (Cruse 2000) вакиллари учун тадқиқот мавзуси бўлиб турганида семасиологиянинг худудини фақат лексик бирликлар семантикаси билан чегаралаб қўйиш уччалик тўғри бўлмаса керак. Лекин худудий кенгайиш ҳуқуқини олиш билан семантика (семасиология) фанининг таърифу тавсифи ва шунга боғлиқ ҳолда тадқиқ обьекти ойдинлашиш ўрнига янада мураккаблашмоқда. Баъзан фанимизнинг бу соҳасига аниқ таъриф беришдан қочаётган олимлар тўғри йўл тутаётган бўлсалар керак, деган хаёл ҳам түғилади. Бу хаёлга келишимнинг асосий сабаби аксарият тадқиқотчилар илмий терминлар ва тушунчаларни «шартли равища» кўллаётганларини эътироф этишлари дадир. Жаҳоннинг энг йирик маъношуносларидан бири бўлган, икки жилли «Семантика» (Lyons 1977) рисоласининг муаллифи Жон Лайонз ҳам семантикани шартли равища «маъно ҳақидаги фан» сифатида таърифлашни маъкул кўриб, «бу барча маъношуносларни яқдилаштирадиган таърифдир», деган холосага келган эди (Лайонз 1978: 426). Ўзини тил ходисалари таҳлилига обьектив ёндашув тарғиботчилари қаторига қўйишни истаган ва тил табиати ҳақидаги нотўғри тасавурдан кутулиш нечоғли қийин бўлса-да, «лекин тиљшунослик билан шуғулланишга аҳд қилганлар учун бу ўта зарур» эканлигини уқтироқчи бўлган (Ўша асар, 22-

бет) Эдинбург университети профессори «шартли» иш кўриш тарафдори бўлиб турганидан сўнг, бошқалардан нимани кутишингни билмай қоласан киши.

Семантиканинг худудини белгилашда муаммоли вазият юзага келишининг сабаби, биринчи навбатда, маъно категориясининг ўзи аниқликка муҳтоҷ эканлиги билан боғлиқ. «Семантика маъно ҳақидаги фан» ёки «семантика маъно ҳодисасини ўрганади», дейиш осон, лекин «Маъно тушунчаси нимани англатади?» ёки «Маъно нима?» саволларига ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди. Бериладиган жавоблар турли-туман, айрим ҳолатларда мазмунан бир-биридан йироқ. Мисол тариқасида маъно категориясига берилган айрим таърифларни қиёслайлик: «Маъно – бирор-бир объектнинг қундалик турмуш, эстетик, илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолиятларни бажараётган шахслар учун нимани англатишни билдиради» (Кондаков 1971, 162). Мантиқшунос томонидан берилаётган ушбу таъриф маъно категориясини фаолият категорияси билан боғлиқ ҳолда тавсифлашга ишорадир. Албатта, мантикий семантика йўналишида ушбу категориянинг бошқача талқинлари, жумладан, воқеликнинг инсон онгидга акс этиш жараёнини тавсифловчи талқинлар ҳам мавжуд.

Тилшунос Ю.Д.Апресяннинг талқинича, семантика «лисоний белги воситасида номланётган умумий хусусиятларга эга бўлган нарсалар гурухи ёки иштирокчилари учун инвариант бўлган ва уларнинг муносабатларини боғлайдиган нолисоний вазиятлар гурухи ҳақидаги маълумотни ифодалайди» (Апресян 1974: 56). Яна бир тилшуноснинг фикрича, «маъно – предмет ҳақидаги фикр бўлиб, бу фикр ички форма (аниқроғи - тасаввур) ҳамда шаклланётган ёки шаклланган тушунча негизида ҳосил бўлади» (Алефиренко 2005: 17).

Кўринадики, мантиқшунос ва тилшуносларнинг маъно ҳодисасига бераётган таърифларида, улар қайси даврда ва қандай йўналишда ижод қилаётганликларидан қатъи назар, маънонинг пайдо бўлиши замирида лисоний белгининг ифодаланаётган (аталаётган) предмет-ҳодиса билан боғлиқлиги ва бу боғлиқликнинг билвосита эканлиги, яъни онг, тафаккур шакллари воситасида кечишига ишора мавжуд. Худди шу мазмундаги ишоралар А.Н.Смирницкий қачонлардир келтирган таърифда ҳам мавжуд эди. «Сўзнинг маъноси, - деб ёзган эди ўтган асрнинг ўрталарида бу германшунос олим, - предмет, ҳодиса ёки муносабатнинг (ёки воқеликнинг алоҳида элементлари тасвиридан тузилган ўхшаш характердаги психик тузилманинг) онгдаги аксидир. Бу акс (тасвир) сўзнинг структурасидан унинг ички томони сифатида ўрин олади ва унга нисбатан сўз талаффузи материал, қобиқ хизматини бажаради. Бу қобиқ (фонетик шакл – Ш.С.) нафақат маъно ифодалаш ва уни бошқаларга етказиш учун, балки ўзининг ҳосил бўлиши, тузилиши, мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун ҳам зарурдир» (Смирницкий 1955: 89). Мумтозлик даражасига етган ушбу таъриф маънони қандайдир бир мавхум ёки формал ҳодиса сифатида қарашдан қочишга, уни объектив (ёки хаёлий) оламдаги предмет-ҳодисаларни инсон тафаккуридаги аксининг лисоний воқеланиши натижасида юзага келадиган лисоний тафаккур фаолияти меваси кўринишида тасаввур қилишга ундейди.

Шундай қилиб, «Маъно нима?» ва «Умумий семантик назария лисоний ҳодисаларнинг қайси жиҳатларини акс эттириши лозим?», деган саволларга жавоб излаш ҳаракати давом этмоқда. Лекин бу саволларга берилаётган жавобларнинг турли-туманлиги семантика илмини ҳеч қачон бирор бир инкирозли вазиятга судрагани ҳам йўқ. Аксинча, семантика назарий жиҳатдан бардамлашиб бормоқда, семантик материални тизимлаштириш ва

амалиётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган ишларнинг кўлами кенгайиб, самараси ортиб бормоқда. Семантикадаги бундай ҳолат математика фанидаги вазиятни эслатади. Математика объектнинг мавхум тасвири соҳасида, сўзсиз, тилшуносликка нисбатан анча илгарила бетган фандир. Бу фанда табиий сонларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳловчи рекурсив жараёнлар ёритилади, сон билан ифодаланадиган муносабатлар, нисбатлар ҳақида жуда кўп теоремалар берилади. Лекин бундай мустаҳкам назария шаклланган бўлишига қарамасдан, «Сон нима, у нимани англатади?» саволи аниқ жавобга эга эмас. Олинадиган жавоблар қанчалик кўп бўлса, ўзаро англашилмовчиликнинг меъёри ҳам шунчалик ўсиб боради. Аммо шунинг билан биргалиқда, сонлар онтологияси назариянинг бир меъёрда қолишини талаб қиласди, чунки таклиф қилинаётган ҳар қандай назария сонларнинг туб хусусиятларини ифодалashi, акс эттириши лозим. Наздимда, худди шундай талаб тилшуносликда ҳам мавжуд ёки мавжуд бўлиши даркор. Агар биз маъно ҳодисаси ҳақида бирор бир маънили фикр билдиromoқчи бўлсак, даставвал, ушбу ҳодисанинг туб моҳиятини белгиловчи хусусиятларни иккиламчи кўрсаткичлардан фарқлаш йўлидан боришимиз талаб қилинади.

Ушбудан келиб чиқадиган хулоса яна бир талабни ўргата ташлайди: маъно категориясига бериладиган таъриф умумий характерга эга бўлиш билан бир қаторда, унинг (маънонинг) табиатига мос изоҳни бериши керак. Кўйилаётган талаб ўринли, бироқ бу «лингвистик семантика лисоний маъно билан шуғулланиб, унинг бошқа турдаги маънолардан фарқини кўрсатиши лозимми?», деган саволни туғдириши турган гап. Маъно ҳодисаси қатор фанлар учун тадқиқ обьекти бўлиши мумкинлиги олдинроқ ҳам айтилган эди. Тилшуноснинг вазифаси лингвистик семантика ҳудудини аниқлашдан иборат эканлигини ҳам биламиз.

Лекин «соф» лисоний маънони ажратиб олишнинг имкони бормикан? Айрим ҳолларда бунинг имконини топиш мумкиндеқ кўринади. Масалан, «очмоқ», «ёпмоқ» феълларининг «Эшикни оч» ёки «Эшикни ёп» нуткий актларида қўлланишида эшикнинг ёпиқ ёки очик бўлишини назарда тутувчи пресуппозиция ушбу бирликларнинг лексик маъноси тавсифи учун унчалик муҳим эмас. Аммо «кељмоқ», «кетмоқ», «бормоқ», «жўнамоқ» каби феъллар қўлланишида нутқ субъектининг қаерда турганлиги ҳақидаги ахборот эътиборсиз қолмайди. Бундай дейктик ахборот лексик маъно шаклланишида ўз ўрнига эга.

Худди шу сингари инглиз тилидаги *giggle* «ҳирингламоқ» феъли ва *buxom* «тўла қўкракли, тўлишган» сифатининг мундарижасидаги иш-ҳаракат бажараётган ёки сифатланаётган шахснинг жинси, ёшига бўлған ишоралар лексик маъно тавсифида акс топади ва буни биз ушбу сўзларнинг лугатдаги изоҳида кўрамиз: *giggle – a form of laughter which is represented in an uncontrolled manner, esp. by young girls* (Longman Dictionary 1986: 478); *buxom – (of a woman) attractively fat and healthy-looking* (Ibidem, p.139). Бундай ҳолат ўзбек тилидаги лексик бирликлар изоҳида ҳам кузатилади: *нозанин-қадди-қомати келишган ва гўзал* (аёл, қиз); *ишива қилмоқ – ноз қилмоқ*.

Тил бирликларига тўлиқ семантик тавсиф бериш лисоний маъно доирасидан четга чиқишига ва бундай тавсиф ортиқча, нолисоний, тил бирликларининг турли муҳитларда қўлланишига оид маълумотларнинг лугавий изоҳларга кириб қолишига олиб келишига сабаб бўлишидан қўрқкан айрим тадқиқотчилар бошқаларни ҳам огоҳликка чақириб турадилар. Эҳтиёткорлик илмий фаолият учун муҳим, албатта. Лекин семантик тадқиқ жараёнида прагматик, социолингвистик, психолингвистик каби тил бирликлари мундарижасининг муҳим қисмларини ташкил қиласидиган маълумотларни эътибордан қочириш лисоний маъно

категориясининг доирасини сунъий равишда торайтириш хавфини тұғдирмасмikan?! Бу уники-ю, буниси бошқасиники (бошқача айтганда – «бу меники-ю, униси сеники») қабилидаги ёндашув диалектиканинг «ёки-ёки» тамойилининг таъсиридир. Мен воқеликни шундай (яъни, ўзим хоҳлаганимдек) күраётганим учун ҳақман-у, бошқалар ноҳақми?! Воқелик – кўп қиррали, уни кўриш учун турлича «кўз билан қараш», турлича «образ»ларда тасаввур қилиб кўриш керак бўлади. Эҳтимол, маъно ҳодисасининг ҳам диалектиканинг «ва-ва» тамойили нуктаи назаридан ўрганилиши «ҳавода осилиб турган» саволларнинг баъзиларига қониқарли жавоб топишнинг йўлидир.

Ҳамма нарсага ишонмаслик борини ҳам инкор қилишга сабаб бўлади (скептицизмдан нигилизмгача бўлган масофа – бир қадам). Ҳамма нарсани инкор этиш йўлини танлаган марксистларнинг «мумтоз фалсафани итқитиб ташлаш» ҳақидаги асоссиз шиорлари қандай шармандали оқибатта олиб келганлигини тарихдан биламиз. Бу шиорнинг яловбардори бўлган Ф.Энгельс немис файласуфи Людвиг Фейербахнинг қарашларига баҳо бераётиб, «энди табиат фалсафаси абадий гўрга кўмилди, уни қайтадан қазиб олиш борасидаги ҳар қандай уриниш ортиқча харакат бўлибгина қолмасдан, балки орқага қайтишдир», деб кучанишининг сабаби фалсафага «буржуазия маҳсули» тамғасини босиш ва оламни билишнинг ягона йўли – «уни пролетарларча тушуниш» деган маддоҳона гояни тарғиб қилишдир. Фоянинг ўзи бетамиз бўлгандан сўнг, унинг тарғиботчиларидан таъмизли фикрни кутиб бўлармиди?! Марксистлардан ўн асрлар олдинроқ ўтган Абу Наср ибн Муҳаммад Ибн Узлуғ Тархон Форобий оламни билишда мантиққа муружаат қилмаган кимсани қоронғида ўтин ёраётган одамга ўхшатгандигини эслатсак, «фалсафа – буржуазия маҳсули» дейишни ҳам хушини йўқотган кимсанинг алаҳсирашига ўхшатишига ҳуқуқимиз бўлса

керак. Қандайдир «пролетарча билиш» (Минин 1990: 209) гояси эса, вос-вос касалига дучор бўлганинг алжирашига ўхшаб кетади. Ахир «Ал – муалими соний»— Форобий ва у асарларига шарҳлар битган Аристотель, Птоломей, Гален каби алломаларнинг буржуазияга қандай алоқаси бор экан?!

Афсусланарлиси шундаки, скептицизмдан нигилизм сари юриш тилшуносликни ҳам четлаб ўтган эмас. Айниқса, бу Америка структур тилшунослиги, дескриптивизм ҳукмронлиги даврида ва генеративизм шаклланишининг дастлабки босқичларида маъно категориясини лисоний ҳодисалар қаторидан четлаштириш ва лингвистик таҳлил доирасидан сиқиб чиқариш йўлида бажарилган ҳаракатлар мисолида аниқ кўзга ташланади. Тил тизими таҳчилини формаллаштириш йўлларини излаган Л.Блумфилд «маънони бизнинг фанимиз доирасида ўрганиб бўлмайди» (Блумфилд 1968: 175) дейиш билан нимани назарда тутаётганлигини тушуниш қийин. Маъносиз лисоний шаклни тасаввур қилиш гавдани унинг эгаси – инсондан жудо қилишдан бошқа нарса эмас.

Блумфилдни тушунишимиз унинг бироз олдинроқ билдирган бошқа бир фикрини тинглаётганимизда янада мушкуллашади: «ҳар бир лисоний шакл маъносига аниқ илмий тавсиф бериш учун сўзловчи атрофидаги оламнинг барча нарса-ҳодисалари ҳақида аниқ илмий маълумотга эга бўлишимиз лозим» (Ўша асар, 142-бет). Агар маъно воқелик оламини тил олами билан боғлаши назарда тутилаётган бўлса, бу жуда ҳам тўғри фикр. Лекин маъно ва олам ўртасида яна бир боғловчи тугун мавжудлигини ҳам унутмаслик лозим. Бу тугун – инсон ва унинг оламни идрок этиш фаолияти. Маъно ҳодисасини тавсифлаш учун унинг воситасида ифодаланаётган воқеликни билишимиз балким зарурдир, аммо бу билимнинг «аниқ илмий» бўлишига не ҳожат?! Оламдаги предмет-ҳодисаларга илмий тавсиф бериш, уларни гурухларга таснифлаш алоҳида фан

соҳаларининг вазифаси, мутахассисларнинг иши. Лингвистик маъно таҳлилини соҳалар вакиллари берадиган профессионал изоҳлардан фарқлаш лозим.

Кўринаидики, савол биргина бўлишига қарамасдан («Маъно нима?»), берилаётган жавоблар турли-туман. Бу жавоблар лисоний маъно категориясининг моҳиятини тўлиқ ифодалай олмасалар-да, ҳар ҳолда билдирилаётган фикрлар маълум бир қимматга эга бўлиб, хеч бўлмагандан тадқиқотчиларни шу муаммо хусусида бош қотиришга ундаиди. Маъно назариясига оид фикрларни қиёслаётиб, олимлар маъно ҳодисасининг мавжудлигини ҳамда ушбу ҳодисанинг юзага келиши воқеликни ирок этиш билан боғлиқлигини қайд этишда бироз бўлса-да ҳамфикр эканликларини сезамиз. Дарҳақиқат, лисон қандай мавжуд бўлса, лисоний маъно ҳам шундай мавжуд. Аммо лисон ва маънонинг воқелик билан боғлиқлиги оддий муносабат кўринишида эмаслигини ҳам унугтмаймиз. Кeling, бу муносабат масаласи муҳокамасини жиндек орқага суриб турайлик-да, маъно категорияси борасидаги мунозара истакда эканликларини ўйлаб кўрайлик. Менимча, маъно ҳодисаси билан машғул бўлган ва бўлиб турганлар тадқиқотчиларни уч асосий гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги тадқиқотчилар маъно ҳодисасининг моҳиятини тавсифлаш учун ушбу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятлари ва тил бирликларининг барча семантик муносабатларини батафсил таҳлил қилиш йўлидан бормоқдалар. Иккинчилари эса, маъно ҳодисасининг «субстанцияси»ни излаш билан бандлар ва, ниҳоят, учинчи гуруҳдагилари маъно қандай усулда инсонларга атрофдаги воқелик ҳақида ахборот етказиш имкониятини беришини аниқлаш истагида юришибди. Бу истаклар, ўз навбатида, семантик назарияларнинг ҳам турли йўналиш олишига,

ягона бир объект тадқиқида турли ёндашувлар танланишига сабаб бўлмоқда.

«Маъно нима?» саволига жавоб қидираётганлар таклиф қилишаётган назарияларда асосан «тengлаштириш» ёки идентификация (инг. identify «тengлаштириш йўли билан аниқлаш») тамойили танланган. Бу тамойил икки хил услубда фаоллашади. Биринчисида бу тамойил маънони бевосита воқелик билан тенглаштиргани учун бериладиган тавсиф референт муносабати кўринишини олса, иккинчисида муносабат билвосита кўринишда англишилинади, яъни тавсиф маънонинг тушунча билан боғлиқлигига ишора қиласди. Мисол тариқасида «*Кумуш бўгда эди*» жумласини оладиган бўлсак, унга «Ушбу гап маълум бир бўгда бўлган маълум бир қиз ҳақида», деган изоҳини бериш билан бир қаторда, «*Кумуш исмли қиз бор ва у бўгда бўлган эди*» мазмунидаги маълумотни оламиз. Бу каби изоҳлар маъно ҳодисасининг референт ёки денотатив талқинига асос бўлади, зотан, улар воқеликнинг айрим хусусият-белгиларини изоҳлаётиб, шу воқелик ҳақида ахборот бермоқдалар. «*Кумуш исмли қиз бор*» изоҳи мавжудлик ҳақидаги хабар бўлиб, Кумушнинг (ёки бошқа бирор бир қизнинг) ҳақиқатан ҳам борлигини англатади. Шу боис референт талқинидаги маънони «воқеликдаги маъно», деб аташимиз мумкин.

«Референт маъно» семантик назариянинг марказий тушунчаларидан. Бироқ референтлик маъно ҳодисаси моҳиятини тўлигича тасвирлай олмайди. Юқорида келтирилган жумла маъносининг мағзини «чакиб олиш» учун маълум ментал амалларни бажаришимиз лозим бўлади. Бинобарин, сўзловчи «*бое*» сўзини қўллаётиб, «Навоий номли истироҳат бўгини» назарда тутаяттимикан ёки қишлоқдаги мевали боғними? Буни англап учун референтни тўлиқ билиш талаб қилинади. Сўзловчи назарда тутаётган маъно ёки унинг онгидаги (бошқача айтадиган бўлсак,

инсон миясидаги) маъно аслида тушунча(вий) маъно(си)дир. Психолингвистик ёки менталистик назария доирасида қаралганда лисоний белгининг воқеликдаги нарса-ҳодисалар билан боғлиқлиги ўрнига воқелик ҳақида онга ҳосил бўлған тасаввур, тушунча, образ етакчи ролни ўйнайди.

Бундан ташқари, юқоридаги жумланинг маъносини янада аниқлаштириш учун унинг қайси вазиятда, муҳитда айтилаётганинги ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Фараз қиласликки, Кумуш ўжар, жанжалкаш қиз бўлсин, унда сўзловчи Кумушнинг боғда бўлганлигидан хабар берәётиб, «унинг билан жанжаллашиб қолмаслик учун боққа бормадим» демоқчи эмасмикан? Ёки «Мафтуна қишлоқдаги боғда бўлгани учун тўйга бормади», деган изоҳни бермоқчимикан? Хуллас, лисоний бирликлар ифодалайдиган маъно контекст таҳлилига ҳам муҳтоҷ. Бундай «фаол маъно» социолингвистик ва прагмалингвистик назариялар доирасида тавсифланади.

Хуллас, ҳозирги кунда маъно ҳодисаси таҳлили турли йўналишларда олиб борилмоқда. Ушбу йўналишларда тарғиб қилинаётган назарий ғоялар ҳақида фикрлашиш, уларнинг таҳлил тамойиллари билан яқиндан танишиш инсон лисоний қобилиятининг марказий қисмини эгаллайдиган маъно ҳодисасининг табиатини билиш борасидаги изланишлар истиқболини режалаштириш учун муҳимдир. Алоҳида олинган назарияларнинг барчаси, албатта, ўзига хос ғоялар замирида шаклланган ва улар ягона бир объектни турли нуқтаи назардан ўрганиш, унга турлича талқин бериши билан фарқ қиласилар. Аммо маъно категорияси тадқики учун ёндашувлар, назарияларнинг фарқли жиҳатларидан кўра уларнинг умумийликка, ўюшишга мажбурловчи манбаларни қидириш муҳим қадам бўлишига сизни ишонтиromoқчиман. Энди маъно ҳодисаси таҳлилига референт ёндашув ҳақида фикрлашсак.

2-БОБ. МАЬНОНИНГ РЕФЕРЕНТ НАЗАРИЯСИ

Сўз ва бошқа лисоний бирликлар, энг аввало, бирор киши бошқаларга маълум қилибни мўлжаллаётган предмет ва ҳодисани номлаш, ифодалаш учун хизмат қилишини биламиз. Шу боис маъно тил бирликларининг воқелик билан муносабатини акс эттирувчи ҳодисадир. Маъно ҳодисасининг бу йўналишдаги тавсифи семасиологияяда референт ёки денотатив назария, деб қаралади. Тарихи узоқларга бориб тақаладиган ушбу назария аслида лисоний белгини ифодаланмиш ёки воқелик билан боғлаш амалининг натижасидир. Аммо «лисоний жумлалар тилдан ташки оламда мавжуд бўлган нарсаларга ишора қиласди» (Abbott 1997: 108), дейиш маъно (лисоний белги) ва оламдаги нарса-воқеани бир қаторга қўйиш, тенглаштириш хукуқини ҳеч кимга бермаса керак. Лисоний белги ва воқеликдаги объект ўртасидаги муносабат маъно ифодасида, сўзсиз, ўз ўрнига эга. Бу муносабат инобатга олинмаган тақдирда, масалан, олма сўзининг маъноси мавхум, ноаниқ, сирлидек кўринади. Воқелик ва лисоний бирлик маъносининг боғлиқлиги инобатга олинганда эса, бундай ноаниқлик, сирлилик тўлиқ йўқолмаса-да, ҳар ҳолда кескин даражада сустлашади. Таърифланаётган муносабат, боғлиқлик қанчалик ташки бўлишига қарамасдан, тил бирликларининг кенг меъёрда нутқий фаоллашуви натижасида бу муносабат шу даражада кучаядики, бу сўз ва номланётган объектини тўлиқ

ўхшатиш, уларнинг ягона бир ҳодисадек идрок этилишигача олиб келади. Лекин бундай тенглаштириш ишонарли эмас. Маъно ҳеч қачон олма бўла олмайди. Олмани ейиш мумкин, маъно эса истеъмол қилинмайди; маънони уқиб бўлади, лекин истеъмол қилинаётган олмани тушуниш шарт эмас. Бошқача айтилса, олма лисоний бирлиги олма предметининг мундарижавий хусусиятларини акс эттиради, шунингдек, «олманинг уруғи» иборасида ҳам «олма» маъноси сақланади, аммо олманинг уруғида олма йўқ.

Референт назарийасининг нуқсонларини, айниқса, унинг маъно ҳодисаси тавсифи учун ноқулай жиҳатларини кўрсатишга биринчилардан бўлиб мантиқшунос математик Готтлиб Фреге уринган эди. Олимнинг 1892 йилда эълон қилинган *Über Sinn und Bedeutung* номли мақоласи маъно ва денотат (референт) ҳодисаларини фарқлаш ниятида битилган (Frege 1892;Frege 1952) бўлиб, унда кўрсатилишича, «тонги юлдуз» ва «тунги юлдуз» ибораларининг референти – воқеликдаги ягона бир ҳодиса – Зухро юлдози. Лекин бу ибораларнинг маъноси фарқ қиласи-ку! Бундай фарқ бўлмаган тақдирда «Тонг юлдози – тунги юлдуздир» «Зухро юлдози - тонг юлдузидир» тузилишидаги гаплар бир хил маънони англатган бўлар эди. Ҳолбуки, биринчи тузилма ҳеч қандай мазмунга эга бўлмагани ҳолда, охиргиси коинот борасидаги маълум жиҳатдан аниқ бўлган рост ахборотни маълум қилмоқда. Демак, ягона бир референтга эга бўлган иккита иборанинг бир хил маънога эга бўлиши шарт эмас. Референтни аниқлаш маънони англашта тўлик имкон яратади, деган холосадан йироқроқ турганимиз маъқул.

Референт ва маъно ўртасидаги номуқобиллик, айниқса, дейқтик белгилар, иборалар қўлланишида якъол намоён бўлади. Масалан, бу китоб ибораси турли вазиятларда турли обьектлар (китоблар)га нисбатан ишлатилиб, ҳар хил маънони ифодалаши мумкин. Зотан, бу дейқтиги ҳар бир

вазиятда бирор бир аниқ китобга ишора қилаётганлиги сабабли референтлар ҳам ўзгариб туради. *Бу китоб, бу юлдуз* каби ибораларнинг референти улар маъносининг айнан муқобили бўлмаса-да, ҳарҳолда улар маълум бир воқеликдаги обьектни белгилайдилар. Аммо тил тузилишида шундай гурухдаги бирликлар мавжудки, уларнинг референтини топиш ўта мушкул. Ҳатто китоб сўзининг ўзини оладиган бўлсак, бу сўзниң референтини фақат *бу китоб* ибораси кўлланилганида аниқроқ тасаввур қилишимиз мумкин. Алоҳида луғат бирлиги сифатида қаралаётган *китобнинг* референти эса аниқ эмас.

Албаттa, *китоб* сўзининг референти – ҳар қандай китоб ёки китоблар мажмуаси, деган фикр ҳам йўқ эмас. Шундай ҳам бўлсин, унда бу *китоб, сенинг китобинг, бир қанча китоблар* каби иборалар нега китоблар умумий мажмуасига ишора қилмаётганлигини изоҳлашимиз лозим бўлади. Бунинг учун, даставвал, бу, *сизнинг, бир қанча сўзларининг* келтирилган иборалардаги маъносини аниқлашга мажбурмиз. Лекин «маъно референтни ифодалайди», деган ақидага эргашадиган бўлсак, ушбу дейтикларнинг референтини ким топиб бера олади экан? Бунинг йўлини топишга ҳаракат қилиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Лексик бирликларнинг семиологик синфларга тақсимлаш усулларини топишга уринган А.А.Уфимцева бундай тақсимотда учта тамойилга асосланиши кераклигини уқтироқчи бўлган эди. Олимсанаб ўтган тамойиллар куйидагилар: 1) денотатив (предмет) маънонинг мавжудлиги ва унинг сигнификатив (тушунчa) маъно билан муносабатида шаклланадиган сўзниң лисоний белгилик маъноси; 2) лисоний белгига абсолют (систем) маънонинг парадигматик муносабатлар доирасида юзага келадиган қиймаг билан ўзаро боғлиқ жихатлари; 3) лисоний белгилар фаоллик кўрсатадиган худудлар (Уфимцева 1986:98). Ана Анфилоғьевнанинг семиологик тасниф борасида билдирган фикрларини

қадрлашга мажбүрмиз, аммо у кишининг ҳам сон, олмош, боғловчи, предлог, послелог, артикл каби лугавий бирликларнинг маъноси ҳақида бирор бир аргигулик фикрни айта олмаётганликлари ҳайратланарлидир. Лисоний белгининг қандайдир алоҳида маъноси («знаковое значение») борлиги ва худди шу маънога «абсолютлик» («абсолютное или системное значение») тавсифини бериб ўтирган тадқиқотчидан яна нимани ҳам кутиш мумкин бўлар эди?!

Карл Бюлер дейттик хусусиятга эга бўлган бирликлар семантик изоҳга факат тил тизимининг алоҳида ҳудудида – кўрсаткич, ишора майдонида эга бўлишини таъкидлаган эди. «Шу ерда» ва «у ерда» бирликларнинг маъноси, -деб ёзган эди бу назариётчи-тилшунос, - сўзловчининг эгаллаган ўрнига нисбатан ўзгаради, шунингдек, «мен» ва «сен» сўзловчи ва тингловчилар роли алмашинишига биноан бир суҳбатдошдан иккинчисига ўтиб туради» (Бюлер 1993:75). Бундай «кўчманчи» характеристики лисоний бирликларнинг референти ҳам доимий бўлмасдан, балки ўзгариб туриши кутилган ҳолдир. Маъно референтини бекаму-кўст аниқлаш осон вазифа эмаслиги формал семантикада ҳам эътироф этилмоқда (Kamp and Reily 1993; Groenendijk et al. 1996).

Маъно ва референт муносабати муҳокама қилинаёт-ганда атоқли отлар ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Б.Рассел атоқли отларнинг маъноси дескриптив (тавсифлаш) хусусиятига эга эканлиги ва ўз денотатларини якка, ягона предмет сифатида тавсифлашига аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган эди (Russell 1940). Демак, математик Б.Рассел ва унинг издошлари учун Аристотель номи «Платоннинг шогирди ва Александрнинг устози бўлган файласуф» маъносини англатади. Бироқ бирор бир тил бирлигининг маъносини шу йўсинда аниқлаш ва унинг референтини ёлғиз, якка предмет сифатида тавсифлаш билан муаммодан қутулиб бўлмаса керак. Агар биз атоқли

отнинг референтини қандайдир якка, ягона шахс деб қарайдиган бўлсак, унда Б.Расселни «Principia matematica» асарининг муаллифи сифатида тавсифлашимиз қийинлашади. Ушбу асарнинг яна бир муаллифи бўлганилиги боис Рассел – «асар ҳаммуаллифи»дир. Мантиқнинг дедуктив-аксиоматик тузилиши ёритилган ушбу асарнинг иккинчи муаллифи – А.Уайтҳед. Худди шунингдек, Брутни тўлик маънода Юлий Цезарнинг қотили сифатида тавсифлаш қийин, чунки ёзишларига қараганда, Цезарнинг 11 та қотили бўлган.

Атоқли отларнинг референти ягона, ёлғиз объектлар эканлигига ва уларнинг маъноси дескриптив-тавсифий характерга эга бўлишига келишиб олдик ҳам, дейлик. Лекин улар воситасида аталаётган объектларнинг турли онтологик категорияларга оид эканлигини ҳам биламиз: Аҳмад Яссавий – тарихий шахс, Отабек эса, – тўқима образ, шунингдек, «Дукчи эшон кўзголони» – воқеа, Марғилон – жойнинг номи, 1990 йил – вақт оралиғи, «Муножот» - куй, «Файз» - корхона. Бундай кўринишдаги лисоний белгиларни умумлаштирадиган (бир синфга бирлаштирадиган) нарса – уларнинг барчаси ёлғиз объектларнинг номлари бўлишидадир. Маъноси дескриптив (тавсифий) хусусиятга эга эканлиги қайд этиб келинаётган ушбу қатордаги бирликлар индексиал, яъни кўрсатиш, ишора қилиш вазифаси ва мазмунидан тамоман холи бўлишига ишониш қийин. Сўзсиз, ёлғиз объектга берилган ном, биринчидан, айни шундай номланишнинг сабабига кўра, шу объектнинг «тарихи»га айланади, иккинчидан, шу ном объектнинг «мулки»га айланади. Худди шу мулкчилик ҳиссияти бизни атоқли отларнинг маъноси факат дескриптив хусусиятга эга, дейишга мажбурлаётгандек туюлади. У ҳолда турдош отларни ҳам индексиал хусусиятдан, кўрсатиш вазифасидан озод қилиб кўйишга мажбур бўламиз. Жумладан, «танга» сўзининг референти, умуман металлдан ясалган пул белгиси

бўлгани билан, «Бухоро тангаси» ёки «ўша танга» ибораларида референт ёлғизланади. Худди шунингдек, «Нурмонов маъруза ўқиди» ва «Профессор маъруза ўқиди» гапларини қиёслайдиган бўлсак, «Нурмоновга» кореферент (ҳамреферент) бўлган «профессор»нинг денотати ҳам ёлғиз объектга айланади. Бунинг исботини формал мантиқий таҳлил амалининг кўлланишида ҳам кўришимиз мумкин, зеро, юқоридаги икки гапнинг мантиқий формуласи x (Rx x Wx) кўринишини олиб, «воқеликда x бор, бу x – профессор ва x маъруза ўқиди» мазмунида изоҳланади. Ушбу изоҳнинг тўғрилиги эса, профессор отининг маъноси « x – профессор» кўринишида англапнилиши билан боғлиқ. Демак, «Йўлдошев профессор бўлди» дейилганда, иккита алоҳида шахсни номламаймиз, бу ерда «профессор»нинг декриптив хусусияти алоҳида шахс – Йўлдошевга боғланмоқда.

Референция назариясининг тарафдорлари турдош отлар маъноси қандайдир алоҳида предметлар хоссаларини эмас, балки бутун бир синфга тегишли хоссаларни акс эттиришини қайд этадилар. Мантиқшунослар таъкидлашган (Kripke, 1972; Putnam 1975; Montague 1973) фикр тилшунослар томонидан кўллаб-куватланиши табиий бўлса-да, ўзларини «ментализм» тарғиботчилариdek кўрсатиб юришган айримлар, айниқса, генератив тилшунослик вакиллари, масалан, «китоб лексемасининг денотатив семаси фақат битта китобни эмас, барча китобларга хос умумий белгини билдириши»ни (Қаранг: Нурмонов 212: 154) инкор этишга уринмоқдалар. Тилни «стуфма қобилият», «генетик қобилиятнинг ифодаси» (Chomsky 2000: 187), деб юрган генеративистлар киши онгида (миясида) китоб туркумидаги барча предметлар ҳақида маълумот сақланмасдан, балки ёлғиз, индивидуал предмет, объект акс топади, деган ғояни тарғиб қилиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай ғоя тарғиботчиларидан бўлган Рей Жэкендоффнинг *профессор* лексемаси алоҳида олинганда ҳеч қандай

референтга эга эмас, унинг референти фақат «профессор» сўзи «ўша профессор», «янги профессор» каби бирикмалар таркибида аниқ бўлади, деган даъвосига (Jackendoff 2004: 322) ишонгим келади-ю, лекин бунинг иложи йўқ. Инсоннинг мияси тубсиз ва чекловсиз омбор эмаски, ҳар бир алоҳида олинган обьект ҳақидаги чексиз маълумотларни тўплаб олиб, зарурият туғилгани заҳотиёқ уларни лисоний воқелантириш имконини яратиб бераверса. Лисон ва воқелик ўргасидаги муносабатнинг воқеланиши мураккаб лисоний тафаккур фаолияти натижасидир. Бу фаолиятнинг кечиши когнитив тамойилларга асосланади. Шундай тамойиллардан энг муҳими воқеликдаги ҳодисани парчаланган кўринишда эмас, балки яхлит ҳолатда идрок этишdir. Психология ва когнитологияда «гештальт идроки» номини олган назарияга биноан бирор обьект идрокида унинг энг кўзга ташланарли жиҳатларини танлаб олиниб, намуна-моделни ҳосил қилиш муҳимdir. Бу намуна маъно ифодаси учун негиз хизматини ўтайди. Намуна ва кейинчалик маъно юзага келишида иккиласми, ўткинчи жиҳатлар қарийб ҳеч қандай ролни ўйнашмайди. Мисол тариқасида эшак ва ўнг сўзларининг лугатда бериладиган изохини қарайлик:

- а) эшак – якка түёқлиларга мансуб, қулоқлари узун, сут эмизувчи отдан кичик уй ҳайвони (ЎТИЛ 5-жилд: 63)
- б) ўнг – гавданинг юрак ўрнашган томонига қарама-қарши томонга жойлашган (Ўша луғат, 154-бет).

Берилаётган лугавий изоҳларда обьектлар ҳақидаги қомусий маълумотлар кўпинча сўзлар маъносининг алоҳида бўлаги бўла олмайдилар. Зоро, эшак сўзининг маъносини билиш, англаш учун унинг якка түёқлиларга мансублиги, сут эмизувчи бўлишининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шунингдек, ўнг сифатининг маъноси талқинида юракка қарама-қарши ёки жигар томонига жойлашувнинг эътиборсиз қолиши турган гап. Шу боис онгда сакланадиган ёки маълум шароитда ўзлаштириладиган ахборотнинг

барчаси маъно шаклланишида аҳамият касб эта олишига ишониш қийин. Бундай ахборотнинг маълум қисми денотатни тавсифлаш, уни бошқалардан ажратиш учун зарур бўлиб қолиши мумкин.

Сўз маъноси таркибида референция моҳиятига эга бўлган бирламчи ва бундай моҳиятдан жудо белгиларнинг мавжудлиги тадқиқотчиларни маъно тузилишининг қаватланиш, иерархик табиатини тасвирлашга ундаиди. А.Нурмонов маъно семик тузилишининг поғонавийлик хусусиятини қўйидагича тасвирлашни маъқул кўради (Нурмонов 2012: 155): 1) номинатив сема (денотатив, сигматик маъно); 2) акс эттириш (сигнификатив) семаси; 3) структур сема (белгининг бошқа белги билан муносабатини ифодаловчи маъно); 4) ифода семаси (коннотатив сема); 5) амалий сема (прагматик сема). Аёнки, ўзбек тилишуноси санаб ўтаётган семалар сўз семантик структураси таркиб топишида иштирок этувчи хусусиятларни қамраб оладилар ҳамда уларни бирламчи ва иккиласмчи турларга ажратиш қийин. Бундай семалар маъно структурасининг қаватланишидан кўра кўпроқ қатламланишини акс эттирадилар.

Инглиз тилишуноси Южен Найде маъно тузилишидаги иерархик муносабатларни аниқлаш учун таҳлилни икки (вертикал ва горизонтал) йўналишида бажаришни маслаҳат беради (Nida 1975: 156). Вертикал таҳлилда «юқори қаватдаги» (*more inclusive*) маъно «қўйи қаватдаги»лари (*less inclusive*) билан қиёсланади. Горизонтал таҳлилда эса, бир поғонада жойлашадиган маъно хусусиятлари қиёсланади ва бунда маъноларнинг бир-бири билан кесишуви, мос келиши, бири иккинчисини тўлдириши каби муносабатлар аниқланади (Найде 1983: 61). Вертикал-горизонтал таҳлил натижаларини кўрсатиш учун муаллиф инглиз тилидаги *magazine* «журнал» сўзини таилаган. Ушбу сўз семантик структурасининг энг юқори поғонасида *periodical* «даврий нашр» маъноси туради ва шу поғонада у

даставвал journal («илмий журнал») сўзи билан қиёсланиб, кейин book «китоб», brochure «брошюра» кабиларга қарама-қарши қўйилади. Кейинги погонада magazine «журнал»нинг турлари аниқланади: slicks «енгил жанрдаги журнал», pulps «шов-шувли воқеалар ҳакидаги арzon нархли журнал», comics «юмористик журнал». Таҳлилнинг учинчи босқичи горизонтал йўналишда бўлиб, унда бир томондан, magazine «журнал»нинг бошқа нашрлардан (китоб, брошюра кабилар) даврийлиги билан фарқланиши кўрсатилса, иккинчи томондан, magazine ва journal сўзларининг фарқловчи белгилари аниқланади. Бинобарин, journal асосан «илмий журнал» маъносини ифодалайди. Ниҳоят, Ю.Найда таклиф қилаётган кўпқаватли таҳлилнинг охирги босқичида magazine сўзи семантик структурасининг фарқловчи белгилари (муаллиф сўзи билан айтганда – «ташхис бўлаклари» diagnostic components)нинг рўйхати аникланаб, маъно изоҳига замин яратилади (Ўша асар, 62-63 бетлар).

Шундай қилиб, бу йўсингдаги таҳлил асосида ажратилган «ташхис бўлаклари» сўз семантикасининг фарқловчи белгилари сифатида каралганда, magazine сўзининг лугатдаги изоҳи таркибига нашрнинг даврийлиги, унинг аҳолига хабар етказиш манбаи бўлишидан ташқари, муқоваланганлиги, чиройли безакли бўлиши, суратли эканлиги, рекламалар эълон қилиниши каби қатор хусусиятлари акс тоғиши талаб қилинади.

Берилаётган лугавий изоҳнинг маълум даражада узундан-узоқ бўлишининг сабаби, унинг таркибига тавсифланаётган обьектнинг асосий белгиларидан ташқари, яна бошқа иккимчидан, сўз референтив маъносини тасвирлаш учун етарли «мавқега эга бўлмаган белгилар – «ташхис бўлаклари»нинг ҳам киритилишидадир. Аммо юқорида санаб ўтилганидек, бундай таҳлил ва унинг натижасида юзага келадиган тавсифий изоҳлар лугатчилик амалиёти учун нақадар муҳимлигига қарамасдан, маъно ҳодисасининг

илмий тавсифини яратиш борасида етакчи ролни ўтай олмайды. Компонентлар таҳлили амалларининг семантикага татбиқ этилиши маълум бир тил бирлигининг бошқа бирликлар билан маъновий-мантиций муносабатларини аниқлаш ҳамда унга бирор бир гурух, семантик майдондан жой ажратишга имкон яратади, холос.

Равшанки, маънонинг воқелик, ташқи олам билан боғлиқлигини ҳеч ким инкорэтмаса-да, аммо ушбу боғланишнинг бир текис эмаслигини, унинг мураккаблигини тушунтиришга жазм этадиганлар камдан-кам учрайди. Тушунтириш учун аввал тушуниб олиш керак. Энг аввало, маъно ва воқелик муносабатининг марказида турувчи референт ҳодисасининг мавқеини белгилаш ва ушбу ҳодисани қаердан излашни билиб олиш зарурати туғилади.

Номиналистлар ёки реалистлар талқинида референция ҳодисаси тавсифи жуда оддий кўринишни олади. Улар наздида, «маълум контекстда қўлланилган иборанинг референти воқеликдаги бирор бир предмет ёки ҳодисадир» (чунки иборанинг маъноси худди шу предмет-ҳодиса ҳақида ахборот бермоқда). Бирваракайига айтиб қўяқолай: мен ушбу изоҳнинг фақат қавс ичидаги қисмига қўшила оламан. Изоҳнинг биринчи қисмига келадиган бўлсак, референтнинг воқеий оламда жойлашувига гумоним йўқ эмас. Ушбу гумоннинг сабаби – референтнинг эмпирик тарзда мавжуд эканлигини исботлашнинг имкони чекланганлигига. Мисол тариқасида «Қайрагочнинг меваси – олма» гапини олайлик. Дастребни назарда ушбу гапни воқелик билан боғлашнинг имкони бордек кўринади, чунки унда бирикаётган қисмларнинг ҳар бири алоҳида бир предмет – ҳодисани ифодалайди (аникроғи – номлайди). Аммо, «қайрагоч», «мева», «олма» сўзлари бирикувидан ҳосил бўлаётган тузилманинг референтини қаердан топамиз? Воқелик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, қайрагоч дарахти мева

бермайди. Шундай экан, юкоридаги тузилма, грамматик жиҳатдан ҳар қанча тўғри тузилган бўлмасин, воқеликда ўз референтига эга эмас.

Айни пайтда, референтни моддий ёки эмпирик воқеликнинг такори, тўлиқ акси сифатида тасаввур қилиш ҳам нотўғри хulosаларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унумаслик керак. Бундан саксон йиллар олдин невропатологлар ўтказишган бир тажрибани эслайлик (Капустник 1930). Тажриба жараёнида қўнғироқ чалинишига шартли рефлекс ҳосил қилинганд: қўнғироқ чалиниши заҳоти болалар резина босқоғини босишишган. Кейинчалик қўнғироқни чалмасдан туриб, «Қўнғироқ!» дейилганда ҳам болалар ўша харакатни бажаришган. Бунинг билан тажриба ўтказувчилар воқелик ҳодисаси ва унга мос келадиган лисоний белгининг (аниқроғи – нутқий актнинг) нервга таъсири бир хилда кечишини исботлаш ниятида бўлганилар. Аммо ушбу тажриба натижасидан биз янада бошқачароқ (тилшунос учун керак бўлган) хulosани чиқармоқчимиз: «Қўнғироқ» нутқий актининг референти воқеликнинг аниқ ҳодисаси, яъни қўнғироқниң чалиниши эмас. Референт воқеликнинг айниси, тўлиқ такори бўлиши талаб қилинганида фақат қўнғироқ чалинаётган пайтдагина «Қўнғироқ!» деб айтиш мумкин бўлар эди.

Маълумки, таржимашунослар, асар таржимасини аслият билан қиёслаётib, «денотатлар мослиги» тамойили ҳакида гапиришни ёқтирадилар. Бу тамойил «маънонинг қайта ифодаланиши» ва «мазмун яқинлиги» тамойилларига зид кўйилиб, воқеликнинг аслият ва таржимада бир хилда тасвирланиши ва батамом мос келишини талаб қиласди. Энди шу талабнинг қай даражада қондирилиши мумкинлигига аҳамият берайлик. Ҳамлетнинг машҳур To be or not to be – «Ё ҳаёт, ё мамот» монологидаги қуйидаги қаторларда воқеликнинг реал ҳодисаси ҳакида сўз бормаса-

да, муаллиф ушбу вазиятни воқелик тасвирида беришга ҳаракат қилмоқда:

*And thus the nature hue of resolution
Is sicklied o'er with pale cast of thought.*

Таржимон, ўз навбатида, Шекспир тасвирилаётган хаёлий воқеликни ҳақиқатдек (тош девор оқ сувоқ билан қопланаётгандек) тасаввур қилиши ва таржимада буни акс эттириши лозим. Худди шундай тасвирини Шлегель бажарган немис тилидаги таржимада кўрамиз:

*Det angebornen Farbe der Entschliessung
Wird des Gedankens Blässe angekränkelt.*

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол эса, ушбу парчани ўзбек тилига ўтиришда бошқачароқ йўлни танлайди:

*Ноқис ақл соғган ўша хира шўъладан
Азму қарор ранги ўчиб, бўзрайиб қолур.*

Кўринадики, ўзбек таржимони учун «денотатлар айнилиги» мезонидан кўра, маънони қайта яратиш ва мазмун яқинлигини сақлаш маъқулроқ. Шу йўл билан ҳам мавҳум метафоранинг (pale cast of thought) мазмуни ҳамда таъсир кучи сақланмоқда. Денотатни айнан такрорлашнинг қийинлиги ҳатто аслиятдаги сўзлар бирикуви сақлаб қолинганда ҳам аниқ намоён бўлади:

*Or to take arms against a sea of troubles,
And by opposing end them
Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб,
Койишлару ташвишларга чек қўймоқ керак?*

Таржимадаги «балолар денгизи» бирикмаси тузилиши жиҳатдан аслиятдаги a sea of troubles бирикмасига ўхшаш кўринади ва ушбу неологизм бирикмани ясаётган Жамол Камолнинг мақсади аслиятдаги воқелик баённининг мазмунини сақлаб қолишидир. Лекин бу денотатлар айнилигидан хабар бермайди. Худди шундай ҳолатни

юқоридаги парчанинг русча таржимасида (таржимон – М.Лозинский) ҳам кузатамиз:

*И ополчась на море смут,
Сразить их противоборством.*

М.Лозинский таклиф қилаётган «Море смут» a sea of troubles-нинг сўзма-сўз таржимасидек кўринса-да, аслида бу янги мазмун яратиш, ҳеч бўлмаганда, мазмунга янгича талқин бериш ҳаракатининг натижасидир.

Таржима жараёнида «денотатлар айнилиги» тамойилига амал қилишнинг бу қадар қийинлиги биз «референт» деб ҳисоблаб келаётган ҳодисанинг аслида воқеликдаги объект бўлмасдан, балки упбу объектнинг онгдаги инъикоси эмасмикан, деган фикрга келишга ундаиди. Эҳтимол, маънонинг лисоний референти денотат эмас, балки сигнификатдир?! Бу фикрнинг эҳтимолликдан холи қилиб, аксинча, унинг исботини топиш камина кўзлаётган мақсадлардан биридир, албагта. Аммо референцияни, референтив маънени исбот топмайдиган, энг ёмони – хаёлий ҳодисалар қаторига қўйиш ҳам хомхаёлдан бошқа нарса эмас.

Референтив маънонинг қандайдир бир мавхум ҳодиса эмаслигини ёш болалар тил ўзлаштириш жараёнини кузатаётиб сезиш мумкин. Мутахассисларнинг кузатишича, ёш болалар луғат бойлигининг ўсиши референт ва тил бирлигининг боғлиқлигини сезиш орқали кечади. Масалан, ёш бола «ота» сўзини у аниқ бир шахсга нисбатан қўлланилганида ўзлаштиради, унинг мазмунини чақади. Бундан ташқари, ота-она ва атрофдагилар нарса-предметларнинг номини айтиш ва, айни пайтда, уларни кўрсатиш амалини ҳам қўллайдилар («Бу – ота»; «У - хола» кабилар). Шунинг билан биргаликда, ёш бола дастлаб «ота» сўзини барча эркакларни аташ учун қўллашга ҳаракат қилаётганда ёки «туфли» сўзини фақат ўзининг туфлисини билдиради деб ўйлаётганида, сўз маъносини тўғридан-тўғри

аталаётган объект билан боғлайди. Фақат бола билим даражасининг ўсишигина бундай семантик номутаносиб-ликларнинг бартараф бўлишига, атаманинг референт қамропининг торайиши («ота» сўзининг алоҳида эркак кишига нисбатан қўлланиши) ёки кенгайишига («туфли» ҳар қандай туфлини аташи) асос бўлади.

Маъно ва воқеликдаги предмет-ҳодиса муносабати муаммоси муҳокамасида юзага келаётган муносабатни ҳолатларнинг сабаби кўпчилик ушбу муносабатни бир томонлама талқин қилаётганлиги билан боғлик. Бу муносабатни қандайдир бир мавхум кўринишда тасаввур қилмаслик керак бўлади. Файласуфлар муносабатларнинг материалнинг ҳақиқий ҳолати, унинг ҳаракати билан боғлиқлигини доимо таъкидлаб келадилар. Буни биз тилшунослар ҳам эътироф этишга мажбурмиз. Воқелик объектлари ўртасидаги реал муносабатлар тил тизимида, лисоний белгиларда ўз аксини топади. «Муносабатлар, -деб ёзади В.З.Панфилов, -нарса-ҳодисалар муносабатлари бўлганиклиари учун ҳам инсон томонидан идрок этилади, бу нарса-ҳодисаларсиз ҳеч қандай муносабат бизнинг сезги органларимизга таъсир ўтказмаган ва инсон томонидан идрок қилинмаган бўлар эди» (Панфилов 1971: 64). Демак, лисоний муносабатлар реал муносабатларни акс эттириши лозим. Шунга нисбатан референтив маъно ёки маъно ва борлиқ муносабати ҳақида гапирилганда, лисоний белгининг номланаётган объект билан қандай боғланишидан кўра, унинг қайси объект билан муносабатда эканлигини аниқлаш мухимрок. Маъно референциясининг мухимлиги ва уни белгилашнинг аҳамияти ҳам шунда.

Референтнинг конкрет бўлиши маъно ва воқеликдаги объектнинг муносабатини белгилашда мухимлигини ҳатто генератив семантика йўналишига мансуб тилшунослар ҳам таъкидлайдилар. «Сўзларнинг маънога эга бўлиши улардан фойдаланувчиларга ёки, аникроғи, бирор-бир ментал

ҳодисага, онгда юзага келаётган ҳодисага боғлиқ эмас. «Жон» сўзи Жоннинг исми бўлиши учун ном ва унинг соҳиби ўртасида аниқ муносабат бўлиши керак ... оламда бирор нарса мавжуд ёки содир бўлмоғи даркор» (Fodor 1990: 98-99). Семантикага оид тадқиқотлари билан машҳур бўлган Жерри Фодорнинг ушбу қайди референтни реал муносабатлар доирасидан излашга ундаиди.

Муносабат реал бўлиши учун эса, муҳит мавжуд бўлиши ёки юзага келиши даркор. Алоҳида олинган лисоний белгилар аслида референтта эга эмас, улар фақат референтни назарда тутадилар. Лекин бундай «назарда тутиш» бир хилда кечмайди. Фараз қиласликки, сиз дўстингиз билан учрашган пайтда ёмғир ёғаяпти. Бу реал, нолисоний фактдир. Дўстимиз атроф-муҳитда кечаётган ҳодисаларга изоҳ бераётиб, «*Қуёш чараклаб турибди*» дейишида яна бир объектив факт юзага келади ва буниси энди – лисоний фактдир. Аслини олганда, лисоний факт нолисоний фактнинг акс топиши, ифодаланиши. Бироқ бундай ифода воқеликка муқобил ёки номуқобил бўлиши, яъни ҳақиқатга мос келиши ёки келмаслиги мумкин.

Бундай муқобиллик/номуқобилликнинг лисоний фаолият учун муҳимлигини пайқаган Арасту «Мавжудни йўқ дейиш ёки мавжуд бўлмаганни бор дейиш – ёлғон гапиришидир; аксинча, мавжудни бор, мавжуд бўлмаганни йўқ дейиш – ҳақиқатни хабар қилишдир» (Аристотель 2005: 49), деган экан. Юонон файласуфининг ушбу қайдидан рухланган поляк мантиқшуноси А.Тарски 1933 йилда Projecie prawdy w jezykach nauk dedukcyjnych «Дедуктив фанлар тилларида ҳақиқат тушунчаси» мавзусидаги асарини чоп қилдириб, маънонинг воқелик реаллигига мос келишини аниқлаш мезонини яратиш ҳаракатини бошлаб берди. А.Тарскининг қайдича, талаффуз қилинаётган ёки ёзилаётган гапнинг референти ва маъносининг ҳақиқийлиги унинг куйидаги формулага жавоб бериши билан боғлиқдир:

S гапи агар у Pни англатса, ҳақиқат бўла олади.

Бу формулада S – талаффуз қилинаётган гап; P – гап маъносининг ҳақиқатлигини таъминловчи шарт-шароит.

Масалан, «*Kor – ok*» гапи ҳақиқий ёки реал воқеликка мос келиши учун қор ҳақиқатдан ҳам оқ бўлиши керак. Худди шунингдек, «Лондон – Буюк Британия қироллигининг пойтакти» гапининг ҳақиқатлиги фақат Лондоннинг қироллик пойтакти бўлиши билан боғлиқ бўлса, $2+2=4$ тузилмаси ҳақиқат бўлиши учун ростдан ҳам иккени иккига кўшсак, йигинди тўрт рақамига тўғри келиши керак.

Равшанки, А.Тарски лисоний тузилма ва воқелик муносабатини белгилашда формал – мантикий таҳлил йўлидан бориб, бу мосликни топишда эквивалентлик, тенг қийматлилик амалидан фойдаланмоқда. Ибораларнинг синонимик муносабатлари замирида тузилаётган формал тавсифлар аслида ҳақиқийликни ёки қийматлар тенглигини аниқлаш қийинлигидан дарак боради (Киёсланг: Dummett 1973). Шу боис, А.Тарскининг асосий мақсади ҳали Арасту давридаёқ айтилган «ҳақиқий маъно –уни воқелик билан мослаштиришдир», деган ақиданинг формал ифодасини бериш. Аммо А.Тарски ўзи бераётган семантик тавсиф оламини билиш борасидаги ҳар қандай ёндашувни инкор этмаслигига иқрор бўлишга мажбур бўлади. Унинг фикрича, «*Kor – ok*» ахборотини тасдиқлаш учун ҳақиқатнинг семантик тавсифи қарийб ҳеч нарса бермайди. «Шундай қилиб, -деб ёзди мантиқшунос олим, -эпистемологик қарашларнинг ҳеч қандайидан воз кечмасдан туриб, ҳақиқатнинг семантик тавсифини қабул қилишимиз мумкин» (Тарски 1998: 118).

Инсон бирор бир нарса-ходиса ҳақида фикр юритаётганида ва бу фикрни бошқаларга етказиш ниятида бўлганида, мантикий амалу қоидаларга риоя қиласи. Азалдан маълум бўлган бу ҳақиқатни унутиб қўйиш формал мантиқни автоном фаолиятга тенглаштиришдан бошқа

нарсага олиб келмайди. Мантиқнинг автономлиги тамойилини исботламоқчи бўлган рус олими В.А.Суровцев нинг ўйлашича, «мантиқ мазмунли фикрларнинг универсал хусусиятларининг таддики сифатида ҳеч қандай онтологияга асосланмайди, аксинча, мантиқ мазмуннинг мезонини аниқлаши сабабли ҳар қандай онтология тавсифлаш структуralарининг ўзаро боғлиқлиги асосида намоён бўладиган ҳолатдир. Мантиқ фикрларни изоҳлашнинг универсал методи сифатида эпистемологияга қарам эмас, зеро, билиш назарияси фалсафанинг алоҳида соҳасидир» (Суровцев 2001:12). Сибирлик профессорнинг онтологиясиз мантиқ, ақлий мушоҳада кечишига қандай ишонаётганлигини тасаввур қилиш қийин, албагта.

Бироқ, мантиқ бизнинг борлиқ ҳақидаги фикримиз, хукмимизнинг энг ишончли асоси эмасми?! Мантиқсиз онтологияга хос хусусиятларни аниқлаш ва билиш назариясига оид муаммоларни ўрганишнинг имкони йўқ. Демак, А.Тарски ва унинг издошлари олга суришаётган «ҳақиқат»нинг замирида «ҳақиқат» тушунчасининг фалсафий тавсифи турмайди. Ҳатто улар «ҳақиқат» предикатининг табиий тилдаги маъносининг таҳлилини ҳам назарга тутмайдилар. А.Тарски таклиф қилаётган усул воситасида ҳақиқатнинг қандайдир бир формал тилга муносабати тавсифланади ва шу йўсинда формал таърифга эга бўлади. Ҳақиқат предикати воқелик ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди, пропозициянинг ҳақиқийлиги унинг бирор нарсани ифодалаётганлитидадир. Бирор бир лисоний тузилма маъносини аниқлашни ҳақиқийлик шартлари асосида аниқлашга ҳаракат қилаётганимизда доимо бир қатор баҳсли ҳолатларга дуч келиб турамиз. Бинобарин, Қизгина уйига шошилмоқда гапнинг маъносини изоҳламоқчи бўлсак, кизлар хос хусусиятларга эга бўлган шахс (аёл жинсига оид, лекин кичик ёнда) ўз яшаш маконига шошилиб (тез ҳаракат қилган ҳолда)

кетаётганлигини тавсифлаймиз. Бу тавсифга ҳақиқийлик ўлчовини берадиган бўлсак, ўз навбатида, маҳсус формулага мурожат қилишга мажбурмиз: Қизгина уйига шошилмоқда гапи фақат қизлар жинсига оид бола япаш маконига тез кетаётган бўлса ҳақиқийдир.

Ушбу формуланинг мумтоз фалсафада неча асрлардан буён айтилиб келинаётган мантикий хулосадан нимаси билан фарқ қилишини тушуниш қийин: Инсон – ўлимга маҳкум – Сукрот ҳам инсон – Сукрот ҳам ўлимга маҳкум ёки Барча инсонлар – ёлғончи – Декан ҳам инсон – Шу боис декан ҳам ёлғончи.

Бундан ташқари, юқоридаги семантик формула асосида маънонинг (аникроги – гап воситасида билдирилаётган фикрининг) рост (ҳақиқат) ёки ёлғон эканлигини аниқлаш жараёни ҳар доим ҳам бир хилда кечавермайди. Бу, айниқса, кўпмаънолилик ёки маъновий сарҳаддошлиқ ҳолатлари юзага келганда яққол кўзга ташланади. Майкл Даммитнинг фикрича, гапнинг ҳақиқатта мос келиши шартларини билишнинг иккита намунаси мавжуд. Биринчisi – шартларни шакллантириш қобилиятининг мавжудлиги бўлса, иккинчisi - гапнинг ҳақиқий ёки ёлғонлигини кузатиш қобилияти замирида аниқлашдир (Даммит 1987:163).

Ҳақиқийлик назариясининг ашаддий душмани бўлган М.Даммитнинг ушбу кузатишидан маълум бўлишича, ушбу назария тарафдорлари ишониб келишаётган ягона мезон – тингловчи (ёки матнни ўқиётган шахс)нинг билими, таҳлил қобилиятидир. Таҳлил воситасида аниқланадиган ҳақиқийлик, даставвал, нутқий тизилма таркибидаги бирликларнинг маъносини билиш ва уларнинг ўзаро муносабатини аниқлашдан бошланади. Масалан, «*Барча бўйдоқлар уйланмаган эркаклардир*», «*Почча – эркак жинсидаги қариндоши*», «*67+58=125*» каби гапларнинг ҳақиқийлиги улар таркибидаги бирлик – атамаларнинг

қўлланилиши борасидаги келишув – конвенциялар (албатта, бу келишув – норасмийдир) билан боғлиқ (Бочаров, Маркин 2008:539). Лекин нутқий тузилманинг пайдо бўлиши ва унинг маъносининг шаклланиши конвенционализм (келишувчилик)нинг оқибати бўлиши шарт эмас. Мантиқшуносларнинг ўзлари доимий равишда қўллаб келишаётган «*Қор-оқ*» ёки «*Атомнинг ядроси нуклонлардан таркиб топади*» жумлаларининг мазмунан ҳақиқийлигини текшириш учун эмпирик фактлар ёки тажрибага таяниш кифоя.

Гаплар референтининг ҳақиқийлигини мантиқий таҳлил ва эмпирик (тажрибага асосланиб) аниқлашнинг йўлини танлаган мантиқшунослар аналитик ва синтетик ҳукмларни ўзаро фарқлаш тарафдоридирлар. Лекин нутқий тузилмалар ва улар воситасида ифодаланаётган фикр – ҳукмларни қай йўсинда фарқлашнинг бирор-бир аниқ йўлини ҳеч ким айта олгани йўқ. Фикримча, ҳар қандай гап ёки бошқа бирор лисоний бирликнинг маъносини, унинг референтининг ҳақиқийлигини аналитик ва синтетик усусларда бир хilda аниқлашнинг имкони йўқ эмас. Бу имконият файласуфларнинг ҳам назаридан четда қолгани йўқ. Жумладан, А.Пап қаламига мансуб «Семантика ва ҳақиқийлик зарурити» номли рисоланинг 10-бандига «Анализ ва синонимия» сарлавҳаси берилиб, унда «анализ» тушунчасининг тагзаминида қандай ҳукмлар мавжудлиги ҳақида батафсил фикр юритилади.

Олимларнинг эътирофича, агар таҳлил қилинаётган жумла, фақат аналитик ҳукмлар асосида тузилса, унда таҳлил парадоксининг туғилиши муқаррар (Пап 2002). Илмий адабиётларда кейинчалик «муқобиллик жумбоги» атамасини олган (Витгенштейн 2008: 104-106; Ramsey 1991: 156-158; Ладов 2000: 150-152) ушбу парадокснинг моҳияти қуйидагидан иборат. Таҳлил қилинаётган тузilmани *a* (analysandum) таҳлил қилиш қўлланилаётган *b*

(analysans), деб қабул қилайлик. Унда *a* ва *b* тузилмаларининг муқобиллиги аниқланган тақдирда таҳлил тўғри эканлиги қайд этилади. Бироқ бу ҳолда *a=b* воситасида ифодаланган фикр *a=a* қаторида турган фикрга мос келиши, муқобил бўлиши шарт. Хуллас, таҳлил (анализ) тўғри бўлган тақдирда натижা беъмано («бемаъни» дейишидан торгиниброк турибман), янги маълумот бериш қудратига эга эмас. Қуйидаги икки гапнинг таҳлилини олайлик:

1. *Kор – бу қор.*

2. *Kор – сув зарраларининг совуқдан бирикими
натижасида юзага келадиган оқ пар шаклдаги ёгин.*

Биринчи гап ҳеч қандай информатив мазмунга эга эмас, чунки у қорга тавсиф бермайди. «Ўзбек тили изоҳли луғати»дан олинган иккинчи гапда эса, қор ҳодисасига тўлиқ таъриф берилмоқда. Бироқ «қор» тушунчаси билан «сув заррасининг совуқдан бирикими натижасида юзага келадиган оқ пар шаклдаги ёгин» тушунчаси ўртасида муқобиллик мавжуд, деб ҳисобланганда, иккала гапда бир хил ҳукм ёки фикр ифодаланаётганлигини эътироф этишга мажбур бўламиз. У ҳолда биринчи гапнинг информативликдан холи эканлигини унутмаслигимиз керакми?! Йўқ, албатта. Илмий фаолиятда ҳали «сўзидан қайтган – номард» тамойили устуворлигини йўқотганича йўқ. Яхшиси, аналитик ва синтетик ҳақиқийликни фарқлашдан кўра улар ўртасидаги чегаранинг заиф томонларини топишга интилсак ва, лозим бўлса, унинг «кўринмас белгилари»ни олиб ташлаш сари қўйилаётган қадамларни маъқулласак. Бинобарин, машҳур америкалик файласуф У.Куайн ҳақиқийликнинг бу икки тури ўртасида барқарор фарқ мавжудлигини таъкидлаш замонавий эмпиризмнинг қотиб қолган ақидаларидан бири эканлигини эслатиб, юзага келган вазиятдан чиқишининг ягона йўли «гапнинг (маънонинг – Ш.С.) ҳақиқийлиги лисоний ва нолисоний омилларга боғлиқлигини» (Куайн 2010:73) айтиши билан бир қаторда,

«алоҳида олинган нутқий тузилма ҳақиқийлигининг лисоний ва фактуал бўлакларининг мустақиллиги ҳақида гапириш бемаънилиқдан бошқа нарса эмаслиги»ни ҳам уқтиради (Ўша асар 74-бет).

Шундай қилиб, гарб файласуфлари шунчалик даражада жон куйдириб тарғиб қилишаётган ҳақиқийлик назариясининг боши берк кўчага кириб қолгани аниқ сезилиб турибди. Бу қоронғилик кўчасидан чиқишининг йўли бормикан? Бунинг иложини топиш учун, авваламбор, олимларни у ерга нима етаклаганлигини билиш керак бўлади.

Мантиқшуносларни ҳақиқийлик назариясига қаттиқ ишонишга, уни абсолютлаштиришга ундаётган нарса - тил тизими таҳлилини тўлигича формаллаштиришга интилиш. Кўпчиликнинг ишонишича, маънонинг ҳақиқийлиги воқеликда ҳақиқатдан мавжуд бўлиб турган ҳодисаларнинг лисоний воқеланишидир. Содир бўлиши мумкин бўлган, кутилаётган ҳодисалар эса, ҳақиқийлик доирасига киритилмайди. Бундай чекланиш натижасида маъно назарияси табиий тиллар интенсионал хусусиятларини мантиқий тасвирлаш имкониятларидан маҳрум бўлади. У ҳолда яна бир саволнинг туғилиши муқаррар; факт экстенсионал йўналишни танлананаётган назария тил табиатининг мантиқий тадқики учун самара бериши мумкинми? Ушбу саволга ижобий жавоб беришга тайёр турганлардан бири, албатта, Дональд Дэвидсондир.

Баъзилар мақтаб юришган Д.Дэвидсоннинг фикрича, лисоний ҳодисалар ҳақида ҳар қандай назарий хулосага келишдан олдин тил тизими «радикал тавсиф»га эга бўлиши лозим. Бундай тавсифда тил табиати ҳақида бирор-бир аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, уни воқелик билан боғлаб ўрганиш мумкин эмиш (Davidson 1973; Қиёсланг: Stenius 1976). Олимнинг хаёлича, масалан, кўшма гапларнинг қисмлари ва структурасининг маъно референти ҳақиқийли-

гини аниқлаш таъсирини билиш учун индуктив шартларга асосланиш етарли бўлар экан.

Дэвидсоннинг дастурига амал қилиш бизни тил кўринишини қатъий тартиблашган, тўлиғича моделлашган мантикий структура сифатида тасаввур қилишга мажбурлайди. Аммо қачонлардан буён маълумки, тилнинг табиий қурилиши тадқиқида биз ҳеч қачон интенсионал таҳлил амалларидан воз кеча олмаймиз. Бу амаллар, хатто сўз тилнинг «соф мантикий» воситалари ҳақида кетаётганда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Масалан, «ва», «ёки» каби мантикий боғловчилар ҳамда айрим олмошларнинг маъноси уларнинг қайси интенсионал мухитда қўлланиши билан боғлиқ. Инглиз тилшунослари «ялқовлик олмошлари» (pronouns of laziness) номини беришган бирликлар қўлланишини олайлик:

а) Агарда бирор киши касалликка чалинса, унда уни даволаш керак.

Бу гап таркибидаги «уни» олмошининг референти бирор бир аниқ шахс эмас, чунки шарт эргаш гапнинг антецеденти (олдинги асословчи қисми) кўпчилик орасида алоҳида бир шахсни ажратмаяпти. Шу боис, ушбу ҳолатда олмошнинг кўрсатиш маъноси ҳақида гапиришта ҳам ҳожат қолмаса керак. Худди шунингдек, бу олмош ўрин алмаштириш вазифасини ўтаганича йўқ, зотан, ушбу гап куйидаги тузилмага синоним бўла олмайди:

б) Агарда бирор киши касалликка чалинса, унда бирор кишини (уни) даволашади.

«Ўйин семантикаси» назариясининг муаллифлари Я.Хинтикка ва Л.Карлсонлар ноаниқ олмошлар референти муаммосини «таркибли ўйин» амали воситасида ечиш эҳтимоли борлигини айтиб ўтадилар. Бу амалга биноан шарт эргаш гапни қўшма гапларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун даставвал антицендентнинг ҳақиқийлигини аниқлаш зарур бўлиб, фақат шундан сўнг консеквент, яъни эргани

гапнинг референтини излаш мумкин (Hintikka, Carlson 1986: 182).

Афсуски, олимларнинг турли амалларни татбиқ қилиш йўлидаги уринишлари ҳам самара бермади. Аксинча, ҳақиқийлик назарияси турли назарий ғоя ва амалларнинг устма-уст қалашиб қолиши натижасида тобора баҳайбат кўриниш олиб, маъно ва референт ҳодисалари муносабати муаммоси ечимига аниқрок ҳисса қўшишдан йироклашиб бормоқда. Ушбу назариядан, аслида, аниқ самарани кутиш ҳам қийин эди. Тўғри-да, бирор бир фикр тасдиғига ҳақиқийлик мезонини тақаш билан тасдиқланаётган фикрга яна бирор нарсани қўша олишимизнинг ўзи амри маҳол. Чунки «Олманинг мева эканлиги ҳақиқат» дейиш «Олма - мева» оддий ҳукмидан маъно жиҳатдан фарқ қилишини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Балки, буни ҳақиқат назарияси тарғиботчилари ҳам сезиб турган бўлсалар керак, зеро, шу ғоянинг ашаддий тарафдори бўлган Л.Хинтикка семантиканинг рационал асослашнинг имконияти йўқлигидан зорланиб турмаган бўлар эди: «Тил – мен ва олам ўртасидаги йўқолмас воситадир, унинг ёрдамисиз ҳеч нарса қила олмайман. Демак, ўз лисоним (у воқелантирадиган тушунчалар тизимидан) доирасидан четга чиқа олмайман ва уни четдан туриб қузата олмайман» (Хинтикка 1996:48).

Маълумки, мантиқ бизнинг олам ҳақидаги фикрларимизнинг асосли ва маъноли бўлишини таъминловчи восита. Мантиқни билиш амалларига қарам эмас, аксинча, шу амалларга жон берувчи сифатида қараганимиз маъкул. Мантиқсиз билиш фаолияти девоналарга хосдир. Шунга биноан, ҳақиқийлик предикатининг кўлланишини лисоний тафаккур доирасида кузатишмиз керак бўлади. Бундай кузатиш доирасида ҳақиқийлик ҳодисаси воқеликнинг турли концептуал тасаввурлари муносабатини ифодалайди. Оламнинг тасаввури ва тасвири, сўзсиз, турлича кечиши мумкин.

Лекин олам тасвиридаги нисбийлик ёки релятивизм билишнинг батамом субъективлигидаги дарак бермайди. А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси оламда ҳамма нарсанинг мавжудлиги нисбий эканлигини исботламаса керак (эҳтимол, ёруғликнинг тезлиги доимий қиймат бўлса). Доимий қиймат тил табиатига хос бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ўз пайтида Л.Витгенштейн математик ибораларни ҳукмлар қаторига киритишдан қечиш маслаҳатини берган эди. Математик ибораларга ҳақиқийлик ёки ёлғонлик баҳосини бериб бўлмайди, улар -- қоидалардир. Олимнинг қайдича, геометрия реал мавжуд бўлган кубни тавсифламайди, балки фақат «куб» сўзининг маъносини аниклаб, ушбу сўздан фойдаланиш қоидаларини беради. Масалан, «Ушбу кубнинг 13та қирраси бор экан» дейишса, биз кубни кўрмасдан турибоқ, «Бу мумкин эмас. Унинг ёки 12та қирраси бор ёки у куб эмас», деб жавоб қайтаришимиз турган гап (Қаранг: Сокулер 1988: 103). Ҳақиқийлик нисбий хусусият сифатида қаралгандা, доимий қиймат қаердан, қайси объектдан ўрин олади? Менимча, доимий қиймат фақат лисонда бўлса керак. Лисон оламни ва ўзни билишнинг аслаҳаси, воситасидир, у инсон ва олам ўртасидаги муносабатни воқелантирувчи ва ўринлаштирувчи восита. Ушбу воқелантириш жараёнида идрок этилаётган нарса-ходисалар референцияси ва лисондан фойдаланиш қонуниятлари замира иде маънони шакллантирадиган аниқ концептуал тузилмалар яратилади.

Бундан ташқари, нутқий тузилма маъносининг ҳақиқийлиги фақат воқеликдаги ҳолатнинг реаллиги билан боғлиқ бўлиб қола олмайди. Референциянинг номаълумлиги бирор бир тузилманинг маълум тушунчалар ёки концептуал майдон доирасида юзага келадиган бошқа тузилмалар билан мослашувини талаб қиласди. Лекин баъзан ушбу турдаги қўшимча мезонларнинг ҳам имконияти чегараланиб қолади, чунки нутқий тузилманинг асосий самараси унинг

прагматик таъсирида кўринади. Бундан хулоса шуки, маънонинг воқелик билан мантикий муносабати сифатида таҳлил қилинадиган ҳақиқийлик ҳодисаси уч кўринишда қаралгани маъқул: 1)тасвирланаштган воқелик билан бир хил боғлиқликда бўлган маълум гуруҳдаги гапларнинг семантик муносабати сифатида; 2)алоҳида бир синонимик қатордаги гапларнинг синтактик мутаносибиятини таъминловчи муносабат сифатида; 3)ушбу гуруҳдаги гапларнинг воқеликка боғлиқ ҳолда юзага келадиган прагматик таъсир кўрсатувчи муносабатлари сифатида.

Демак, маъно ва референт муносабатининг ҳақиқийлигини аниқлаш рационал ёндашувни талаб қиласди. Оламни оқилона билишининг етакчи тамойили Cogio, Ergo sum («Фикрламоқдаман, демак, мавжудман») эканлигини биламиз. Лекин фикрнинг ҳақиқийлиги ҳақида фақат у лисоний воқеланганидан сўнг гапириш мумкинлигини инобатта оладиган бўлсак, ушбу тамойилни бироз ўзгартириб, «Сўзламоқдаман (яъни тилдан фойдаланмоқдаман), демак, мавжудман» шаклида қабул қилганимиз маъкул. Бу тамойил, ўз навбатида, маъно мураккаб ҳодиса эканлигига яна бир марта ишонтиради ва ушбу ҳодисани бошқача ёндашувлар асосида ҳам ўрганишга ундейди.

3-БОБ. ТУШУНЧА ВА МАЬНО МУНОСАБАТИ

Фриманн Твадделл 1935 йилда эълон қилган «On Defining the Phoneme («Фонемани таснифлаш ҳакида»)» сарлавҳали мақоласида «онгда кечадиган лисоний жараёнларни бевосита кузатиб бўлмайди, лисоний жараёнлар борасидаги ҳар қандай ўз-ўзини кузатиш ёғоч ўчоқдаги олов билан баб-баравар» (Twaddell 1966:60), деб ёзган экан. Америкалик тилшуноснинг бундай ваҳимали хуласасига ҳозир ҳам ишониб юрганлар йўқ эмас. Лекин антик даврдаёқ файласуфлар онг ва лисоний фаолиятни ажратиб бўлмаслигини уқтиришга ҳаракат қилганликларини ҳам биламиз. «Тафаккур ва нутқ, - деб ёзган экан Платон, - ягона бир нарса, фақат дилдаги овозсиз, ўз-ўзи билан гаплашишни биз тафаккур деб айтамиз». Ундан юз йил кейин туғилган Аристотель Платоннинг «Софист» асарида айтилган юқоридаги фикрни янада қатъйлалтиради. Унингча, тафаккур ва тилнинг ягоналиги азалий, чунки нутқ сўзлар қўлланишидан ҳосил бўлади ва ҳар бир алоҳида сўз бирор нарсани англатади. Фикр сўзлар воситасида ифодаланишини эътироф этадиган бўлсак, унда сўзнинг айнан ўша фикрнинг «овозланиши» сифатида қабул қилиниши табиий. Александр Македонскийнинг муаллими айримлар билдирган фикрга қўшилмасдан, сўз ва тафаккур фаолиятига берилаётган изоҳ ва тавсифларнинг фарқи йўқлигини исботламоқчи бўлган эди. Унинг қайдича, «сўз

ва тафаккурга оид изоҳ-тавсифларни турлича деб хисоблаш бемаънилиқдир» (Аристотель 1978, Т. IV: 10). Равшанки, антик файласуфларнинг фикри-зикри мәнтиқий ва лингвистик муаммоларни бир «қафасга» қамаш, сўз (лисоний бирлик) ва фикр (мантиқий бирлик)нинг тўлиқ бир-бирини тақрорлашини исботглашга йўналтирилган. Уларнинг ишонишчича, фикр истисносиз лисоний шакл олади ва шунга биноан тўғри фикрлаш учун тил бирликларидан тўғри фойдаланиш зарур. Аристотелнинг хукмича, сўз номланаётган нарса-предметнинг моҳиятини тақрорлаши боис, сўзлар воситасида ифодаланаётган фикр ва шу сўзлардан иборат нутқ бир-бирини акс эттиради. Албатта, файласуфларнинг тафаккур бирликлари ва уларнинг нутқий ифода воситаларига ягона ҳодиса сифатида қараши антик илмнинг яхлитлик сари интилиши намунасиdir, бироқ бундай ёндашув, яъни ҳодисаларни бири-бирига боғлиқ ёки бири иккинчисини тақозо этишига ишонганд ҳолда ўрганиш қанчалик истиқболли бўлишига қарамасдан, тафаккур ва лисоний фаолиятларни айнан бир нарса сифатида қараш ҳақиқатга мос келмаслигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Милоддан олдинги IV асрда юзага келган стоиклар фалсафий мактабининг таълимотида ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати «фикр ва сўз» қарама-қаршилигига эмас, балки улар ягона бир ҳодиса – тафаккурнинг икки томони ёки хислати сифатида қаралган эди. Антик давр илмининг билимдони бўлган М.М.Тронский гувоҳлик беришича, стоиклар уч ҳодисани, яъни «ифодаланмиш», «ифодаловчи» ва «предмет»нинг ўзаро боғлиқ эканлигини уқтирадилар. Бунда «ифодаловчи» – товуш (лисоний ифода воситаси – Ш.С.), масалан – Дион; «предмет» – ташқи субстрат (масалан, Дионнинг ўзи). «Ифодаланмиш» эса, ақлан идрок этиладиган фаолият, иш (Тронский 1957:304). Соссюрдан қанча асрлар бурун

«ифодаланмиш» ва «ифодаловчи» муносабати билан қизикқан ва бу муносабатлар қаторига предметни ҳам киритган стоиклар ҳамма мурожаат қилиб юрган Ричардс-Огден учбурчагининг асосли эканлигини олдиндан кўра олганларининг гувоҳимиз. Бу фалсафий оқимнинг яна бир илғор ғояси lektov «изҳор қилинаётган фикр» тушунчасининг қўлланишидир. Маълумки, Аристотель инсон лисоний фаолиятини уч асосга эга, деб ҳисоблаган эди: 1) сўз талаффузи; 2) унинг қалбдаги акси; 3) предмет. Стоиклар эса, бу қатордаги асосий ўринни худди ўша lektov, яъни маъно ёки мазмунга ажратадилар. Айтиш жоизки, нутқнинг мазмуни (lektov) қалбда ёки онга ҳосил бўлган тасаввурнинг айнан ўзи эмас, чунки руҳий тасаввур ҳайвонларда ҳам пайдо бўлади, ҳатто инсонларда ҳам баъзан шундай ғира-шира тасаввурлар пайдо бўладики, уларни сўзлар воситасида ифодалаш ўта мушкул кўринади. Lektov эса, – нутқий ифодага эга бўлган фикр, зотан, «изҳор қилинаётган фикр (lektov) бевосита нутқ мундарижасида мавжуд бўлган, унинг воситасида ифодаланадиган мазмундир. Лекин у нарса (предмет –Ш.С.) бизнинг онгимизда туғдирадиган тасаввурдан фарқ қиласи» (Қаранг: Pinborg 1975:79).

Шу ўринда Абу Наср Форобий ҳазратларининг бир хulosасини эслатмоқчиман: «икки вужуд бир хил вужуд бўлмай, балки уларнинг ҳар бири бошқасига бўлмай, ўзигигина хос бўлган вужуд бўлади» (Форобий 1993:145). Алломанинг ушбу хulosаси моддий олам мавжудотлари муносабати ҳақида. Сўзсиз, номоддий оламда ҳам бундай ҳолатнинг кузатилиш эҳтимоли доим мавжуд. Аммо «ўзига хослик» ҳеч қачон ўзаро боғлиқлик, бир-бирига ўхшашликни истисно этмаса керак, акс ҳолда инсоннинг оламни билиш, уни идрок этиш қобилияти тартиботсиз кўриниш олиб, ҳар бир «вужуд»ни алоҳида, бирини иккинчисидан ажратган ҳолда тасаввур қилиш талаби

хукмронликни эгаллаган бўлар эди. Воқеликнинг систем тузилиши ва уни билишнинг систем тартиботга эга эканлиги аллақачонлар ўз исботини топган ҳақиқат. Ушбу ҳақиқатни яна бир карра эслаётганимнинг сабаби бошқа. Мақсадим – сизнинг диққатингизни энг асосий ҳақиқат, яъни оламни билишнинг пойдеворида онг туриши ҳақидаги ғоядан узоклаштирмасликдир. Онгга мурожаат қилмасдан туриб, воқеликни идрок этиш фаолияти ҳақида бирор бир билимга эга бўлиш, унинг сиру асрорларини очишнинг имкони ҳеч қачон туғилмаса керак. Лисоний фаолият ҳам бундан истисно эмас, тил қурилиши ва нутқий фаолиятнинг яхлит тизими ёки алоҳида бир бўлаги таҳлили билан қизикқан ҳар қандай тадқиқотчи охир-оқибатда инсон онгидা, унинг руҳий оламида кечадиган жараёнлар таъсирини инобатга олишга мажбурдир. Қадимги юононлар бежиз мавжудликнинг тартиботини инсон онгининг меваси бўлган логос билан боғлаганлари йўқ. Сўз, тушунча, фикр, ақл, қонун маъноларини англатадиган юонон тилидаги *logos* – воқеликнинг тартиботини белгилаб беради. Стоиклар таълимотича, инсоннинг ботиний логоси – унинг онги бўлиб, у сўзлар воситасида нутқий зоҳирланади. Демак, лисон тадқиқи инсон онги сирларини билишга яқинлаштиради, чунки Логос онгда шаклланиши ёки лисоний ифода топишидан қатъи назар, бир хил асосга эга бўлиб қолаверади. И.М.Тронский ва бошқаларнинг кузатишича, тилга умумий идрок қудратига эга бўлган универсал онгининг бўлаги сифатида қараган стоиклар физик, логик ва грамматик қоидаларни шакллантираётуб, предмет (воқелик), мантиқ (тафаккур) ва тилни фарқлаш билан бир қаторда, уларни бир-биридан кескин ажратишни истамаганлар (Тронский 1957:302; Перельмутер 1980:181) ва бу учликнинг илмий тадқиқи учун инсон онгида кечадиган жараёнларга, унинг руҳий кечинмаларига мурожаат қилиш зарурлигини кўра олганлар.

Дарҳақиқат, лисоний ва ақлий фаолият жараёнлари ажралмас, яқдил ҳолда кечади. Н.Чомский, тилшунослик билан шуғуланишининг сабабини изоҳлаётib ёзди: «тил илмий тадқикининг сабабларидан бири – ва бу шахсан мен учун энг ишонарлидир – тилни анъанавий равишда «онг (мия) кўзгуси», деган руҳда тавсифланишидир» (Chomsky 1975:4). Менимча, олим қўллаётган language is a mirror of mind «тил онг кўзгусидир» иборасини ҳеч тортинмасдан mind is a mirror of language «онг тил кўзгусидир» шаклида ҳам англосак, ҳато қилмасак керак. Зотан, оламни билишнинг асосий воситаси – мия, онг. Мияда кечадиган ақлий фаолият натижасида олам ҳақида ахборот тўпланади, тартиблаштирилади, қайта ишланади ва фойдаланишга тайёрланади. Бу жараёнлар асосан тил иштирокида кечади. Шунинг билан биргаликда, тилнинг ўзи ҳам ахборот «омбори»дир ва бу омбор заҳирасидан фойдаланиш учун «ақлни ишлатиш» зарур бўлади. Маълумки, нутқий фаолиятнинг муҳим мақсади – ахборот алмашинуви. Ушбу мақсадни кўзлаётган шахс тил ва онг омборларидаги заҳирага бир хилда мурожаат қиласи.

Демак, тил ҳодисаси табиати билан қизиккан ҳар қандай тилшунос онгда кечастган лисоний-тафаккур жараёнларини кузатиш имтиёзига эга. Муҳими, бундай кузатув «ёғоч ўчоқнинг кулини кўзгайдиган косов» йўсинида эмас, балки «олтин сандик қалитини излаш» йўлида бажарилиши лозим. Бу қалит, биринчи навбатда, семасиологлар учун зарур, зеро, маъно ҳодисасининг тавсифини беришга уринаётган тадқиқотчидан дастлаб ўша маънонинг қандай ва нима асосида юзага келишини аниқлаш талаб қилинади. Бу эса, «тушунча – лисоний белги (бирлик) – маъно» учлиги доирасида намоён бўладиган муносабатлар кўламини ўрганиш муаммосини туғдиради.

«Лисоний белги (анъанага биноан - сўз) – тушунча» ҳамда «тушунча – маъно» муносабатлари, одатда, алоҳида

қаралиб келинмоқда. Бу муносабатларнинг йўналиши, хусусиятлари ҳақида билдирилаётган фикрлар турли-туман. Муаммо қўйилганига кўп асрлар ўтган бўлишига қарамасдан, бирор-бир умумий холосага келиш ҳамон мураккаблашиб бормоқда. Келинг, ушбу муаммо борасида сиз билан биз ҳам бироз «бош қотириб» кўрайликчи, нимага эришар эканмиз?!

Муҳокамани учликнинг биринчи қисми, яъни сўз (тил бирлиги, лисоний белги) ва тушунча муносабатидан бошласак. Бу муносабатда, бир томондан, ментал ҳодиса бўлган тушунча ва унинг хусусиятларини аниқлаш муҳим бўлса, иккинчи томондан, уларнинг турли усулларда ифодалаш, лисоний белгилаш имкониятларини инобатта олиш керак бўлади. Ушбу ҳолатда түғиладиган савол икки кўринишга эга бўлиши мумкин: 1) Сўз мавжуд бўлган тушунчани ифодалаш воситасими ёки тушунча унинг воситасида яратиладими? 2) Тушунча лисоний воқёланишдан олдин мавжуд бўладими ёки у фақат сўз қўлланишидан сўнг яраладими? Саволларнинг шаклий тузилиши икки хил эканлигига қарамасдан, мазмун ягона: сўз бирламчими ёки тушунча?

Психологлар, файласуфлар ва тилшунослар муҳокама қилиб келишайтган муаммонинг марказида турган ушбу саволга жавоблар манфий ва мусбат кутблар ўртасида тебраниб, ўзгариб туради. Баъзилар тушунча ва сўзни тўлигича бирлаштиришни истасалар, бошқалар уларни ажратишни маъқул кўрадилар. Ягона бир саволга турлича жавоблар пайдо бўлишининг боиси қўйилган масаланинг мантиқан ножӯялигига бўлса керак. Саволнинг ножӯялиги шундаки, илмий таҳлил учун товуқ ёки тухумнинг бирламчилигини билиш учалик муҳим эмас, асосий мақсад бири иккинчисини тақозо этувчи ҳодисаларнинг муносабати замерида ётган қонуниятларни аниқлаш ва шу аснода воқёликни, ҳақиқатни билишдир. Ҳарчанд ножӯя бўлишига

қарамасдан, ушбу «кўхна» саволга ҳозир ҳам жавоб излаш давом этаётганинг ўзиёқ тушунча ва сўз (кенгрок оладиган бўлсак – тафаккур ва тил) муносабати масаласи ўз долзарблигини йўқотмаётганидан дарак беради.

Ўтган аср тилшунослигининг инқилобчиларидан бири деб ҳисобланган Фердинанд де Соссюрнинг қайдларига дикқат қиласлий: «сўз бирлиги, уни тавсифлаш қанчалик мушкул бўлишига қарамасдан, бизнинг онгимизда давомсиз тасвирга эга ва тил механизмининг марказий ҳодисасидир» (Соссюр 2004:211). Сўзни тил тизимининг марказига жойлаштирган олим, ушбу бирлик маълум бир тушунчани ифодалashi шартлигини унутмайди: «уй», «оқ», «курмоқ» каби тушунчалар алоҳида қаралганда психологик ҳодисалардир; улар лисоний қийматга эга бўлишлари учун маълум турдаги акустик рамзлар билан муносабатда бўлишлари лозим; лисонда тушунчани товушли (материал) субстанциянинг зотидир (сифатидир), товуш бирлиги эса, – тушунчанинг зоти (сифати) (Ўша асар, 105-бет). Бу қайдлардан кўриниб турибдики, Соссюрнинг тил қурилишини изоҳловчи барча гоялари, қолипли тасвирларида «сўз» ҳодисасига асосий ва табиий намуна, таянч нуқта сифатида мурожаат қилинади. Сўз – лингвистик тавсифнинг ибтидосидир. Шунинг билан биргаликда, сўз маълум бир тушунчани акс эттириши, ифодалашини унумаслик лозим. Бу эса, ўз навбатида, Соссюрни тафаккурнинг вербал, яъни лисоний қолипга эга эканлигини эътироф этишга ундаиди: «Бизнинг тафаккур юритишимиз психологик жихатдан, агарда унинг сўзлар воситасида ифодаланишини эътиборга олмасак, қандайдир бир шаклсиз ва ноаниқ кўринишга эга. Файласуф ва тилшунослар доим лисоний белгиларнинг ёрдамисиз биз бир тушунчани иккинчисидан аниқ ва равшан фарқлаш қобилиятига эга бўла олмаслигимизни қайд этиб келадилар. Алоҳида айри холда тасаввур қилинган тафаккур ҳаракати чегарасиз ва

тубсиз туманликка ўхшайди. Бу ерда тил ёрдамисиз ҳеч қандай фарқ, олдиндан шаклланган тушунча, ғоялар йўқ» (Ўша асар, 112-бет).

Ушбу қайддан равшанки, тил тафаккур фаолиятининг кечишида муҳим ролни ўйнайди, тафаккур фақат тил ёрдамидагина маълум шаклга эга бўлади, аниқ кўриниш олади. Соссюрнинг бу йўсиндаги талқини мумтоз фалсафада мавжуд бўлган тафаккур ва тил муносабати борасидаги фикрларга жуда ҳам ўхшаш эканлиги яққол кўриниб турибди. Тўғрида, стоиклар талқинида сўз – тил бирлиги ва унга аниқ бир тушунча бириктирилган бўлса ҳамда тушунча тафаккур бирлиги сифатида қаралса, Соссюрга бу борада янгилик қидириб юриш зарурми?! Яхшиси, олдинги изоҳларга бироз бошқачароқ кўриниш (руҳ эмас) бериб қўя қолиш маъкулдир. Унингча, тушунча ва сўз тенг муносабатда, чунки тилнинг онгта таъсиридан сўнг улар айниятга эга бўладилар.

Инсон нутқий тафаккур фаолиятида сўз (тил)нинг бирламчи бўлишини швейцариялик олимдан бошқалар ҳам истаган эдилар. Бу борада, айниқса, Р.Карнап, Г. фон Вригт, А.Айэр, Ж.Дейви кабилар кўп «тер тўкишган». Бундан ярим аср олдин мантиқшунос Жон Дейви ва Артур Бентли «биз номланаётган предметни унинг номланишидан олдин кўрмаймиз» (Dewey, Bently 1949:135) дейиши билан сўз-тушунча-предмет учлигига якка ҳукмронликни сўз(тилга) беришга қанчалик интилган бўлсалар, ҳозирги кунда «тил – ноаниқлик ва тўлиқ эркинликнинг синонимидир. Шунингдек, фикр (тушунча) шаклланишининг шарти ҳамда асоси-дир», деб турган рус мантиқшуноси С.К.Черепанов тил тизимини, унинг бирликларини тафаккурдан олдинги механизм эканлигини ва шу механизмнинг ҳаракати онгнинг «ишилаши»ни таъминлашини уқтиришдан чарчамаяпти (Черепанов 2004:89).

Тилнинг эркинлиги, ҳар нарсага, ҳар хил ўзгаришларга жоизлиги қай даражада ҳақиқий бўлишини билмайман-у, лекин унинг қурилишидаги чегаралар ноаниқ тузилишга эга бўлиши, сатхларнинг нотекислиги, кисмлар ва бирликлар муносабатларининг бир текисда кечмаслиги барчага равшан. Ўта аниқлик, бир текислик, мувозанатли бўлиш чекланганликнинг намунасиdir. Тил, инсоннинг лисоний фаолияти чекланишдан холи ҳамда тилнинг ифода имкониятлари бекиёс ва бетакрор. Ҳатто сўзламасликнинг, сукутнинг ўзи ҳам лисоний фаолиятнинг, нутқийликнинг бир туридир («Мен жимман»). Нотекислик, начизиқли ривож замонавий фалсафа – синергетиканинг асосий гояси бўлиб турган бир пайтда, биз ҳам сўз ва тушунча, бошқача айтганда, тил ва тафаккур муносабатининг бир текис эмаслигини эътироф этмоғимиз лозим. Мантиқшунослар журматини қозонган П.Вопенканинг эътирофича, «оламни унинг мавжудлигича, яъни нотекислиги билан биргаликда кўриш керак» (Вопенка 2004:37), чунки «воқелиқдаги ҳодисаларнинг нотекис ҳолатда бўлиши мумкинлиги инкор этилса, бутун олам бизнинг тасаввуримизда оддий механик курилма тасвирини олади» (Ўша асар, 154-бет).

Демак, нотекислик, олам тузилишининг синергетик тасвири сифатида ҳар қандай назарий таҳлил ва тавсифнинг асосий тамойили бўлиш хукуқига эга. Албатта, ҳар бир тадқиқотчи ўз фикрига эга бўлиши ва ундан олдин айтилган гояларни ўзича қабул қилиш эркинлигига эга, аммо бу эркинлик ўрганилаётган объектнинг атрофидагилардан ажратлиб, яккаланиб қолишига сабаб бўла олмайди. Бир пайтлар ўзларини фан методологиясининг асосчилари ҳисоблаб юришганларнинг «алоҳида ҳодисаларни тушуниш учун уларни умумий алоқалардан ажратиб олишимиз ва алоҳида, ажрим ҳолатда ўрганишимиз лозим», деган фикри марксизм асосчиларидан бўлган Ф.Энгельснинг «Табиат диалектика»сида ёзилган бўлса-да, диалектикадан ниҳоятда

йироқ ғоя эканлигини бугунги кунда алоҳида изоҳлаб ўтиришга ҳожат қолмаган бўлса керак.

Декарт ва Бэконалар механик материализмининг фан тараққиётига қанчалик кескин ғов қўйиши мумкинлигини файласуфлар ҳали XVIII-XIX асрлардаёқ пайқаган эдилар. Механик материализмда асосий ўринга сон категорияси қўйилганлигидан норози бўлган Гегель «Мантиқ фани» асарини сифат категорияси билан бошлаганини эслайлик. Бироқ сифат қандайдир бир мавхум кўрсаткич эмас, унинг қиймати сон билан яқдиллигига кўринади. Немис файласуфининг назарида илмий таҳлилнинг вазифаси оламни мавхум, умумий тушунчаларда тавсифлаш ва мавжуд фарқларни маълум бир ўхшашлиқ доирасида кўриш билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки воқеликнинг ҳар бир алоҳида қисмининг сифат кўрсаткичларини ўрганишдадир.

Дарҳақиқат, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг табиати, моҳиятини билиш учун уни бошқа нарса-ҳодисалар билан қиёслаб ўрганишга мажбурмиз. Фақат шундагина маълум бир ҳодисанинг туб моҳияти, қиймати, сифатини англаш мумкин. «Сифат» сўзининг ўзиёқ бошқаларга муносабат, қиёсга ишора қиласди. Лекин муносабатлар ҳар хил. Жумладан, «*бир кило узум*» ва «*икки кило узум*» ибораларининг қиёсида ҳеч қандай сифат кўрсаткичи кўринмайди. Сифат кўрсаткичлари, хусусиятлардаги фарқлар фақат «*бир кило кишиши узуми*» ва «*икки кило ҳусайнини узуми*» ёки «*икки кило узум*» ва «*икки кило олма*» қиёсларидагина намоён бўлади.

Умуман, нарса-ҳодисаларнинг сифат-хусусиятлари ҳақида гапирганимизда, уларнинг маълум бир яхлитлик доирасидаги тутган ўрнини назарда тутамиз. Зотан, қисм ёки бўлакнинг хусусияти унинг бутунликка тобелиги билан боғлиқ. Шу боис «*қулоги эшиитмайди*», «*кузи кўрмайди*», «*акли ноқислашиди*» дейиш мантиқан нотўғри, чунки эшиитмай, кўрмай, аклан ноқислашиб қолиш аслида қулок,

кўз, мияга хос эмас, бу сифатларга одам эга бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, бизни тадқиқ этилаётган обьектнинг моҳиятини билишнинг асосий йўли уларнинг аниқ, маълум муҳит, яхлитлик доирасида намоён бўладиган сифат-хусусиятларини ўрганиш эканлигига яна бир карра ишонтиради. Айнан сифат категорияси формал ва диалектик мантиқ ўртасидаги чегарани белгилайди. Маълумки, формал мантиқ йўналишида шакл мазмундан ажralиб қолади ва тафаккур формаси борлиқни акс эттирмайди, диалектикада эса, тафаккур воқеликнинг акси, кўзгусидир.

Менимча, сўз ва тушунча муносабати масаласини ҳам худди шундай диалектик ва синергетик ёндашувлар асосида муҳокама қилганимиз маъкул. Уларнинг бирини иккинчисининг такори деб қараш қанчалик номаъкул бўлса, бир-биридан тўлиғича ажратиб ташлаш ҳам шу даражада ножўядир. Сўз ва тушунча муносабати, ҳеч қандай гумонсиз, икки томонлама кечадиган ҳаракат. Муносабат икки томонлама йўналишда бўлғанлиги боис ҳам уларнинг қайси бири етакчилик қилишини аниқлаш қийин масала. Эҳтимол, шунинг учун айрим олимлар уларнинг мавқеини аниқлашда баъзан қарама-қарши фикрларни билдиришгача бориб етгандирлар. Жумладан, А.А.Потебнянинг машҳур «Тафаккур ва тил» номли асарида «тил нафақат тайёр фикрни ифодаловчи восита, балки ушбу фикрни яратиш воситасидир» ёки «сўз тушунчани шакллантириш воситасидир», деган фикрларни ўқисак, бошқа бир асарида эса, «ҳар қандай сўз.... тафаккур ҳаракати, унинг амалга оширилиши натижасидир» қабилидаги қайдларини кўрамиз (Қаранг: Білодід 1977:23).

Сўз ва тушунчанинг ўзаро боғлиқлиги икки томонлама, жуфтлашган кечимда эканлигини нутқий тафаккур фаолияти давомида кечадиган жараёнларнинг, турли психолингвистик ҳаракатларнинг ўзаро мувофиқлашуви, монандлашувида кўрамиз. Ёш болаларда лисоний қобилият

тараққиётининг генетик ва психологияк асосларини ўрганган Л.С.Выготский тушунча (фирк)нинг сўзга муносабатини нарса-субстанция эмас, балки жараён сифатида қараш лозимлигини уқтираётib, ушбу жараённинг ҳаракати тушунчадан сўзга қандай йўл олса, сўздан тушунчага ҳам худди шундай йўналишда қайтишини эслатади. Лев Семенович тушунчанинг сўзга муносабати тараққиётдаги ҳодиса эканлигини ва бу тараққиёт кўп босқичли бўлиб, турли ўзгаришларга учрашини қайд этади. Аммо бу йўсингдаги тараққиёт боланинг ёши, физиологик ўсиши билан изохланмасдан, балки функционал хусусиятдаги тараққиётдир. Олимнинг изохича, «ҳар қандай тушунча (туғиладиган фирм -Л.С.) бирор нарсани иккинчиси билан боғлашга интилади, улар ўртасидаги муносабатни намоён қилади. Ҳар қандай ақлий ҳаракат турли йўналишни олиш, кенгайиш, йириклишиш, ривожланиш имкониятига эга. Бир сўз билан айтганда, у алоҳида вазифани, ишни бажаради. Ақлий ҳаракатининг бундай оқимда кечиши ботиний фаолият тури бўлиб, у тушунчанинг сўзга ҳамда сўзнинг тушунчага ўтиши билан боғлиқ босқичларини қамраб олади. Шу сабаб тушунчанинг сўзга муносабати таҳлилида, биринчи ўринда турадиган вазифа тушунчанинг сўзга нисбатан ҳаракати давомида босиб ўтиладиган босқичларни ўрганишдир» (Выготский 2008: 423-424). Бор-йўғи 38 йил умр кўрган (05.11.1896 -11.06.1934) психолог олимнинг бу ёзганлари, ўтказилган қатор психологик тажрибалар натижаларининг илмий таҳлили самараси бўлганлиги учун, ўта асосли кўринади. Унинг илмий мушоҳадаси, хulosалари салоҳиятига ишонмасликнинг иложи йўқ.

Сўз ва тушунча муносабатининг ўзгарувчан, динамик характерда эканлиги ва бу муносабаг икки томонлама (бири иккинчисини тақозо этадиган) йўналишда кечиши ўзи ментал, мантиқий бирлик бўлган тушунчанинг лисоний белги кўринишидаги турли бирликлар билан муносабатида

яққоллашади. Чунки тушунчанинг лисоний воқелантирувчи восита алоҳида олинган сўз бўлиб қолмасдан, балки бу вазифа бошқа шаклдаги бирликлар зиммасига ҳам тушади. Масалан, ўзбек тилида *жазоламоқ* = *жазо бермоқ*, *тартиблаштирмоқ* = *тартиб бермоқ*, *овқатланмоқ* = *овқат (тушилк)* қилмоқ каби жуфтликлар билан бир қаторда, *ҳис қилмоқ*, *тўй қилмоқ*, *томуша қилмоқ*, ижод қилмоқ каби аналитик бирикмалар кенг қўлланишдадир. Тушунчаларнинг таркибли бирикмалар воситасида ифодаланиши, айниқса, терминлар тизимида кенг тарқалган: *ҳозирги ўзбек тили; императив* = *буйруқ майли; инфинитив* = *фөълнинг ноаниқ шакли; эҳтимоллик назарияси; олий ўқув юрти; электр майдони* кабилар. Нихоят тушунча сўз ўрнида қўлланиладиган ҳар қандай рамз воситасида ифодаланиши мумкин. Бундай рамзлар қаторига, жумладан, «имо-ишора тили», Морзе алифбоси ва бошқалар киради.

Келтирилган мисоллар кам сонли бўлса-да, шуларнинг ўзиёқ тушунча ва сўз муносабатининг нотекис ва мураккаб хусусиятли эканлигидан гувоҳлик беради. Бу муносабат бир текис, тўғридан-тўғри бирлашишда бўлганида, турлича ва алоҳида олинган сўзнинг маъноси бир-бирини тақрорлаган бўлар эди. Унда бундай текис муносабат ва муқобилликни таъминловчи ички семантик жараёнлар нималардан иборат бўлиши мумкин ва улар қай йўсинда кечади? Эслатиш жоизки, бундай саволлар ҳамда шу муносабат доирасида кечадиган семантик, ментал жараёнларга тишлинос ва мантиқшунослар етарли даражада эътибор қаратишганларича йўқ. Бироқ айнан шу тарзда семантик структурада юзага келадиган ички ўзгаришлар воқелик идрокида образлилик, идеалликни яратади.

Алоҳида олинган сўз воситасида ифодаланишида сўз маъноси мантиқан тушунчани тақрорлаши бироз бўлса-да аникроқ кўринади, чунки бу ҳолатда тушунча маълум турдаги нарса-ҳодисаларнинг алоҳида хусусиятлари,

бошқалардан фарқловчи белгиларнинг умумлашмасини акс эттиради. Бирикмалар таркибида эса, семантик силжишлар юзага келиб, сўз алоҳида тушунчадан кўра кўпроқ номланаётган нарса-ҳодисанинг бирор-бир белгисини ифодаловчи бирликка айланади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш лозим бўлар эди?! Маълумки, сўз бирикмаси маълум моделлар тузилишида ҳосил бўладиган тил бирликлари қаторига киради. Модель – лексик-грамматик яхлитликни ташкил қилаётган бирликларнинг мантиқий, лугавий ва грамматик мослашувини тақозо этади. В.В.Виноградов таълимотининг таргиботчилари сўз бирикмаси «бўлакларга ажратиладиган тушунчани» ифодалашини қайд этиб келишмоқда. Сўз бирикмаси субъект, объект, феъл, атрибут, адверб (ҳол) маъноларини ифодалаши ва бу маъноларнинг юзага келишида бирикма етакчи элементининг ўрни борлигини инкор этиш қийин, албатта. Қиёсланг: *ёшлиар саройи, келајсак овози, устоз ўғити, фермер ҳаракати, уй қурмоқ, рақиб билан беллашмоқ, парвозга тайёр, оламга машҳур, осон қутулмоқ, ҳақиқатдан йироқ* кабилар. Ушбу бирикмаларнинг мазмуни таркибий қисмлар маъноларининг йиғиндисидан иборат эмаслиги ҳам анъанавий равишда барча томонидан айтилиб келинмоқда. У ҳолда номланаётган тушунчани қандай йўл билан бўлакларга ажратиш мумкин экан?

Файласуфларнинг таърифича, тушунча – «предмет, ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир» (Шарипов, Файзихўжаева 2004:69). Ментал тузилма бўлган тушунча, бир томондан оламни билиш шакли бўлса, иккинчи томондан, тафаккур юритиш амали, усулидир. Бу фаолиятда бажариладиган амаллар ҳам турли-туман. Билиш фаолияти учун энг аҳамиятлиси - предмет-ҳодисаларни муҳим белгилари, хусусиятларига асосан умумлаштирувчи тушунчалардир. Хусусиятнинг муҳим бўлиши унинг билиш объективининг моҳиятини

белгилаш қиймати билан ўлчанади. Аммо тушунчанинг шаклланиши учун предметлар хусусиятларининг муҳимлиги ҳар доим ҳам асосий ролни ўйнаши шарт бўлмаса керак, зоро, нарса-ҳодисалар тавсифида баъзан унчалик муҳим бўлмаган хусусиятлар ҳам олдинги ўринга чиқиши кузатиб турилади. Бу хусусиятлар алоҳида предметнинг моҳиятини белгилашда муҳимлашади ва кўпинча ушбу предметдан фойдаланиш билан боғлиқ (яъни унинг функционал моҳиятини белгилайди). Бир пайтлар Ф.Шиллер моҳиятли хусусият маълум мақсадни кўзлаб ва маълум даврда ажратилишини инобатга олиб, «нарсаларнинг моҳияти ва тавсифи ягона эмас, улар нисбатан ва ўзгарувчандир», деган хulosага келган экан (Schiller 1912:70). Масалан, одамнинг моҳиятли хусусияти ҳар кимнинг қизиқишига биноан белгиланади: дин ҳомийси учун одамнинг моҳияти унинг руҳида; шифокор учун одам гавдаси, ошпаз учун унинг ошқозони аҳамиятлидир. «Ушбу таърифларнинг ҳақиқийлиги турли нуқтаи назарлар мавжудлигига. Инсоннинг мавжудлиги учун унинг пул топиши-ю, сева олиши бир хилда аҳамиятлидир» (Ўша асар, 54-бет). Прагматик йўналишдаги мантиқшуноснинг ушбу фикрларини баён қилаётган Е.К.Войшвилло у ёки бу нарса-ҳодиса хусусиятининг муҳимлиги бажариладиган амалий фаолият талабларига нисбатан белгиланишини эътироф этади. Олимнинг фикрича, «суюқ модда», «қаттиқ модда», «кристалли модда», «кимёвий модда», «мураккаб кимёвий модда» тушунчаларида умумлаштириш учун асос бўлаётган хусусиятлар предметнинг ўзи учун муҳим бўлмасдан, балки маълум бир муносабатлар қиёсида ёки амалий фаолиятнинг аниқ кўринишларида муҳимлашади. Бинобарин, «оддий кимёвий модданинг» энг муҳим кўрсаткичи – ушбу модда молекулаларининг бир хил ядроий зарядга эга бўлган атомлардан таркиб топишидадир. Худди шунингдек, оқ ва қора рангли предметларнинг моҳиятли фарқлари шундаки,

уларнинг оқлари ёргулик нурини қайтарса, қоралари эса, уни ютади (Войшвилло 1989:128-129). Тушунча мундарижаси нарса-ҳодисаларнинг асосий, энг муҳим хусусиятлари тўпламидан ташкил топишидан ташқари, баъзи пайтларда бу мундарижа юзаки, яққол кўзга ташланадиган хусусиятларни акс эттириши ҳам мумкин.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мураккаб таркибли тил бирликларини алоҳида тушунчалар бирикувидан иборат, деб талқин қилиш ғоясидан узоқлашишга ундаиди. Дарҳақиқат, одамнинг онгидаги инъикос ва идрок фаолиятида ҳосил бўладиган тушунчанинг лисоний воқеланиши ўта мураккаб жараёндир. Аслини олганимизда, бу жараёнда инсон онгида воқеликнинг ўзи эмас, балки унинг образи гавдаланади ва шу образ тилда ўз ифодасини топади. Воқеликдаги нарса-ҳодиса ва тушунча ўртасидаги алоқа билвосита бўлганидек, тушунча ва тил бирлиги ўртасида ҳам тўғридан-тўғри алоканинг бўлиши жуда камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. «Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги алоқа инсон томонидан ўрнатилади» (Нурмонов 2012, I-жилд:93). Профессор Абдуҳамид Нурмонов таъкидлаётган бундай шартли муносабат тушунча ва тил бирлиги (товуш комплекси) муносабатига ҳам кўчишига аминман.

Мураккаб таркибли тил бирликларининг ҳосил бўлиши ва қўлланиши, худди оддий луғавий бирликларнидек, биринчидан, оламни билишга интилишнинг маҳсули бўлса, иккинчидан, дискурсив, коммуникатив эҳтиёж натижасидир. Гносеологик ва дискурсив фаолиятларнинг яқдиллигига туғиладиган ономасиологик (предмет-ҳодисаларни номлаш, лисоний ифодалаш) эҳтиёжини тил соҳиблари турли тузилишдаги номинатив бирликлар воситасида қондириш имкониятига эгадирлар. Бундай «лисоний эркинлик ва бағрикенглик»нинг намунасини биз, шунингдек, сўз бирикмаларининг яратилиши ва қўлланишида ҳам кўрамиз.

Сўз бирикмаларининг ифодаланаётган тушунча билан муносабати уларнинг тил ички ва тиллараро фаоллашувидаги яққол намоён бўлади. Номинатив вазифани бажараётган сўз бирикмаси, алоҳида олинган сўз бирлиги каби, воқеликдаги предметлар, кечеётган ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиради. Жумладан, инглиз тилидаги N+N (от+от) қолипидаги сўз бирикмалари номинатив ва аксиологик (баҳо) мазмунларини бир хилда ифодалайди, баъзан уларда ҳатто баҳо функциясининг устуворлик қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундан ташқари, маълум бирликларнинг бўлакларидан бирининг туб маъноси унинг юқори даражада нутқий фаоллашуви натижасида сезиларли даражада сийқалашуви мумкин. Натижада ифодаланаётган тушунча ва маъно «бирор бир аниқ предмет билан алоқада бўлмасдан, балки ушбу мазмунни умумлашган ҳолатда намоён қиласди» (Ахманова 2009:262). Инглиз тилида *line* сўзининг луғавий маъноси «чизик, қатор, йўналиш, чегара, соҳа, шажара боғланиши, фаолият тури» кабилардир. Нутқий фаолиятда кенг қўлланиши туфайли ушбу сўзниң маъноси хидалашган ва унинг иштирокида ҳосил бўладиган сўз бирикмаларининг матнда қўлланиши учун қўшимча компонент талаб қилинади. Ҳосил бўлаётган ўзбек тилидаги муқобиллари эса, бир сўзли ва баъзан тавсифий характерга эга бўлиши мумкин: *business line* – бизнес, ишилаб чиқариш; *work line* – ҳал қўлувчи, етакчи омил; *bottom line* – натижса, охирокибат; *duty line* – хизмат, хизмат мажбурияти; *gas line* – газопровод; *power line* – электр токини узатиши йўли ёки ҳарбий кучлар, ҳарбийлар.

Худди шунингдек, «юмалоқ», «текис», «майин», «ёқимли» каби луғавий маънога эга бўлган *soft* сифати A+N моделидаги кўплаб сўз бирикмаларини яратади. Масалан: *soft target* – очиқ мақсад; *soft speech* – тинч оҳангдаги нутқ; *soft heart* – раҳмдил одам, раҳмдиллик, яхши одам; *soft assets*

— нотурғун, кам талабли актив; *soft line* — юмшоқ, келишувчан нұқташ нағар ва ҳоказо.

Келтирилған бирикмалар семантик деривация ҳосилалари бўлиб, уларнинг нутқий фаоллашуви структур ва ижтимоий норма кўрсаткичларига асосланади, яъни улар турли ижтимоий гуруҳларга оид сўзловчилар нутқида қўлланиши билан ажралиб турадилар (Қаранг: Баранов, Добровольский 2008:50).

Демак, тушунчанинг лисоний воқеланишини фақат тушунча — сўз муносабати билан боғлаб қўйиш тил ва тафаккур алоқасининг барча жиҳатларини билиш ва бирор-бир тўлиқ мазмундаги хуросаларга келишни қийинлаштиради. Тушунчаларни лисоний воқелантириш функцияси барча турдаги тил бирликларига бир хилда хос. Тафаккур фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган тушунчаларнинг таркиби, тузилиши идрок этилаётган воқелик, нарса-ходисаларнинг структураси, тил сохиблари гуруҳи, социумнинг мавқеи, ижтимоий ривож даражаси, оламни билишда намоён бўладиган интеллектуал қобилияти билан боғлиқ. Худди шу ҳолатлар лисоний белги, тил бирликлари танловида бевосита ва билвосита ўз аксини топади. Ономасиологик эҳтиёжни қондириш имкониятлари воқеланишида юзага келадиган фарқлар, шунингдек, ҳар бир тилнинг лексик-грамматик курилиши, миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ.

Тил инсон тафаккур фаолиятининг икки муҳим жиҳати билан бир хилда алоқадор, яъни инсоннинг оламни билиш ва уни ижодкорона ўзлаштириш (лозим бўлса, ўзгартириш) ҳаракатлари тилда ўз аксини топади. Натижада лисоний бирликлар мундарижаси ўзлаштирилган билимдан иборат бўлади ва бу билим кейинги ақлий таҳлил, ўзига хос анализ ҳамда синтез амалларини бажариш учун муҳимдир. Тушунчанинг лисоний воқеланишини таъминловчи фаолият нутқий тафаккур фаолияти замирида юзага келиб, у ёки бу

номланаётган ҳодиса ва унинг ҳақида ҳосил бўлган тушунчага мос келадиган тайёр лисоний воситаларни топиш ёки янгисини яратиш ҳаракати йўналипларида кечади. Бу фаолият таркибида сўзловчининг мақсади ва лисоний воситалар ўзаро ҳамкорликка киришади. Бу борада немис тилдиуни оси Й.Л.Вайсгербер қуидагиларни ёзган эди: «биз алоҳида мазмунни ўз шахсий тажрибамиз ва ташки оламни инсоний табиатимизнинг рухий ва физик имкониятларига таянган ҳолда ўзлаштирамиз. Кейинги навбатда биз лисоний ифода бирликлари билан танишамиз ва улар нимани ифодалашини (*bedeuten*) ҳамда шу аснода маълум усулда ўзлаштирилган мазмун ва унинг лисоний ифодаловчиси ўртасидаги алоқани аниқлаймиз. Сўзни (тил бирлигини – Ш.С.) билиш лисоний белги ва унинг билан боғлиқ тушунчани билиш демакдир» (Вайсгербер 1993:44).

Лисоний қобилиятнинг шаклланиши борасида маҳсус тадқиқотлар олиб боришган олимларнинг кузатишича, айрим руҳшунослар, масалан, Вюцбург мактаби вакилларининг тафаккур (тушунча)ни сўздан ёки умуман тилдан айри ҳолда мавжуд бўлишини тасдиқлаш истаги орзудаги хаёл бўлиб қолаверади. Тўғри, кўплаб тушунчалар ёш боланинг онгига улар лисоний шакл олишидан олдинроқ туғилади. Аммо тафаккур бирлиги бўлган тушунчанинг лисоний либосиз ҳам ахборот алмашинув манбаи ва воситасига айланиши мумкин, деган хуносадан йироқлашганимиз маъкулроқ. Л.С.Выготский ишонтиришга ҳаракат қилганидек, «тафаккурнинг сўзга муносабати тушунчанинг сўзда туғилиши (яратилиши – Ш.С.)нинг жонли жараёнидир. Тушунчадан ҳосил бўлган сўз даставвал ўлик сўздир.... Лекин сўзда гавдаланмаган тушунча ҳам гавдасиз соя бўлиб қолаверади....» (Выготский 2008:493). Олимнинг гапига ишонадиган бўлсак, сўз ва бошқа номинатив бирликларнинг аввал онгда қолипланишини ва тушунча кўринишида «ақл сандиғи» – мияда шаклланишини

эътироф этмоғимиз лозим. Натижада, сиз билан биз «бош қотираётган» муаммо «идрок объекти – тушунча - сўз» учлиги доирасида қаралади. Ушбу муаммони ўрганиш методларини излаган Л.С.Выготский юқоридаги учликни яна бир таҳлил бирлиги – **маъно** ҳисобидан тўртликкача кенгайтиради. Маъно, биринчи навбатда, яхлит нутқий тафаккурга хос хусусиятга эга бўлади. «Нутқ қиролдигига қанчалик хос бўлса, тафаккур подшолигига шунчалик тегишли бўлган» маъно бир томондан «сўзнинг заруритли, яратувчи хусусияти», иккинчи томондан, «тафаккур фаолиятининг ўзи» ва «тафаккур ҳодисасидир» (Ўша асар, 413-бет).

Тушунча ва маъно ҳодисаларини айнандаштириш борасида Л.С.Выготский яккаланиб қолгани йўқ. Академик Л.В.Шчерба «Маънолар асосида ҳар қандай ҳолатда ҳам тушунчалар туради» (Щерба 1971:4), деб хукм чиқарган бўлса, яна бир петербурглик тишлинос С.Д.Кацнельсон «сўзнинг маъноси ўз коцептуал мундарижасига биноан тушунчага мос келиши»ни қайд этган эди (Кацнельсон 1965:19).

Шунинг билан биргаликда, тамоман тескари, яъни тушунча ва сўзни турли моҳиятли, бир-бирини такрорламайдиган ҳодисалар эканлигини таъкидловчи фикрлар ҳам мавжуд. Бундай ёндашувда ушбу ҳодисаларга турли фанларга оид категориялар нисбати берилиб, уларнинг мундарижавий ноўхашааш томонлари ажратиб кўрсатилади. Бу борада энг ашаддий қаршилик кўрсатганлардан бири рус файласуф-филологи А.Ф.Лосев эди. «Сўз маъноси ифодаланаётган тушунчанинг ўзи» қабилидаги ғояни умуман ёқтиргмаган олимнинг ёзишича, «бу тамоман нотўғри фикрdir». «Сўз, - деб у изоҳ беради, - нафақат тушунчани, балки ҳар қандай образни, тасаввурни, ҳар қандай ҳиссиёт ва эмоцияни ҳамда ҳар қандай субъектсиз (субъект доирасидан четдаги – Ш.С.)

предметликни ифодалаши мүмкин. Бундан ташқари, маънони тушунчага тенглаштириб қўйсак, унда тил ортиқчалик қилиб қолади, яъни у тушунчалар воситасидаги мавхум тафаккурга айланади-қолади» (Лосев 1976:75).

Аммо А.Ф.Лосевнинг «ашаддийлиги» муваққатдек кўринади, у ўҳшашик, айнанликни тўлиғича йўқотиб бўлмасликни сезади, афтидан. Буни биз унинг кейинги қайдларидан ҳам уқиб олишимиз мүмкин. Сўзниг маъноси ва ушбу сўз воситасида ифодаланаётган тушунчани фарқлаш (агарда бу фарқ соф ҳолда қаралса) ҳам ҳеч нарсага ярамаслигини уқтираётган олимнинг ҳақлиги бегумон. Акс ҳолда сўз маъноси «тўлиғича ҳар қандай тушунча ёки мазмундан ажralиб қолар ва мазмунсиз бўлар эди; сўз билан ифодаланаётган тушунча эса, ўз ифода имкониятларини батамом йўқотиб, тил тизимидағи ўрнидан ажralар эди. Бундай ҳолатда тилниг ўзи ҳам мазмунсиз бўлиб қолиши муқаррар» (Ўша асар, 76-бет).

Дастлабки назарда машхур олим батамом тескари гояларни олға суреб, ўзини-ўзи инкор қилаётгандек кўриниши турган гап. Аммо унинг фикрини тўғри ўқиётган бўлсан, айнанлик ва айриликка бир кўз билан қараш лозим. Тушунча ва маъно муносабатидаги айнилик ва айрилик бир хилда оний, яъни вазиятнинг маълум бир лаҳзасида юзага келадиган ҳолатлардир. Энг асосийси – маънонинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, унинг ифодаланаётган объект ва ифода воситаси – тил бирлигидан фарқини йўқотмасликдир.

Маъно ҳодисасининг ўзига хослигини, унинг ҳаракатдаги ҳодиса эканлигини эътиборга олмасдан туриб, маъно ва тушунча муносабати ҳақида бирор бир аник ҳулосага келиш мушкул. Маъно худди образ каби тил бирлиги яратилиши билан бир пайтда шаклланади. Тушунчанинг шаклланиши эса, бошқачароқ ва бошқа пайтда кечади. «Сўз, - деб ёзған эди А.А.Потебня, -нафақат товуш шакли, балки бутун мундарижаси билан тушунчадан фарқ

қилади ва унинг муқобили ёки ифодаланиши бўла олмаслигининг сабаби унинг (сўзнинг – Ш.С.) тафаккур фаолиятида тушунчадан олдин мавжудлигидадир» (Потебня 1958:68).

Мантиқшуноснинг билдираётган фикри эса, бошқачароқ эштилади: «Тушунча сўздан холи ҳолда шаклланиши ва мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки у предметларнинг (онгда - Ш.С.) акс топишнинг ўзига хос лисоний шаклидир, лекин у баъзан ўзи кейинчалик маъно ва мазмунига айланадиган сўздан олдин юзага келиши ва мавжуд бўлиши ҳам мумкин» (Войшвилло 1967:125). Тушунчани сўз ва сўз маъносидан алоҳида қараш лозимлиги Е.К. Войшвиллонинг кейинги рисоласида янада қатъиyroқ таъкидланади: «тушунча алоҳида бир сўз билан узилмас алоқада эмас. У тафаккурнинг мустақил тузилмасидир. Чунки «сўзнинг маъноси бўлиши» – икки ўринли предикат, «тушунча бўлиши» – бир ўринли» (Войшвилло 1989:89).

Бундай турли-туман, баъзан бири-иккинчисини инкор этувчи фикрларнинг пайдо бўлиши, сўзсиз, хулосалар ва тавсифлардаги чалкашликларга сабаб бўлади. Асосий масала киёсланаётган ҳодисаларнинг (шу жумладан, тушунча ва лисоний маънонинг) фарқи уларнинг моҳияти билан боғлиқми ёки йўқлигига. Юқорида айтилганидек, тушунча ва маъно муносабатида ажратилаётган фарқнинг маълум лаҳза учун муҳим бўлиб, тубдан қараганда эса, ўткинчи, моҳиятни белгилашдаги роли паст даражада бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим. Дунёда ҳеч нарса тўлиқ, комил, бекаму-кўст бўлмаса керак. Муносабатлар тўлиқ, роса ва тугал бўлганида, биз ушбу муносабатларнинг илдизию, алоқа тугунларини излаб юрмас эдик. Бизни ҳозир қизиқтириб турган ҳодисалар муносабати ҳам бундан истисно бўлмаса керак. Оламда қатъий структураларнинг мавжудлигини мантиқан тасаввур қилиш қанчалик қийин бўлса, маъно ва тушунча ҳодисаларини ҳам

ўта тартиботли, аниқ кўринишда, айниқса, алоҳида шаклу сиймода тасвирилаш шу даражада мушкул. Маъкули – уларнинг муносабатини узлуксиз, доимий ҳаракатдаги жараёнлар тасвирида тавсифлашдир. Майно ва тушунча ҳодисаларининг алоқаси – бир-бирини тўлдирувчи, комплементар муносабатлар рамзидир. Ушбу ҳодисалардан қай бирининг етакчи ёки устувор ўрин эгаллашини аниқлаш истаги эса, ўз оёқларини санаш билан машғул бўлиб, юришдан, ҳаракатдан тўхтаб қолган мингойёқнинг ҳолатини эслатади.

Тушунча инсоннинг қизиқиши ва тажриба худудига кирадиган предмет ва ҳодисаларни билишга йўналтирилган фаолияти самарасида шаклланади. Ушбу фаолиятнинг натижалари у ёки бу кўринишда тил тизимида ўз аксини топади. Тушунча тафаккур шакли ҳамда шу аснода инсон гносеологик фаолиятининг, унинг дунё ҳақидаги билимининг формаси сифатида тилдан холи ҳолда юзага келмайди ва тил тизимидан мустаҳкам ўрин топа олмайди. Шунинг билан биргаликда, тушунча ва лисоний белги яратилиши жараённинг айни бир пайтда кечиши шарт эмас, тушунча унинг лисоний белгиси хизматини ўтовчи сўзининг иштирокисиз шаклланиши мумкин.

Айни пайтда тушунча ва маъно ҳодисаларини семантик жиҳатдан айри ҳолда қарааш истўғри ёндашув эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Бу ҳодисалар ягона мантикий-лисоний майдон доирасида доимий равишда кесишиб турадиган ҳаракатлар измидаги ҳодисалардир. Аслини олганда, тушунча ва маъно ҳақида гап кетганда, бизнинг дикқатимиз концептуал сатҳнинг ягона нуқтасига, яъни инсон онгига ҳосил бўладиган мавҳумлашган бирликлар таҳлилига қаратилади. Лекин бу бирликлар турли нуқтаи назардан ва турли мақсадда таҳлил қилинадилар: тушунча ҳодисаси таҳлилида бизни ниманинг акс топаётгандиги қизиқтиради, маъно ҳодисаси ўрганилишида эса, эътиборни

онгдаги акснинг қандай ифодаланаётганлиги тортади. Маънони воқелик инъикоси ҳосиласи бўлган тушунчанинг давоми, «изи» сифатида талқин қилиш тарафдори бўлган М.В.Никигининг баёнича, маъно тушунчага хос бўлган мундарижа, структур, тизимли алоқа, ифода характери каби барча хусусиятларни сақлаб қолади. Лекин маъно туғилиши тушунчанинг лисоний белги билан боғланиши, алоқаси юзага келиши сабабли ушбу хусусиятлар янада боййиди, кенгаяди. «Шу боис, - деб ёзади петербурглик семасиолог, - фақат тушунчанинг ўзи ҳақида гапираётганимизда, биз тафакур бирликларининг борлиқ ва инсон фаолиятига муносабати билан қизиқамиз. Сўз маъно ҳақида кетаётганда эса, диққатимиз тафакур бирликларининг лисоний ифодасига, инсоннинг онгли идроки шароитида юзага келадиган ушбу бирликларнинг уларни ифодаловчи белгиларга муносабатига кўчади» (Никитин 1988:46).

Бу йўсингдаги ёндашув тушунча ва маъно ҳодисаларини умумийлик ва хусусийлик қонуниятлари доирасида талқин қилишга ундаши муқаррар. Лексик маънонинг шаклланиши ва унинг тушунча билан боғлиқ жихатлари ҳақида қатор илғор назарий ғоялар муаллифи академик В.В.Виноградов 1953 йилда ёзган мақолаларидан бирини қўйидагича якунлаган эди: «Тушунча сўзнинг номинатив, эркин маъносига айланиши мумкин. Лекин тил тизимига хос ҳодиса сифатида кўрилаётган сўз маъноси бу ҳолатда ҳам фақат ушбу тушунчани ифодалаш билан чегараланиб қолмайди. Сўзнинг бошқа лексик маъноларини эътиборга оладиган бўлсак, бу маънолар маълум бир тилнинг этник хусусиятлари билан шу қадар бирикканки, уларнинг умуминсоний, мантиқий таркиби ҳар томонлама ушбу ҳалқ миллий ижодкорлигининг ўзига хос шакл ва мазмун бўлаклари билан қамраб олинади» (Виноградов 1977). Дарҳақиқат, тушунчалар тизими кўпроқ умумийликка интилади. Тушунчани айрим файласуфлар истаганидек,

«умумийлик ёки умумий хусусият ҳақидаги фикр», деб таърифлайдиган бўлсак, унинг миллийлигини унугиб, барча учун умумий, универсал мундарижага эга эканлигини эътироф қилишга мажбур бўламиз. Аммо бундай умумийликнинг доимий равишда сақлаб қолинишига кишининг ишонгиси келмайди. Бизни бунга ишонтирмоқчи бўлаётганлар эса, тушунчани мантикий ва гносеологик категория эканлигини бетиним такрорлашиб, у мавхумлаштириш ва умумлаштириш мантикий амаллари ижросида шаклланишини таъкидлаб турадилар. Умумлаштириш амалига розилик билдиrsак бўлар (чунки у турли хусусиятлар тўпламидан энг асосийларини танлаб олиш йўли билан бажарилади), аммо мавхумлаштириш амалининг қандай бажарилишини аниқ изоҳлаб берадиган одамни топиш қийин. Мавхумлаштириш (абстракция)нинг хавфли томони обьектни атрофдагилардан ажратиб олиб қараш, алоҳида бир хусусиятни «улуглаб», қолганларини четта суриб қўйиш амалларига таянишдир. Охир-оқибатда мавхумлаштириш нореал, йўқ нарсаларга тавсиф беришга ундашдан бошқа нарса бўлмай қолиши мумкин.

Тушунча мантикий тафаккур бирлиги сифатида тафаккур юритишнинг умумий ва заруриятли шакли эканлигини ҳеч ким инкор этганича йўқ. Тушунчанинг ҳажм ва мазмунга эга эканлиги ҳам маълум. Одатда, тушунчанинг ҳажми деганда, муайян ҳодисалар синфи тушунилса, мазмун эса, бу ҳодисаларнинг муҳим белгиларини акс эттириши билан изоҳланади (Нурмонов 2012, Ш-жилд:153). Лекин ҳажм ва мазмун чегарасини белгилашнинг ўз қоидагонуниятлари бор. Тушунчанинг шаклланиши шахснинг индивидуал тажрибасидан бошланади. Бирор бир уйни кўраётган шахсда у ҳақида пайдо бўлаётган тасаввур тушунча кўринишини олиши учун, биринчидан, у бошқа уйлар ҳақидаги тасаввурлар билан уйғунлашуви, иккинчидан, бошқаларининг ҳам уй тўғрисидаги

тасаввурларига мос келиши керак. Индивидуал идрок тажрибасининг кенгайиб, бошқа тасаввурлар ҳисобидан бойиб бориши тушунча яратилишига замин тайёрлайди. Америкалик машхур этнолингвист Эдуард Сепир «тажрибани соддалаштиришнинг биринчи босқичи» (Sapir 1921:13; Сепир 1934:12), деб атаётган ушбу амални, худди мавҳумлаштириш амалидек, «сийқалаштириш» ёки «юзакилаптириш» мазмунида англамаслик керак. Аксинча, «биз тубсиз тажриба денгизининг чексиз ўлчовидан тўлигича фойдалана олмаймиз. Биз ҳодиса-нарсаларнинг асл моҳиятига яқинлашмоғимиз даркор.....» (Ўша ерда).

Шундай экан, айрим мантиқшуносларнинг «тушунчанинг мазмун-мундарижаси қатъий чегараланган, лекин маъно эса, аксинча, асосий хусусиятлардан кўра кўпроқ турли кўринишдаги хусусиятларни акс эттиради», деган гояларига эрганишдан қочил маслаҳатини берган бўлар эдим. Берилган маслаҳатни изоҳлашга ҳаракат қиласман. Тилнинг ҳаракатдаги тизим эканлиги қачонлардир ўз исботини топган ҳақиқат, ушбу тизимнинг ночизикли, нотурғун ҳолати нафақат унинг диахроник (даврлар алмашуви), балки синхрон тасвирида ҳам яққол кўринади. Наҳотки тушунчанинг мазмуни, мундарижаси ягона, ўзгармас, турғун бўлса ва барча ақлий ҳаракатлар, ҳукмларда бир хил бўлиб қолаверса?! Инсон ақлий, мантиқий фаолиятига бундай статик ёндашув синергетик қонуниятларга тамоман зиддир. Ақлий фаолият ҳам ночизикли ҳаракат йўналишидан боради, у нотекисликлардан холи эмас. Тушунчалар ҳам тараққий этиб, ўзгариб борадилар ва бу айниятлик қонуниятига зид ҳолатларни юзага келтирмайди ҳамда мантиқий тафаккурнинг кечишига халақит бермаслигига ишонса бўлади.

Умумийлик хусусийликни инкор этмаганидек, айниятлик фарклар бўлишининг йўлини бекитмаса керак. Тушунчанинг универсал, яккамазмунли ҳодиса эканлигини

баъзилар терминларнинг моносемантик хусусияти билан исботламоқчи бўлади. Тушунча ва термин ўртасидаги мутаносиблик қанчалик яқин бўлмасин, лекин терминнинг яккамаънолиги илмий, техникавий ва профессионал билимнинг маълум бир соҳаси доирасидагина аниқроқ кўринади. Ягона бир термин турли соҳаларда ўзгача мазмун-мундарижага эга бўлиши мумкин. Тушунча ва терминларнинг мундарижаси профессионал нутқий фаолиятнинг ижтимоий-коммуникатив хусусиятлари ва ушбу фаолиятнинг қайси давр, қандай вазиятда бажарилиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Буни, масалан, Америка Кўшма Штатлари ҳукуқшунослиги дискурсида кенг миқёсда учрайдиган *privacy* термининг кўлланиші кўламида кузатиш мумкин. Илк бор америкалик судялар Льюис Брандейс ва Самюэл Уорренлар томонидан 1890 йилда кўлланган ушбу термин ўша пайтда «шахснинг автономлиги, унинг шахсияти, хусусий ҳудудига давлат таъсир ўтказмаслиги ҳукуки» мазмунидаги тушунчани ифодалаган (қиёсланг: *the right to be alone; right of privacy; to protect the privacy*). Даставвал инсон шахсий ҳаётининг ҳукуқий асослари билан боғлиқ бўлган бу тушунча кейинчалик конституцион асосга эга бўлди ва АҚШ Конституциясига охирги йилларда киритилган ўзгартиришлардан сўнг ҳукукийлик хусусиятини олиб, *property interest, liberty interest* тушунчалари каби *private interest* таркибли тушунча-термин кўринишига эга бўлди (Қаранг: Глинская 2010:33-50). Менимча, бу тушунчалар динамик хусусиятининг, уларнинг мазмуни доймий эмаслигининг ёрқин мисоли бўла олади.

Шунинг билан биргаликда, тушунчаларнинг универсаллик хусусиятига эга бўлишини ҳам тамоман йўққа чиқаришнинг иложи йўқ. Олам тузилишининг умумийлиги, моддий ва ижтимоий воқеликдаги ўхшашликлари, ҳаётий фаолият тажрибасидаги яқинликлар обьектив борлик ҳақидаги тасаввурларнинг яқин бўлишига, бу борлик

идрокидаги умумийликка сабаб бўлади. Натижада, инсонлар онгида янгидан шакланаётган мантиқий тузилмалар бир хил кўриниш олади ва юзага келадиган тушунчалар умумий мундарижага эга бўла бошлайди. «Турли» миллат ва элатларнинг билим доирасини акс эттирувчи тушунчалар тизимидағи фарқлар эса, даставвал моддий ва маънавий ҳаётдаги ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ. Ижтимоий ҳаёт, моддий дунё, маълум муҳитдаги фарқлар, ўзига хосликлар тушунчалар тизимидағи номутаносибликларни туғдиради ва ушбу тизимларда «тушунчавий боғлиқлик, етишмовчиликлар» (Никитин 1988:47) пайдо бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, бизнинг оила маданиятилизда «фарзанд» бир хил тушунча воситасида англашинилади, яъни у ота-она учун бир хилда фарзанд, бола. Америка қитъасидаги Кечуа элати вакиллари учун эса, *churi* – отанинг боласи, *wawa* – онанинг фарзанди.

Кечуа элатига хос тушунчалар тизимида бошқа этномаданиятларга тегишли айрим тушунчалар етишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, рус тилидаги *стареть* тушунчаси «эскирмоқ» ва «кексаймоқ» мазмунларига эга ҳамда у бир хилда инсонлар, ҳайвонлар, нарса-предметларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекона тавсифда «ты постарел» мантиқий тузилмасини «кексайибсиз» бирлиги ифодалайди. Кечуа маданиятида «кексайиш» тушунчаси йўқдек туюлади, зеро бу тилда *уууаңуау* (ақлли, мулоҳазали, оқил бўлиш) атамаси мавжуд ва кечуа кекса одамга нисбатан «мулоҳазали, оқил инсон» тушунчасини қўллашга мажбур.

Яна бир мисолни келтирмоқчиман. Ислом ва христиан динларига сифинувчилар учун «охирги дунё» (конец света) тушунчаси яхши таниш. Анд воҳаси ҳиндуларидан бўлмиш кечуа қабиласи вакиллари учун *Pacha kuti* тушунчаси эса, «дунёнинг тугашини» эмас, балки «дунёнинг қайта туғилиши, яралишини» англатади. Москва давлат

университетининг профессори О.А.Корнилов гувоҳлик беришича, тушунчалар тизимидағи бундай номуқобилликнинг сири ҳалқлар дунёқараши, оламни идрок этишидаги фарқлардадир. Инклар дунёқарасида, даврлар ўтиши билан дунёдаги, коинотдаги барқарорлик ва гармонияни бузадиган ёмонлик ва ёвузликлар тўпланаар экан ва мавжуд уйғунликнинг бузилиши инқироз нуқтасига етганидан сўнг табиатда кескин ўзгариш, «тозаловчи катаклизм» содир бўлар экан. Аммо бу ўзгариш, катаклизм оламнинг тугашига олиб келмасдан, балки унинг қайта яратилиши, дунё тараққиётидаги янги босқич бошланишига туртки бўлар экан. Қисқаси, Pacha Kuti – «Дунё қайтадан яралади» демакдир (Корнилов 2009; Корнилов 2010).

Юқорида айтилганлардан равшанки, тушунча ва маъно муносабати умумийлик ва хусусийлик ёки умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари нуқтаи назаридан қаралганда, уларни зиддиятлар кесимида эмас, балки мовофиқлашув, мосладув тасвирида кўрганимиз маъқул. Зотан, миллийлик ва умумийлик ҳар иккала ҳодисага ҳам хос кўрсаткичdir. Тушунчалар тизимидағи ноўхашликларнинг лисоний маъно тизимида ўз аксини топиши муқаррар. Масалан, хитой тилида «бақувват одам», «хұшомадтүй», «қучли, ҳаракатчан одам» тушунчалари *hu bei xiong yao* «шер ёки айқнинг бели», *gou tuiz* «итнинг оёғи», *sheng long ho hu* «аждарҳо бўлиб туғилиб, шердек яшайдиган» иборалари воситасида ифодаланса, ўзбек тилида шунга ўхшаш тушунчаларни ифодаловчи «арслон келбатли», «лочин юракли», «қуён юракли», «аммамнинг бузогидай» каби иборалар мавжуд.

Худди шунингдек, кечуа тилида қуёш ва ой «ўлади» (*inti wanum; killa wanui*), ўзбекларда улар «қоронгилашади». Кечуа инклари «аждоди, зоти тоза одамни» *allin yawar* («яхши қон»), деб аташсалар, ўзбеклар бу ўринда «оқ суяқ» иборасини ишлатадилар. Инклар учун ўтри *misi sillu*

(«мушук панжа»), makisapa («узун қўл») ёки sillusapa («узун тирнок») бўлса, ўзбеклар учун у «эгри қўл»дир. Ўзбеклар наздида яхшиликни аямайдиган, меҳрибон одам «кўнгли соф, қўли очик» бўлиши керак, кечуа тилида сўзлашувчилар бундай одамнинг юрагини «олтин» деб баҳолайдилар: jori sonjo «олтин юрак, қалб».

Миллий тиллар қиёсида бундай мисоллар беҳисоб эканлигининг гувоҳи бўламиз, албатта. Шундай бўлса-да, тушунчалар ва маънолар тизимларини тил соҳибларининг миллат ёки элатнинг олам идрокидаги миллийлиги билан боғлиқ бўлишини тўлигича инкор этишга уринишни давом этаётганларнинг ҳам сони кам эмас. Сўз семантик структурасининг марказий қобигини эгалладиган тушунча мундарижаси ва кўламига нисбатан, худди маънонинг ўзи каби, миллийликка мойилдир. Бунинг исботини алоҳида нарса-ҳодисаларнинг турли тилларда лисоний номланишидаги мавжуд фарқларда кўрамиз. Ушбу номинатив бирликлар валентлик, фразеологик бирикиш, коннотатив маъно хусусиятлари ҳамда номланаётган предмет белгиларини акс эттириш кўлами билан фарқланадилар. Масалан, «**каклик**» тушунчаси ўзбек тилида биргина сўз билан ифодаланади, кечуа тилида эса, ушбу тушунчани ифодалаш учун олтига номинатив бирликдан (*yukis, yutu, pisjaka, chakwa, pichi sanka, yukiuq*) фойдаланиш имкони бор. «Асалари» тушунчасини ифодаловчи синонимлар қатори бу тилда янада кенгроқ: *puta, mara mama, urunku, wanjoiru, oironjo, yanasa, miski chupsi*. Бекорчилик билан умргузаронлик қиласиган ялков одамларни барча ҳалқларда турли лақаблар, метафорик бирикмалар билан аташ одати мавжуд. Бинобарин, инглизлар учун улар «ялков сужк» (*lazy bone*) бўлишса, кечуа инклари уларни «шалвираган сужк» (*tititullu*), «оғир одам» (*llasaq runa*), «сувли сужк» (*weglla*), «юпқа сужк» (*panjala*), «қора биқин» (*yana waqta*) сифатида тавсифлайдилар.

Шундай қилиб, тушунча қанчалик даражада универсал, умуминсоний категория бўлмасин, маълум кўринишдаги миллийлик кўрсаткичларидан ажralган ҳолда юзага кела олмайди. Ҳар қандай тушунча маълум маданий мухитда шакланади ва маълум бир миллий тил доирасида маъно учун мантикий асос вазифасини ўтайди. Шунга нисбатан тушунча ва маъно ҳодисалари муносабатлари юзага келиши сабабларини мантикий, лисоний тизимларнинг ички хусусиятлари доирасидан қидириш билан бир қаторда, ҳар бир миллат, элатнинг олам идрокидаги ўзига хос жихатлари-ни ҳам инобатга олмасликнинг иложи йўқ. Инглиз тилидаги *receive* феълининг рус ва ўзбек тилларида икки тушунча ва маънони (*to receive guests* «мехмонларни қабул қилмоқ; принимать гостей» ҳамда *to receive a letter* «хатни олмоқ; получать письмо») бирлаштириши, шунингдек, рус тилидаги «кора» сўзининг бир пайтнинг ўзида учта тушунчани ифодалashi, инглиз ва ўзбек тилларида эса, ушбу тушунчаларнинг алоҳида лисоний белгилар воситасида воқеланиши (*kora (земная) – ер қатлами; earth crust; kora (деревесная) – дараҳт пўстлоги; bark; kora (головного мозга) – бош мия қобиги, cortex*) тилнинг, лисоний тафаккур фаолиятининг миллийлигидан дарак бермайдими?! Биз тилнинг ички курилиши ва унинг ижтимоий моҳиягини белгиловчи кўрсаткичларидан бири бўлмиш миллий-маданий табиатига «бир кўз» билан қарасак, балки ифодаланишиш ва ифодаловчи ёки, бошқача айтсак, «предмет – маъно - лисоний белги» муносабатини аниклаштириш имконияти ҳам туғилиб қолар. Соссюр ғояларига эргашиб келаётган тадқиқотчилар алоҳида бир тушунчанинг турли тилларда турлича воқеланишини (масалан, ўзбек тилидаги «хўқиз» тушунчаси француз тилида *boeuf*, немис тилида *Ochs*, рус тилида *бык*) лисоний белги танловининг эркин, беихтиёр, мотивсиз кечишини исботловчи ҳолатлар сифатида кўрсатиб келмоқдалар. «Тушунча -- маъно -

лисоний белги» муносабати муаммосига бундай кескин, ўта «чўрткесар» ёндашув лисоний тафаккур ҳодисалари табиатини тўлиқ англаш ва ёритиш имкониятларини чеклаб қўйиши эҳтимоли йўқ эмас. Яна афсусланарплиси, бундай ёндашув тилшунослик методологиясини механистик ғоялар жарлиги сари етаклаши мумкин. Маълум бир тизим бирлиги бўлган лисоний белги инсонларнинг онгли фаолиятида, уларнинг ўзаро мулоқотида аниқ вазифани бажаради, аниқ мазмунни ифодалайди. Шу боис бу белгининг ўрнини бошқаси билан алмаштиришнинг (сионимлар бундан истисно, чунки улар ягона бир тушунчани ифодалайдилар) имконияти чекланган. Бадиий дискурс ва бошқа айрим мулоқот мухитларида кечадиган мазмуний силжиш, трансформациялар лисоний белги, маъно ва тушунчанинг механик боғланишининг натижаси бўлмасдан, балки ушбу боғланишининг ижодкорона қайта яратилиши, ривожлантирилиши натижасидир. Бу тарздаги ижодкорлик инсонларнинг оламни билиш имкониятлари кенгайиши, чукурлашувининг рамзиdir.

Хозирги пайтда оламни билишда яхлитликка хос хусусиятлардан алоҳида бўлаклар сари юриш, тафаккур диққатини алоҳида предмет-ходисалардан улар ўртасидаги ўзаро алоқаларга кўчириш оламни билишнинг асосий талабига айланмоқда. Ўзига хослик, индивидуаллик, ҳатто автономлик ҳам ҳеч қачон мустақиллик, яккаланиб қолишни англатмаслиги барчага тушунарли бўлиб қолди. Америкалик файласуфлар Линн Маргулис ва Дорион Саганлар айтиётганларидек, «мустақиллик – сиёсий терминидир, у илмий термин эмас» (Margulis, Sagan 1995:26). Демак, тил бирликларининг семантик тузилишини ўрганишда ва маънонинг шаклланиш жараёнини кузатишда воқелик тартиботининг синергетик хусусиятларига асосланиш маъкул йўл. Шу йўлни танлаганларнинг маъно ҳодисасининг таъриф-тавсифини топиш борасидаги изланишлари самарасига умид қиласа бўлади.

4-БОБ. МАЬНО ШАКЛЛАНИШИННИГ ДИСКУРСИВ – СИНЕРГЕТИК ТАВСИФИ

Ҳар қандай фан соҳасининг асосий мақсади ўз тадқиқ объектининг яхлит кўринишдаги илмий тасвир-тавсифини яратишидир. Тилшунослик ҳам бундан истисно эмас, чунки фақат лисоний ҳодисалар табиати ҳақида тўлиқ, яхлит тасаввурга эга бўлишгина долзарб илмий ва амалий масалалар ечимини топишга замин яратади. Табиий тилнинг бошқа семиотик тизимлардан фарқи шундаки, у барча учун умумий бўлган табиий (объектив кўринишда) шаклланадиган белгилар тизимиdir. Формал, сунъий тиллар эса, одатда, маҳсус мақсадда яратилиб, алоҳида шарҳга муҳтожидрлар, акс ҳолда уларни тушуниш қийин. Формал ва сунъий тиллар тизими таҳлилига мос келадиган методологик ғоя ҳамда методларни табиий тил бирликлари маъно структураси тадқиқига татбиқ этиш йўлидаги уриниш табиийликни йўққа чиқариш, уни сунъийлик билан тенглаштириб қўйиш билан тугаши муқаррар. Файлласуф ва тилшунослар тил тизимининг табиийлигини белгиловчи хусусиятлар ҳақида кўп ва хўп ёзишган. Бундай хусусиятлар, айниқса, табиий тил семантикасининг ниҳоятда бойлиги, ўзгарувчанлигида, ифода воситаларининг мослашувчанлиги ва турланиб туришида яққол намоён бўлади. Шу сабаб бўлса керакки, маънонинг яратилиши, тугилиши, шакл олишини кузатиш ва ушбу жараёнларни

тавсифлаш ўта мушқул вазифа. Маъно ҳодисасини изоҳлаш, тавсифлаш ҳаракати чексиздек кўринади. Ушбу ҳаракатнинг охири йўқдек, бежиз маъно ҳодисасининг тадқиқини дарё соҳилида тўплланган қумни санаш ҳаракатига ўхшатмайдилар. Қадим Чин донишманди Бай Ши «кушлар ўз чиройларини биладилар; одамлар эса, уларни атайдилар (уларга ном берадилар –Ш.С.) ва товуққа айлантирадилар», деган экан. Ажойиб чирой эгаси бўлган күшнинг товуққа, тұяқшуга ёки какликка айланниши унинг тақдирида бор, лекин бундан бехабар қүш бечора тақдиридан қоча олмайди. Маъно ҳодисасининг қисмати ҳам шунга ўхшашиб. Оламдаги нарса-ҳодисалар ва уларни акс эттирувчи маънолар турли боғлиқликлар, муносабатлар оғушида бўладилар. Айнан шу боис предметлар ва уларга оид тушунча, маъноларни мавжуд муносабатлар доирасида тавсифлаш, таърифлаш мумкин. Тушунча ва маънонинг худди шу табиати унинг моҳиятган мухим, асосий хусусиятларини аниқлаш вазифасини кўяди. Чунки бу хусусиятлар маъно ҳодисасини таърифлаш учун мухимдир. «Ростакамига қулай бўлган таъриф, - деб ёзган эди лугатшунос X.Касарес, - худди мураккаб математик масаланинг нафис ечими каби интеллектуал гўзаликка эга бўлиши мумкин» (Касарес 1959:177). Машхур испан лексикографининг сўзларини ўқиётган кишида нозик ҳиссиётларнинг уйғониши аниқ, аммо у таърифлаётган бежирим тарифу-тавсифни топиш осонмикан?! Бу ўта мушқул вазифа эканлигини қайта тақрорлашга мажбурман.

Узокқа бормасдан, «Ўзбек тили изоҳли лугати»ни варактрайлик. Бу ерда **маъно** сўзига берилётган изоҳлар қуйидагилардан иборат эканлигини кўрамиз: сўз билан ифодаланган тушунча; *моҳият, аҳамият* (ЎТИЛ 2006:565-566). Қарийб шундай изоҳни рус тили лугатида ҳам кўрамиз: **Значение** 1. Смысл, то что данное явление, понятие, предмет значит, обозначает; 2. Важность, значи-

тельность, роль (Ожегов 1990:235). Келинг, инглиз тили изоҳли лугатини ҳам унутмайлик: **Meaning**. 1. *The idea which is intended to be understood; 2.importance or value* (Longman Dictionary 1986:673-674).

Берилаётган изоҳлар лугатдан амалий мақсадда фойдаланув-чиларга қанчалик даражада маъкул келиши мумкинлигини аниқ айта олмайман-у, аммо тил назарияси билан шуғулданувчиларнинг улардан қониқмай қолиши аник. Ҳозирча ҳеч қандай тасвир ўзини-ўзи тасвирлаган бўлмаса қерак. «Маъно» ҳодисасини яна ўша «тушунча», «мазмун», «моҳият» каби тушунчалар кўламида изоҳлаш берилаётган тавсифни мавхумлаштиришдан бошқа нарса эмас. Ушбу тушунчаларнинг семантик тавсиф ва тадқиқ учун муҳим эканлигига ҳеч кимнинг гумони йўқ, бироқ маънонинг шаклланиши, ривожи ва «ҳаёт кўриши» давомли жараён эканлигини, унинг инсон биоижтимоий фаолиятининг маҳсули ва қуроли эканлигини яна бир бор эслатмоқчиман ва буни кейинчалик ҳам кўп ўринларда эслаб турсак қерак.

Маълумки, Л.С.Выготскийнинг ишларидан бирида маъно «тафаккурдан (фикр юритишдан) сўзга ўтиш йўли» ёки «белгилар воситасида бажариладиган амалларнинг ички структураси», деб тавсифланган бўлса (Выготский 1956:187), бошқа ишида эса, у маънони «мулоқот ва умумлаштириш» ёки «коммуникация ва тафаккур юритиш»нинг яқдиллиги, яхлитлигига кўради (Выготский 1968:52). Ушбу тавсиф маънонинг психологик структурасига оид эканлиги аниқ кўриниб турибди. Маъно шаклланиши ва яратилишини психологик жараёнлар қаторига киритишда жонбозлик кўрсатган А.А.Леонтьев ва бошқа психолингвист-ларнинг изоҳича, маъно манбасини нутқ яратилиши жараёни босқичларининг ички қобилияtlаридан излаш зарур, чунки «маъно психологик ҳодиса

сифатида нарса эмас, балки жараёнди», шунингдек, у «нарсаларнинг динамик босқичларири» (Леонтьев 1971:8).

Ҳозиргина маънони психологик ҳодиса сифатида улуғлаган олимнинг шу заҳотиёқ уни «сўз замирида бажариладиган барча психологик амалларнинг йигиндиси» бўла олмаслигидан бизни огоҳлантиришини (Выготский 1984:187) эсласак, ҳар қандай психологик амалнинг инсон бажарадиган маълум турдаги фаолият таркибидан ўрин эгаллашини ва алоҳида бир амалнинг маъно яратишдаги ҳиссаси унинг фаолиятнинг умумий доирасида тутган ўрни билан белгиланиши лозимлигини англаймиз. Маънонинг ҳосил бўлиш омиллариниenglаб этиш учун тил бирликларининг, бир томондан, функционал динамик тизимга хос жихатларини инобатга олиш лозим бўлса, иккинчи томондан, уларни инсон тажрибаси давомида тўплаган билим маҳсули сифатида қараш лозим бўлади. Фақат шу ёндашувлар ҳамжихатлиги маънони мулоқот ва тафаккур яқдиллиги замирида ҳосил бўладиган ҳодиса эканлигини исботглаш имконини беради.

Дарҳақиқат, маъно ҳодисасини лисоний белги ва номланаётган нарса-ҳодиса ёки белги ва у уйғотадиган ҳаракат, фаолият доирасида қараш ушбу ҳодиса талқинини соддалаштиришнинг йўлидир ва бу йўлдан борадиган бўлсак, платонизм оғушига тушиб қолишнинг эҳтимоли кучаяди. Ягона воқеликни алоҳида парчаларда тасаввур қилиш, ҳиссий ва ғоявий тасаввурни қарама-қарши қўйиши ўрганилаётган объектнинг мукаммал тузилишини тасвираш имконини бермаслиги аниқ. Лисондаги маънонинг манбасини, умуман тил тизимишини манбасидек, шахслараро муносабатлар ташкил қилиши бегумон. Лекин бу муносабатлар юзага келишида восита ролини ўтовчи нарса-ҳодисаларнинг ҳиссиётлар, турли фикр-мулоҳазаларни ифода этиш вазифасини бажариш имконияти қандай пайдо бўлишини билиш ҳам керак бўлади. Кўпчилик

холларда мантиқшуносларни маъно шаклланишининг психологик ва гносеологик жихатлари билан қизиқмасликда айблаб туришга ҳам одатланганмиз. Ҳали 1919 йилда ёқ Бертеран Рассел мантиқшунослар гарданига шундай айбловни қўйган эди: «Мантиқшунослар «маъно» деб аталувчи муносабат табиятини аниқлаш борасида жуда кам ишни бажаришган ва бунда уларни айблаб ҳам бўлмайди, чунки бу муаммо аслида психологияга оиддир» (Russel 1956:220).

Платонизм исканжасида турган математик-мантиқшуноснинг ўз ҳамкасларини маънони ҳосил қилувчи омиллар тадқиқининг маълум қисмидан озод қилиб, юкнинг оғирроғини руҳшунослар елкасига ташлашини тушунса бўлади. Рассел ҳам бўшқа мантиқшунослар каби ҳар бир ном (лисоний атама) замирида воқеий реал ҳодиса туришини истайди ҳамда ушбу ҳодисани ўзи истаган мавҳумлаштириш усулида тасвирлаш йўлини излайди. Ҳолбуки, лисоний ижодкорлик намуналари мураккаб муносабатлар кўламида намоён бўлади. Бу муносабатлар оламни билиш ва коммуникация шароитида юзага келиши билан биргаликда, инсонларнинг руҳий ва ментал ҳаракатлари, холатлари билан боғлиқдир. Масалан, Соссюр давридан семиотиклар ва семасиологлар мурожаат қилишиб келаётган «от» сўзини оладиган бўлсак, ушбу сўзни талаффуз қилаётган ёки эшитаётган шахс бажарадиган тафаккур фаолияти икки хилдир, биринчидан у «от» тушунчасининг маъносини («йирик туёқли иш-улов ҳайвони») англаётган бўлса, иккинчидан, маънони ҳис этади, ўни «бошдан кечиради». Бу ҳаракатлар бир пайтда бажарилади, улар алоҳида кўринишда бўла олмайдилар. Лекин «от» лисоний белгисининг бундай маънога эга бўлиши («исм» маъносидан фарқ қилиши) ва уни англаш, руҳан ҳис этиш учун коммуникатив муҳит яратилиши талаб қилинади.

Платон давридан (милоддан аввалги 427-347) бошлаб файласуфлар ва уларга ишонган тишишунослар тил бирлиги бирор нарсанни атаганидагина маълум бир маъно касб этишини қайд этиб келадилар. Лекин бу бирликлар нимани «атайдилар-у» нимани «ифодалайдилар»? Жавоб тайёрдек: «албатта, воқеликдаги нарса-ҳодисалар ном олишиб, маънога эга бўладилар-да». Дастребки назарда тўғри кўринаётган бу жавоб ҳаммани ҳам қониқтиравермайди. Лисоний ифода топиб, маънога эга бўлаётган нарса-ҳодисаларнинг барчаси бир хилда физик объект сифатида мавжуд эмаслиги маълум. Нарса-ҳодисалар ҳақида гапирилаётгандан биз уларнинг бевосита ўзлари ҳақида эмас, балки онгдаги тасвири ҳақида гапирамиз. Онгдаги тасвир эса, шахсий тажриба асосида юзага келадиган ҳиссий ҳодисадир. Тафаккур фаолиятида, албатта, бирор нарса ҳақида фикр юритилади ҳамда номланиш хукуқига фақат шу фикр эга бўлади. Онг ва тафаккур ўз объективини ўзи яратади, деган гояннинг туғилиши бекорга бўлмаса керак. Ушбу гояни тўлиғича қўллаб қувватлашдан анчагина йироқ туришни мен ҳам маъкул кўраман. Лекин воқеликда мавжуд бўлган нарсалар кечаётган ҳодисаларнинг бевосита лисоний номланишига ва бунда тафаккур, ақлий амаллар воситачилик, «ўрталиқ объект» ролини ўйнашига ишонса бўлади. Шекспирнинг Макбети «(*Кўз олдимда*) кўраётганим ханжарми?», деганида аниқ объект ҳақида сўраётган бўлса керак. Макбет кўраётган нарсасининг нима эканлигини аниқ билиши учун ханжарнинг ўзи ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак, ушбу қуролдан нима мақсадда фойдаланиш мумкинлигини билиши лозим. Бошқача айтганда, инсон тажрибаси моддий объективни физик кўриш билан чегараланмайди, ушбу объекгни тўлиқ билиш учун уни ҳартомонлама «кўриш», ҳис этиш лозимdir.

Тил ва воқелик муносабати тўғридан-тўғри, биртекис, бевосита кечганида оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ҳар бир

кўринишига тўхтовсиз алоҳида кўринишдаги ном, лисоний белги излаб юрган бўлар эдик. Бу эса, маъно тизимини суюқлаштириб, уни кўпмаънолилик, синонимия, омонимия каби семантик жараёнлардан холи хаотик қурилма ҳолатига олиб келиши муқаррар эди.

Маъно шаклланишини ижтимоий-амалий тажриба маҳсули кўзгусида қарап тил табиатига хос ихчамлик, тежамкорлик, мослашувчаник хусусиятларини кўриш ва бошқаларга кўрсата олиш имконини беради. Тилдаги бундай мослашувчаник (лозим бўлганда «уддабуронлик» десак ҳам бўлаверади) семантик жараёнларнинг ҳаракатчанлигини таъминлайди.

Воқелик чексиз бўлганидек, инсоннинг оламни билиш имкониятлари ҳам кенг. Аммо билиш амаллари охир-оқибатда умумийлаштириш ва хусусийлаштиришга келиб тақалади. Энг муҳими, бу икки амал бир-биридан ажратилмасдан, бири иккincinnisinи такорорлаб, ўзаро ўрин алмаштириб туришини унутмайлик. Ушбу диалектик ҳақиқат маъно шаклланишида ўз ўрнини топади. Буни кўпмаънолилик ҳодисаси юзага келишида аниқ кўрамиз. Масалан, инглиз тилидаги *to draw* феъли маълум турдаги бирикишларда турлича маъно ифодалашини олайлик: *to draw a picture* «расм чизмоқ», *to draw water* «сув олмоқ», *to draw a cart* «аравани тортмоқ». Ушбу бирикмаларда *to draw* феъли уч хил, бир-бирига уччалик яқин бўлмаган маънони ифодалаётганлиги кўриниб турибди. Рассом сурат чизаётганида, ёш йигит қудуқдан сув олайтганида ёки от аравани судраётганида бажариладиган ҳаракатларни бир хилда *drawing* «тортиш» формаси билан атай олмаслигимиз аниқ. Шундай экан, бажарилаётган фаолиятларнинг турлича кўринишида бўлишини, ушбу фаолият турларини ифодаловчи тушунчаю маънолар ҳам уч хил эканлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Бироз олдинроқ айтилганидек, маъно шаклланиши ва, табиийки, воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг лисоний ном олишида асосий ролни реал объект эмас, балки унинг онгдаги акси, образи бажаради. Ментал образ ва унинг лисоний белгиси ўргасидаги боғлиқликнинг бир хил бўлмаслиги ҳамда ушбу алоқа замираидаги юзага келадиган маънолар ранг-баранглиги тилнинг «тилла сандифини» тўлдириб туради. Алишер Навоий ҳазратлари кузатгандаридек, ҳатто синонимлар қаторига кирувчи сўзларнинг маъно ифодасидаги имкониятлари бир хил эмас. Масалаң, *инграмоқ*, *синграмоқ*, *сиқтамоқ*, *ўқирмак*, *ингирмоқ*, *йиғламоқ* феъллари йиғлаш ҳаракатининг ҳар хил даражада келишини ифодалайди. Шоир *сиқтамоқ* ёки *инграмоқнинг* оддий йиғлаш эмаслигини қўйидаги мисраларда изоҳлади: *Истасам давр аҳлидан ишқингни жаҳон айламак*, *Кечалар гоҳ инграмакдир одатим, гоҳ синграмак* (Қаранг: Нурмонов 2012, 3-жилд: 302-303).

Ифодада кўпмаънолиликни яратиш образли коммуникациянинг асосий мақсади, керак бўлса, умумий хусусияти бўлса керак. Зоро, бадиий ва санъат асарларининг қарийб барчаси турли мазмуний талқинга мўлжалланган. Якка маъноли асар – санъат асари бўла олмайди. Леонардо да Винчининг машҳур «Жаконда» асарида тасвириланган Мона Лизанинг табассумини кўз олдингизга келтиринг. Ушбу сурат (картина)ни дикқат билан қараётганимизда, Мона Лизанинг чехраси худди тирикларникидек ўзгариб турдиганини кўрасиз, чунки хонимнинг табассуми гоҳ кинояли, гоҳ ғамгиндир. Тасвирида бундай бир маънога эга бўлмаслик ва жумбоқлилик асло санъат «тили»нинг ношудлигидан эмас, балки уддабуронлигидан хабар беради.

Образлар тасвирида ва идрокидаги бундай маънолар нотурғунлигини баъзилар таажжубли, ғалати ҳолатлар қаторига киритишга уринадилар. Аммо психологларнинг кузатишларича, ҳар қандай образ, ҳар қандай тасвир кўп

маънолиликка маҳқум ва бундай «ғалати ҳолат»дан кутулишнинг ягона йўли онгда мавжуд бўлган қўшимча ахборотдан фойдаланишdir (Кальоти 1998:153; Евин 1999). «Қўшимча ахборот»нинг манбаси – контекст, идрок муҳити, шахснинг тўплаган тажрибаси, билим заҳираси.

Руҳшунос Ж.Кальоти ҳозиргина эслатилган рисоласининг «Dynamics of ambiguity» деб номлаб, худди Херман Ҳакен каби (Haken 1996), кўпмаъноли образлар яратилиши ва идрокини синергетика қонуниятлари доирасида кечишини исботлаш ниятини билдиради. Ҳақиқатдан ҳам бундай маъно муносабатлари («ифодаловчи» қимматининг ўзгариб туриши) тизимдаги муқимликнинг бузилишига, бир ҳолатнинг иккинчисига кўчишига (флуктация юзага келишига) ўхшаб кетади. Маъно шаклланишининг синергетик қонуниятларга бўйсуншишига мен ҳам ишонаман, лекин маънолар динамикасини «ноаниқликлар» ҳаракати сифатида қарашдан қўрқаман. Инглиз тилидаги «ambiguity» сўзини «ноаниқлик», «тушунниб бўлмаслик», «дудмолликка» йўймасдан, балки «икки маънолилик» (аниқроғи «кўпмаънолилик») рамзида англасак, маъкул бўлар эди (қиёсланг: to use ambiguity «кўпмаънода гапирмоқ»).

Тилнинг кўрки бўлган кўпмаънолилик илм соҳибларининг доимо диққат эътиборида. Бу муаммо билан ҳатто физик ва математик олимлар ҳам қизиқишиб, кўпмаънолиликнинг турли математик изоҳларини беришга ҳаракат қилишган. Масалан, Нильс Бор бу ҳодисанинг муқобилини математик кўпмаънолилик назарияси доирасидан излаган бўлса, А.Н.Колмогоров тил семантик тизими динамикаси, ҳаракатланишини тасодифий катталик ўлчамини ёки тизимнинг шакл нотекислиги ўлчамини ифодаловчи «энтропия» тушунчаси кўламида моделлаштиришни истайди. Олимнинг изоҳича, тил энтропияси икки катталик бирикишидан ташкил топади. Булардан биринчиси (h_1)

тилнинг маълум бир контекстларда алоҳида турдаги ахборот маъносини ифодалаши бўлса, иккинчиси, (h_2) тилнинг «мослашувчанлиги», яъни бир маънонинг турли шаклларда ифодаланиши ёки шу шаклнинг бир неча маънога эга бўлиши англашилади. А.Н.Колмогоровнинг хулосасига биноан ахборот ҳажми матн мослашувини таъминлайдиган ҳолатда, яъни $B < h_2$ бўлганида, поэтик матн ёки кўпмаънолилик ҳосил бўлади. Илмий-техник матнларда эса, h_2 мослашувчанлиги нолга яқинлашади ($B < h_2$) (Қаранг: Лотман 1998).

Атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисалар тасвирида аниқликка, яккамаъноликка эришиш илмий баённинг асосий талабларидан бири, албатта. Аммо бу усул ҳам кўпмаънолиликдан тамоман холи бўла олгани йўқ. Кўпмаънолилик тил табиатининг асосий хусусиятларидан ва шу хусусият тил тизимининг улкан ютути бўлиши билан бир қаторда, ахборот матнининг пухта ва пишиқ тузилишга эга бўлишига асос яратади.

Тилга табиатан хос бўлган бу ҳодисанинг моҳияти, унинг семантик тизимда тутган ўрни ва шу тизимдаги бошқа ёндош ҳодисалар (омонимия, синонимия, антонимия кабилар) билан муносабатига оид масалалар кўпдан бўён ўрганилиб келмоқда. Ушбу масалаларга доир фикрлар билан танишиш учун лексикология ва семасиология соҳаларига оид дарслик ва рисолаларда берилган маълумотлар билан танишиш кифоядир (Масалан, охирги нашрдан чиқсан ишлардан: Ҳакимова 2008; Миртоғиев 2010). Лекин сиз билан бизнинг кифояланишимиз ҳозирча фақат берилаётган маълумотларга оид бўлса керак. Зотан, бу борадаги маълумотлар жамламаси анчагина бўлишигта қарамасдан, тил семантик сатҳида кечадиган жараёнларнинг туб моҳиятини, уларни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг қудрати ва заҳиравий хосиятларини билиш йўлидаги интилиш давом этмоқда.

Семантик сатҳ тараққиёт тил динамикасининг давомидир ва бу муаммо тадқиқида ушбу тараққиёт сабабларини (булар мантикий, психологик, ижтимоий-тариҳий ва бошқа кўринишга эга) билиш ҳамда семантик ўзгаришларга олиб келувчи механизмларни ҳаракатга келтирувчи кучларни (масалан, лисоний тежамкорлик, ифодада экспрессивликка эришиш, бир шаклга келтириш ва фарқлаш анъаналари) ўрганиш вазифалари кўйилади. Бу вазифалар ижроси семантик тараққиёт «из»ларини, жумладан, маънонинг кенгайиши ва торайиши, кучайиши ва сустлашуви, соддалашуви ва мураккаблашуви ҳодисаларини ҳамда маънонинг мавхумлашуви ва конкретлашуви, грамматикаллашуви каби ҳолатларнинг тадқиқига ундайди. Кўп маънолилик ва унга ёндош ҳодисалар ҳам айнан шундай ҳолатлар каторидан ўрин олади ва эслатилган вазифалар кесимида ўрганилиб келинмоқда.

Кўйилган вазифалар нечоғли ўринли ва истиқболли бўлиб кўринишига қарамасдан, уларнинг бажарилишида тадқиқотчилар дуч келаётган қийинчиликларнинг микдори камайиш ўрнига тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги сезилиб турибди. Жумладан, семантик структурадаги турли силжишларнинг қайси бирлари кўпмаънолиликка олиб келиши ва қайси бирлари омонимия каторини ҳосил қилиши ёки умуман маънони ўзгартирмасдан унинг коннотатив мазмунини яратиши масаласининг ечимини топиш мушкулот эканлиги қайд этилмаган адабиётни учратиш қийин. Ушбу масала ечимини излашда мурожаат қилинаётган метод ва мезонлар ҳам турли-туман. Энг кўп мурожаат қилинган мезонларидан бири – тил бирлиги (асосан сўз)нинг номинатив функция бажариши ёки бажармаслигидир. Агар биз кўпчилик томонидан қабул қилинган анъанага итоат қилиб, полисемияни факат ва факат алоҳида бир фонетик ва орфографик тизилманинг (сўзнинг) воқеликдаги турли предметлар, ҳодисаларни аташ

учун кўлланишида кўрадиган бўлсак, у ҳолда «бош» сўзининг ўз-ўзидан, табиатан қуидаги маъноларга эга эканлигини эътироф этишимиз шарт бўлади: 1) *тананинг бўйиндан юқоридаги (одамда) ёки олдинги (ҳайвонларда) қисми; калла юмалоқ бош*; 2) *акл-хуш, мия (Бош билан иш қилмоқ)*; 3) *бошлиқ, раҳбар (Яхши давранинг давранинг боши)*; 4) *энг катта ёки юқори (бош врач)*; 5) *энг муҳим, асосий (бош сабаб)*; 6) *энг олдинги, биринчи (бош бола, бош келин)*; 7) *одам, киши (бир бошга бир ўлим)*; 8) *чорва ҳисобига ҳар бир адад жсонивор (ўн бош от)*; 9) *тик нарсаларнинг тена қисми, учи, чўққиси (дараҳтнинг боши) ва ҳоказо (ЎТИЛ)*.

Бошқа томондан эса, «бош» сўзининг «Ўзбек тили изоҳли луғатида» санаб ўтилган маъноларга эга бўлиши ва кўп маънолиликка хосланишини ушбу сўзнинг турли микротекстларда (сўз бирикмаларида) кўлланишининг натижаси сифатида ҳам тасаввур қилиш мумкин. Синтагматик алоқа имкониятларининг сўзнинг тил тизимидағи доимий хусусияти сифатида қаралиши эса, унинг семантик структураси шаклланишини шу имкониятлар фаоллашуви билан боғлаб кўяди.

Фикримча, хар иккала талқин ҳам камчиликлардан холи эмас ва уларда сўз семантик структурасининг айrim жиҳатлари ўз аксини топа олмайди. Биринчи талқинда маъно компонентларининг мақомини белгилашнинг асосий мезони сифатида номинатив функциянинг бажарилиши танланганлиги кўриниб турибди. Лекин бу функциянинг ижроси қандай кечиши ёки умуман кечмай қолишига эътибор кам қаратилади. С.Д.Кацнельсон 1965 йилда эълон қилинган ишида (Кацнельсон 1965; қайта нашр: Кацнельсон 1986) сўз нутқий фаолиятда кўлланилаётib ва маълум бир предметни лисоний ифодалаётib, баъзан уни бошқалардан ажратиб кўрсатишини ёки белгилашини, бошқа пайтда ушбу предметни тавсифлашини ёки унинг ўзига хос

хусусиятларини белгилаб беришини айтади. Масалан, деразадан сувнинг қўйилаётганлигини ва кўлмақда пуфакчалар ҳосил бўлаётганини, кўчада одамларнинг соябон тутиб кетаётганини кўриб, «Ёмғир!» дейилганда аниқ бир ҳодиса ажратиб белгиланади, яъни номланади. Худди шу сўз ёмғир ёғмасидан туриб, осмондаги булутларни кўриб айтилганида, булутнинг ёмғирни олиб келиши ифодаланади. Бундан чиқадики, охирги ҳолатда «ёмғир» сўзи предметга ёки ҳодисага ном бермайди, унинг бажарадиган вазифаси – ҳодисани тавсифлашdir (Кацнельсон 1986:25-26). Тил ва тафаккур муносабатининг семантик сатҳда акс топиши борасида қимматли фикрлар соҳиби (муаллифи) бўлган С.Д.Кацнельсоннинг юқоридаги «қисса»дан чиқариб турган «ҳисса»си янада қизикроқ туюлади. Унингча, сўз тафсифлаш (рус. «характеризация») функциясини бажараётганида янги маъно юзага келмайди. Масалан, олим келтираётган *Дудин взволнованно вдруг провел рукой по непокоренному ериу волос* «Дудин ҳаяжон билан тўсатдан тик турган соchlарини силаб қўйди» галидаги ёрш сўзининг ушбу кўлланишида «бошдаги тик турган соч» («о торчаших кверху волосах на голове») ҳақида сўз кетаётганлиги ва алоҳида турдаги номинатив ҳаракат бажарилаётганлиги учун мустақил маъно ҳосил бўлmas экан (Ўша асар, 37-бет).

Илмий тафаккур юритишнинг устомони бўлган марҳум устознинг (ул зотнинг дарсхоналарида таҳсил олган дамларимни унутмайман) билдирган хulosалари бунчалик қатъяти эканлиги кишини ҳайратлантиради. Айниқса, юқоридаги мисолда ифодалаш ва номлашнинг «алоҳида кўриниши, ҳолати» юзага келишини тушуниш қийин. Биринчидан, номинатив вазифа фаоллашувининг ҳар бир ҳолати алоҳида кўринишга эга бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Иккинчидан, семантик деривация жараённада юзага келадиган иккиласмчи номинатив маъно ҳечқачон бирламчи

(асосий) номинатив маънодан тўлиқ узилиб кетмайди (бундай узилиш юзага келганда омонимлар ҳақида гапиришга тўғри келади). Демак, ҳосила маъно – номлаш ҳаракатининг (майли, бу ҳаракат билвосита бўлақолсин) маҳсулидир. Сўзниг метафорик ёки образли қўлланишида С.Д.Кацнельсон ва ундан олдинроқ академик В.В.Виноградовлар номинатив иккиламчи маъно ҳосил бўлишини эътироф этишдан қочаётганларининг сабаби лексик маънони предметлик-моддийлик мундарижасига эга бўлган, ижтимоий муқимлашган (яъни барчага маълум бўлган) ҳодиса сифатида қаралиши анъанаси билан боғлиқ. Лекин номинатив (лексик) маънони воқеликдаги предмет, ҳодиса, ҳаракат, ҳолат сифатларига бевосита йўналишини қайд этаётган В.В.Виноградов, шу ернинг ўзидаёқ сўзниг ижтимоий муқимлашган маъноси барча учун бир хил, ягона бўлиши билан бир қаторда, хилма-хил «воқелик парчалари»нинг турлича тасаввурини ботиндан боғли тизимини ўзида акс эттириши мумкинлигини таъкид этишни ҳам унутмайди (Виноградов 1977:169). «Воқелик парчалари»нинг ҳар хил бўлиши – умумий ҳол, турли-туманлик – олам манзарасининг бойлиги, асосий хусусияти экан, шу бойликнинг барча кўринишлари хусусиятларининг лисоний воқеланишини нега тил бирликлари номинатив имконияти-нинг фаоллашуви содир бўлиши ва янги маъно бўлаги ҳосил бўлишининг мисоли сифатида қарашиб мумкин эмас экан?!

Шу жиҳатдан ватандошимиз М.Миртоҷиевнинг полисемия юзага келиши борасидаги қарашлари ҳақиқатга бирмунча яқин кўринади ва улар ушбу ҳодиса табиатини равшанроқ тасаввур килишга имкон берадилар. Домланинг таърифларича, «полисемантик сўз таркиб топиши учун унинг таркибида бир ва ундан ортиқ лексик маъно бўлгани ҳолда, уларнинг ҳаммаси ҳам бир туркумга мансуб бўлиши шарт» (Миртоҷиев 2010:163). Ушбу таърифни изоҳлаш учун «Ўзбек тили изоҳли лугати»даги «баркаш» сўзи

ҳақидағи мақолага мурожаат қилингандык. Лұғатдаги мақолада бу сүзининг икки маънога зеканлиги қайд этилған:

1. Жез ёки мисдан таёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган, доира ёки түртбұрчак шаклдаги рўзғор буюми. *Мастурахон оппоқ сочиқ түшалған баркашида қаҳва күтариб кирди* (А.Азимов).

2. Кўчмас тўгарак, гардиш, юмолоқ, доирасимон. *Қипқизил баркаш қуёш қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаёттир* (М.Махмудов).

«Баркаш» сўзининг бундай икки хил қўлланишини полифункционаллик, яъни от ва сифат сўз туркумларига оид вазифада қўлланиши нуқтаи-назарида қараётган М.Миртоғиев домла иккала ҳолатда ҳам номлаш ҳаракати бажарилаётганлигини ва номинатив маъно ҳосил бўлаётганлигини инкор этмаётганлигига ишонмоқчиман. Ўзбек тили семантик тизимининг оқсоқол тадқиқотчисининг айтиб турганларига ишонмасликнинг иложи йўқ: полифункционаллик – тил тизимининг таг-заминида ва бундан семантик тизим истисно эмас. Шу хусусият тил номинатив имкониятлари заҳирасини ташкил топтиради. Ушбу заҳирадан фойдаланиш мақсади турлича бўлганидек, қўлланиладиган усуллар ҳам турли-туман. Лекин бу мақсад амалга ошишининг қарийиб барчасида маълум «воқелик парчаси»нинг лисоний ифода толиши, бошқача айтганда, тил номинатив функциясининг воқеланишини кўрамиз. Шундай экан, полисемияни полифункцияга қарама-қарши қўйиш ёки уларни бир-биридан ажратиш қанчалик ҳақиқатга тўғри келар экан? Аксинча, бу икки ҳодиса биринкинчисини тўлдириб борадиган, ўзаро боғлиқлиги узвий бўлган ҳодисалар эканлигини биламиз.

Полифункционал хусусиятга зекан бўлиш ҳардоим ҳам тил бирлиги лексик-грамматик қиёфасининг ўзгаришига олиб келмаса керак. Шарҳланадиган ишда адъективизация ва адвербиализация содир бўлиши бежиз «полифункционал

сўз юзага келиши» сифатида тарифланаётгани йўқ, чунки бу ҳолатда кечадиган жараёнлар предмет-ходисаларни бевосита ва билвосита номлаш ҳаракатлари билан фарқланади. Уларнинг биринчисида номлаш акти объектни бошқалардан ажратиб кўрсатиш мақсадида бажарилса, иккинчисида номланаётган объектга тавсиф берилади, унинг белгилари аниқлаштирилади ёки хусусийлаштирилади. Жумладан, «баркаш қуёш» биримасида «баркаш» бирлигининг полифункционал хусусиятга эга бўлиши (яъни сифат вазифасини бажариши) унинг бошқа сўз туркуми доирасига ўтишини эмас, балки бошқача мазмундаги номинатив маъно олишини таъминлайди.

Полифункционалликни кўп маънолик доирасидан четлаштириб, уни фақат бошқа грамматик вазифа ижро этиши билан бояглаб изоҳлайдиган бўлсак, унда «*Унга тича муруч сепди*», «*Мингбоши тича кутди*», «*Кўнглим тича тинчиди*» тузилмаларидағи «*тича*» сўзи қўлланишининг ҳар бирида полисемиянинг воқеланиши гумон туғдириши аник. Чунки бу тузилмаларнинг биринчисида «оз миқдордаги, озгина мурч» ҳақида маълумот берилиб, иккинчисида мингбошининг «биroz кутганлиги» маълум қилинмоқда. Домла М.Миртоҗиев бироз олдинроқ *Яхши нотик яхши гапиради* гапида «*яхши*» сифат вазифасини бажариш («яхши нотик») билан биргаликда равиш вазифасини ҳам олишини («яхши гапирмоқ») қайд этганлигини эсласак, туғилган гумоннинг ўринли эканлиги сезилади.

Гумонларни эслаганинг сари жумбоқларнинг кўпайиб бориши кутилган ҳол. Масалан, полифункционаллик юзага келиши жараёнида ҳосил бўладиган номинатив бирликлар омонимлар қаторини таркиб топдириши ёки улар мустақил маънога эга бўлмасдан қолишини аниқлаш масаласи жумбоқли бўлиб қолган. Мантиқан олганда, полифункционал сўзлар бир туркумга кирмаганларни учун омонимлар қаторини ташкил қилишлари шарт. Аммо омонимлар пайдо

бўлиши фақатгина маъно ва сўзнинг бир лексик-грамматик худуддан иккинчисига силжиши билан изохланмайди. Омонимлар қаторининг манбалари ҳар хил ва бундай манбалардан бири полисемантик бирликлар семантик структурасидаги ўзгаришлардир.

Полисемия ва омонимия қаторларини чегаралаш муаммоси ҳам семантик структура шаклланиши ва ривожи босқичларини аниқлаштириш билан боғлиқ. Семантик структура қандай усулда ва нималар асосида ташкил топиши ҳамда уни ташкиллаштирувчиларнинг роли ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмасдан туриб, полисемия ва омонимия ҳодисаларининг маълум семантик худудда кесишув ҳалқаларини топиш ҳамда уларнинг фарқли белгиларини ажратиш, албатта, қийин масала.

Муаммони кескинлаштирадиган ҳолатлардан бири «умумий маъно», деб аталадиган маънонинг ажратилиши билан боғлиқ. Семасиологияда сўз семантик структурасидаги таркиби ва тузилиши борасида билдирилаётган фикрлар турли хил бўлиб, баъзан улар бир-бирларига зид мазмунни ҳам оладилар. Айрим тилшунослярнинг фикрича, сўз семантик структурасида қандайдир бир умумий, инвариант маъно мавжуд бўлиб, бошқа маънолар унинг варианtlари сифатида намоён бўладилар. Бу фикр тарафдорларидан бири бўлган В.А.Звегинцевнинг қайдича, «маънолар тасодифий уюми орқасида доимо ягона мундарижа туради» (Звегинцев 1957:205) ва бу маъноларни боғловчи белги кенг кўламли бўлиб, сўзнинг ифода ва маъно доираси тараққиётида фаол ҳамда муҳим роль ўйнайди (Звегинцев 2001).

«Умумий маъно» ғоясининг тарғиботчилари қаторига А.И.Смирницкий, Р.А.Будагов, Р.Якобсон каби қатор олимлар киришади. Тил ва нутқ муносабатининг соссюронга талқинини тўлиғича маъкуллаган бу тилшунослар «умумий маъно»ни тил ҳудудига қолдиришиб, алоҳида ёки қўшимча

маъноларни нутқ билан боғлаб кўя қоладилар. «Умумий маъно»ни даставвал грамматик категориялар тизимидан излаган Р.Якобсон кейинчалик буояни лексик тизим тадқиқига жорий этди ҳамда полисемантик сўзларнинг умумий маъноси мулоқат шароитида турли ўзгаришларга учраб, нутқда олдиндан мавжуд бўлган варианлардан бири сифатида намоён бўлишини уқтирумокчи бўлди (Якобсон 1985).

Ушбу гояни танқид остига олишга уринганларнинг сони ҳам етарлича. А.А.Потебня, Л.В.Шчерба, Ҳ.Пауль, Е.Курилович кабилар сўз маъносини унинг кўлланиш контексти билан боғлайдилар ва ҳар бир алоҳида маъно ифодасида мустакил сўз юзага келишини қайд этадилар. Тилшунослик «умумий маъно» фоясига муҳтож эмаслигини исботламоқчи бўлган А.А.Потебня «сўзларнинг умумий маъноси» тушунчаси «шахсий фикр бўлиб, аслида тилда мавжуд эмаслиги» ҳақида ёзаётib (Потебня 1968:33), полисемантик сўзлар маъноларининг бир-бирига муносабатини генетик боғланишда, аникроғи, «олдинги ва кейинги маънолар» кетма-кетлигига қарашни маъқул кўради (Потебня 1985:96).

Функционал семантика йўналишидан борган Е.Куриловичнинг наздида, «умумий маъно» тушунчаси туришича мавхум тушунчадир ва унинг муҳокамасига вақт сарфлашга ҳожат йўқ. Мунаққиднинг эътирофича, ушбу тушунча моҳияттан тамоман фарқли бўлган элементлар – «коммуникатив маънони» ва «аффектив (стилистик) мазмун»ни ягона бир маҳражга келтириш йўлидаги уринишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки улардан фақат биринчисигина концептуал қимматга эга (Курилович 1962:246).

Афтидан «умумий маъно» фоясининг энг ашаддий мунаққиди С.Д.Кацнельсон бўлса керак. Ушбу фоя тарафдорларини «зўровонлик»да айблаш измида бўлган Соломон Давидович ўз ҳамкасбининг рус тилидаги *свинья*

«чүчқа» сўзининг семантик хусусиятларига берган тавсифини келтиради. В.А.Звегинцевнинг тавсифича, «чүчқа» сўзининг негизида «ҳайвонга нисбатан шаклланган тушунча туради ва биз бу сўзни бошқа турга оид предметлар билан боғлаб, одамни («чүчқа» деб – Ш.С.) атаётганимизда тушунча ўзгармайди.Демак, бу ҳолатда ягона бир тушунча турли синфларга оид предметларга нисбатан кўулланилади. Лекин тушунча бошқасига кўчишида, ушбу предметларни ягона тушунча доирасида кўрамиз, уларнинг ягона тушунчани тавсифловчи хусусиятларини аниқлаймиз, уларга ушбу тушунчага хос белгиларни инъом қиласиз, уларга тушунча нуқтаи-назаридан қараймиз. Шу йўсинда тушунчанинг доирасини кенгайтирамиз ва ҳатто «тушунчанинг ўзини табиатан ўзгартирамиз» (Звегинцев 1975:158).

С.Д.Кацнельсон ўйлашича, унинг ҳамкасби «умумий маъно»ни аниқлашда икки хил услугубу амалдан фойдаланмоқда. Биринчисида исқирт, пасткаш одамларни «чүчқа» деб аталишида, чўчқанинг барча хусусият-белгилари ушбу одамларга ҳам хосланмоқда. Иккинчисида эса, янги тушунча яратилиб, унинг воситасида чўчқа ва ифлос, пасткаш одамларга хос бўлган хусусият ва кўрсаткичларга эга бўлган аллақандай «чўчқа одам» образи ифодаланмоқда. Бундай амалларнинг бир пайтнинг ўзида татбиқ қилинишини «маънолар турли хиллигини золимона жазолаш», деб баҳолаётган С.Д.Кацнельсоннинг бунчалик ғазабли ҳайратга тушиши бежиз эмас, чунки «чўчқа» сўзи семантик структурасидаги ўзгаришларнинг юқорида эслатилган ҳар иккала йўналишдаги талқини бир хил методологик ғалисликларга эга. Инсонга «чўчқа» сифати ва номи берилаётганида олдинги тушунча ўзгармайдиган бўлса, унда одам зотига чўчқанинг барча хислату-белгиларини (Қиёсланг: «гўшт-ёғ ва териси учун боқиладиган, жуфт туёқли калта оёқли сут эмизувчи уй

ҳайвони» -ЎТИЛ) хослашдан нимани ҳосил қиласиз? Менимча, бундай маъно кўчишида чўчқага хос сифатлардан алоҳида бирортаси (масалан, ифлослиги ёки исқиртлиги) фаоллашганида бошқа тушунчалар юзага келади. Бу иккала ёндашувнинг бирваракайига татбиқ қилинишида эса, чўчқа ва ислики одам ҳақидаги турли мундарижали тушунчаларни зўрлаб ягона «ғайритабиий» тушунча бағрига бирлаштиришга мажбур бўламиз (Кацнельсон 1986:42).

Биламизки, илмий мушоҳада мўжизакорликни ёқтирамайди, мушоҳада ўз мазмуни билан «кузатиш, кўз билан қўриб текшириш»дир. Лугатларда келтирилган ушбу тавсифга, мулоҳаза юритиш, яъни «фикран муҳокама юритиш, ўйлаш»ни қўшимча қиласиган бўлсак, илмий хulosанинг эмпирик материалини кузатиш (яъни – тадқиқ этиш) асосида «юритилган фикр ёки мулоҳазани мантиқий натижаси» (ЎТИЛ) бўлишига эришамиз. Хўш, кўп маънолик ҳодисаси тавсифида ғайритабиийликдан қочиб, мантиқий асосга эга бўлган хulosалар чиқаришнинг йўлини топишнинг иложи бормикан?! Нега бўлмасин?! Аммо бунинг «иложини қилиш»нинг йўлини излаш керак бўлади.

Эҳтимол, яна бир рус академиги Д.Н.Шмелевга тақлид қилиб, «сўзнинг турли маъноларда қўлланишида сақланадиган қандайдир ўзгармас мазмуний ядро ёки семантик инвариант сифатида қараладиган умумий маънони излаб юришга ҳожат йўқ» (Шмелев 1973:76), деб қўяқолсак, балким муаммодан кутулиб олармидик.

Аммо туғилаётган савол ва гумонларнинг бисёrlиги муаммонинг йўқлигидан ёки унинг тадқиқидан қочиш мумкинлигидан дарак бермайди. Полисемантик сўзларнинг қандайдир бир умумий маҳраж – маъно бўлакларидағи умумийлик, муштараклик атрофида бирлашиши муаммоси мавжуд. Сўз ёки бошқа тил бирлигини у ёки бу мулоқот шароитида қўллаётган сўзловчининг онгига маълум бир

тушунчага хос бўлган белгиларнинг барчаси бирваракайига фаоллашмаслиги аниқ. Лекин полисемиянинг юзага келишида «марказий нуқта»ни ўйновчи кўп маъноли сўзнинг барча маъноларини бир-бирлари билан боғлаб турувчи семантик ҳодиса мавжуд эканлигини инкор этиш ҳам қийин.

Шундай «марказ» борлигини ҳатто «умумий маъно» гоясининг мунаққидлари ҳам инкор этмайдилар. В.В.Виноградов «асосий» деб номинатив маънони атайди ва унинг сўзнинг бошқа маънолари учун «таянч ҳамда ижтимоий, барча томонидан қабул қилинган пайдевор» эканлигини эътироф этади (Виноградов 1977:171). С.Д.Кацнельсон сўз семантик структурасининг таркиб топишида «лексик-семантик негиз» вазифасини ўтовчи «асосий», «туб» маънонинг роли алоҳида эканлигини таъкидлайди (Кацнельсон 1986:48). Полисемантик структурада лексик маъноларни фарқлаш масаласига эътибор қаратган М.Миртожиев «асос маъно» сўзнинг бир нечта лексик маъноси хосил бўлиши учун замин тайёрлашини уқтиради (Миртожиев 2010:180). Ю.Д.Апресяннинг фикрича эса, полисемия ҳар доим ҳам бир хил кўринишга эга бўлавермайди: баъзи ҳолатларда кўпмаъноли бирликнинг барча маъноларининг юзага келиши ягона бир семантик негизга эга бўлса, бошқаларида эса, умумий семантик асос сўз лексик-семантик вариантларини ажратиш учун мезон хизматини ўтай олмайди (Апресян 1995:70-77).

Хуллас, «семантик негиз (ўзак)» гояси бирмунча истиқболли бўлишига қарамасдан, уни топиш ва семантик структурадаги бошқа мундарижавий бўлаклар билан муносабатини аниқлаш борасида юзага келган қарашлар ва уларнинг изоҳларининг методологик асоси кам қувват эканлиги сезилиб турибди. Зотан, бу гоя изидан бораётган тадқиқотчиларнинг ҳам танлаган йўли яна ўша тилишунослик

тариҳида кўп бора такрорланган «сўз - тушунча -маъно» ҳалқалари қарама-каршилигини акс эттирувчи чизма бўйлаб боришидир. Ушбу низма доирасида ҳосил бўладиган лисоний шакл (сўз формаси), ментал тасвир (тушунча) ва воқелик (номланаётган объект) муносабатлари, ҳечқандай гумонсиз, семантик таҳлил учун муҳим. Лекин бу муносабатлар қаторида маъно элементининг семасиологлар томонидан энг охирги ўринга қўйилиши ёки ономасиологияда тамоман унтутилиб қўйилиши улар танлаган йўлнинг заифлигидан хабар беради. Семасиологик тадқиқотларда лисоний белги – формани олд ўринга қўйиш, сўзсиз, бир пайтлар тилшунослик фанида устун бўлган формализм (бошқачасига-формантизм)нинг асоратидир. Балким, тадқиқни лисоний белгидан бошлиш ономасиологик таҳлил жараёнида баъзан маъқул келар, чунки бу ерда номлаш фаолиятида ҳосил бўладиган «лисоний белги – воқелик объекти» муносабати лисоний белгидан бошланаётгандек тасавур қилинади. Лекин бу тасаввурнинг алдамчи эканлиги аниқ кўриниб турибди. Лисоний белги (шакл)нинг бирламчи ёки устуворлиги ҳақиқат бўлганида, ягона бир «воқелик парча»сининг турлича номланиши каби ягона шакл воситасида турли предмет-ҳодисаларнинг номланиши мумкинлиги-ни изоҳлашнинг йўлини ҳеч қачон толиб бўлмас эди.

Сўз ёки бошқа тил бирликларига фақат воқеликни номловчи ҳодисалар сифатида ёндашилганида полисемантик сўз маъноларини (лексик-семантик вариантларини) омонимлардан фарқлаш нақадар қийин кечишини ҳамма билади. В.В.Виноградов рус тилидаги «хребет» сўзининг «спина, позвоночник» («умуртқа орқа суюги») ва «цепь гор, тянувшихся в каком-нибудь направлении» («тоғ тизмалари») мазмунларида қўлланишида омонимлар пайдо бўлмасдан, балки ягона сўзнинг турли маънолари сақланишини бошқа тилларда уларнинг турли сўзлар воситасида ифодаланиши

билингвистика (француз тилида: 1) colonne vertébrale, épine dorsale, rachis; 2) dos, échine; 3) crête, chaîne de montagnes) исботламоқчи (Виноградов 1977:165). Инглиз тилида ҳам «хайвоннинг умиртқа»си spine бўлса, «тоғ тизмаси» – range. Тиллараро қиёсда бундай шакл ва маъно номуқобиллигининг мисоллари истаганимизча топилади.

Шу қабилдаги ономасиологик нотекисликларни сезиш учун генетик жиҳатдан бир гуруҳга оид тиллар номинатив тизимиға мурожаат қилиш ҳам кифоя. Бир гуруҳ диалектологлар роман тиллари лингвогеографик атласларини қиёслаш асосида «узум токи» тушунчасининг шу тилларда ифодаланишини ўрганишган. Уларнинг кузатишича, роман тилларида ушбу тушунчани атовчи лексемаларнинг сони 53та. Лекин иберороман шеваларида -21, галлороманларда -9, италороманларда -21 ва дакороман шеваларида 11та лисоний бирлик мавжуд (Бородина ва бошқалар 1974:214-220). Энг қизиғи, бу гуруҳдаги лексемаларнинг турли кўринишига эга бўлиши на шаклий ва на семантик изчиллика, «меросхўрликка» эга, уларнинг барчасида шаклининг ўз семантик асоси мавжуд.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида Германияда шаклланган «Wörter-Sachen» («Сўз ва предмет-нарсалар») йўналишининг вакили бўлган Карл Яберг 1937-йилда эълон қилинган «Тил ифода ва хабар воситаси сифатида» номли мақоласида ягона предмет ёки тушунчанинг турли шаклларда ифодаланишининг сабабларини аниқлаш ва изоҳлаш учун «ифода воситалари психологияси»ни тушуниб олиш кераклигини таъкидлаган эди (Jaberg 1937). Мен эса, бу ономасиолог олим айтган иборани «маъно ва тушунча психологияси» қабилида ўзгартирган бўлар эдим. Тахлилда маънони шаклдан олдинроққа суриш ва тавсифий схемаларга айтилган ўзгартиришларни киритиш аҳди бекорга пайдо бўлгани эмас, зоро семантик тахлилнинг ҳар қандай кўринишида ўрганиладиган асосий объект – маъно.

Тил бирликларининг табиати билан қизиқаётган тилшуноснинг ҳар бир рақси – шу элемент атрофида, юқорида келтирилган схемадаги бошқа элементлар эса, маъно ифодаси нуқтаи-назаридан ўрганилади. Маъно учун лисоний либос – шакл изланади, аксинча эмас.

Шундай қилиб, олд ўринни формадан маънога олиб бердик, маъно примати семантик структура ва умуман тил мазманий сатҳи таҳлилида нималарга эришишга имкон берар экан? Олдин айтилганидек, тилнинг асосий функцияларидан бири оламни билиш ва уни билиш жараёнида тўпланган билим заҳирасини тўплаш ҳамда сақлашдир. Маъно худди шу заҳира замирида ҳосил бўлади ва билим кўлами кенгайгани сари маънонинг меъёри ҳам ошиб боради, миқдори нисбатан чекланган лисоний белгилар мазманий трансформацияларга юз тутиб, полисемия, омонимия каби ҳодисалар юзага кела бошлайди. Аммо ҳозирги пайтда билиш назарияси доирасида шакланаётган ғоявий-методологик ўзгаришлар ўзлаштирилаётган билим объектига бошқача назар билан боқишини тақозо этмоқда. Анъанавий эпистемологиянинг тутган йўли билиш манбасига натуралистик ёки моддийлик нуқтаи-назаридан ёндашиш эди ва бунинг натижасида янги билим бирликларининг таркибида объектларнинг фақат кўзга яққол ташланадиган хислатлари акс толиб, уларнинг «кўздан йирок», яширин хусусиятлари назардан четда қолиб кетади. Охир-оқибатда билим объектининг табиати ҳақида ҳосил бўлаётган назарий хуносаларга нисбатан ишончсизлик, гумонлар туғилади. Воқеликни илмий билиш соҳаларидан бири ҳисобланган тилшунослик ҳам, ўз объектини предметли, моддий кўринишда тасаввур қилганлиги боис, узоқ муддат шундай скептизм қармогига тушшиб қолганлигини тўғри тушуниш керак. Шубҳалардан кутулиш учун умумий эпистемологиядаги концептуал «қайта куриш» ҳаракатидан ортда қолмаслик, лингвистик

тадқиқнинг янги усулларини излашимиз лозим бўлади. Албатта, ишончсизлик рухиятидан кечиш осон эмас, бунинг учун, энг аввало, лисоний ҳодисалар табиатини билиш борасида асрлар давомида шаклланган стереотип, қолипли ёндашувлардан воз кечишга тўғри келади (Бейкер, Хакер 2008). Юқорида айтилганидек, анъанавий лингвистик тавсифда «лисоний белги – маъно» қолипи устувор бўлиб, тил тизими бузилмас яхлитлик, механизм сифатида қаралиб келинди ва маъно динамикасининг ҳар қандай ҳаракати, кўриниши шу механизм фаолияти кўламида тавсифланди. Ҳозирги тилшуносликда кечаётган парадигмал ўзгаришлар эса, тавсиф қолипини ўзгартиришни, яъни унга лисоний фаолият ижроисини қайтариб бериб, «субъект (сўзловчи, тингловчи) – маъно - лисоний белги (шакл)» кўринишини тақдим этишни талаб қилмоқда.

Шу жихатдан маъно структурасидаги ҳар қандай кўзғалишларни, турли «ҳосила» ва «ясама» бўлакларининг пайдо бўлиши манбаларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини билиш назариясининг таборо тарақкий этиб бораётган йўналиши – дискурсив-синергетик парадигма доирасида тарғиб қилинаётган тамойиллари асосида тадқиқ қилиш жоизлигини эътироф этмоғиз даркор. Вокеликни билиш фаолиятига дискурсив-синергетик ёндашув инсон омилини дастлабки ўринга кўяди. Кўпмаънолилик инсонга табиатан хосдир, зеро инсон *homo symbolicus* сифатида (Deacon 1997), оламни идрок этишда моддийликдан кўра кўпроқ рамзийликка интилади ва бу «туғма» қобилият, сўзсиз, лисоний кўникмалар, малакаларнинг шаклланишида ўз ўрнини топади. Полисемия лисоний тежамкорликка хизмат қилишини ҳаммамиз айтиб юрамиз. Инсон умумлаштириш, мавхумлаштириш, хуросалар чиқариш ва хусусийлаштириш (объектнинг алоҳида жихатларини эътиборга олиш) қобилиятига бир хилда эга. Кўпмаънолиликнинг онотологик тараққиёти конкретдан

мавхумликка ёки, аксинча, мавхумдан конкретта қараб йўл олиши кўп бора қайд этилган, лекин бу йўлаклардан қайсининг танланиши тил соҳибининг (сўзловчининг) индивидуал ақлий хусусиятлари (масалан, мия яримшарларининг қайси бири фаолроқ эканлиги), ижтимоий мақоми каби қатор психологик-маданий омиллар билан боғлиқ бўлишини эътиборга олмаймиз. Машхур Hanneton лингвогеографик атласининг 683-харитасида келтирилган маълумот бўйича роман шеваларида тиллақўнғизнинг 110та номи мавжуд экан: *boeut des champs, vache de chene, arnico, bibi* ва ҳоказо (Бородина 1978:54-60). Бундай номлар танланишининг ҳар бир ҳолати ўз изоҳига эга: тиллақўнғизга «дала хўқизи» (*boeut des champs*) унинг бошқа қўнғизлардан катталигига ва далаларда учеб юришига ишора бўлса, *vache de chene* атамасида «дуб», «эман» семасининг мавжудлиги тиллақўнғизнинг севимли емиши дуб япроғи эканлиги билан боғлиқ, *arnico* номинатив бирлигининг асосида аёлларга хос енгилтаклик хусусияти турди (Қаранг.: Бородина, Гак 1979:26-27). Маънонинг кўчиши, кенгайиши ва полисемиянинг юзага келиши каби семантик жараёнлар ментал фаолиятнинг воқеликни билишга йўналтирилиши билан боғлиқ. Бундай жараёнларда воқеликдан ўзлаштирилаётган билимга маъно берилиши умумий талаб. Маънога эга бўлиш, худди номланиш каби ўзлаштирилаётган билимни олдинги тажрибадан маълум бўлган билим билан қиёслашни тақозо этади. Бир пайтлар «чўчқа» сўзидағи маъно кўчишига изоҳ берган Херман Пауль эслатганидек, қиёслаш учун *tertium comparations*, яъни қиёснинг асоси, қиёсланаётганларнинг бирор-бир умумийлиги бўлиши керак. Лекин бу *tertium*, - деб ёзган эди немис олими, - қандайдир янги, қиёс учун ташқаридан ўзлаштирилаётган нарса эмас, балки у қиёсланаётганларнинг иккаласига ҳам оид бўлган тасаввурлар мундарижасининг маълум бир қисмидир. Бирор-бир одам ҳақида

«ўзини чўчқа каби тутади» ёки «у – ҳақиқий чўчқа» дейилганда ўхшатиш математик тенглаштиришга мос келмайди; бу ерда «чўчқа» тушунчасида ифодаланадиган хусусиятлардан факат биттаси ўша одам ҳақидаги тасаввур таркибидан жой олади. Бу белги – исқиртликдир. Бу маънони янада ойдинроқ ифодалашга tertium comparationis нинг ўзини атари йўли билан ҳам эришиш мумкин: «у чўчқа каби ифлос» (Пауль 1960:102).

Полисемиянинг аниқ бир белги танлови асосида кечадиган дискурсив-когнитив фаолиятнинг маҳсули эканлигини исботловчи мисолларни исталган тил тизимидан хоҳлаганча келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай фаолият феъл тизимида кўпмаънолилик ёки маъно кўчиши ҳолатлари юзага келишида ҳам ўз аксини топади. Бинобарин, «У қаламини синдириди» ва «Унинг қалами синди» гапларидаги «синмоқ» феъльнинг мазмундаги фарқлари нофаол обьектнинг (қаламнинг) фаол агенс сифатида тасаввур қилиниши натижасидир. Бундай метафорик тасаввур жараёнида фаоллашувчи «ҳаракат белгиси» жонли ва жонсиз предметлар ўргасидаги одатда мантиқан ҳақиқат сифатида қабул қилинадиган субъек-объект муносабатларини инкор этиш шартини туғдиради. Натижада, «илигини синдиримоқ», «тишини синдиримоқ» (*Рашкли иш синдирап тиши*), бирикмалари «чўп синдиримоқ», «шохини синдиримоқ», «қанотини синдиримоқ», «ҳамкорни синдиримоқ» каби яралади ва бундай «лисоний афсона» кўринишидаги маъно кўчимларидан фойдаланиш тил тизими ҳамда дискурсив фаолият учун фойدادан бошқа нарса келтирмайди.

Фойда кўриш эса, оламни лисоний билишнинг, дискурсив фаолиятининг асосий мақсади, тилнинг мазмун ифодаловчи манбаси ва унинг кўрини билиш учун кўпмаънолилик шаклланишини инсон когнитив-дискурсив «ҳаёти» мундарижасида қарашимиз лозим. Тилшуносликнинг эпистемологик имкониятлари билан қизиқкан

В.В.Глыбиннинг ёзишича, «организм («инсон» демокчи-Ш.С.) лисоний белгиларни мулоқот шароитида намоён бўладиган коммуникатив вазифалари орқали ўзлаштиради. У бошқалар лисоний белгидан қандай фойдаланаётганларини кузатиб ва уларни ўзи ҳам кўллаб, улар самарадор-лигининг кўламини билиб олади. Лисоний бирликларни маълум ҳамкорлик вазиятларида қўллаётib, организм бу бирликларнинг ўрни, вазифаси уларнинг «восита» сифатида қўлланиши ҳақида билимга эга бўлади» (Глыбин 2006:37). Рус тилишуноси «организм» дейиш билан инсоннинг ўзини ёки унинг онгини назарга тутганлигини англаш қийин-у, лекин у бир нарсада ҳақ эканлигига гумоним йўқ. Бу – лисоний белгининг билиш фаолиятида «восита», «аслаҳа» ролини ўтаётганлигидир. Маъно эса, ушбу фаолиятнинг ҳосиласи эканлигини бироз олдинроқ айтган эдим. Яна бир айтмоқчи бўлаётганим янги маъно шаклланишининг онтогенезиси ҳақидадир.

Кўпмаънолиликнинг манбалари, унинг тараққиёти ҳақида қимматли фикрларни билдирган рус академиги А.А.Зализнякнинг кузатишича, икки ўшдаги бола «бабах» иборасини талаффуз қилаётib, «зарба», «гумбурлаш», «урмоқ», «оғрияпти» каби маънолар билан бир қаторда, «кошток» ёки бошқа шарсизмон предметларни англаши мумкин (Зализняк, 2004:40). Бу мисол кўпмаънолилик шаклланишининг «мавхумдан» «конкret» сари юришини исботлайди. Бошқа бир мисол эса, бунинг аксини – маънонинг «конкретдан» «мавхумга» қараб силжишини изоҳлайди: «йўл» (тош йўл) – «масофа» (йўл босмок) - «гоявий йўналиши» (сиёсий йўл) – «фаолият тарзи» (тушунтиришнинг йўли) ва хоказо. Маънолар кенгайишининг ушбу услубда юзага келишида биз мавхумлаштириш амали воситасида, масалан, «кўллэзма» сўзини эшитиб, кўл билан бажарилган иш ҳақида сўз кетаётганлигини билиб

оламиз. Чиқарилган бу хулоса фаол маънони аниқлашга имкон беради.

Фаол маънонинг ҳосил бўлиши давомли дискурсив-когнитив амалларнинг ижросини талаб килади. Бунда умумлаштириш ва мавхумлаштиришнинг ўрни алоҳида. Мавхумлаштиришнинг роли шундаким, у янги маъно (омонимия ҳодисасида – янги сўз) таркибида предметнинг ном олаётган белгиси кўринишида намоён бўлади. Номлаш учун зарур бўлган тасаввур – образ аслида олдин идрок этилган ва ном олган билан янгидан идрок этилаётган ва номланаётган ўртасидаги умумийлик, ўхшашликдир. Фақат шу ўхшашлик негизида инсон онгидан янгидан лисоний мазмун топаётган предмет-ҳодиса ҳақида тасаввур ва тушунча пайдо бўлади. Бунинг аниқ исботини қорачироқ, юлгуч, иккюзламачи, товламачи, жулдуровоқи, қоралама, мингdevона, эшакмия, кўзли, жонга тегмоқ, кўраолмаслик каби бирликларнинг маъно структураси таҳлилида кўрамиз. Тил тизимида маъно кўчишидан бошқа ном бериш амали йўқлиги кўп бора қайд этилган, ҳарқандай янги маънонинг ҳосил бўлиши, метафорик силжишлар – инсоннинг дикқатини жалб қилган, эҳтиёжи учун зарур бўлган предмет-ҳодисаларнинг субъектив идроки натижасидир. Худди шу ҳолат ассоциатив тасаввур фаоллашувига ва воқелик ҳодисаларини умумлаштириш амали асосида номлашга имкон беради. Шу аснода сўзловчи инсон, бир томондан, номланаётган нарса-ҳодисаларнинг ҳаракатлари, хусусиятларини жонлантириши мумкин бўлса (*вақт шошилади, кўз ўйнайди, шамол ўкиради, кўнгил ўсади, тўлқин тинчланади, дала ёлонгоч бўлади, ишқ ёндиради, туйгу сакрайди ва ҳоказо*), иккинчидан, ўз ҳаракати, сифатларини табиат ҳодисаларига қиёслаши мумкин (*бола ўсади, илиқ муносабат кўрсатилади, ҳиссиёт ўлади, севги сўнади, совуқ назар ташланади, фикр тугилади, чуқур*).

фикрлайди, қаттиқ ҳурмат кўрсатади, порлоқ истедодга эга бўлади ва ҳоказо).

Ўз пайтида машхур физиолог И.П.Павлов иккиламчи сигнал тизимиning элементи деб ҳисоблаган сўз бирлигини ҳеч тортинасдан психолигик-ментал ҳодиса эканлигини эътироф этсак ҳам бўлаверади. Бу бирлик мавҳумлаштириш амали ижроси жараёнида хиссиётли тафаккур шаклидан узоклашмаслиги равшан. Мулоқат вазиятларига мос равишда лугавий бирлик конкрет ёки мавҳум маъно касб этиши воқеликнинг объектив акс топиши учун шароит яратади. Қиёслаш асосида умумлаштиришнинг маъно ҳосил бўлишидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган А.А.Потебня нинг қуидаги қайдига эътибор қаратайлик: «Мавҳумлаштиришга унинг негизи бўлган конкрет идрокни қарама-қарши қўйишади, лекин тафаккур биргина конкрет идрок билан қаноатланиб қола олмайди, чунки умумлаштириш инсон табиатига ҳосдир. Умумлаштириш у фақат конкрет идрокка асосланган тақдирдагина биз учун қимматга эгадир» (Потебня, 1976:513). Демак, конкретлаштириш ва мавҳумлаштириш, яъни ташқи кўринишдан қарама-қарши туюлаётган бу икки амал воқеликнинг мазмуний ифодаси учун бир хил аҳамиятга молик.

А.А.Потебня лисоний белгиларнинг маъно хусусиятлари ва умуман тилнинг семантик сатҳи тилшуносларни маълум меъёрда қизиктириши мумкин дейиш билан қанчалик ҳак эканлигини айтиш қийин-у, лекин когнитив фаолиятнинг маълум жабҳалари ва шу фаолият ҳосиллари таҳлили лингвистик тадқиқотлар самараси учун муҳимдир. Тилшуносларнинг бу муаммога бўлган қизикиши, даставал, сўзловчи шахс ва тил жамоасининг фаолияти натижаларининг маъноларда акс топиши ва муқимлашуви билан боғлиқ. Бундан ташқари, тил тизимида қандай қилиб олдинги билимдан янгисига ўтиш йўли билан янги маъно-

шаклланиши, семантик структурада турли ўзгаришлар юзага келиши масаласи ҳам муҳим.

Шу нуқтаи назардан тил бутун моҳияти билан оламни билиш сари ҳаракат қиласидиган когнитив механизм, курилманинг ажралмас қисмидир. Кейинги пайтларда луғат тизими таркибидаги сўзларнинг маъносида «оламнинг оддий қиёфаси» акс топади, деб хулоса чиқарувчилар ҳам топилиб қолмоқда. Бирок, биринчидан, шахснинг индивидуал идрок фаолияти, тасаввури доирасида ўзлаштирилаётган билим қандай қилиб «оддий қиёфанинг» акси, образи бўлиши мумкин экан?! Иккинчидан, «оддий» ҳеч қачон галварсликни, соддаликни англатмаса керак. Шундай бўлганида лисоний фаолият ўз шавку-завқини, маъно ифодаси эса, мафтункорлигини йўқотган бўлар эди. Маъно ҳодисасининг динамикаси унинг серқирралиги, мураккаб «юриш»ларга мойиллиги, тинимсиз таркибий ўзгаришларга учраб туриши билан изоҳланади.

Тил воқеликни билишнинг асосий манбаи эканлиги В.Хумбольдтнинг асосий назарий ғояларидан бири эди. «Инсон, -деб таъкидлаган эди у, - предметлар оламини идрок этиш ва қайта яратиш учун доимо товушлар олами қамровига киради» (Гумбольдт 1984:80). Хумбольдни устоз деб билган А.А.Потебнянинг фикрига мувофиқ, «тил узлуксиз равишда олдин билгани ва янгидан билаётгани ўртасидаги воситачи бўлиб қолаверади. Маъно ва форма бир хилда билиш воситаси ҳамда ҳаракати сифатида қаралиши лозим» (Потебня 1958:59). Ушбу фикрлар тилнинг инсон ташки ва ички дунёсини билишдаги роли алоҳида эканлигидан дарак беради. Лисоний маънода билиш фаолияти натижалари акс этади, муқимлашади ва ривож топади.

Кўпмаънолиликнинг лингвистик ҳодиса, лисоний факт эканлиги барчага аён. Баъзилар ўйлаганидек, уни артефакт, яъни инсон томонидан яратиладиган сунъий ҳодиса бўлишига ва уни ўрганишда биз кузатувчи ролини ўтаб,

фақат тавсифлаб беришимиз мүмкінлигіга мени ҳеч ким ишонтира олмаса керак. Сантьяго назариясининг асосчиси Умберто Матурана ва унинг маслақдоши Грегори Бейтсонлар ҳодисалар ўзаро муносабати ҳақида гапираётіб, бу муносабатларнинг ўта мураккаб ва чалкаш бўлиши натижасида уларнинг қирралари баъзан кесишмай қолишини ва бу қирраларни кузатишга имконимиз етмай қолишини қайд этдилар. Аммо Матурана муносабатларда мавжуд фарқларни билиш жараёнида яратиладиган артефакт сифагида қараса (Матурана 1996:100), Бейтсон эса, фарқни борликнинг объектив белгиси, сифати эканлигини эътироф этади: «Ахборот олиниши бевосита фарқ ҳақида маълумот олиш билан боғлик, фаркнинг ҳарқандай идроки эса, маълум чегарага эга. Ўта кучсиз ва ўта сокин фаркларни сезиш мушкул» (Bateson 1979:29). Бевосита кузатишнинг қийинлиги унинг мавжудлигини инкор этиб, сунъий факт сифагида қаралишига сабаб бўла олмайди. Кўпмаънолилик бевосита кузатиладиган факт, уни биз ўз когнитив тажрибамизга таяниб ўрганищимиздан ташқари, турли лингвистик тажрибалар, кузатишлар асосида ҳам тадқиқ этиш имконияти мавжуд. Масалан, Э.Косериунинг эътирофича, тиллар ўргасидаги фарқ ҳақиқатда маънолар тизимидағи фарқ бўлиб, қиёсий лексикология ягона бир «олам қиёфаси»нинг турли тилларда турли маъноларда воқеланишини ўрганиши керак. Шунга асосан, олим «тиллараро полисемия» ҳодисасини ҳам ўрганиш лозимлигини уқтиради. Бу ҳодиса эса, бир хил ифоданинг алоҳида маънога мос келиши шарт эмаслигини акс эттиради. Жумладан, немис тилидаги *betrügen* «алдамоқ» феъли маъно жиҳатидан итальян тилидаги *ingannare* феълига тўлиғича мос келади, итальян тилидаги *traddire* «хиёнат қилмоқ»қа немис тилидаги *verraten* муқобил; аммо «турмиш ўрготига хиёнат қилиш»ни ифодалаш учун итальянлар яна ўша *ingannare* феълини кўлладилар. Ягона бир фактга турли

маъно берилишини «мусиқа асбобидан фойдаланиш» фаолиятининг турлича ифода топишида ҳам кўрамиз: бундай фаолиятга немислар, руслар, французлар «ўйнамоқ» (speilen, joue, играть) маъносини беришса, испанлар асбобга «тегинадилар»(tocar), итальянлар уни «овоз чиқаришга мажбурлайдилар» (suonare), руминлар «куйлатадилар» (a cinta). Ўзбеклар эса, мусиқа асбобида ўйнайдилар ёки уни *чаладилар* (Қаранг: Косериу 1989:74-75). Худди шунингдек, инглиз тилидаги man сўзининг семантик структураси бир нечта маъноларни қамраб олади ва шулардан асосийлари «одам», «эркак», «жинсий ҳётни бошлаган эркак» ва «етук ёшдаги эркак». Бундай кўпмаънолилик француз ва немис тилларида ҳам кузатилади. Шунинг билан биргаликда, тиллараро қиёсда «одам» ва «эркак» маъноларининг ифодаси бошқача кўриниш олиши мумкин, масалан, француз тилида «одам» маъноси homme ва personne сўзлари воситасида воқеланса, хауса тилида «одам» – mutum, «эркак» – mījī. Украин тилида «одам» ва «эркак» худди инглиз тилидагидек бир хил номланади, аммо малғаш (olona «одам», lehilahy «эркак»), индонез (orang manusia «одам», lakilaku «эркак»), япон (хўмо, нингэн, дзимбуцу «одам»; данси, дансей «эркак») тилларида вазият бошқача.

Келтирилган мисоллар «олам қиёфаси»нинг ёки «воқелик парчаси»нинг лисоний воқеланиши тил соҳиби ёки сўзловчи уни қандай қиёфада кўриши ва қандай маъно берииши билан боғлиқлигига ишора қиласди. Воқелик ҳақидаги билимнинг концептуаллашуви образли ёки тасаввур схемалари (image-scheme) воситасида кечади. «Когнитив тилшуносликка кириш» асарининг муаллифлари Фридрих Унгерер ва Ҳанс Ёрг Шмидларнинг таърифича, образли схема, худди бошқа асос категориялари каби «олам билан бўлган ҳаркунлик муносабатимиз тажрибаси замирида юзага келади» (Ungerer, Schmid 1996:127). Шу боис foot of mountain «тоғ(нинг) этаги» ва head of the page

«саҳифанинг боши» бирикмаларида янги маънолар одамнинг танасига доир image-scheme, яъни образли тасаввурга биноан яратилмоқда: одамда бош ва оёқ бўлгани каби идрок этилаётган объектларга ҳам оёқ ва бошга эга бўлиш хусусияти берилмоқда.

Кўпмаънолиликнинг юзага келишини «сўзнинг туб маъноси доирасидан четга чиқиши» сифатида қараган X. Пауль ҳам бу жараённи маълум бир сўзнинг шахсий тажрибанинг макон, замон ва сабаб-оқибат боғланишида ҳосил бўладиган маънони ифодалашида кўришни истаган эди (Пауль 1960:102). Аммо ушбу фоя факат когнитив тилшунослик шаклланиши билан назарий асосга эга бўлди. Когнитологлар кенг микёсда қўллаб келишаётган «прототип категория», «фрейм», «сценарий» каби билим қолиллари ҳақидаги тушунча-агамалар ҳамда ушбу қолилларни воқелантирувчи лисоний структураларнинг фаоллашувини таъминловчи омиллар ҳақидаги илмий маълумотлар маъно ходисасининг лингвокогнитив ҳодиса сифатида тавсифлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шундай ақлий фаолият жараёнида ҳосил бўладиган образли тасаввур шаклларидан бирини когнитологлар «контейнер» номи билан атаб келишмоқда. Инглиз тилидаги contain сўзининг маъноси барчага маълум («бирор нарсага эга бўлмоқ», «бирор нарсани ушлаб турмоқ», «ичига сигдирмоқ»), шу феълдан ясалган container сўзи «идиш, контейнер» маъноларида ўзбек тилига ҳам ўзлаштирилган, бироқ ушбу сўз, contain феълининг «ичига сигдирмоқ, жойламоқ» маънолари билан боғлик ҳолда, ичига бирор нарса сақланадиган ҳарқандай буюмни ифодалани мумкин. Ушбу тушунчани сўзларнинг маъно структураси шаклланиши тадқики амалиётига татбиқ этган Марк Жонсон ва Георг Лакоффлар, container сўзининг маконга ишора қилиш мазмунига таянадилар. Уларнинг талиқинича, инсон тажрибасининг образли тасаввур шакллари унинг маълум

макондаги ҳаракатлари ва нарса-ҳодисалардан фойдаланиши даражаси қиёсида юзага келади (Johnson 1987:30; Lakoff 1987:272). Г.Лакоффнинг эътирофича, ушбу идрок шаклан инсон гавдаси ҳаракати сифатида тасаввур қилинади, чунки тананинг бажарадиган асосий ҳаракатлари унинг бирор нарсани қабул қилиши (олиши) ёки чиқариши билан боғлиқ, биз ҳавони ўпкага тортиб оламиз (киритамиз) ёки уни чиқарамиз (Lakoff 1987:271). Оламни идрок этишдаги бундай «тана тажрибаси» (bodily experence) асосидаги тасаввур натижасида нарсалар «назарга тушади ёки ундан қочади», оиласи шахс «рўзгор ташвишига (қоидасига) тушади ёки ундан қутулади (чиқиб кетади)».

Воқеликни образли тасаввури асосида юзага келадиган тасвир шаклларидан яна бири – «яхлит ва бўлак схемаси»dir. Бу схема ҳам инсон тажрибаси билан боғлиқ, зеро, моддий оламда фаолият кўрсатишимииз учун бизнинг гавдамиз яхлитликка эга бўлишидан ташқари бўлакларга ҳам тақсимланади: оёқ бўлмаса юриш йўқ; кўл бўлмаса ишлаш йўқ; кўз бўлмаса – кўришнинг имкони йўқ. Яхлитнинг фаолияти бўлакларнинг фаоллиги билан белгиланади. Бўлак ва яхлит муносабатининг бундай тасаввури метафорик идрокда ва маъно шаклланишида ўз аксини топади: оиланинг бутунлиги – эр-хотиннинг («бўлак»ларнинг) жисплашувиди бўлса, оиланинг бузилиши эса, – бўлакларга (эр ва хотин) ажралиши, парчаланишидир. Шунингдек, овозларнинг бўлинуб кетиши ҳам яхлитнинг парчаланиши тасаввурининг рамзи, белгисидир.

Инсонлар томонидан воқеликнинг идрок этилишида обьектларнинг макондаги тутган ўрнини белгиловчи кўрсаткичлардан кўра уларнинг ўзаро муносабати муҳимлигини тадқиқотчилар айтиб ўтишган (Кравченко 1996:8). Шундай муносабатлар мисоли сифатида бир обьектнинг иккинчиси ичida, таркибида мавжуд бўлишини келтириш мумкин. Ҳамкорликда ва ўзаро алоқада

бўлишнинг рамзи бўлган объектларнинг бири иккинчиси таркибида бўлишини назарга тутувчи бундай ўзаро бирикиш муносабати ҳозиргина эслатилган «бўлак-яхлитлик» тассавури шаклида аниқ намоён бўлади. Бу шаклда акс этадиган муносабатни интеракционал, яъни «бир-бирига таъсир ўтказувчи» ёки «ўзаро алоқадорлик» хусусиятига эга эканлигини эътироф этиш лозим бўлади (Кубрякова 2004:483). Ушбу турдаги муносабатнинг маъно ифодаланишидаги роли тил тизимида аниқ кўриниб туради. Масалан, *сигдирмоқ*, эга бўлмоқ, қамраб олмоқ, жой қилмоқ (жойламоқ), каби феъллар ва *туздон*, *кулдон*, *тузлук*, *молхона*, *отхона*, *чойхона*, *дардохона* каби ясама отларнинг маъноси айнан шу муносабатларни акс эттиради.

Маъно ҳосил бўлиши жараёнини образли тасаввур схемалари воситасида тасвирлаш самаралари ҳақида гапираётиб, бундай тасаввур шакллари идрокнинг индивидуал ва миллий-маданий хусусияtlари таъсирида бўлишини ҳам унумаслик керак. Масалан, руслар кушни «*даражтнинг устида*» кўрадилар (*птица на дереве*), инглизлар уни «*даражтнинг ичидан*» ахтарадилар (*in the tree*), чунки руслар учун кўрилаётган объектнинг устки қисми мухим, инглизлар учун ҳажм, қамров эътиборли. Буни инглиз ва рус темпорал тузилмаларида вақтнинг ўтиш меъёрининг чегараланишини ифодалаш мухимлигида ҳам кўрамиз *in five minutes* – «за пять минут», яъни «беш минут ичida»; ўзбек тилида эса, вақтнинг давомийлигига урғу берилади: *беш минут ўтгач, беш минутдан сўнг*. Инглиз семиотиги Н.Норикнинг (Norrick 1981:93-94) кузатишча, инглиз, немис ва француз тилларида eat, essen, manger феълларининг метаномик қўлланиши ҳам воқеликни «контейнер» шаклида шаклида идрок қилинишини акс эттиради. Қиёсланг: The acid has eaten into (through) the metal «Кислота метални ичидан еб битиради». Бундай маъно кўчишини ўзбек тилидаги «емоқ» феъли учун ҳам хос деб ҳисоблаш мумкин, аммо eat ones

words идиомасидаги маъно кўчишининг ўзбек тилидаги муқобили бошқача, чунки ўзбеклар инглизлар каби айтганидан пушоймонлигини изҳор этиш учун «ўз сўзини емас»дан, балки «сўзини қайтариб олади». Шунингдек, бирорвга бўйсунадиган, ҳақоратларга чидаётган инглиз «ит ёки исқиртларни еса» (to eat dog/dirt), ўзбек бундай ифлос, харом егуликлардан ҳазар қилади, у фақат «бош эгизи» мумкин.

Воқелик ҳақидаги бевосита тажрибанинг бир ҳудуддан бошқасига кўчирилиши *концептуал интеграция* (тушунчаларнинг бирикуви) амалининг бажарилишини тақозо этади (Fauconnier, Turner 1998). Бу амал фаоллашувида икки ёки ундан ортиқ тушунча айрим элементлар ўртасидаги муқобиллик асосида ўзаро бирикади. Бунинг натижасида аввалгисидан фарқ қиласидиган, янги тушунча ҳосил бўлади. Жумладан, *The thought just flew right out of mind* «Фикр ҳозиргина хаёлимдан чиқди (сўзма-сўз: миядан учиб кетди)» гапида *fly* «учмок» феълининг янги маъно касб этиши концептуал бирикими амалининг самарасидир. Бунда образли тасаввур конкретдан мавхумга қараб йўл олади, яъни семантик деревация учун асос бўлган тушунча – күшнинг қафасдан учиб кетиши ва уни кўриш имкониятининг йўқолишидир. Семантик деревация асосдан ташқари мўлжалга ҳам эга бўлиши шарт. Асосдаги ёки ўзак тушунчанинг мўлжалдагиси билан бирикиши ҳосила тушунча, яъни янги маъно туғилишига олиб келади. Натижада фикр, хаёл, ҳиссиётлар қушлар каби учиб, кўздан йироқлаша борадилар. Шу йўсиндаги учишлар, югуришларни («юзига қон югурди», «иссиқлик югурди») «қалбаки ҳаракат» (fictive motion) тасвирида беришни истаётган, шунингдек, баъзи феъллар сифатдошлари иштирокидаги бирикмаларда ҳолатнинг ўзгартирилиши ҳақидаги маълумотни («синик чизик») ҳам қалбаки хусусиятига эга бўлишига амин бўлаётган олимлар (Matsumoto

1996; Talmy 1996; Lancgacker 2008) семантик структурадаги ҳар қандай сиљишларни асосан субъектив хусусиятга эга эканлигини тақрорлашдан ҳориганларича йўқ.

Когнитив-дискурсив ёндашувнинг семантик структура шаклланишининг тадқиқи борасидаги имкониятлари кенг эканлигини таъкидлаган ҳолда айтмоқчиманки, ҳар қандай ментал ҳаракатни инсон ақлий ва амалий фаолиятининг бошқа жиҳатларидан ажратиб таҳдил қилишининг самараси паст бўлиши аниқ. Маълумки, воқеликдаги бирор-бир предмет-ходисани идрок этиш ва уни номлаш орқали маъно бериш фаолиятининг негизида категориялаштириш амали туради. Бу амалнинг фаоллашуви эса, идрок этилаётган объектнинг кўзга ташланадиган белги-хусусиятини ажратиб олиш ва уни бошқа объектларнинг шу сифат белгиларига муқобиллаштиришни талаб қиласди. Аммо ушбу амалнинг бажарилиши бир текис кечадиган жараён эмас. Биринчидан, категориал белгини топиш бирдан-бир мақсад бўлмасдан, балки олинаётган билимнинг қайси объектларга оидлигини аниқлашнинг йўли, воситасидир. Иккинчидан, категориал белги ҳечқачон яккаланиб қолган кўрсаткич, хусусият бўла олмайди, предмет-ходисалар моҳияти оддий белгиларнинг мураккаб бирикувидан иборатдир. Категориялаштиришнинг илк босқичи шундай белгилар бирикмаларини аниқлаш билан чегараланиши мумкин, лекин кейинги босқичлар учун бу етарли эмас.

Гешталт назариясининг асосчиларидан бўлган немис олимаси Е.Рош ва унинг шогирдлари ўтказилган психологик тажрибалари натижасида категориялаштириш учун факат ўрганилаётган объектнинг хусусиятларига таяниш етарли эмаслигига ишондилар. Масалан, бирор-бир ҳайвонни «ит» деб аташ учун, унинг итларга мос келадиган белгиларини ажратишдан (прототипини топишдан) ташқари, умуман ҳайвонлар ва уларнинг табиатига оид билимлар заҳирасига мурожаат қилиш лозим бўлади. Категориялаштириш ва

идрок этишда интеллектуал билим ёки фаолиятнинг миллий-маданий ва бошқа экологик омиллари билан ҳамроҳлик қилиши, лозим бўлганда, мослашуви шу мавзуга бағишланган монография муаллифларининг хулосаларида қайд этилган (Қаранг: Neisser, 1987).

Ўтган асрнинг таникли файласуфларидан бўлган, ўз миллатдошлари сиқувидан, ситамидан фожеали ўлим топган Мераб Мамардашвилиниң қиёсича, симфониянинг нотали ёзуви ҳали мусиқа эмас; мусиқа бўлиши учун уни ижро этиш керак. Худди шу каби «фикр, онгнинг бошқа ҳодисаларидек, фақат тафаккур юритилганда мавжуд бўлади» (Мамардашвили 1992:21). Менимча, маънонинг ҳосил бўлиши ва мавжудлиги ҳам худди шундай хусусиятга эга. Воқелик идрокидан то маъно шаклланишигача бўлган масофа анчагина узоқ ва бу масофа меъёрини қандайдир категориал ёки етакчи белгининг тошилиши билан ўлчаш ҳақиқатга қанчалик тўғри келишига гумон қилмасликнинг иложи йўқ. Оlam идрокида интеллектуал ва экологик омилларнинг бир хил таъсирга эга эканлиги айнан шу фикрнинг тасдигидир. Бундан ташқари, олам ҳақида янги билимга эга бўлиш ва янги маъно яратиш тажрибадан ўтган билимнинг турлари, уларнинг хотирада сақланиши ҳам фаоллашув билан ҳам боғлиқ. Турли образли тасаввур шакллари (фрейм, сценарий, схема ва бошқалар) миллий-маданий кўрсаткичларга эга эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Шундай кўрсаткичлар ва омиллар эътибор олинган тақдирдагина бу схемалар ўз «қуввати» ни кўрсата олади, зеро улар олам қиёфасининг тартиботли тасаввур қилиш воситаси хизматини ўтайдилар ҳамда билим захирасининг ўсиши, янги маъноларни ўзлаштириш учун хизмат қиласидилар.

Тасаввурнинг тартиботли бўлиши яхши-ю, лекин тартибот семантик структурада қандай кечар экан?!

Ҳозиргина олам идроки ва маъно шаклланиши жараёни тавсифида қолипли ёндашувнинг ижобий ҳамда салбий жихатлари ҳақида гапираётib, М.Мамардашвилиниг ноталарда битилган симфония мусиқага айланиши учун ижро этиш зарурияти тутгулиши лозимлиги борасидаги фикрини эсладик. Олим бошқа бир ишида қолипли идрок намуналаридан бири бўлган матрица қолипини бу – «менинг оламни кўриш усулимнинг сифати», деб таърифлашга ҳам улгурган эди (Мамардашвили 1993:347-348). Дарҳақиқат, қолипли идрок шахснинг фикр юритаётган предмет ҳақидаги тасаввурларининг умумлаштирилган ҳолда акс эттиради. Одамлар лисоний фаолият жараёнида турли маъно қолипларидан фойдаланадилар ва бу қолиплар «битилган матнлардек» онгда жойлашиб қоладилар ва лозим бўлганда фаоллашув, зоҳирлашиш қобилиятини намоён эта оладилар. Аммо воқелик сифат-фазилатлардан иборат. Бирор ҳодисанинг сифати ҳақида гапираётib, унинг якка бир фазилатини устувор қўйиб, бошқаларини унтиш инсофдан бўлмаса керак. Рус-грузин файласуфининг ўзи сифат (боринг-ки, «қиммат» бўлсин) ижрода кўринишини эслатган эди. Яна бир ҳорижлик файласуф ифодаланаётган маънони «шу ондаёқ англаш учун сўзнинг барча қўлланиш ҳолатларини шу заҳотиёқ эслаб қолиш зарурлиги»ни уқтирумокчи бўлган эди (Витгенштейн 1994:158). Файласуфлар албатта моддийликни ёқтирадилар, аммо субстанциал ёндашув семантик таҳлилда ўзини оқлай олмаслиги барчага маълум. Маъно – моддий субстанция эмас, у мазмун англатадиган аниқ бутунликдир. Ҳеч нарса ўз-ўзидан, ажрим ҳолда маънони ифодалай олмайди. Ажрим олинган сўзнинг маъноси муваққатdir, чунки ушбу сўзнинг тизимдаги ўрни ҳам доимий эмас. Биз муқим, доимий деб юрган нарса-ҳодисалар асосий қисмининг чуқурроқ таҳлилда қисман ўткинчи, вақтинча эканлиги аён бўлади.

“^{**} Қандайдир «тайёр билим» бўлмаганидек, тайёр маънонинг мавжудлигини исботлаш қийин. Жумладан, инглиз тили изоҳли лугатларида **break** феълининг 30дан 35тагача маънолари санаб ўтилади; «Ўзбек тили изоҳли лугати»да «*кељмоқ*» феълининг 20га яқин маъноси келтирилади; «жон» отининг эса, луғатда қайд этилган маъноларининг сони ўн бешдан ортади. Лекин бу хилдаги маънолар тўпламини тўлигича бир пайтнинг ўзида «бир нигоҳ»да қамраб олиш, хотираға келтириш қийин масала. Бунинг уддасидан фақат луғат чиқиши мумкин. Маънолар жамламасининг турли луғатлардаги фарқи эса, луғат тузувчиларнинг у ёки бу сўз маъно структураси кўламини аниқлаши қийинчиликсиз кечмаслигидан дарак беради. Боз устига унутмайликки, ҳар қандай луғатни тузиш маълум муддатни талаб қиласди, маъно туғилиши эса, ҳар онда содир бўлиши эҳтимолидан холи эмас. Луғатда тавсифланаётган маъно бўлаги айнан шу оннинг маълум муддатда тўхталишидир. Бундай мақсадли тўхталишлар фақат маъно структураси табиатини тавсифлаш йўлидаги уриниш, моҳиятни билишга яқинлашиш бўлиб, бу ҳаракат тўхтовсиз давом этиши мумкинлигини ҳеч қаҷон инкор этмайди.

Яратувчанликнинг тил табиатининг асосий хусусиятларидан бири эканлиги ҳакида кўп марта ёзилган. Бу хусусиятнинг моҳияти янгилик вужудга келишида намоён бўлади. Семантик структурани, маънолар мажмуасини тургун ҳолатда, статик кўринишда тасвирлайдиган бўлсак, тил тизимининг яратувчанлик ва ижод хислатини йўққа чиқариб қўйишимиш аниқ. Маъно ҳодисаси яратувчанликка юз тутганлиги учун «баҳор қувноқ», «хавф яширин», «нафас совуқ» бўла олади, «chanqoқ лаблар, худди чанқоқ гўза сувга тўймаганидек, бўсага тўймайди», «умид учқунлари сўнмайди» ёки гул «энг яхши»га («қизларнинг, хаётнинг гули») айлана олади. Маъно ижоди ва яратувчанлигининг инсон когнитив-дискурсив

фаолиятининг намунаси эканлигини яна қайта тақрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Шу сабаб айрим олимларнинг маъно ментал ҳодиса эмаслиги ва унинг шаклланишида онгнинг иштирок этмаслиги ҳакидаги қайдлари мен учун ишонарли эмас. Номинатив бирликнинг маъноси «онгдаги тушунча ёки бошқа бирор-бир ментал ҳодисанинг акс эттирмайди» (Патнэм 1982:390), деган даъво билан чиқсан Ҳилари Патнэм жанобларига эътиrozимни билдираётгіб, айтмоқчи-манки, менталликка турғунлик хос эмас.

Пантэм даъвосининг боиси маъно структурасининг азалдан бинар тафаккур қолипида қараб келинишидир. Нарса-ҳодисаларни жуфтликларга ажратиш ва уларни эиддиятли хусусиятлар доирасида ўрганиш мозийдан қолган одат бўлса-да, лекин бу одатнинг қандай қилиб оламни билишнинг ягона усули сифатида улуғлаш лозимлигини тушуниш қийин. Бинар тафаккурнинг чекланган хислатга эга эканлигини полисемантик тузилишнинг талқини юзасидан билдирилган айрим фикрлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, кўпмаънолилик ҳодисасини инглиз тили материалида тадқиқ қилган Ф.А.Литвиннинг ўйлашиб, кўпмаънолилик сўз семантик структураси «элементларнинг дизъюнкцияси бўлиб, бу дизъюнктив бирикувда элементларнинг ўзаро муносабати эътиборга олинмайди» (Литвин 1984:19). Маълумки, қатъиятли фикр асосида ва «ёки» боғловчиси воситасида (А ёки Б, ёки В) бажариладиган мантикий амал фақат зиддиятли жуфтликларни ажратиш хизматини ўтайди. Ушбу амалга мурожаат қилаётган тадқиқотчига семантик структура таркибидағи элементларнинг ўзаро муносабатларига эътибор беришга ҳожат қолмаслиги табиийдир. Шу жиҳатдан, яна бир инглиз тили семантик тизими тадқиқотчисининг билдираётган фикри истиқболлироқ кўринади: «Сўз семантик структурасида маълум турдаги (лекин ҳарқандай эмас) сўзмаънолар ўзаро боғланган. Ушбу боғликлар мажмуаси сўз семантик

структураси схемасини ҳосил қиласы» (Никитин 1983:36). Полисемияда маъноларнинг умумий хусусиятига, бошқача айтганда, семантик константга эга бўлиши шартлигини исботламоқчи бўлаётган М.В.Никитин ҳам ўша тадқиқ объектига (бу ерда – кўпмайнили сўз семантик структурасига) бир ўлчовли ёндашувдан йироқ кета олмаётгани кўриниб турибди.

Кўпмайнили сўзлар семантик тузилишига берилаётган таърифларнинг кўпчилигида турли маъноларни ягона бир структурага бирлаштириш мезони аниқ эмас. Маъноларни жуфтликларга ажратиб, уларнинг муносабатини кетма-кетликда қараш анъанаси ушбу структурага иерархик, погонали қурилма кўринишини беришга мажбур қилмоқда. Бундай мажбурлов эса, ўз навбатида, маънолар муносабатини аниқлашни формал мезонга қарам қилиб қўйди. Маълум шароитларда турли маънолар фаоллашуви натижасида юзага келадиган сўз лексик-семантик вариантларини яхлит структурага бирлаштириш учун ягона ёки умумий шаклининг бўлиши муҳимлигини албатта ҳечким инкор этишга уринмаса керак. Аммо лисоний ҳодисалар салмоғини аниқлашда шаклни мазмундан йироқлаштириш бемаврид уриниш эканлигини ҳам исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Сўз семантик структураси талқини жараёнида юзага келиб турган ғалати ҳолатлар асосан таҳлилни нимадан ёки қаердан бошлаш борасида турли фикрларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Бир гурӯҳ тадқиқотчилар семантик структуранинг асосий бирлиги сифатида полисемантик сўзнинг алоҳида маъноларини қарашиб, лексик-семантик вариантлар муносабатларини ўрганишса, бошқалари ўз вазифаларини тил бирлиги маъно структурасини таркибли бўлакларга ажратиш ва ушбу структурани семантик хусусиятлар тўпламидан иборат бўлишини исботлашда кўрадилар. Лекин таҳлил йўналишлари қанчалик фарқ қилишига қарамасдан, улар ягона мақсад, яъни семантик структура таркибидағи

бирликларнинг (уларнинг тилишунослар томонидан қандай ажратилиши ва номланишидан қатъий назар) иерархик ва тартиботли муносабатда эканлигини алоҳида таъкидлашга уринадилар (Қиёсланг: Беляевская 1987:72). Янги маънолар яратилишининг «деревацион тарихини» ўрганган С.Д. Кацнельсон кўпмаънолилик деривацион структурасига поғонали тартибот хослигини айтаётib, бу иерархияда асосий ўринни фақат биргина – асосий (марказий) маъно эгаллашини ва қолган маъноларнинг ҳаммаси бевосита ёки билвосита унга тобе бўлишини ўз пайтида таъкидлаган эди (Кацнельсон 1986:50). Бу сифат таъкидлар охир-оқибатда кўпмаъноли сўзлар семантик структурасининг турли чизмаларда тасвиrlанишида ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва бу чизмалар қандай ном олишларидан («радиал», «иррадиал», «еллигичсимон», «занжирсимон») қатъи назар, маъно бўлакларининг бир семантик марказ (ўзак) атрофида кетма-кетликда ёки ёпирилиб жойлашувини акс эттирувчи ўзига хос шаклий тасвиrlарга айландилар.

Ҳақиқатдан ҳам, сўз семантик структураси яхлит кўринишни олиши учун маълум бир семантик ўзакка эга бўлиши керак ва бу семантик ўзак турли дериват маънолар шаклланишида етакчилик қилиши мумкин (дараҳтнинг танаси бўлмаса шоҳ қаердан ўсади?). Етакчига эга бўлиш – табиат қонуни, тизимлилик талаби. Аммо «марказ», «етакчи», «ўзак» константа, яъни қандайдир ўзгармас, абадий ҳодиса эмас. Лотин тилидан (*constans*) ўзлаштирилган инглиз тилдаги *constant* сўзи ҳам «ўзгармас» (*unchanging*), «тўхтовсиз» (*happening all the time*), «давомли» (*continuous*) маъноларидан ташқари, «садоқатли» (*faithful*) маъносига ҳам эга. Садоқатнинг меъёри ва муддати – ўлчовли ва унинг обьекти ўзгариб туриши мумкин (маълум муддат бир партияга садоқат кўрсатган одамнинг кейинчалик бошқа партияга ўтиб кетиши ҳеч гап эмас). Шунга нисбатан, семантик марказ (ўзак)га «константа»

нишонини тақиб қўйилишидан сақланиб турганимиз маъкул. Ҳатто лексик-семантик негизга ёки марказга эга бўлиш полисемия, омонимия фарқланишининг муҳим омили эканлигини қайд этган А.И.Смирницкий ҳам шу пайтнинг ўзидаёқ, бу марказни ўта турғунликка маҳкум қилишдан қочган эди: «Сўзнинг лексик-семантик ўзаги батамом яхлит бутунлик эмаслигини эътироф этиш мумкин; у бир неча ўзаро боғлиқ маънолардан иборат бўлиб, қандайдир оддий «ўзакни» эмас, балки маълум «боғлам»ни намоён этиш мумкин» (Смирницкий 1954:23).

Бундай «боғлам»лар семантик структурада янги, иккиласмчи семантик марказларни ҳосил қилиши ҳам кутилган ҳол. Жумладан, яна бир бор семасиологларнинг қаламидан тушмай юрадиган «чўчқа» сўзи семантик структурасининг инглиз тили изоҳли лугатидаги тавсифига қайтайлик. Маълумки, «Оксфорд лугати»да **pig** сўзининг тўрта маъноси қайд этилган: **pig:** 1) any of various fat short-legged animals with curly tail and thick skin with short stiff hairs, espas kept on farms for food, яъни ўзбек тилида «чўчқа» номи билан аталадиган ҳайвон; 2) flesh of domesticated pig as food , яъни егулик сифатида ишлатиладиган уй ҳайвонинг гўшти; 3) (colloq.) greedy, dirty, sulky, obstinate or annoying person, яъни очкўз, исқирт, ифлос, жонга тегадиган одам; 4) (sl.) policeman «полициячи». Тавсиф гувоҳлик беришича, ушбу сўз семантик структурасида икки лексик-семантик марказ ҳосил бўлган. Улардан биринчисида маълум турдаги ҳайвонга ишора мавжуд бўлса, иккинчисида эса, алоҳида шахсларни маълум салбий хислатларига биноан аташ амали воқеланади. Ушбу семантик марказлар бир-биридан узоклашмайдилар, аксинча, одамга нисбатан салбий баҳонинг берилиши бевосита унинг хислатларининг «чўчқа» номини олган ҳайвоннинг айрим хусусиятларига ўхшатилиши натижасидир.

Балким, ріг сўзининг лугатда кўрсатилган «полициячи» маъносида қўлланиши ҳам, худди head «бош» сўзнинг «нашаванд» маъносини олишибек, белги-хусусиятларнинг бир предмет-ходисадан иккинчисига кўчирилишини тақозо этувчи когнитив амалнинг фаоллашуви натижасидир. Номеъёрий нутқий фаолиятга хос бўлган коннотатив ифода воситаларидан кенг фойдаланиш тажрибаси сўзлар семантик структурасида кескин ўзгаришларни юзага келтиради. Слэнг, жаргон нутқий шароитида кечадиган бу жараёнлар баъзан, Е.Г.Беляевская ўйлаганидек, мустақил семантик марказни шаклланишига сабаб бўлиши мумкин (Беляевская 1987:103). Умуман, коннотатив маънонинг семантик структура ривожидаги ҳиссаси сезиларли эканлиги, унинг айрим пайтларда асосий маъно мақомини олиши доимо кузатилиб турилади. Масалан, итальян тилидаги *testa* сўзининг асл маъноси «сопол (лойдан ясалган тувак)» бўлган. Бу идишнинг шакли одамнинг бошига ўхшатилиши билан боғлик ҳолда ушбу сўзининг одамларни (кўпинча сухбатдошни) камситиш мақсадида қўлланиладиган маъноси «бош» ҳосил бўлади. Кейинги даврда *testa* сўзи маъноидаги салбий бўёқ тамоман йўқолиб, «бош» унинг асосий маъносига айланди. Таркибида *testa* лексемаси бўлган фразеологизмларнинг негизида худди шу янги маъно туради: *testa di cavolo* «бўш (қавоқ) калла» (Черданцева 1982:69).

Семантик структуранинг турғун ҳарактерга эга эмаслиги, айниқса, маъно вариантлари ҳаракат ҳудуди кенг бўлган сўзлар мисолида аниқ кўринниш олади. Масалан, «нарса», «иши» каби сўзлари фикр юритилаётган ҳарқандай объектни ифодалashi мумкин. Бу сўзларнинг «Камбагал нарса чоригини судраб, тинч юрса бўлмасми?» (Ойбек) Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди (М.Исмоилий); Сизга бир нарса бўлдими?; Бу менга ҳечнарса эмас; Сизда бир ишим бор; Кишининг бошига бир иши тушганда дарров бирордан кенгаши ва ёрдам сўрайди

(А.Қодирий); *Айниқса кундошлик иши қийин....(А.Қодирий);* *Хўп, Содиқ полвон, шилар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?* (А.Қодирий) каби «Ўзбек тили изоҳли лугати»дан олинган мисолларда учраши уларнинг семантик тузилишини ҳеч қандай константлик хусусияти билан сифатлаб бўлмаслигидан дарак беради. Бундай «кенг маъноли» бирликлар маълум мулоқат вазиятида қўлданишига нисбатан, уларнинг алоҳида маъно бўлаклари семантик марказдан узилиб қолиши ва ижобий ёки салбий баҳони ифодалashi мумкин: *Мана бу иш (нарса) бўлипти-да!* Зўр иш қилибсан! (маъқулламаслик маъносига); *Зўр нарсани топибсан* (киноя оҳангига) ва ҳоказо.

Менимча, келтирилган мисоллар семантик марказларнинг динамикасини, яъни уларнинг ўзгариб туриши, бир маънодан иккинчисига кўчиб туриши, жуфтликлар ҳосил қилиши, ҳатто маълум вазиятларда сийқалашшиб тамоман йўқолиши ҳолатларини изоҳлаш учун ҳозирча етарли бўлса керак. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги семантик структура шаклланиши ва тараққиётини дискурсив-синергетик ёндашув асосида таҳлил қилишга ва тавсифлашга ундейди.

Маъно шаклланиши ва унинг семантик структурадан жой олишини дискурсив - синергетик тавсифда кўриш учун авваламбор лисоний ҳодисалар тадқиқига узоқ вақт хукумронлик қилиб келган чизиқли тафаккур асоратларидан қутулиш лозим бўлади. Бу тафаккурнинг негизида турган монистик тамойил тил табиатини, шу жумладан унинг яратувчанлик қобилиятини, биртомонлама, яъни бир чизиқ бўйлаб, кетма-кетликда содир бўладиган ҳодисалар умумлашмаси сифатида англашга олиб келди. Синергетик фалсафа пойдеворини қурган ночизиқли тафаккур эса, кўп кутбли дунёқараш тамойилини тарғиб қиласиди. Шундай дунёқараш асосида семантик тизимнинг тартиботини ҳам бошқача тасвирилаш имконияти туғилади. Масалан, кўпмаъноли сўзнинг семантик структураси ўз-ўзини

сақлашга интилиши билан бир қаторда, ўз таркибини янада мураккаблаштириш ҳаракатидан ҳам йирок турмайди. Мураккаблашув шароитининг юзага келиши эса, ички ва ташқи мухит таъсири остида флюктуацияларнинг, яъни номлаш ҳамда маъно яратиш учун муҳим бўлган белгиларнинг ўзгариши ҳолатларининг тўплана бориши билан боғлиқдир. Натижада, маъно структураси шахобчаланиши (бифуркация) босқичи шаклланиб, янги маъно яратилади ёки олдинги маънолардан бирортаси қайта фаоллашиб, марказий ўринга чиқади. Бинобарин, casa сўзи роман тилларида даставвал «кулба» ёки «канапи»ни англатган, лекин бу маъно таркибида мавжуд бўлган «яшаш жойи» кейинчалик фаоллашиб, марказий ўринни эгаллаган (итальян тилида-casa -«уй»). Инглиз тилидаги train сўзининг структурасида кечган ўзгаришлар ҳам шунга ўхшашроқ. Бу от узоқ давр мобайнода француз тилидаги trainer «тортмоқ, судрамоқ» феълига хос бўлган маъноларни сақлаб юрди ва тортиш, судраш кучига эга бўлган нарсаларни аташ учун қўлланилди: ва ниҳоят XIX асрдаги саноат тараққиёти давридаги ихтиrolардан сўнг «паровоз» маъносига эга бўлди. Ҳозирги пайтда худди шу маъно (a line of connected railway carriages drawn by an engine – «бир-бирига кетма-кет тиркалган ва локомотив тортадиган вагонлар қатори») асосий маъно сифатида қаралиб, лугатларда биринчи ўринга қўйилмоқда ва унинг негизида янги маънолар ҳосил бўлмоқда: train of events «воқеалар кетма-кетлиги, қатори»; train of thoughts «хаёл суриш жараёни»; in train «тайёрлаш жараёни» ва бошқалар.

Баъзи олимлар синергетик фалсафанинг асосий тамойили негизида тараққиётнинг хаос, бетартиблиқдан бошланишини изоҳлаш туради, дейишдан тортинмаяптилар. Фикримча, синергетик ҳодисалар изоҳида «бетартиблиқ»дан кўра «мувозанатсизлик» ёки «нотекислик» тушунчала-рининг қўлланиши маъқулроқ. Чунки «бетартиблиқ» тушун-

часи системанинг йўқлигидан дарак бериши эҳтимоли кучли. Системада мувозанатсизликнинг юзага келиши эса, кўпинча тартиботнинг тасодифларга дуч келиши билан боғланади, аммо тасодиф ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва тартиботни батамом йўқ қилиб юбормайди, аксинча, тартибот қайта яратилади ва бундай қайта туғилиш ўз-ўзини ташкиллаштириш имконияти мавжудлигининг натижаси-дир. Шунга нисбатан, кўпмаъноли сўзларнинг семантик структурасидаги яхлитликни қандайдир «умумий маъно» ҳукмронлигига ёки турғунлигига эмас, балки ҳосил бўлган ва бўлаётган маъноларнинг бир-бирлари билан алоқасининг турли хусусиятларга эга бўлишида кўришимиз мақсадга мувофиқдир.

Сўзнинг синергетик моҳиятини унинг семантик структурасида икки ва ундан ортиқ энергиянинг учрашувидан излаган рус файласуфи П.А.Флоренскийнинг қўйидаги қайдини келтирмоқчиман: «Сўз таркибида тўпланган икки энергия ўзаро учрашиб, яхлитликни ҳосил қиласди. У (сўз – Ш.С.) энди у ёки бу алоҳида олинган, ҳатто иккаласи биргаликдаги, энергия эмас. Бу – янги бир бутунликка мужассамланган энергетик ҳодисадир, воқеликдаги янги реалликдир. Лекин уни «ўз-ўзи билан» дейиш мумкин эмас. Улар бирлаштираётган қутбларнинг бирорта-сисиз у (сўз – Ш.С.) умуман мавжуд эмас» (Флоренский 1990:292).

Семантик структура шаклланишининг онтологик заминида айнан шундай энергиялар учрашуви жараёни ётади. Маъно тизимида мувозанатли ва номувозанатли, муайян ва номуайян ҳолатлар учрашуви ташкиллаштириш, яратувчанлик ҳаракатларини фаоллаштириб, семантик структура динамикасини, унда янги тартиботлар юзага келишини таъминлайди. Семантик тузилишнинг бундай хусусиятга ва кўринишга эга бўлиши уни погонали муносабатларни ифодаловчи кетма-кетлик тасвирида эмас,

балки ризома, мозаика (кошинкор) шаклларда тасаввур қилишни тақозо этади. Зотан, ризом мұраккаб, илдиз ва новдалари ҳар томонға тарқалған ўрам күренишига эга бўлиб, маъно тизими тараққиётини аниқ акс эттириш учун қулай шаклдир. Янги маъноларнинг ҳосил бўлиши жараёни картошка тугунлари ёки пиёз пўстларининг ўрами каби, тўхтовсиз давом этади (Никитина 2006:185). Кошинкор (мозаик) тасвир ҳам (Галимов 2006:9) маъно структурасида кечётган жараёнларни номувазанатлик ва тартибот меърида кечишини ифодалай олади.

Сирасини айтганда, маъно шаклланиши дискурсив-синергетик жараёнлар тасарруфидаги ҳодисадир. Ушбу ҳодисанинг янгича ёндашувлар асосида тадқиқ қилиниши концептуаллашув, категориялаштириш, онгнинг лисоний фаоллашуви билан боғлиқ кўплаб лисоний тафаккур фаолияти жараёнларининг кечишини, уларнинг натижаларини ўрганишга имкон яратиши билан бир қаторда, семантик структуранинг табиатини, унинг таркибини янада равшанроқ кўриш, аниқ тавсифлаш истиқболини яқинлаштиради.

5-БОБ. ҲУМБОЛЬДТ ВА ПОТЕБНЯ ТАЪЛИМОТИДА МАЊНО ҲОДИСАСИ

В.Хумбольдт ва А.А.Потебняларнинг номи эсланмасдан қолган тил назариясига оид бирор-бир «ўқиладиган» тадқиқотни учратиш қийин. Бу баъзан анъанадек кўринсада, лекин оддий русум эмас. Назарий тилшуносликнинг асосчиси сифатида эътироф этилган Вильгельм фон Хумбольдт (1767-1835) ва унинг назарий ғояларининг изчил давомчиси бўлган Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891)ларнинг тил табиати, айниқса, унинг фаолияти жараённада намоён бўладиган шакл ва маънонинг муносабати борасида билдирган фикрлари лисоний ҳодисаларнинг турли хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш борасидаги изланишлар учун ҳозиргача «таянч нуқта» вазифасини ўтаб келмоқда. Бу икки назариётчиларнинг тилнинг воқеликни идрок этишдаги роли ва лисоний бирликлар (айниқса – сўз) мундарижасида инсоннинг оламни ҳамда ўз-ўзини билиш тамойиллари акс топишини исботловчи хуласалари шу қадар асослики, улар тилшунослик фани турли соҳалари ривожининг истиқболини белгилашдек мухим вазифани бугунги кунда ҳам муваффақиятли ўтамоқдалар. Шу жумладан, олимларнинг тил тизимида турли муносабатлар асосида юзага келадиган мањно ҳодисасининг шу тизим ва ундан ташқаридаги бошқа ҳодисалар билан боғлиқ жихатлари

борасидаги фикр-мулоҳазалари семантика соҳасининг назарий тус олишида аҳамият касб этганлигини ҳам унумаслигимиз лозим.

Шунинг билан биргаликда, Ҳумбольдтда ва ундан роппа-роса юз йил кейин туғилиб ижод қилган Потебнянинг ишларида олға сурилган ғояларнинг айримлари «охиригача айтилмасдан қолган» ёки «ўз таърифини топмасдан» қолган фикрлардек туюлиши ҳам табиий. Зотан, ҳар қандай тадқиқотчи ўз замонасида етакчи бўлиб турган фалсафий ғоялар оқимида «сузишга» маҳкум ҳамда танланган тадқиқ объектни айнан шу фалсафий қарашлар «кўзгуси»да кўради. Ватандошлари бўлмиш И.Кант, И.Гердер, Гегель, Фихте ва бошқаларнинг Ҳумбольдт дунёқарашига таъсири бўлмасдан қолишига ҳеч ҳам ишониб бўлмайди. Маълумки, XVIII аср немис фалсафасида «фаолият» тушунчаси инсон оламида кечадиган барча ҳодисалар сабабини изохловчи тушунча, категория мақомини олиб бўлган эди. Айнан шу категория Ҳумбольдтнинг тил табиатини тушуниши ва бошқаларга тушунтиришида етакчилик қилди. Олимнинг тилни тутгалланган фаолият, иш (*Ergon*) эмас, балки давом этаётган фаолият (*Energeia*) сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги фикрини эшитмаган тилшунос қолмаган бўлса керак. Демак, тил қандайдир тайёр ёки қотиб қолган маҳсулот (*Erzeugniss*) эмас, балки яратилиш жараёнидир (*Erzeugung*).

Тилни фаолият жараёни сифатида тавсифлаш, албаттa, яратувчанлик ва ижодкорлик хусусияти унинг табиатига ҳослигини аниқ тасаввур килиш билан бир қаторда, бу хусусиятлар шу табиатнинг яхлитлигини таъминловчи куч эканлигини сезиш имконини ҳам беради. «Ҳақиқатда, -деб ёзган эди В.Ҳумбольдт, - тилни биз бир пайтнинг ўзида кўздан кечириб бўладиган ёки қисмларга парчалаб изохланадиган қандайдир материал эмас, балки доимий равишда ўз-ўзини яратувчи организм сифатида қарашимиз лозим. Бунда яратиш қонуниятлари олдиндан белгиланган,

лекин яратувчанлик меъёри ва маълум даражада усули ихтиёрий бўлиб қолаверади» (Гумбольдт 1984:78). Аммо немис файласуф-тилшуносининг ушбу фикри ҳаммани бир хилда қониқтирмаётганлиги ҳам аён. Поляк профессори В.Дорошевский, фанимизда эндиғина овози чиқаётган россиялик фан номзоди А.Вдовиченколар тил табиатини худди «тирик организм»дек ўрганиш, уни ўз соҳиби – сўзловчи шахсадан ажратиб қўйиш ҳамда ундан қандайдир бир соҳта субстанцияни ҳосил қилиш билан баробар эканлигини уқтироқчи бўладилар (Дорошевский 1973:53; Вдовиченко: 2009:146-150). Ҳумбольдтдек алломага бундай айбни тақашга ва уни тил тизимини имманент ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш тарафдори бўлган структуралистлар, шу жумладан, Фердинанд де Соссюр билан ёнма-ён қўйишга уринишга ҳожат бормикан?! Менимча, «нутқий фаолият ҳатто энг оддий ҳолатларда ҳам индивидуал идрокнинг инсон умумий табиати билан бирикувидир» (Гумбольдт 1984:77), деган таъкидни бот-бот тақрорлаган олимни имманентизмда, тилни унинг соҳибидан ажратиб қўйишда айблаш инсофдан бўлмаса керак.

Айниқса, Ҳумбольдтнинг тушунча ва маъно муносабати ҳамда сўзларнинг семантик вазифаларига оид фикрларидан нуқсон излаш йўлидаги уринишлар ҳайратланарли кўринади. В.Дорошевскийнинг ёзишича, Ҳумбольдт сўзлар семантик функциясини тилнинг илоҳий инъом, руҳий яратма (ҳосила) бўлиши ҳақидаги ғоя таъсирида тавсифлайди. Шу сабабли Ҳумбольдт тил тизимини ўрганишда лисоний унсурларнинг тилдан ташқари воқелик билан муносабатига эътибор бермасдан туриб, фақат тизим ичидаги муносабатларни ёритишни маъқул қиласди. Олимнинг фикрича, яхлит ҳодиса (*das Ganze*) сифатида тасаввур қилинаётган тил тизимли кўринишга эга бўлиб, унинг ҳар бир унсури яхлитнинг алоҳида қисми, бўлагидек намоён бўлади. Систем тадқиқотларда

тарихийлик тамойилига ўрин ажратилмаётганинг асосий сабабларидан бири унинг (системанинг) ўзаро боғлиқ элементларнинг турғун, яхлит бутунликни ҳосил қилиши кўринишида талқин қилишидадир. Систем тадқиқотлар бир бутунлик кўламида тўпланган элементларнинг муносабатлари, турли гуруҳдаги тизимларнинг бир-бирларига тобелиги шаклларини аниқлаши шарт, аммо бу хусусиятларни ва тушунчаларни аллақачон шаклланган, батамом тургунлашган қолипда қараб, таджирий ўзгарувчан ҳолатларни тадқиқ доирасидан четга суриш ўта хавфидир. Систем ёндашувнинг мазмуни тадқиқ қилинаётган объекtnи қисмларга ажратиш ва уларни имманент («ўз-ўзича») кўринишида тасвиirlашдан иборат бўладиган бўлса, унда унинг атомистик ёндашувдан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Тафаккур – диалектик жараён, предмет-ҳодисаларнинг сифат кўрсаткичлари, табиати, муносабатлари ўзгариб туришини кўриб туриб, уларнинг илмий қиёфасини яратиш тасвирини бериш мумкин. Шу боис систем ва диалектик тафаккурни бир-бирига қарши қўйиш, уларни воқеликни кўриш, илмий «ҳазм» қилишнинг алоҳида икки назарий воситаси сифатида қарашдан кўра, бир жараёнга бирлаштиришимиз маъкул эмасмикан?!

Албатта, бирор-бир ҳодиса, предмет тадқиқи унинг алоҳида бир жиҳатига эътиборни қаратишни шу жиҳатни маҳсус, мақсадли ўрганишни инкор қилмайди. Лекин ўрганилаётган объекtnинг тизимли хусусиятларини аниқлашга бундай бир ёқлама ёндашув орқали эришиб бўлмайди. Объекtnинг тизимли тасвирини яратиш мақсадини кўзлайдиган тадқиқ кенг кўламли ва, лозим бўлса, кўп босқичли кўриниш олиши лозим. Систем ёндашув қандайдир бир «соф кўриниш»даги монометод сифатида қаралганда эса, у хусусий методлар қаторига ўтиб қолади.

Тизимли ёндашув тарғиботчилари система ички тартиботга эга бўлиши шартлигини ва яхлитлик, элементларнинг ўзаро алоқаси ҳамда улар асосида юзага келадиган турғун структура ҳар қандай системанинг фарқловчи белгилари эканлигини таъкидлайдилар (Блауберг, Юдин 1973:177). Ушбу тавсифда структуранинг турғун ёки доимий бўлиши таъкидланаётганлиги ҳайратлидир. Структуранинг инвариант, турғун қолипли кўринишда бўлиши бошқаларни ҳам қониктиради. Ҳумбольдтдан юз йил олдин туғилиб ижод қилган яна бир немис файласуфи сўз нарса-ходисаларнинг белгиси бўла туриб, фақат бирор кишининг фикрини бошқасига етказиш учун хизмат қилмасдан, балки «фикрлаш учун ёрдам қилиши»ни ҳам эслатиб ўтган. Чунки онг «сўзни нафақат нутқ жараёнида, балки киши фикр юритаётганида ва ўз-ўзи билан сўзлашаётганида ҳам нарса-ходиса ўрнига қўяди» (Leibniz 1995:73). Г.Лайбницнинг 1697 йилда айтган бу гапи кейинги авлод учун ҳам ўзига хос ўгит бўлганлигига ишонса бўлади.

Ҳумбольдт битган матнларда энг кўп учрайдиган тушунчалардан бири Geist «руҳ» бўлса ажаб эмас (Қиёсланг: «тил – руҳнинг узлуксиз иш фаолияти натижасидир»; «ҳалқнинг тили – унинг руҳидир ва ҳалқнинг руҳи – унинг тилидир ҳамда бундан кучлироқ айниликни тасаввур қилиш қўйин»; «тил – руҳнинг тирик ҳосиласидир» ва ҳоказо). Аммо Geist тушунчаси, олимнинг мунаққидлари исташганлариdek, қандайдир илоҳийлик, воқелиқдан йироқлик мазмунини бериши ҳақиқатга у даражада тўғри келмаса керак. Агарда немис тилидаги Geist сўзининг «руҳ, қалб» маъноларидан ташқари, «ақл, фикр, тафаккур рамзи» каби маъноларни ҳам ифодалай олишини инобатга оладиган бўлсан, Ҳумбольдт ушбу тушунчага турли мухитларда турлича мазмун бағишлиётганлигини англашимиз осон бўлади. Жумладан, профессор В.А.Звегинцев «ҳалқнинг тили – унинг руҳидир ва ҳалқнинг руҳи – унинг тилидир....»

жумласини «халқнинг тили ушбу халқ тафаккур рамзида ўз аксини топади...» қабилида тушунишни таклиф қилган эди (Звегинцев 1984:359). Шунингдек, ҳозиргина келтирилган жумлаларнинг бошқаларини ҳам «тил – тафаккурнинг узлуксиз иш фаолияти натижасидир» ёки «тил – фикрлаш фаолиятининг (рамзининг) ҳосиласидир» мазмунида тушунишимиз маъқул эмасмикан?!

Қолаверса, Хумбольдт моддийлик ва руҳийлик ёки тимсолликни фарқлаган бўлса-да, лекин тил табиати учун улар бир моҳиятга эга эканлигини таъкидлаган олим. Унинг талқинида тил товуш формасининг (моддийлик) интеллектуал шакл (тимсол) билан бирикувидан бошланади. Умуман олганда, бу тиљшунос идеаллик, руҳийлик, моддийлик, шакл тушунчаларини бир-биридан кескин чегаралаш, узоқлаштириш йўлидан бориш ниятида бўлған эмас (Қаранг: Постовалова 1982:94-95; Бушуй 2011:107). Натижада, тилни инсон фаолиятининг бир тури, унинг акси сифатида кўраётган Хумбольдт учун ушбу фаолиятнинг бошланиш нуқтасида тил формаси туради: «шаклни тушуниш тилнинг сиру асрорларини англаб етишга ва унинг моҳиятини билишга йўл очади» (Гумбольдт 1984:72). Формага тилнинг фаоллашувини таъминловчи омил қийматини бераётган олим шу заҳотиёқ тил формаси грамматик шакллар ёки жумлалар тузилиши билан тутгамаслигини эслатади. Алоҳида кўринишдаги шаклларнинг тил формаси таркибидан жой олиши бегумон, аммо алоҳида ҳодисалар бу таркибдан ўрин топиши айри-айри (бир-биридан ажралган) ҳолда кечмайди. Зотан, «уларнинг барчасида тил таркиб топишининг ягона усули намоён бўлади». Тил формаси яхлитлигининг муҳимлиги борасидаги қайднинг давомини ўқийлик: «Шаклни тавсифлаётиб, биз тил ва унда сўзловчи халқ фикрини ифодалаш учун тутган йўлини аниқлашнимиз шарт. Маълум бир тил ўз мақсадига эришишда, шу қаторида, миллат

маънавий фаолиятига таъсир ўтказишда бошқаларидан қандай фарқ қилишини кўра олишимиз керак бўлади» (Гумбольдт 1984:73).

«Тил формаси (шакли)» тушунчаси Хумбольдт наздида, лисоний фаолиятнинг моддий ва маънавий жихатларини бир хилда қамраб олади, чунки бу фаолият «товуш талаффузини фикр ифодаси даражасига етказади» (Ўша асар, 71-бет). Шу боис форма тил унсурларининг синтези (бирлашуви) асосида юзага келадиган руҳий-маънавий яхлитликдир. Бундан кўринадики, тил формаси доимий равишда инсон тафаккур фаолияти қарамогида бўлиб, товуш талаффузи ҳамда маънонинг ўзаро алокаси учун шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) формаларини фарқлаш учун асос бўлади. Хумбольдтнинг фикрича, зоҳирий форма умумийлик ва хусусийлик кўринишларига эга бўлиб, тиллар қонқариндошлигини аниқлашда асосий ролни ўтайди. Масалан, Ява оролидаги кави тили, санскритдан қанчалик сўзни ўзлантиришига қарамасдан, бари бир малай тиллари гуруҳидаги ўрнини йўқотмайди (чунки бу гуруҳдаги тиллар бир хилдаги сўз ўзгартувчи ва сўз ясовчи шаклларга эгадирлар).

«Ботиний форма» тушунчаси эса бошқача талқинга эга. Хумбольдтнинг таърифича, бу форма инсоннинг ботиний дунёсига оид, у «ташқи ҳодисалар олами ва инсоннинг ички дунёси ўрталиғида туради» ҳамда «у ёки бу миллатнинг тафаккур ва ҳиссиётларни тилда воқеалантириш билан боғлиқ индивидуал усулларида» намоён бўлади ва шу йўсинда «худди қалб гавдада мавжуд бўлганидек, тилда яшайди ҳамда унга ўзига хосликни ато этади» (Гумбольдт 1984:71; 163;167; 304). Кўринадики, ушбу тушунча олим томонидан тилнинг онтологик моҳиятини тавсифлаш учун кўлланилмоқда ва сўз алоҳида олинган тил ҳакида эмас, балки умуман тил ҳодисаси ҳакида кетмоқда. Алоҳида



олингган тилнинг ботиний қиёфасининг (формасининг) турлилигини инсонлар юз – бет тузилишидаги хусусийлик билан қиёслап мумкин. Зоро, «инсонлар қиёфасини қиёслаётсиб, индивидуаллик борлигини аниқ сезасан, ўхшашликлар ҳам яққол кўринади, лекин бу ҳар бир хусусият-белгининг ягона бир тушунча доирасида ифодалаш имкониятини бермайди» (Ўша асар, 72-бет). Демак, бундан маълум бўладики, ботиний форма тилни умумийликда ва яхлитликда тасвиirlайди ва бунда тил – миллат индивидуал ҳаётининг ўзига хос ва тақрорланмас «рухий-маънавий гавдаланишидир» (Ўша ерда). Айнан шу ботиний ва интеллектуал хислатлар тил табиатининг моҳиятини белгилайди.

Бу моҳият тилнинг бирор бир шахсга эмас, балки бутун бир ҳалқقا тегишилилигида намоён бўлади. Демак, тилнинг ботиний формаси ҳам шу тилда сўзловчи шахсларнинг руҳий кайфиятининг ифодасидир. У – ҳалқнинг ўз ақлу фаросати билан лисоний фаолият юритиш амалиётидир. Ботиний форма асосий белгилари билан барча тиллар учун бир хил бўлса-да, лекин ҳар бир тилнинг ўзига хос тақрорланмас индивидуал хусусиятларига эга (Ўша асар, 307-323). Шу боис бўлса керакки, Ҳумбольдт ижоди тадқиқи билан мунтазам шуғулланган грузин тилшуноси Г.В.Рамишвили ботиний форманинг замирида тафаккурнинг қандайдир «мантиқий-формал қолиллари эмас, балки рух бажарадиган барча вазифаларнинг жонли ҳамоҳанглиги» туришини эътиборга олиш лозимлигини уқтирган эди (Рамишвили 1984:22).

Ботиний шакл тушунчасига Ҳумбольдт ва унинг издошлари томонидан берилган таърифларга ишонадиган бўлсак, бу шаклни тил соҳиби бўлган инсоннинг онгидан излаганимиз маъкул. Ҳар бир сўз ёки тил бирлигининг маъно-мазмуни турли ўхшатиш, қиёслаш, ҳиссиётли идрок асосида юзага келади ва маълум шахс томонидан маълум

мухитда сўзга берилаётган маъно негизида ботиний шакл туради. Масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, унда ҳар бир тилнинг ботиний шакли миллатнинг ўз-ўзини, миллийлигини англацига хизмат қиласди. Маълумки, тил мавжудлигининг, тириклигининг энг муҳим шарти - инсонларнинг, халқнинг ақлий (тафаккур) фаолият юритишидадир.

Ботиний шакл худди шу фаолиятнинг акси, муқобили бўладиган бўлса, нега уни айрим касбдошларимиз лингвистик тадқиқ доирасидан четга суриб қўйишни истаб қолганларига (Бушуй 2011:114) ҳайрон... қолмасдан бўладими?! Шу тахлит номақбул истак тугилишининг сабаби зоҳирий ва ботиний формалар муносабатини яна ўша тил ва нутқ қарама-қаршилиги билан тенглаштириш ҳамда охир-оқибатда тилнинг моҳияти, табиатини бенихоя жўн тасаввур қилиш анъанасига бориб тақалади. Ҳолбуки, бундай жўнликдан қайғураётган бошқа бир касбдошимиз ёзаётганидек, «тил ҳалқ, миллат руҳининг бетакрор ва ҳеч бир замон хира тортмас кўзгусидир. Ҳар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг савияси, руҳияти акс этади» (Маҳмудов 2012:11). Ушбу қайдларнинг ўз пайтида Ҳумбольдт айтиб кетган фикрлар билан қанчалик ҳамоҳанглиги аниқ кўриниб турибди.

Кизиқ, қадимдан фалсафий муаммолар қаторида турган шакл ва маъно муаммоси қандай қилиб Ҳумбольдт назарий қарашлари доирасидан мустаҳкам ўрин олган экан-у, ботиний форма тушунчаси ушбу қарашлар яратилишига туртки берган категорияга айланган экан? Бу саволга олимнинг назарий ғояларини тавсифлаш ва изоҳлашга мойил бўлган Густав Шпет ҳам жавоб беришга интилган эди. Асл насаби олмон бўлган бу рус олимдининг изоҳича, ушбу ғоянинг тугилишида XVII аср инглиз файласуфи Шефстберннинг таъсири кучли, бўлган экан. Жаноб Шефстберн оламдаги щаклларни уч гурухга ажратишни тавсия қилган:

1) биринчилари табиат ёки инсон томонидан яратилган шакллар бўлиб, улар бошқа шаклларни яратиш кучига эга эмасликлари боиси «ўлик шакллар» (the dead forms) атамасини олган;

2) бу гурӯхга маълум миқдорда яратувчанлик имкониятига эга бўлган шакллар (the forms which form) киригилган;

3) учинчи гурӯхга эса, бошқа шаклларни яратувчанлик кучига тўлиқ эга бўлган шакллар киритилиб, уларга «ботиний шакллар» (inward forms) номи берилган (Шпет 1927:56).

Балки, Шефтсберннинг бошқа шаклларни яратиш кучига эга бўлган шаклларни «энг олий гўзалик» сифати билан сийлаб, алоҳида гурӯхга ажратиши Хумбольдтни ҳам тил табиатидан, унинг умумий қурилишидан ботиний шаклларни излашга унданған бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда унинг тил ботиний шакли ҳақидаги қарашлари маъно ва шакл муносабати, мазмун яратилиши ҳамда тушунилишини таъминловчи лисоний тафаккур ҳодисалари билан қизиққан кўплаб файласуф, тилицуносларининг тадқиқотларида янада ривожлантирилганлиги ҳақиқат.

«Ботиний шакл» тушунчаси узоқ йиллар давомида кўлланиши натижасида кенг маъноли тушунчага айланиб, турлича талқин олиши ҳам табиий ҳолатдир. Ушбу тушунча, «буқаламин ибора» лақабини олиб улгурган бўлса-да, тадқиқотчилар эътиборидан ҳеч ҳам қолмасдан ҳозиргача турли назарий ғоялар, ёндашувларда янгидан янги жиҳатларини, маъно хусусиятларини намоён этиб келмоқда. Аммо А.А.Потебня, Г.Г.Шпет ва бошқа катор олимлар ботиний шакл тушунчасини умумлисоний мазҳабдан алоҳида сўз худудига, унинг семантик тузилиши тадқиқи доирасига кўчиришни маъқул кўришди.

Хумбольдтнинг тил доимий фаолиятдаги қурилма сифатида оламни билиш, идрок этиш вазифасини бажариши

ҳақидаги ғоясига сүянган А.А.Потебня сўзнинг қимматини унинг ҳаётйлигидан, ҳаракатидан, лозим бўлса – энергетик кучидан излайди: «Одатда, биз сўзни унинг лугатдаги изоҳига биноан тавсифлаймиз. Бу ўсимликни гербарийда қандай кўринишига нисбатан тавсифлаш билан баравардир» (Потебня 1976:466). Аммо бундай тавсифда ўсимликнинг ҳақиқий ҳаёт тарзи назардан четда қолади. Тилшуноснинг асл мақсади сўзнинг ҳақиқий ҳаёт кечириш тарзини билишdir. Фақат шундагина биз тилнинг тафаккурни фаоллаштирувчи ва, айни пайтда, уни ифодаловчи кучга эга эканлигини тасаввур эта оламиз. Сўзнинг лисоний фаолиятда тутган ўрнини, «энергетик кучи»ни билиш учун эса, ўз навбатида, унинг ботиндаги шаклу сиймосини тасаввур қилишимиз лозим бўлади.

Сўзнинг маъновий тузилиши «ботиний шакл» деб номланишининг сабаби бу тузилишда тафаккур ҳаракатининг акс топишидир. Ушбу ҳаракат жараёнида олдиндан мавжуд бўлган ва тил соҳиблари томонидан маъно сифатида ўзлаштирилган фикр – билим янгидан идрок этилаётган предметни номлаш ва шу аснода янги маънони ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Шу хусусиятга эга бўлган тафаккур ҳаракатининг шакл сифатида қаралиши янгидан туғилаётган фикр ва маънонинг лисоний фаолият худудидан жой олишини тасвирлаш имконини яратади. Зоро, доимо қўллаб келинаётган «сўз» тушунчасига нисбатан одатда «у қайси маънони ифодалайди?» ва «қай йўсинда бу маънони ифодалайди?» саволларини кўядиган бўлсак, «ботиний шакл»га мурожаат қилинганда эса, фақат «инсон ўз фикрини қандай тасаввур қилиши мумкинлиги» (Потебня 1976:155) ҳақидаги саволга жавоб излаймиз.

Савол ҳақиқатдан ҳам маънили. Потебнянинг талқинича, сўз «инсон табиатининг ботинидан сузид чиқадиган фикр, ғоянинг яратувчиси бўлиши» учун у «тафаккур воситаси» ва «фикрнинг боқувчиси» бўлиши

керак. Сўзнинг фикрга оналик қилишини уларни боғловчи тугунда турган ботиний шакл таъминлайди. Шунга биноан ботиний шаклни топиш нафакат сўзлар ва жумлаларнинг маъносини англаш учун зарур, балки янгиликнинг яратилиши, маъно ижодкорлиги жараённинг кечишини кузатиш учун ҳам даркор. Сўзнинг «ҳаёти»ни унинг қўлланиши, яъни мулоқот матнининг турли шароитларига мослашувида кўрган Потебнянинг хуносаси қўйидагича: «Ҳар қандай янги сўз ясалиши билан янги маъно ва янги тасаввур пайдо бўлади. Шу боис айтиш мумкинки, ҳар қандай сўз даставвал уч унсурдан таркиб топади: товушлар бирикмаси, яъни маънонинг зоҳирий белгиси; тасаввур, яъни маънонинг ботиний белгиси ва маънонинг ўзи» (Потебня 1990:133).

Олимнинг бадиий сўз санъати ҳақида ёзган ва 1905 йилда бошқалар томонидан нашр қилдирилган асарида (Потебня 1905) билдирилган ушбу фикр унинг сўз ва маънонинг рухий-психологик жиҳатларига қизиқканлигидан дарак беради. Бу борада Потебня ўз гоявий устози Ҳумбольдтдан ғилдамроқ қадам ташлаётгандек, чунки у «тovуш бирикмаси»нинг маълум маънони ифодаловчи лисоний бирликка тайланишини таъминловчи восита ва усулни топмоқчи. Бундай восита ролини номлаш ва ифодалаш амаллари негизида турувчи белги, хусусият танлови ўтайди. Ботиний шакл шундай амалларнинг воситаси ҳамда усулидир. Бир пайтнинг ўзида жуфт вазифани бажарадиган ботиний шакл тасаввурни ёки қиёс қилинаётган образ-тимсолни лисоний воқелантиради ва унинг идроки учун шароит яратади. Бунинг билан ушбу шакл «нолисоний (мантикий - Ш.С.) маънони тасаввур қилиш» (Потебня 1958:47) воситаси хизматини ўтайди.

Шу ўринда «тасаввур» тушунчаси Потебня таълимотида бошка мазмун касб этганлигини айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, психология ва фалсафада ушбу тушунча

предмет-ҳодисаларнинг онгли тажриба асосида хотирада сақланган ёки хаёл қилинаётган умумий образи (тимсоли қабилида таърифланади (Психологический словарь 1983:272). Потебнянинг наздида, тасаввур, бир томондан, ботиний шаклнинг синоними сифатида талқин қилинса, иккинчи томондан, маънони инсон онгида гавдалантириш воситаси сифатида қаралади. «Рус тили грамматикаси ҳақида битиклар»да ёзилишича, «Лисоний белги (фикр юритиш ва онгни бойитишни тезлаштириш учун) зарур бўлган тегишли образ ёки тушунчанинг ўриндошидир; у тафаккур жараёнида улардан бирининг вакилидир (ифодаловчисидир – Ш.С.) ва шу боис тасаввур деб аталади. **Тасаввур** сўзининг тилшунослик учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва тил табиатини кузатиш асосида пайдо бўлган ушбу маъноси кўпчиликка маълум, аммо уни ноаниқ бўлиб қолаётган бошқа маъно билан чалкаштирмаслик лозим. Тасаввур охирги маънода ҳиссиёт тимсоли ёки идрок, ҳеч бўлмаганда – хусусиятлар умумлашмасининг такори бўлиб қолади» (Потебня 1958:18).

Дастлабки назарда қоришиқ ёки аралаш-қурашдек кўринадиган тафаккур ҳаракатининг ички тузилиши маълум гурухдаги унсурлар муносабатини тақозо этишини сезган Потебня тафаккурнинг олдиндан маълум янгилик сари ҳаракатида ушбу унсурларнинг бажарадиган вазифалари турлича эканлигини исботлаш тараддудини ҳам кўриб қўйган эди. Олим ажратган унсурлар қаторига зоҳирий ва ботиний шакллар билан бир қаторда, тасаввур ва тимсол (образ) ҳам киради. Тимсолнинг тафаккур ҳаракатининг яна бир фаол иштирокчisi бўлмиш тушунча билан ҳамкорликда мантиқли маъно ифодалашда муҳим роль ўйнашини эътироф этмайдиган тадқиқотчи қолмаган бўлса керак. Кўпчилик ботиний шаклни тасвиrlанаётган тимсол билан тенглаштиришдан ҳам қочмайди, чунки тимсол тил бирлиги мазмуний мундарижасида айнан тафаккур ҳаракати

натижасида муқимлашади. Тимсолнинг юзага келиши воқелик, нарса-ҳодисанинг умумлашган ҳолда идрок этилиши билан боғлиқ, лекин бундай умумлаштириш алоҳида бир белги-хусусиятнинг ажратиб олиниши натижасидир. «Ҳиссий тимсол» белгисининг маъно шаклланиши ва тил бирлиги яратилишидаги вазифаси Потебнянинг «Тафаккур ва тил» асарида алоҳида таъкидланганлигини эслайлик: «Сўз воситасида ифодаланган белги бошқалардан устуворлик мавқенини осонгина мустаҳкамлаб олади, чунки у ҳар бир янги идрок жараёнида такрорланади.... тимсолнинг бошқа белгилари эса, бальзан хотирага қайта келиши мумкин» (Потебня 1993:109; Потебня 1989:131). Жумладан, олтин бизнинг хаёлимизга келадиган белги - рангdir, унинг оғирлиги, жарангি умуман хаёлдан чиқиши мумкин, чунки олтинни ҳар сафар кўрганимизда тортиб ёки жарангини эшишиб кўришга ҳожат йўқ (Ўша асар, 105-бет). Худди шу кўзга яққол ташланадиган белги ботиний шакл ва унинг воситасида ҳосил бўладиган тимсолда ифода топади.

Тимсол яратилишида тасвирланаётган воқелик, предмет-ҳодисаларнинг асосий белгисини танлаш мухимлигини ва бу танлов мураккаб тафаккур фаолияти натижаси бўлишини яхши биламиз. Бироқ белги танлови турлича кечишими ҳам унутмаслик керак. Биринчидан, лозим бўлган белгини танлаш учун идрок этилаётган нарса-ҳодисани бошқалардан фарқлай олишимиз, яъни уни танишимиз зарур бўлади. Ҳар кунлик ҳаётда биз предметларни тез ва осон таниб олишга ўрганиб қолганмиз, эҳтимол, шунинг учун ҳам белгиларни ажратишни оддий жараён деб ўйлашимиз мумкин. Табиийки, ундай эмас. Ўз пайтида Хумбольдт санскрит тилида филни «жуфт тишли», «биркўл» ва «икки марта (сув) ичувчи» номлари билан аталганлигини эслатган эди. Бу, албатта, сўзнинг ҳиссий идрок этилаётган предметнинг муқобилии, нусхаси

эмаслигидан дарак беради. Сўз – предметнинг нуткий тафаккур жараёнида қандай англаниши, тушунилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ҳодиса. Ҳар ким воқеликни қандай кўрса, уни шундай тасвирлайди, шу қўринишдаги тимсолни шакллантиради. Қадимги даврларда девору тошларда чизилган сурат, тасвирлар сиз билан биз учун ғалатидек туюлади. Аммо ушбу тасвирлар ўша замон одамлари, ижодкорлари учун нима, бошқача айтсак – қайси белги муҳим бўлганилигидан хабар бериши мумкин. Масалан, Қадимий Мисрда одамлар ва ҳайвонлар суратини чизишда уларнинг ён томонларини тасвирлашни маъкул кўриб, гавда аъзоларининг макондаги жойлашув хусусиятига унчалик эътибор қаратмаганлар. Эҳтимол, улар учун тасвирланаётган обьектнинг асосий белгиларини «санаб ўтиш» муҳим бўлмагандир (айтгандай, худди шундай тасвир амалиёти ёш болалар чизадиган суратларда ҳам устувор). Ҳозирги замон рассоми эса, ўз асарида воқеликнинг аниқ нусхасини беришдан қочиб, ушбу воқеликнинг ўзи тушунаётган, кўраётган муқобилини яратиш йўлидан боради. Бадавлат томошабин рассом яратган санъат асари оламни янгича қиёфада кўриш имконини бераётганлиги учун бениҳоя катта сарф-харажатларга тайёр, ундан қочмайди.

Тимсолнинг лисоний фаолиятдаги кучи, қиммати бадиий ижодникидан кам бўлмаса керак. Сўзнинг ўзи номлаётган предметнинг тасвири бўла олмаслигига ишора қилган Ҳумбольтнинг фикрича, сўзнинг оддий тасвирдан фарқи нарса-ҳодисаларни турли нуктаи назардан кўриш, идрок этиш асосида уларнинг ҳиссий образини яратишидадир. Бунда «сўз ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳодиса сифатида намоён бўлиб, санъат асарига ўхшаб кетади, чунки у.... маълум гояни ифодалайди» (Гумбольдт 1984:306). Сўзнинг ушбу хусусияти ҳақидаги фикр Л.С.Выготскийнинг қайдида ҳам ўз аксини топади. «Илк

сўзларни, - деб ёзган эди машҳур рухшунос, -тушунчанинг оддий белгиси сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Ҳақиқатда у – тушунчанинг сийрати, фикрий (онгдаги) расми, унинг ҳақидаги кичик ҳикоясидир» (Выготский 2005:157). Бироз олдинроқ айтилганидек, сўз аслида номланаётган ҳодиса мундарижавий белгиларининг фақат биттасинигина ифодалайди ва шу аснода ушбу мундарижанинг семантик белгисига айланади. Худди шу белги олдинги ва янгидан яратилаётган сўзлар маъносини боғловчи, уларнинг умумий жихатларига ишора қилувчи белгига айланади. Янада аникроқ айтадиган бўлсак, бу белги қиёслаш учун асос бўлади ҳамда шу қиёс замирида номланаётган ҳодисанинг образ-тимсоли шаклланади.

Потебнянинг кузатишича, биз беихтиёр қўллайдиган сўзлар ўз унсурларининг таркиби ва муносабатига нисбатан бадиий ва оғзаки ижод асарларидан тубдан фарқ қilmайди, чунки уларнинг яратилиш жараёни, албатта, поэтик тафаккур босқичини босиб ўтади. Поэтик тафаккур сўз мундарижасида фикрни намоён қилувчи, маънонинг тимсоли билан ҳамжиҳатлашувини таъминловчи фаолият шаклларидан биридир. Сўзлар маъносининг бу кўринишдаги тараққиётини изоҳлаш учун маънонинг қайси белгига асосланаётганини кузатиш лозим бўлади. Бинобарин, нам, соя жойлардан ўсадиган ўсимликлардан бирини руслар *матерь и мачеха* (лотинча атамаси – *Tussilage farfara*) номи билан атайдилар. Дастробки назарда маъно ифодаловчи белгиси номаълум деб қаралаётган ушбу атаманинг бундай аталиши образли асосга эга. Маълумки, қадимдан инсонлар муҳаббат, меҳр-мурувват туйғуларини иссиқлик, илиқлик рамзида, нафрат, бешафқатликни эса совуклик хиссиёти ила идрок этиб келадилар. Тукқан онанинг фарзандига муҳаббати ҳам ёз куёшининг нуридек иссиқ; ўгай она ўзганинг фарзандига меҳр қўйиши қийин, унинг муносабати қиши куёшининг нурини эслатади. Айнан

худди шу белгилар қиёси айтилган ўсимликнинг номланиши ва маъно олишига турткি берган. Чунки бу ўсимликнинг бошқалардан фарқланувчи белгиси, жиҳати шундаки, унинг япроғининг уст қисми ялтироқ ва совуқ кўринади, пастки қисми эса оқиш рангли ва илиққина бўлиб туради. Демак, ушбу ўсимликка «*мать и мачеха*» номининг берилиши уни туқкан ва ўгай оналарнинг фарзандларга бўлган муносабати қиёсида идрок этилиши натижасидир. Бошқача айтганда, бу ном «муҳаббат (иссиқлик)» ва меҳрсизлик (совуқлик) ўхшатишлари қиёсида маънонинг тимсоли, яъни ушбу ўсимликнинг ботаник белгисидир» (Потебня 1990:108-109). Тафсифланётган ўсимликнинг ўзбек тилидаги атамаси «*туягован*» эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда образлилик бошқа белгилар асосида, яъни ҳайвон гавдаси аъзосига ўхшашликка асосан ҳосил бўлаётганлигини кузатамиз. Ўзбек тилида ўсимликларни номлашда ҳайвонлар тимсолига мурожаат қилиш тез-тез учраб турадиган ҳолдир (қиёсланг: *туяпайпок*, *гултоҗихўрз*, *откулок*, *айиктовон*....).

Равшанки, маъно яратилиши ва унинг замиридан ўрин топадиган тимсолликка эришиш жараёнларини кузатиш учун тил худудидан ташқарига чиқишига мажбурмиз. Ташқаридагилардан кўзга энг яқинроқ турадигани зоҳирий (моддий) шаклдир. Бу шаклни ботиндагиси билан қиёслаганда «хусусийлик / умумийлик» ёки «ўзгарувчан / ўзгармас» ўлчовларига мурожаат қилишига одатланиб қолганимиз. «Зоҳирий шакл, - деб таърифлаган эди П.А.Флоренский, - бутун сўз таянадиган ўзгармас, умуммажбурий, мустаҳкам таркибидир; уни организм гавдасига ўхшатиш мумкин. Сўзнинг ботиний шаклини, табиийки, ушбу гавданинг ўз қобигига қамалиб қолган қалбига ўхшатамиз» (Флоренский 1973:349). Сўзиз, Флоренскийнинг тил ботинидаги ҳодисаларни ўзи билан ўзини ўралаштириб қўйиш йўлидаги ҳаракати охиригача ўз

исботини топмайдиган хulosалар қаторига киради. Бу рус олими билан бир даврда яшаб ижод қылган немис файласуфи Эрнст Кассирер (1874-1945) номинатив фаолиятнинг дастлабки вазифаси «алоҳиданинг умумийликка интилиши» шароитида воқеланиши мумкинлигини уқтирган эди. Унинг кўрсатишича, тил ҳеч қачон олдиндан белгилаб қўйилган оқим бўйлаб сузмайди, у ҳар бир нуқтадан ўзига янги йўналишни топади ва барҳаёт оқим сифатида, ҳар сафар янги ва янада юксакроқ шаклларни яратади. Тил тизимининг фақат ҳаракатчан ва кўлқиёфали сўзидағина яратилаётган лисон (логос) оламининг бутунлиги ўз аксини топади. Сўз сарҳадлари, худди воқелик сарҳадидек, ўзгармас эмас, аксинча – ўткинчидир (Кассирер 2002:54-55).

Ботиний шаклнинг ҳаракатчанлиги эса, аввало, унинг тимсол билан муносабатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, Потебнянинг тил семантик ҳудудига оид таълимотида ботиний шаклни предметнинг тимсоли кўринишида эмас, «балки тимсолнинг тимсоли сифатида» (Потебня 1993:99) қараш ғояси мухим ўринни эгаллайди. Бу ғоя унинг кўпчилик издошларининг назарий қарашларида ҳам ўз ўрнини топган бўлса-да, лекин кейинги даврларда баъзи тадқикотчилар ушбу икки ҳодисага бир хил мундарижа хос дейишдан ҳам ўзларини тута олмаяптилар. Айниқса, фразеологизмлар семантикасига оид ишларни ўқиётганимизда, бундай ҳайратли хulosаларнинг гувоҳи бўламиз. Давримизнинг таникли фразеологларидан бири бўлган В.Н.Телиянинг эътирофича, ботиний шакл, бир томондан «маънонинг тимсол-мотивга мос равища таркиб топиш шакли бўлса, бошқа томондан, ушбу шаклдан узоклашиб кета олмайдиган гешталт – тузилмадир» (Телия 1996:191). Рус олимаси образлиликни ботиний шакл билан тенглаштиришдан бироз тортиниб, ушбу тенгликни коннотатив мазмун ифодаси, мақсади билан асослаш йўлини

қидираётганлиги сезилиб туриди. Туркийшунослар, аксинча, турғун бирикмаларнинг ботиний шакли тимсолий тасаввурнинг айниси эканлигини тасдиқлашдан тортилмайдилар (Ураксин 1975:21-22). Илмий хулосага келишда сескамасдан қадам босиш, балки, олимнинг шижаоти, гайратидан дарап берар, аммо илмий изланишнинг натижаси фақат шижаатга боғлиқ бўлганида, барчамиз мақсадга тўлик етишган бўлар эдик. Афсуски, ҳозирча бу нарсадан йироқмиз. Улуғлаб юрганларимиздан бири бўлмиш Соссюрнинг шогирди А.Сешэ «фактларни баён қилишнинг ўзи етарли эмас, балки уларни изоҳлаш ва сабабларини топиш зарур», деган экан. Халқимиз бекорга «Билганинг дарё бўлса, билмаганинг денгиз», леб нақл қилмаса керак. Денгизда сузиш дарёдагига нисбатан накадар мушкул эканлигини ким ҳам билмайди. Бунда шижаат-ғайратдан ташқари, куч-қувват ва қандай сузишни билиш ҳам талаб этилади.

Маълумки, тимсол ботиний шаклнинг такори ёки айниси эмас, балки унинг таркибий унсурларидан (балки - энг ёрқини) бири сифатида билишdir. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам сўз семантик структурасини шакллантирувчи унсурлар бўлиб, маъно ҳосил бўлиши жараёнининг маълум босқичларида намоён бўладилар. Г.Г.Шпет лисоний бирликлар семантик тузилишида яна бир когнитив унсур, яъни «предметлик синчи» қатнашишини айтиб ўтган эди. Ушбу унсур тимсол ва ботиний шаклдан олдинроқ юзага келиб, тафаккур фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, бирор кишига таҳдид қилиш нияти (интенцияси) пайдо бўлади ва бу ният ижросини таъминловчи ҳаракатнинг когнитив дастури ҳосил бўлади. Шу дастур негизидаги интенсионал мазмун, яъни мақсад лисоний фаолият бирлиги маъносининг предметлик мағзи (синчи) бўлиб, у кейинги босқичларда тимсол орқали ботиний шаклга кўчади. Н.Ф.Алефиренконинг таъбирича, «истакдаги

воқелик фақат ҳиссий-идрокий тимсол юзага келгандан сүнгтина фаол воқеликка айланади ва унинг замирида лисоний тимсол яралади. Айнан шу босқичда предметлик синчи сўзнинг «тирик» ботиний шакли таркибига ўтади» (Алефиренко 2005:128-129). Шундай мазмундаги фикрни Г.Шлетнинг қуйидаги қайдидан ҳам уқиб олиш мумкин: «....агар белгини ифодаловчи объектни, шартли равишда нутқий тафаккурнинг **ташқи (зоҳирий) шакли**, лисоний белгининг фаол маъносини эса, **оптик** (акс эттирувчи – Ш.С.) шакл деб айтадиган бўлсак, унда улар оралиғидаги мантикий шаклларни бир пайтнинг ўзида ҳам биринчиси, ҳам иккинчисига нисбатан ботиний шакл сифатида қарашимиз керак» (Шлет 1989:400).

Хозиргина эслатилган фикрлардан маълум бўладики, баъзи тадқиқотчилар ботиний шаклни номинатив бирлик семантик структурасидан ташқарида, яъни психологик категориялар доирасида туришини маъкул кўрадилар. Менимча, ушбу ҳодисанинг когнитив моҳиятга эга эканлиги ҳақида гапирганимиз маъкул. Зоро, ботиний шаклнинг ҳосил бўлиши мураккаб лисоний тафаккур фаолиятининг натижаси ва бу фаолият жараёнида мия ҳиссий-идрок ҳаракатларини бажариш билан бир қаторда, инсон лисоний қобилиятини воқелантирувчи ҳаракатларни ҳам бажаради. Бу шароитда ботиний шакл маъно шаклланишини назорат қилувчи «ускуна» – механизм вазифасини ўтаётib, воқелик лисоний қиёфасининг мухим унсури – концепт тараққиёт босқичларини ўзида акс эттиради. Жумладан, профессор Х.Дадабоевнинг гувоҳлик беришича, «хукмдор, раҳбар, раҳнамо» концептини турк дунёсида ўта фаол бўлган бэг лексемаси ҳам ифодалаган ва бу лексема «эр» маъносига ҳам эга бўлган: **йавлақ тыллығ бэгдан кэру йалинуз тил йэг** «Кўпол эрга эга бўлгандан кўра тул бўлган маъкул». Шу негизга эга бэглайн – феъли «эрга тегмоқ», «турмушга чиқмоқ» семасини ифодалашга йўналтирилган. Бундан

ташқари, Юсуф Хожиб асарида бэги лексемаси «қаҳрамон» маъносига кўлланган (Дадабоев 2011:33).

Шунингдек, инглиз тилидаги **glamour** сўзининг «мафтункорлик, жозибалик, гўзаллик, сулувлик» маъноларини олиши ўз тарихига эга. Шотланд тилидан ўзлаштирилган бу сўз дастлаб *gramarye* шаклида бўлиб, «билим, таълим» маъносини англатган. Норманлар истилосидан сўнг Англия мамлакатларида француз тили ўргатила бошланади ва бу тилни билмайдиганларнинг хаёлида болаларга грамматика билан биргаликда афсунгарлик, коҳинлик таълими ҳам берилаётгандек кўринади. «Билим»нинг «сехргарлик» билан бундай чалкаштирилиши натижасига *glamour* XVIII асрга келиб, факат «жодугарлик, сехргарлик» маъносини олади. Ушбу сўз тарихига оид маълумотларни тўплаб, алоҳида рисолани чоп қилдирган Стивен Гандлнинг кузатишича, *glamour* XIX асрдан бошлаб, оддийдан юксакликка етакловчи кучини йўқотиб борди, эндиликда сеҳр тадбиркорлик, бозор эҳтиёжига жавоб бериши лозим бўлади. Шу аснода «жодугарлик, сехргарлик» аста-секин «сехрли чиройга» айлана бошлади. Ниҳоят, Америка ҳаётида кино гўзал дунё даричаси вазифасини ўтай бошлаганидан сўнг, юлдуз – актёрларнинг имиджи, уларнинг ҳаётий тимсолларини яратиш асосий мақсадга айланиши билан *glamour* «жозиба, сулувлик» рамзи сифатида эътироф этила бошланди (Gundle 2008:7-15).

Шундай қилиб, сўзларнинг қадими ёки илк маънолари, лугатларда «тарихий, архаик» ишораси билан берилишига қарамасдан, концептларнинг мазмун майдони шаклланишида муҳим ўринни эгаллаб келади. Улар концепт мундарижасига миллийлик хусусияти, белгисини берадилар ҳамда маълум муҳитда семантик структуранинг етакчи қисмига айланадилар. Зотан, сўзлар маъно тузилиши, таркибида сезиларли ўзгаришлар юзага келса-да, ботиний

шакл ўзгармасдан, борлигича қолиши мумкин. Шу нүктай назардан қарайдиган бўлсак, эҳтимол концептни ботиний шакл қиёфасида кўришимиз мумкинdir. Бироқ концепт, сўзсиз, кенг қўламли тушунча, ботиний шакл эса, концептнинг таркибий қисми сифатида турли миллий-маданий хусусиятли маъно бўлаклари манбаига айланиши кутилган ҳол.

Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асари қўлимизда, ундаги «*Инсон – буюк мўъжиза ва унинг ичидаги ҳамма нарса ёзилган*. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишига имкон бермайди» қаторларининг тагини чизиб қўйишни жуда-жуда истардим. Фақат ва фақат инсонга ато қилинган тилнинг табиати ҳам худди эгасиникидек, маъноси ҳам ботинида. Сиз билан биз интилиб турганимиз «пардалар орқасидаги» битикларни ўқиб олишдир. В.Хумбольдт, А.Потебня каби илм соҳиблари бизни бекорга тилнинг ичкарисига киришга, унинг сиру асрорларини ботиндаги «зулмат»дан излашга ундамаган бўлсалар керак. Бироқ тил моҳиятининг яширин белгиларини излаш йўлидан борган бу олимлар зоҳирдаги ҳодисалар мавқеини «ерга уриш»га, йўқقا чиқаришга хеч қачон йўл қўймаганлар, зеро, «ботин» (ички) ва «зоҳир» (ташқи) калималари уларнинг лутфида доимо ёнма-ён турган. Хайриятки, уларнинг изидан юрганлар ҳам устозлари ўйтларига қулоқ солишини унутганларича йўқ.

Хумбольдтнинг ботиний шаклни маъно ҳодисаси моҳиятининг, унинг фаолиятининг бошланғич нүктаси сифатида баҳолаганлигини олдинроқ эслатган эдик. Олим мақолаларидан бирида «тилнинг грамматик тузилишиша тафаккур фаолиятининг ички тузилишини тасаввур қилишга имкон яратиши» ҳақида гапираётib, тил «ҳатто энг оддий ва чекланган мақсадни кўзлаётганида ҳам, қоидалар, шакллар ҳамда қонуниятларга зарурат сезишини» айтиб ўтганлигини ҳам унутмайлик (Гумбольдт 1984:345). Зоҳирдаги ва

ботиндаги шаклларнинг синтези маъно ва мазмун ифодаси учун муҳимлиги немис тилшуносининг яқуний тадқиқоти «Инсон тиллари тузилишининг фарқлари ва унинг инсоният маънавий тараққиётига таъсири ҳақида» асарида бот-бот таъкидланган. Ҳумбольдт таълимотига сигинишни мажбурият деб билган Г.Шпет лисоний фаолиятда учрайдиган синтетик ёки биринчиликнига ҳаракатлар давомийлиқда, босқичма-босқич кечишини қайд этади: «Ботиний шакллар зоҳирий ва предметлик шакллари оралигига ётади. Бундан ўз-ўзидан маълум бўладики, ушбу «оралиқ» кўрсатилган чегаралар ўргасидаги муносабатдан бошқа нарса эмас.....» (Шпет 1927:93).

Иккинчи чегара оралигидаги ботиний шакл – доимий ҳаракатда ва зоҳирий шаклга ўз «кучи»ни кўрсатиб туради, чунки уларнинг яқдиллигига маъно хосил бўлади. Зоҳирдаги шакл (лисоний белги, тил бирликлари) ботиндаги мазмунга мос ва хос равишда дунёга келади. Бундан ташқари, ботиний шакл воқеълик идроки жараённида ҳам ўз мавқеига эга, зотан, унда оламни билиш фаолиятининг натижалари бўлмиш тасаввур, умумлаштириш ва ниҳоят, маъно ўз аксини топади. Бошқа томондан эса, ботиний шаклнинг мавжудлиги зоҳирий шакл ва моддий (предмет) олам билан боғлиқ. Сўзсиз, бу учликда ботиний шакл асосий ҳодиса, у тил курилишининг, унинг фаолиятининг тизимишлигига пойдевор кўяди, синчлайди. Учликдаги унсурларнинг муносабатисиз тилнинг яратувчанлик ва ўз-ўзини мураккаблаштириш имкониятлари воқеланмасдан қолади. Олам тараққиётининг синергетик тавсифига кўра, яратувчанликнинг моҳияти янгиликни вужудга келтиришдир. Шундай экан, ботиний шаклни лисоний маъно ижодий фаолиятининг бошланғич нуқтаси, яратувчанлик ҳаракатининг бошланиши, - деб талқин қилишимиз маъқул. Аммо ботиндан туртки олган маъно-мазмуннинг моддий белгиси зоҳирдаги шакл - товушлар биримасидир. Ушбу шаклсиз

тилнинг ўз-ўзини яратувчанлик ва тизимлаштириш механизмлари ҳаракатини тасаввур қилиш қийин. Г.Шпетнинг ҳозиргина келтирилган қайдидан ҳам зоҳирий шаклнинг тилнинг яратувчанлик хислатини белгиловчи унсурлардан бири, айнан лисоний бирликларнинг зуҳурлашган шакли эканлигини уқиб олиш мумкин. Бироқ ботиний, зоҳирий ва предмет оламидаги шакллар тизмасини ажратаётган олим шу тизмадан яна бир оралиқ унсурга жой топишни унутаётгандек, хаёлимда.

Лисоний яратувчанлик янгилик ижоди билан изоҳланади, дедик. Тилдаги янгилик дастлабки ўринда янги маъно шаклланишини тақозо этади. Маънонинг юзага келиши, ўз навбатида, оламни билиш, унинг мавжудоту маҳлуқлари ҳақида ахборот тўплашни тақозо қилса, тўпланган ахборотни хотирада сақлаш учун эса унга лисоний қиёфа ҳамда маъно бериш талаб этилади. Ботиний шакл, воқеий олам ва лисоний қиёфа – моддий материал, шакл ўртасидаги муносабат бўлишига қарамасдан, предмет оламини бевосита лисоний воқелантириш қобилиятига эга эмас. Бошқача айтганда, воқеий олам ҳиссий ва фаҳмий идрок босқичидан ўтиб, шу идрок асосида объектив фаҳмий, яъни лисондан ташқари мундарижага эга бўлиши шарт.Faқат шундан сўнгтина ботиний шакл тафаккурнинг мавҳумлашган муҳим унсури сифатида ҳосил бўлади.

Лисоний ҳодисалар маъно-мазмунининг туб қимматини изоҳлайдиган бўлсак, тил худудидан ташқарига чиқишимиз зарурлиги ўгитини Хумбольдт бизга мерос қилиб қолдирган. Шу ўгитга амал қиласидиган бўлсак, маънонинг тилдан ташқари, нолисоний мундарижасининг мустақил равишда ёки бевосита тил тизимида мавжуд бўла олмаслигини эътироф этишимиз лозим. Лекин бу мундарижа тамоман лисондан четда қолиб кетишига ишониш ҳам қийин. Маъно ҳосил бўлиши лисон ичи ва ташқарисига хос билим мундарижаларининг бирикувидан иборат, деган ғоя

ақсиомага айланиб бўлган. Воқеликни кўриш, идрок этишда ҳосил бўладиган ҳар қандай тафаккур бирлиги лисоний маъно тузилишидан ўзига ўрин топишига ишонса бўлади. Дастгаб тилдан ташқарида турган мундарижа маънонинг информатив бўлаги ўрнини олиши қўшимча лисоний тафаккур ҳаракатларини талаб қиласди. Тафаккур бирлиги лисоний кўриниш олишига қадар қатор босқичлардан ўтиши шартлигини Потебня, Выготский каби тилшунос ва психологлар алоҳида таъкидлаганлар. Сўз яратилаётганда сўзловчи онгида сезиларли даражада ўзгаришлар пайдо бўлишини пайқаган Потебня «Яратиш нима?» деган саволни ўртага ташлаб, унга куйидагича жавоб беради: «Йўқдан (хеч нарсадан) бирор нарса яратиш мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоннинг қиладигани фақат мавжуд бўлганни ўзлаштиришдир. Худди шу каби, фикрнинг яралиши хам олдингисининг ўзига ҳос равиша ўзгартирилишидир» (Потебня 1976:539). Выготский тафаккур ҳаракатининг лисоний либос олиши кўп босқичли жараён эканлигини қайд этади. Унинг тасаввурида, «нутқ тайёр фикрни ифодалайди. Нутққа ўтаётган фикр қайта қурилади, кўринишини ўзгартиради. Фикр сўз воситасида ифодаланмайди, балки унда содир бўлади» (Выготский 2005:270). Кўпбосқичли лисоний тафаккур фаолияти жараёнида тилдан ташқарида турган мундарижа лексик, грамматик мақомга эга турли унсурлар ёрдамида лисоний воқеликка айланади. Бу унсурлар тил бирликлари структур тузилишида иштирок этиб, ушбу бирликларнинг таснифий кўрсаткичларига айланадилар. Демак, номинатив мундарижа аслида грамматик, семантик қолиплар кўринишида бўлиб, аник мулоқот мухитида алоҳида моддий-материал кўринишини олади. Моддий кўриниш эса, тил бирликларининг категориал белгиларида намоён бўлади.

Тилдан ташқаридаги мундарижанинг категориал ўзгаришлари тил тизимининг барча сатҳларida

аффикслардан гап даражасигача давом этишини кузатган Потебня маъно – мундарижанинг грамматик битувда, шаклларда ифодаланиш доираси кенглигига дикқатни жалб қилган. Унинг таъбирича, «*кўк – кўкармоқ – кўкат; фаол қатнашмоқ – фаол қатнашли; оқ ҳор – ҳорнинг оқлиги*» каби қаторларда нолисоний мундарижа ягона бўлиб қолсада, лекин категориал ўзгаришларга учрайди. Моҳияттан лисоний категориялар каторига кирадиган сўз туркумлари тафаккур бирликлари мундарижасини яхлитликда, кисмларга ажратмасдан акс эттирадилар. Шу боис тафаккур бирлигининг умумий кўриниши, унинг тўлиқлиги грамматик категориянинг таъсир кучи билан боғлиқдир. Мисол тариқасида **«оқ осмон»** сўз бирикмасини **«Осмон оқармокда»** гапи билан солиштирадиган бўлсак, Потебнянинг хаёлида ударнинг мундарижасида сезиларли фарқ йўқ, лекин феъл ҳаракат ифодасининг белгисига эга, от эса бу белгига эга эмас (Потебня 1958:91).

Оlamни ақлий-ҳиссий «ўзлаштириш» жараёнида юзага келадиган билимнинг лисоний маъно олишига қадар турлича шакл, кўринишлар олишини ва ушбу шаклларни биз баъзан бевосита кўра олмасдан фақат ҳиссиёт ила, ақлий (амалий эмас) тажрибада кузата олишимиз мумкинлигини файласуфлар жуда қадимдан буён қайд этмоқдалар. Маълумки, қадимги Чинда даосизм таълимоти кенг тарқалган бўлиб, бу таълимотга асосан ҳаёт, оламда кечадиган барча ҳодисалар табиий қонуниятларга бўйсунадилар ва бу қонуниятлар Даодир. Аммо Дао – кўзга кўринмас, ифода қилиш кийин бўлган обьект, у фақат ҳиссиёт орқали сезилади. Эрамизнинг III аслида яшаган хитой файласуфи Хе Яннинг нақлича, Дао аслида номсиз ҳодиса ва унинг Дао деб аталиши ҳам унинг етуклика эришганлиги ҳамда яширин ҳолатда бўлишига ишорадир. Олимнинг бу фикри лисоний маъно воқеликдаги нарса-ҳодисалар мундарижасини тўлиқ қамраб олмаслигининг

икори эмасмикан?! Менимча, шундай. Ҳе Ян бошқа бир донишманднинг «Менда билим борми? Йўқ, унга эга эмасман», деган ақидасига изоҳ берадиб, билиш учун маънони ўзлаштириш лозимлигини, аммо тил (лисоний қобилият назарда тутилган бўлса керак) маъно бойлигини тўлиқ қамраб олишга ҳар доим ҳам қодир эмаслигини айтади. Файласуф воқелик олами ва тилнинг ифода қурдати ҳақидаги фикрини қуидагича баён қиласди: «У (предмет, ҳодиса – Ш.С.) аввал номсиз ва биз унга дунёдаги барча номларни беришимиз мумкин. Аммо бу ҳақиқий (мос – Ш.С.) номми? Биз бу нарса-ҳодисанинг тимсолини воқелантиришимиз мумкин, лекин бу тақдимот тўлиқ эмас. Бу Тай тоғини буюк дейишпур, лекин унинг қайси жихатлари шу тоғнинг буюклигини ифодалашини билмаслик билан баробардир» (Қаранг: Waku 2011:138). Хитойлик файласуфнинг тилнинг маъно ифодалаш имкониятларини, унинг жилоларини камситиши ҳаммага ҳам маъқул келмаслиги аниқ. Лекин инсон билимининг лисон ҳудуди чегараси билан чекланмаслигини изоҳловчи метафораси кўпчиликка ёкиб тушса ажаб эмас. Тай тоғи билан боғланаётган метафора билимнинг кўп жихатли эканлигидан, билимлар ортидаги билимни тилда ифодалаш учун кўпбосқичли лисоний тафаккур фаолияти ижро этилиши шартлигидан дарак беради. Бу – маъно ва мазмунни нафақат лисон воситасида, балки воқеликни фаҳмлаш, унинг мағзини тушуниб етиш орқасидан ўзлаштириш мумкин, деганидир.

Даосизм – буюк таълимот, унинг гаройиботлари кўп ва бу таълимотда мужассамланган фикр-ғоялар маъно ҳодисасининг баъзи парда орқасида турган жихатларини ёрутлийка олиб чиқишига ишонишимиш лозим (Wagner 2000). Фалсафий илмларнинг тартиби ва уларни ўрганиш тўғрисида асар ёзган («Ихсо Ал - Улум») Абу Наср Форобий субстанция (жавҳар)ни факат ақл қабул қилишини ва бунда

акциденция (ораз) ақл учун воситачи бўлишини, хизмат қилишини уқтираётib, «ақл ранглар ортида шу рангга эга бўлган нарса борлигини, овоз кетидан, овоз чиқарадиган нарса мавжудлигини билади, ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шунинг кабидир» (Форобий 1993:174), дейиш билан воқеликни билиш фаҳмий идрок асосида кечишини ва шу идроккина тилдан ташқарида бўлган мундарижани лисоний маъно шаклига кирита олишини таъкидлаганлигига аминман.

Хумбольдт ва Потебня Шарқ фалсафасидан қанчалик хабардор бўлганликлари тўғрисида бирор нарса дейиш қийин, лекин лисоний ҳодисалар, шу жумладан, маъно ходисаси моҳиятини интеллектуал фаолият ва тилнинг ягона яхлитликни ташкил қилишидан излағанлари рост. Эҳтимол, улар Гегелнинг битикларидан илҳом олгандирлар: немис файдасуфининг «Рұҳ фалсафаси» асарида билдирган тафаккур бирлиги - фикрни билишимиз учун унинг предмет ва ички дунёмиздан айрилик хусусиятини олиши зарурлиги ҳамда ушбу хусусият асосида зоҳирланадиган шаклда юқори даражадаги ботинийликнинг муҳри, изи қолиши ҳақидаги фикри, худди унинг «шундай зоҳирий-ботиний яхлитлик факат алоҳида товуш бирикмаси, сўзга хосдир» деган қайдидек, тил табиатига ҳумбольдтча қараш гоясига асос бўлганлигига гумон қилмасак ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, маъно шакллантириш фаолияти лисоний тафаккур фаолиятининг бир кўринишидир, ушбу фаолият жараёнида умумийлик ўзаро биришиб, инсоний лисоний қобилияти мавжуд бўлган «хомашё»ни қайта ишлаб, бойитиб, «бирламчи маҳсулот»га айлантиради. Одамни билишга интилаётган инсон онгининг узлуксиз ҳаракати ҳам тафаккур ва нутқий фаолиятларининг узвийлиги билан боғлиқ. Бундай узвийлик эса, когнитив белгиларнинг маълум нутқий шароитларда маъно яратувчи восита хизматини ўташини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Die

Sprache ist das bildende Organ des Gedanken («Тил фикрни, тафаккурни яратувчи орган»). Хумбольдтни ўқиётиб, беихтиёр *bilden* феъли унинг даврида бошқа маънога ҳам эга бўлиши мумкинлигини хаёлимга келтирдим ва ушбу қайдни «Тил тафаккурни тартибга солувчи ва уни воқелантирувчи орган» мазмунида англашга зарурият кўрдим. Бу заруриятни Хумбольдтнинг ўзи изоҳлаб турибди: «Тамоман руҳий, тубсиз ботинда ва маълум даражада изсиз кечадиган тафаккур (интеллектуал) фаолият, товуш воситасида нутқда моддийлашади ва хиссий идрок қамровига ўтади» (Гумбольдт 1984:75).

Эътироф этмоқ лозимки, Хумбольдт ва Потебня таълимотларининг марказий ғояси лисоний ҳодисаларнинг динамик хусусиятлари заҳиралашадиган ҳазинани очадиган қалитни ҳаракатга келтирувчи куч – тилнинг яратувчанлик энергиясини (*energeia*) асослашдир. Ҳазинанинг қарийб барча эшикларини очишга мўлжалланган қалит вазифаси ботиний шакл тушунчасига топширилган. Балки шунинг учун ҳам бу икки олим таълимотларининг мунаққидлари ҳам нишларини айнан шу тушунча тўшига санчишга урингандирлар. Жумладан, Г.Шпет, Э.Кассирер каби «ўткир тишли» мунаққидлардан бири бўлган А.Белый Потебня аслида инқилобий ҳарактерда бўлган «ботиний шакл» тушунчасини «унчалик мунтазам бўлмаган психологик таҳлил ихтиёрига бериб кўйиб, муштлаштириб қўйди», деган айбни айтган экан (Белый 1910:248; Крнг.: Тамарченко 2011:15).

Бундай эътирозларнинг туғилиши бекорга бўлмаса керак. Хумбольдт ҳамда Потебня ғоялари баёнида баъзан изчиллик етишмайди. Бунинг сабаби балки унинг асарларининг бошқалар томонидан тўпланиб чоп қилинганлигидир. Бунга мисол – ботиний шаклни сўзнинг ўзига хос бўлган ва зоҳирий шакл билан ҳамжиҳатликда ҳосил бўладиган «тирик тасаввур» сифатида тавсифлашдан («Сўзнинг

ботиний шакли тафаккур мундарижасининг онга муносабатидир; у инсон ўз фикрини қандай тасаввур қилишини ифодалайди» – Потебня 1976:115) тўхтаб, тўсатдан ботиний шаклнинг унутилиши ёки ўлиши ҳақида гапиришидир. Охирги холатда, Потебнянинг фикрича, лугат фондида тимсолсиз ёки образсиз сўзлар қатлами ҳосил бўлар эмиш. Натижада, айрим тишишнослар ботиний шаклни фақат тимсоли аниқ намоён бўлиб турган тил бирликларига оид хисоблаб, бу шаклнинг мавжудлиги туфайли ушбу бирликлар мазмуни турли семантиклистикик бўёқлар олиши мумкинligини исботлаш умидидаги юрибдилар. Уларнинг ўйлашиба, масалан, фразеологизмининг ботиний шакли фразеологик маънонинг таркибий кисми бўлмасдан, балки тамоман мустақил, этимологик маъно эмиш (Жуков 1978:8; яна қаранг: Лилич 1996).

Ҳайронман, маънодаги тимсоллиликнинг сийжаланиши ботиний шакл ўлишига сабабчи бўла олармикан? Бошқаларга эргашиб «ҳа» дейдиган бўлсак, образ ва ботиний шаклни бир ўлчовга солиб қўймаймизми? Тимсол оламни билиш сари ҳаракатланаётган лисоний тафаккур фаолиятининг алоҳида бўлаги, унсуридир. Тимсол ушбу фаолиятнинг бошланғич нуқтаси бўлгани боис ботиний шаклнинг таркибидан ўрин олиши мумкин, лекин улар ўзаро ўрин алмаша олмайдилар. Тимсол идрок этилаётган нарса-ҳодисанинг алоҳида бир белгисининг ажратиб, танлаб олиниши билан яралади. Яна бошқа белгиларнинг ажратилиши эса, дастлабки тимсолнинг хираланишига сабаб бўлади ва у бошқа кўринишни олади.

Ботиний шакл эса, Потебня ибораси билан айтганда, «тимсолнинг тимсоли», у ҳаракатдаги тафаккур, воқеликни билишга қаратилган фаолликдир. Ботиний шакл тил бирликларининг ташқи ҳолатидан фарқ қилиш билан бир қаторда, уларсиз мавжуд бўла олмайди, чунки воқелик ҳақида юзага келаётган фикр ахборот тусини олиши,

маънога эга бўлиши учун ўз моддий шаклини топиши зарур. Маъно ботиний ва зоҳирий шакллар яхлитлигида воқеланади. Воқелик ҳақидаги тасаввур, унинг тимсолли идроки ботиний шаклнинг фаоллиги орқали семантик қурилишда иштирок этадилар ва маъновий тузилмаларнинг ажralмас қисмига айланадилар. Айтиш жоизки, лисоний тимсолликнинг тил тизими тараққиёти билан қарама-қарши ҳаракати фанимиз учун у қадар янгилик эмас. Бу хилдаги зиддиятни Потебнядан ўн олти аср олдин ўтганлар ҳам излаганлар. Учинчи аср файласуфи Вонг Би маъно тилда тўғридан-тўғри эмас, балки тимсол (рамз) воситасида намоён бўлиши ҳақида гапираётib, бу ҳолатни қуийдагича тасвирлайди: «Тимсол тил доирасида яралади. Тимсолга эга бўлғандан сўнг тилни унтиш лозим. Тимсол маъно яраладиган чегарадир. Маънога эга бўлғанидан сўнг тимсол унтуилиши лозим. Бу олдин ўтганлар айтганларига ўхшаш: қопқон қуён тутадиган восита. Қуён тутилганидан сўнг қопқон унтилади. Қармоқдаги хўрак балиқни тутиш учун қўйилади, лекин балиқ ушлангандан сўнг унтилади. Шундай қилиб, тил тимсолнинг қопқони. Тимсол маъно учун қармоқ» (Waku 2011:140).

Қадимги чинликлар ўхшатишларга қанчалик устомон бўлишмасин, тилни қармоқقا ёки қопқонга ўхшатиш қулоққа унчалик ёқмайди, ҳақиқатта тамоман зид эштилади. Балиқ сузадиган сувлик, қуён қочадиган дала-дашт чексиз бўлғанидек, тимсол яраладиган худуд – лисон ҳам тубсиз. Лисон тугамаганидек, тимсол ҳам ўлмайди. Потебнянинг ўзи «тилдаги тимсоллик умуман олганда камаймаслиги»ни эътироф этган. «Тимсоллик – деб давом этади олим, - фақат айрим сўзлар ва уларнинг қисмларида йўқолади, лекин тилда эмас, чунки доимий равишда янги сўзлар ясалади ва уларнинг сони ўсган сари тафаккурнинг лисондаги фаоллиги ошиб боради. Янги сўзлар ясалишининг муҳим талаби – тасаввурнинг жонли

бўлишидадир. Тил тарақкий этгани сари унда этимологияси равшан сўзларнинг сони ортиб боради» (Потебня 1976:369).

Ушбу сатрларни ўқиб, тимсоллик ва ундан кейин ботиний шаклнинг батамом йўқолиб қолишига қандай ишонса бўлади? Ҳамма гап ботиний шаклнинг этимон сифатида англашинилишида бўлса керак. Лекин этимон ҳам изсиз йўқолмайди, у бир холатдан иккинчисига кўчиб юради. Маълумки, *сепмоқ*, *қадамоқ*, *эммоқ* мазмунидаги феъллар қадимдан барча тилларда жисмоний меҳнат ҳаракати турларини ифодалашган ва инсонлар ўз меҳнатларидан ижобий натижа кутганлар («*дон сепмоқ, уруг қадамоқ, кўчат эммоқ кабилар*»). Худди шу ҳис-ҳаяжонли кутиш ҳаракати билан боғлиқ маънода кейинчалик «*илм нурларини сепиш, яхшилик, омад уругини қадаш, экиши*» билан бир қаторда «*жсаҳолат урги*» ҳам сепилди. Бугунга келиб эса, Хосият Рустамовага ўхшаган шоиралар отонасини эка бошлабди («*Мен онамни ерга экдим..... Мен отамни ерга экдим.....*»).

Тўғри, этимон кўпинча ботиний шаклнинг маданий-тарихий «қўзгатувчиси», рағбатлантирувчи омили хислатини ўтайди. Унинг маъно тузилишининг ботиний шаклли худудидан эгаллайдиган ўрнини аниқлаш учун диахроник кузатувга мурожаат қилиш талаб қилинади. Масалан, «*нонушта*» тушунчаси француз тилида *dejenur*, испан тилида *almuerzo*, португал тилида *almoco*, инглиз тилида *breakfast* лексемалари воситасида ифодаланади. Ушбу лексемалар турлича ташки кўринишга эга бўлсалар-да, уларнинг ботиний шакли умумий мундарижага эга. Француз ва инглиз тилларидағи атама-сўзлар тарихан «*рўзани синдириш, бузиш*» тушунчаси билан боғлиқ (инг. *break* «синдиримок» + *fast* «рўза»; фр. *dis* + *junare*). Испан ва португал тилларидағи атамалар эса, тарихан «*тишлаб бошламоқ*» (*ad* + *mordere*) йўсинидаги ҳаракат ифодаси билан боғлиқ.

Шунингдек, инглиз тилидаги *wife* «хотин» ва немис тилидаги *weib* «аёл» сўзларининг этимонини хинд-европа тилларида *duo* «икки» (санскрит *duo*; лат. *duo*; гот. *twaī*; инг. *two*; рус. *два*) сони билан боғлашади. Чунки бу сўзнинг тагзаминида «иккига бўлинган», яъни «Одам атонинг қобурғасидан синдирилган» мазмуни ётади.

Аммо этимон ҳам, худди тимсол каби, ботиний шаклнинг айнан ўзи эмас. Ботиний шакл маънонинг ассоциатив – тимсолли негизида турадиган мураккаб тузилишили концептуал қолип бўлиб, мулоқот иштирокчилари (сўзловчи ва тингловчи) маънонинг магзини чақиш мақсадида шу қолипни воқелантирувчи когнитив амалларни бажарадилар. Охирги пайтларда баъзи тилшунослар ботиний шаклни тимсолга қарама-қарши қўйишда давом этишиб, уларнинг иккincinnисини лисоний бирликлар маъно структурасининг ихтиёрий, эркин унсури сифатида қарашмоқдалар. Ботиний шаклни эса, сўз ва бошқа лугат бирликларининг таркибий тузилишидан бевосита англаса бўладиган маънонинг муқобили қўринишида талқин қилмоқдалар (масалан, қаранг: Иванова 2006:33). Бундай ёндашув, менимча, таҳлилда маъно шаклланишида таркибий қисмлар ролини муҳимлаштириш йўлидаги яна бир уринишdir. Яхлитнинг моҳияти – маъноси бўлаклар маъноларининг оддий йиғиндисидан таркиб топмаслиги кўп марта эслатилган. Концептуал таҳлил маъно воқелик идроки жараёнида ҳосил бўладиган билим, тажрибанинг натижаси бўлишидан ташқари, ушбу воқеликнинг тимсолли идроки ҳосилаларини ҳам акс эттиришини тасдиқлаш талаб қилинади.

Баъзи ҳолатларда лисоний тузилмаларнинг маъноси уларнинг сиртидан аниқ қўриниб тургандек туюлади, албатта. Жумладан, «*Бола – эр-хотин тилмочи*» мақолининг маъносини унинг таркибидан англаса бўлади. Бироқ «*Ит отасини танимас*» мақолида паремеологик мазмун

яшириндир. Маълумки, итнинг отасини аниқлаш қийин ва у боласи учун қайғурмайди. Уни онаси туғади, катта қилади. Шунинг учун у отасини билмаса-да, онасини танийди. Мақолнинг худди шу тўғри маъноси ботиний шакл босқичидан ўтиб, янги мажозий маъно яралишига туртки беради. Бошқаларни менсимаслик, ҳурмат қилмаслик ўз отасини танимаслик билан тенг.

Лисоний бирликларнинг тил тараққиёти босқичларидан ўтаётуб, дастлабки номинатив белгиларидан узоқлашиши табиий, аммо таркибий бўлаклар маънолари йигиндисидан умумий маъно англашинилмаса, ботиний шакл йўқолади, дейишимиз ҳақиқатга батамом тўғри келмаса керак. Илк тимсол ва ботиний шакл «унутилиши» мумкин, лекин бу кўп ҳолатларда вақтинча «унутилишdir». Маълум муддат ўтгач, у қайта тикланиши мумкин ёки тамоман бошқа, янги шаклу сиймога, маъно туғилишига туртки беради. Шу ўринда Озод Шарафиддиновнинг қиргизлар танқидчини «синчи» деб аташларининг сабабини аниқлаш учун Аюб Ғуломга мурожаат қилганини эслайлик. Машҳур тиљшуноснинг тушунтиришича, қирғиз ва қозоқлардаги «синчи» ёхуд «шинчи» калималари ўзбек тилидаги «чин» сўзидан олинган «чинчи»га мос келаркан. Демак, танқидчи «синчи» деб аталаркан, у адабиёт ҳақидағи ҳақиқатни юзага чиқариши лозим (Шарафиддинов 2009:156). Қарангки, бир пайтлар башорат қилувчиларнинг номи бўлган «синчи» (башорат ҳақиқат эмас-ку) бугунги кунга келиб ҳақиқатни сўйловчи «чинчи»га айланибди. Бу ботиний шаклнинг йўқолмаслигидан, тимсолнинг янги мазмун олишидан дарак эмасми?!

Ботиний шакл ва тимсолнинг доимо ҳамроҳ бўлишига, барҳаётлигига ишонишга мажбурмиз. Бунинг мисолини Шайхзоданинг куйидаги мисраларида кўрамиз:

*Бу йил осмонга етди бошимиз,
Фазода учаркан ватандошимиз.*

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида «боши осмонга етмоқ» иборасининг асл ботиний шакли қарийб унтилаёзган ва бу ибора асосан «хадсиз, чексиз хурсанд бўлмоқ» мазмунини олган. Юқоридаги мисраларда эса, шоирнинг устомонлиги билан ушбу иборанинг кўчимли маъноси унинг тўғри маъноси билан ҳамроҳликда реаллашган (Маҳмудов 2012:113). Яъни Ю.Гагариннинг космосга учиши билан инсоннинг боши осмонга етди ва бундан биз беҳад хурсанд бўлдик.

Маъно воқелик идроки жараёнида бажариладиган когнитив ҳаракатларнинг ҳосиласи эканлиги кўп бора қайд этилди. Олам ҳақидаги билимнинг чегараси йўқ, унинг хислатлари ҳақидаги билимимизни нутқий воқелантиришга бўлган эҳтиёжнинг ҳам чеки бўлмайди. Бу эҳтиёжни қондиришнинг асосий усули янгидан ўзлаштирилган билимни тил заҳирасида мавжуд бўлган шакл воситасида номлашдир. Шакл ва маънонинг яратилиш, ўзгариш ва тараққиёт суръати бир хил эмас, уларни бир ўлчовда ўлчаб бўлмайди. Тил эгаси ягона бир тил бирлиги - шаклдан фойдаланиб, турли маънони ифодалай олиш имкониятига эга, аммо янги кўринишдаги шаклларнинг ижод қилинишини тасаввур қилиш қийин. Шаклнинг яратилиши тил соҳиблари авлодлари «лисоний меҳнати»нинг натижасидир, уларнинг узлуксиз ва беихтиёр, шунинг билан биргаликда ижодкорона фаолияти тил тизими тараққиёти йўналишини белгилаб беради. Худди шу йўсиндаги тараққиёт индивидуал шакл – сўз яратувчанлик қобилиятининг юзага келтиради ва фаоллаштиради. Масалан, Миртемирнинг «Кўзингни ўйнатма...» деб бошланувчи шеърини ўқийлик:

*Кўп кунлар судрадинг тусмол йўлларда,
Мен-да тилсизларча эргашдим – кетдим.
Адашган эканман, билсан чўлларда,
Мана эндиликда тушуниб етдим....*

Ушбу сатрлардаги *тилсизларча* шакли ноодатий бўлиб, у шоир индивидуал маҳоратининг ҳосиласидир. Лекин бу ҳосиланинг боғи тилдаги заҳиравий имкониятлардир, шу заҳира бўлмаганида янги шаклни ҳосил қилишнинг иложи бўлмас эди.

Абдулла Қодирийнинг феълларнинг бирлик шакли ўрнига кўплигини кўллашини ҳам худди шундай изоҳлаш мумкин: «*Иккинчи ёқдан ўзини асир этган шаҳло кузлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, гўёки вафосиз, вайласиз деб қичқиурлар эди*» («Ўтган кунлар»).

Буларнинг барчаси бизни ижодкорликнинг, маъно туғилишининг марказида турадиган ботиний шаклни аслида алоҳида олинган, ёлғизликда турган тил бирлиги таркибидан эмас, балки лутфдан, сўзнинг матнда кўрсатадиган карамидан излаш лозим, деган хulosага мажбурлайди. Арасту ва ундан олдинги даврлардан бошлиб ёлғизликда турган сўз ҳам бирор нарсани англалади «ёки «фикр сўз воситасида ифодаланади», деган ақида барчамизнинг кулогимизга кўрғошин бўлиб қолган бўлса-да, бу қўрғошинни эритишнинг пайти келганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Ҳар қандай сўзда тафаккурнинг изи борлиги бекорга айтилган гап бўлмаса керак. Аммо сўз бу «из»нинг соҳиби бўлиши учун тафаккур юритиш жараёнiga иштирок этиши лозим. Тафаккур харакатдаги жараён, дискурсив фаолият бўладиган бўлса, унда маънонинг шаклланиши шу жараёнда кечишини инкор этиб бўлмайдику! Шундай экан, маъно дискурсив – синтактик ҳодиса эканлигини ҳам эътироф этсак, хато қилмаймиз. Зоро, сўзнинг сўзлиги унинг дискурсив фаолиятдаги иштироки билан аниқланади. Шунингдек, маънонинг асл қиёфаси унинг коммуникатив харакати билан боғлиқлигига кўринади. Бу эса, ўз навбатида, синтагматикани ҳам алоҳида сўзларнинг бирикисида эмас, балки лисоний унсурларнинг коммуникатив фаолиятидаги иштирокидан ахтаришни талаб қиласи.

Хүмбольдт – Потебня таълимотида сўзнинг қандайдир «ўзи билан ўзи», ёлғизлик ҳолатида қолиб кетганлигидан адабиётшунос олим М.М.Бахтин афсусланиб ёзган эди: «Сўзнинг ўзидан ташқарига интилишини инкор этиб, уни «ўз-ўзи»да ўрганиш руҳий ҳиссиётни уни келтириб чиқарадиган вазиятдан айри ҳолда ўрганиш каби бемаънилиқдир» (Бахтин 1975:105). Михаил Бахтиннинг ушбу хулосасига мен ҳам ҳеч тортинасадан имзо чекишга тайёрман. Дарвоке, буни Потебнянинг ўзи ҳам сезгандек, аксинча, у бизни сўзни тайёр фикрнинг ифодаловчиси, деб қараш хавфидан огоҳлантирумаган бўлармиди. «Сўзнинг ботиний шакли, -деб ёзади олим «Тафаккур ва тил» асарида, -тингловчининг тафаккур фаолияти йўналишини белгилаб беради, лекин у фақат тингловчи тафаккурини уйғотади, маъно тараққиётiga восита бўлади, аммо бу тараққиёт чегарасини белгиламайди» (Потебня 1990:27). Бир неча сахифадан сўнг сўз бадиий асарнинг муқобили эканлиги қайд этилади: «Сўзнинг тафаккур органи ва сўзловчининг воситаси бўлишининг шарти унинг даставвал тимсол, идеал бўлиши ҳамда бадиий асарга хос хусусиятларнинг барчасига эга эканлигидадир» (Ўша асар, 40-бет). Яна бир ҳолатда «сўзнинг сўзловчи ва тингловчига бир хилда тегишли» эканлигини исботлашга уринаётган Потебня, поэтик тимсол ҳар бир мулоқот вазиятида «янгидан ва яна янгидан маъно касб этишини» ҳамда «ушбу яратувчанлик ҳаракати янги мухитда кечишини ва янги унсурлардан таркиб топишини» қайд этади (Потебня 1976:331).

Олимнинг ушбу қайдлари бизни унинг сўз матнлик хусусиятига эга эканлигини инкор этмаганлигига маълум даражада ишонтирса ажаб эмас. Аммо олимнинг сўз ва бадиий асарнинг муқобиллиги борасидаги изланишлари ўз хулосасини топмасдан, билдираётган фикрлар охиригача далилланмасдан, истиқболга даъво кўринишида бўлиб қолаверди.

Потебнянинг илмий тафаккури асосан «Сўз маъноси нима?» саволига жавоб излашга қаратилди. Маънонинг нималардан иборат бўлиши, унинг қандай қатламлардан таркиб топиши муаммоси Потебня таълимотининг ўзаги ва мағзини ташкил қиласди, уни тўйдирган сийнасиdir. Бу – муболаға эмас, балки ҳақиқатга асосланган ўхшатма. Умри бўйи шу саволга жавоб излаган олим ижодининг охирги даврида олам ҳақидаги билимни лисоний ва нолисоний билимдан таркиб топади, деган холосага келади ҳамда уларнинг биринчиси (лисоний билим)нинг тил бирликлари воситасида ифодаланишини инобатга олиб, «яқиндаги маъно»да воқеланишини қайд этади. Нолисоний билимни эса, тилдан ташқари мундарижага эга бўлгани учун, «узоқдаги маъно» сифатида қарааш таклифини киритади. Ҳайрон қоларлиси, Потебнянинг тилшунослик ўз обьекти сифатида ушбу турдаги маънолардан фақат биргинаси, яъни «яқин» деб аталаётгани билан шуғулланишидан кувонишидир: «...тилшунослик, ўз мақсадидан четга чиқмасдан, сўзлар маъносини фақат маълум меъёрда, чегарада ўрганади.... ушбу чегара қўйилмаганда тилшунослик ўз қарамидаги маънодан ташқари, бошқа фанлар худудидаги маънони ҳам ўз қарамоғига олган бўлар эди. Масалан, **даражат** сўзининг маъноси ҳақида гапираётib, биз ботаника фанига мурожаат қилган бўлар эдик, **сабаб** сўзи ва сабаб боғловчилари маъносини тавсифлаётib, воқеликдаги сабабларни изоҳлаган бўлар эдик. Аммо гап шундаки, сўзининг маъноси ҳақида гап кетганда, бир-биридан фарқ қиласдиган икки нарса назарга тутилади, улардан бирини – тилшуносликка қарашли бўлганини – сўзининг **яқиндаги**, бошқа фанлар предметини ташкил қиласдиган иккинчисини эса, - **узоқдаги маъноси**, деб атаймиз» (Потебня 1958:19; Потебня 1976:20).

Кейинги изоҳлардан маълум бўладики, «яқиндаги» маъно ҳамма учун умумий, миллийдир ва ушбу тилда

сўзловчиларнинг барчасига ушбу маъно таниш. Шу сабаб сўзловчи ва тингловчи бир-бирини тушунади. «Яқиндаги маъно» формал қўринишга эга, у тафаккурнинг, «бошқа мазмуннинг шаклидир» (Потебня 1976:22). Бундай талкинда лисоний шакл ҳудудида «яқиндаги» маъно ва грамматик шакллар маъноси ўртасида бирор-бир зиддият юзага келмайди. Бу икки турдаги маъно бир хилда тилнинг ички тизимига хос бўлиб қолаверади, чунки ушбу ҳолатда маъно шаклга тенглантирилмоқда, тилдан ташқарида деб қаралаётган мазмунга нисбатан уларнинг иккаласи ҳам «шакл» сифатида изоҳланмоқда.

Воқеликнинг лисоний тасвири субъективдир. Лисоний маъно ўз оламига эга, олам ҳақида ўзлаштирилаётган ва тўпланаётган билим шахснинг иштирокисиз шаклланмайди, шу боис маънони яратувчи ҳам шахс эканлигини эътироф этишимиз даркор. Ўз-ўзидан равшанки, тил тизими доирасида шаклланувчи маъноларни тил соҳибларидан ажратиб қўя олмаймиз, фақат маънода оламнинг қиёфаси ҳар турда акс топишини инобатга олишимизга тўғри келади. Потебня тил ички маъносининг сўзловчи нутқидаги мазмун билан муносабатининг ўзига хослигини қайд этади: «Тил ўз маъно мундарижасига эга, лекин у факат бошқа маъно-мундарижанинг шаклидир. Бундай маънони **шахсий-объектив** деб аташ мумкин. Чунки бу маъно аслида алоҳида шахсга тегишли ва ҳар бир шахс наздида у алоҳида қўринишга эга бўлса-да, лекин шахснинг ўзи уни лисондан ташқари ходиса қўринишида қабул қиласди. **Шахсий-объектив** маъно тилдан ташқарида туради» (Потебня 1941:99). Бир томондан «шахсий», иккинчи томондан эса, «объектив» бўлиб турган билим асосида юзага келадиган маънони Потебня «узоқдаги маъно» сифатида фарқлашни маъқул кўради.

Маънонинг «яқин» ва «узоқ»да бўлиши масаласига Потебня унчалик батафсил тўхталмаган. Ҳатто у маънонинг

бундай турларга ажралишини «ботиний шакл» гояси билан боғлиқлиги борасида аниқ бир фикр билдиришга улгурмаган. Балким шу сабабли Потебня таълимотининг мунаққидларию, тарғиботчилари ҳам ушбу масалага эътибор беришни унчалик лозим кўрмагандирлар. Лекин кейинги даврларда тилнинг воқелик ҳақидаги билимга эришиш ва уни яратиш манбаси сифатида қарааш ҳаракатининг кучайиши муносабати билан, маънонинг «яқин» ёки «узоқ»да бўлиши масаласи долзарблашмоқда ҳамда тилшунослар Потебня меросидан фойдаланиб қолиш йўлини қидирмоқдалар. «Яқин маъно» умумхалқ таърифига эга бўлганлиги учун лексик маънога тенглаштирилди ёки замонавийроқ таърифлашга иштиёқи бўлганлар унга «узоқдаги маъно»ни воқелантирувчи ботиний шакл хизматини ўтовчи (Алефиренко 2005:134) восита, усул масъулиятини юклаб кўя қолдилар.

«Узоқдаги маъно»га эса, тил сатҳларидан, унинг семантик таркибидан ўрин топиш қийин кечмоқда. Бир пайтлар бу турдаги маънони мазмундор ёки мундарижавий тушунча билан бир қаторга қўйиш истаги пайдо бўлган эди. Унда «яқин маъно» ўз-ўзидан формал тушунчага айланарди қоларди. Аммо «формал» ва «мундарижавий» тушунчаларни фарқлаган С.Д.Кацнельсон бундай муқобилик ҳақида ҳеч нарса демаса-да, сўз маъносида воқелик ҳақидаги тушунчанинг фақат бир қисми акс топиши, қолган қисми эса, қандай йўқолиб қолишидан ҳайратланади. «Агарда сўз маъноси фақат формал тушунчани, яъни унинг мундарижасининг фақат биргина, умумий қисмини ифодаласа, унда қолган қисмини нима қиласиз? Бу қисмни сўз билан ифодалаб бўлмайдими?» Бу саволларга С.Д.Кацнельсон «албатта ифодалай олади» жаҳобини берishi аниқ эди. Лекин бу ҳолатда сўзнинг бажарадиган вазифаси тамоман бошқача тус олар эмиш. «Сўз, - деб изоҳлайди олим, - формал тушунчани ифодалаётib, айни пайтда, унинг

мундарижавий нусхасини ҳам ажратади, чунки уларнинг кўлами бир хил. Лекин бир ҳолатда (мундарижавий тушунча ифодалаётганида – Ш.С.) предметнинг барча умумий белги ва хислатлари (яъни тушунчанинг тўлиқ мундарижаси) онгда ўз аксини топса, иккинчисида эса, тушунчанинг мазмун-мундарижаси фақат таҳлил қилиниб, фикран тасвирланмайди. Формал тушунча орасига яширинган мазмунни ифодалаш учун алоҳида сўзнинг ўзи етарли эмас» (Кацнельсон 1986:25).

В.И.Болотовнинг назарида, «формал тушунча»ни «яқин маъно»га чоғишириб бўлмас экан, чунки уларнинг биринчиси идеолект (алоҳида шахснинг тили) бирлиги, иккинчиси эса умумий (миллий) тил бирликлари эмиш (Болотов 2008:89). Афтидан собиқ ҳамюртимиз С.Д.Кацнельсоннинг формал тушунчалар «умумхалқ тилига интилиши» ва «умуман олганда индивидуал оғишмаларни ёқтирмаслиги» ҳамда уларнинг «сўзнинг шахслараро қиммаг, аҳамиятига эга бўлган маъносини шакллантириши» ҳақидаги изоҳларига (Каснельсон 1986:24) аҳамият бермаяти. Шунинг билан биргаликда, В.И.Болотов мазмуний (мундарижавий) тушунчани «узоқдаги маъно» билан айнанлаштиришга рози, зеро, Потебня бу маънонинг «шахсий», «индивидуал» эканлигини айтиб кетган. Буни исботлаш учун Владимир Иванович сўз семантикасида «**қиймат, маъно ва тушунча**» унсурларининг тутган ўрнини аниқлаш лозим, деб ҳисоблади. Унингча, қиймат (Соссюрдаги *valeur*) миллий бўлиб, маълум бир тил тизимининг хусусиятини акс эттиради, лексик маъно эса **миллий-байналминал** характерда бўлиб, «ҳар бир маъно тил бирликларини таржимабоп қиласиган байналминал сема (мағз)га» эга экан (Болотов 2008:89).

Кишини ҳайратга соладиган изоҳлар. Ахир, қиймат маъноники эмасми ёки тушунчасиз маъно хосил бўладими? Маъно мураккаб тузилма, у – воқелик (олам) қиёфасининг

акси ва шу қиёфани шакллантирувчи восита. Лекин воқелик олами ўзгариб туради. Маъно, ўз навбатида, бу ўзгаришлардан орқада қола олмайди, семантиқ категориялар ва улар замиридаги олам ҳақидаги билим воқеликдаги ҳодисалар кўчимларига мослашуви зарур. Маъно тил воситасида ва унинг худудида шаклланар экан, биз уни лисоний тафаккур фаолиятининг қандайдир бир алоҳида ёки мустақил бўлажи фаоллигининг натижаси сифатида қарай олмаймиз. Лингвистик маъно олам ҳақидаги билимнинг бошқа шаклу сиймолари, қисмларидан айро тура олмайди. Бу – маъно табиатан қомусий ва у мустақил эмас, дегани. Бунинг билан лингвистик маъно инсон когнитив қобилиятини турли кўриниш, йўналишларда фаоллашуви натижасида тўпланадиган билимнинг бирор бир «мағздор» қисмини четлаб ўта олмайди, демоқчиман. Бундай даъвогарли фикрларни билдираётганлигининг ҳозирча иккитагина сабабини айтмоқчиман. Биринчидан, лисоний тафаккур қандайдир соғ ақл (мия)нинг фаолияти, иши эмас; мия – инсоннинг органи, ақл – инсон онгли фаолиятини таъминлайди ва бошқаради. Ақлу фаросат инсоннинг воқелик билан муносабати жараёнида ҳосил бўладиган билим, тажрибасига ўз таъсирини ўтказади, ушбу билимнинг яхлит бўлишини таъминлайди. Иккинчи томондан, инсон фақат биологик мавжудот эмас, унинг миллий-ижтимоий «ўз»лиги бор. Шу сабаб лисоний маъно ва умуман тил ижтимоий гурухлар ва алоҳида шахсларнинг миллий-маданий тажрибасига замирида юзага келадиган билимни ҳам воқелантиради. Демак, маъно инсон тажрибасининг маҳсули сифатида ҳосил бўладиган кўпқатламли тузилмадир ва унинг қатламлари узилмас занжир орқали бир-бири билан боғланган. Потебня гоялари измида юрганлигини ҳеч қачон инкор этмаган яна бир рус файласуфи А.Ф.Лосев 1927 йилда нашрга топширган асарида инсон лутфи (сўзи), худди инсон шахсининг ўзидек,

тасаввур қилиш мумкин бўлган барча энергияларнинг маҳсули эканлигини исботлаш ниятида китобнинг бир юз етмиш саҳифасини қоралаб, охир-оқибатда ўта муҳим хulosага келган эди: «Инсон шахси бир пайтнинг ўзида ҳам жисмоний, ҳам инсон табиатига хос, ҳам ҳиссий, ҳам поэтик энергемаларнинг соҳибидир..... Инсон сўзи (лутфи -- Ш.С.) худди шу сифат энергемаларни бир вақтнинг ўзида ифодаловчи ҳодисадир. Бундан равшанки, ушбу энергемалардан ҳеч бири соғ ҳолатда қола олмайди» (Лосев 1990:167).

Ҳа, лисоний ҳодисаларни қисмларга ажратиб ташлаш ва уларнинг бирини «соғ» лингвистик, бошқасини эса, лисондан ташқари ҳодиса, тилшуносликнинг объекти эмас, деб қарашиб урфи эски илмий бидъатдир. Бу бидъатни орқалаб юрганлар унинг юки нақадар оғирлигини аллақачонлар сезишган. Юкни енгиллаштиришни истовчилар формал тушунчани (яқиндаги лексик маънони) хотиранинг тез эсланадиган қисмига жойлаштириб, маъно мундарижа-сининг қолган бўлакларини эса (мазмуний тушунча, узоқдаги маъно) миянинг узоқ бурчакларига, узоқ муддатли хотира худудига қолдирадилар (Болотов 2008:90). Билим заҳирасининг миянинг қайси худудларидан жой олишини аниқлаш мушкул вазифа. Миянинг сиру-асрорларини, унинг қисмлари бажарадиган вазифаларни шу даражада аниқ билиш ҳар кимга ҳам насиб қиласкерганида, Санк-Петербургдаги «Мия» илмий тадқиқот институтининг собиқ директори Бехтерова хоним эҳтимол илм билан шуғулланишдан умуман воз кечишига аҳд қилмаган бўлармиди?!

Профессор Болотов бир нарсада ҳақ: когнитология билиш жараёнини ўрганиш билан машғул. Балким когнитив бирликлар тилгача бўлган худудда, тилдан олдинроқ турадиган муҳитдда шаклланиши ҳам қисман ростдир. Лекин ҳақиқат қисман бўла олмайди, у тўлиқ бўлиши учун

тавсифланаётган ҳодисанинг моҳиятини борича акс эттириши керак. Агар Болотовга ишониб, когнитив бирликлар коммуникатив моҳиятга эга эмас десак (Болотов 2008:92), тилни яккавазифаликка маҳкум этишимиз муқаррар. Коммуникациядан асосий мақсад – атроф-мухитда мавжуд бўлган предметлар, кечачётган ҳодисалар ҳақида ахборот етказиш ва олишдир. Ахборот, ўз навбатида, воқелик идроки, уни билиш фаолиятининг маҳсули. Шундай экан, воқеликни билиш, шу жумладан, концепт воситасида амалга оширилади, деган фикрга қўшилишнинг имкони йўқ. Зотан, концептнинг ўзи билиш жараёнида юзага келади, билиш амаллари эса фрейм, сценарий, прототип каби когнитив структуralар воситасида бажарилади. Коммуникатив кийматга эга бўлган концепт миллат, маданият ва алоҳида шахсга тегишли ҳодиса бўлганлиги боис, уни фақат «узоқдаги маъно»га қиёслаш ҳам ҳақиқатга мос келмайди. Концепт мундарижасидан «яқиндаги маъно»га ҳар доим жой топилади. Концептнинг мазмуний мундарижаси ботиний шаклдаги силжишлар замирида юзага келадиган турли ҳиссий баҳо, қомусий ва бошқа хусусий белгилар ҳисобидан бойиб, янгиланиб туриши унинг кўпқатламлитининг намунаси, исботидир.

Маънонинг кўпқатламли тузилишга эга эканлиги Потебня каби файласуф-тилшунослар изидан бораётган барча тадқиқотчиларнинг эътирофидир. Аммо қатламли тузилишни ҳар хил тасаввур қилиш мумкин. Торт ҳам қатламлардан иборат бўлса-да, сизга ширинлик ёқмаса уст (кремли) қисмини олиб ташлаб, қолган қисмини қисмини баҳазур еяверасиз. Патир нон қатламининг тузилиши бошқача, уларда ширин қатлам алоҳида турмайди. Қатламанинг, патир ноннинг ширинлиги қатламларнинг ичида, уларни яхлит, бутунлайча тишлайсиз, ширинлигини тишламингизни кавшагандан сўнг сезасиз. Маънонинг «шираси» ҳам қатламларининг ўзаро муносабатида, улар-

нинг узилмас боғлиқлиги, яқдиллигидан. Қатламларни ажратиб ташлаш, улар ўртасидаги яқдилликни кўрмаслик бидъатли одат, ажримчилик – илмий тафаккурнинг ашаддий душмани. Маънонинг ментал ҳодиса эканлигини далиллаш измида бўлган замонамизнинг таникли семасиологи Рей Жакендоффнинг сезишича, лингвистик маънони умумий концептуал жараёндан ажратиб қўйиб алоҳида сатҳ бирлиги сифатида қараш тадқиқотчиларнинг онгига ўрнашиб қолган қўрқув хисси билан боғлиқ. Улар тилнинг маъно ифодалаш борасидаги имкониятларини тубсиз идишининг сигимига ўхшатиб қўйишдан қўрқадилар (Jackendoff 2004:283). Тилнинг семантик имкониятлари чексиз, унинг заҳирасининг туви йўқ. Лекин бу имкониятларнинг барчаси оламни билиш ва шахсларо муносабатга киришиш шароитида реаллашпайди, уларнинг лисонда воқеланиши, ўз навбатида, концептуаллашув билан лисоний форманинг мослашуви, келишувини тақозо этади. Тил, Потебня қайд этганидек, ҳар доим олдинги билим ва ўзлаштирилаётган билимни боғловчи восита бўлиб қолади. Маъно ҳам, шунингдек, шакл ҳам биргаликда билиш фаолияти ва воситаси сифатида қаралиши лозим (Потебня 1958:59).

Алқисса, тил воситасида воқеликни идрок этиш ва билишнинг илмий ҳамда фалсафий муаммолари Хумбольдт, Потебня каби илм соҳибларининг доимо дикқат марказида турган. Бу уларга тил табиатига ва лисоний тафаккурга хос бўлган билиш фаолиятини ҳаракатга келтирувчи воситаларнинг табиатини, фаоллик даражасини ўрганиш истиқболини белгилайдиган бир қатор назарий ғояларни олға суришга имконият яратган. Айниқса, «ботиний шакл» тушунчасининг тилшунослик фанининг семантикага оид соҳаларининг кейинги тараққиётидаги «акс-садо»си ўзгача жарангта эга бўлди. Ушбу садонинг шашти ҳозиргача пасайгани йўқ. Аксинча, тилшуносликнинг «софлик» тамғасидан кутулиб, ўз сарҳадларини кенгайтириб,

ёндошлилка интилиши кучайиб бораётганлиги аниқ сезилиб турган ҳозирги кунда Хумбольдт ва Потебня меросини ўрганишга эхтиёж, талаб янада ошмоқда. Бу икки улкан олимнинг илмий мероси, ҳақиқатдан ҳам, сиз ва биз учун туман бойлиқdir. Улар яратган таълимот билан батафсил танишиш бўлажак тадқиқотлар учун қанчалик муҳим, долзарб эканлигини барчамиз ҳам англаб етсак, қани эди. Аммо алломаларнинг билдириган ғоялари, фикрлари қанчалик теран, маҳсулдор эканлигини эътироф этаётиб, улардан фойдаланиш тадқиқотчилардан эҳтиёткор ва оқил бўлишни талаб қилишини ҳам унутмайлик. Зотан, улар ўз фикрларини кўпинчча тагмаъноли, яширин кўринишда изҳор қилишган ва баъзан ғояларнинг изоҳ-тавсифлари тарқоқ. Уларнинг «мағзи»ни топиш учун анчагина тер тўкиш зарур бўлади. Қолдириган меросни яхлитлигича ўрганмасдан, яратилган таълимотнинг ботинига кирмасдан туриб, ундан фойдаланиш ножоиз ҳаракатдир. Ҳар қандай илмий тушунча, категория ва, ниҳоят, ғоя факат улар яратилаётган, кўлланилаётган тизим муҳитидагина аниқ мазмунга эга бўла олади. Меросдан оқилона фойдаланмаслик талонтарожликка йўл очади, ҳар ким уни ўзича судрайди. Хумбольдт ва Потебялар таълимоти когнитив тилшуносликка йўл очиб бериши рост, лекин бу таълимот когнитив категориялар, тушунчаларнинг барчасини боқа олмайди. Ғоялар ўртасидаги қариндошликни излаш, уларни чалқаштириш, бир-бирининг такрории қилиб қўйиш дегани эмас. Мевалар бир боғдан узилса-да, ҳар сафар таъми бошқа. Эҳтимол, баъзилар ўтганлар таълимотидан фойдаланиш билан маъно ҳодисаси борасидаги тортишувларга чек қўймокчи бўлсалар керак. Мен эса, баҳс-мунозара янада авж олишини истар эдим.

6-БОБ. ГЕНЕРАТИВ СЕМАНТИКА

Ўтган асрнинг ўрталарида, аникроғи – 1957 йилда Ноэм Чомскийнинг «Семантик структуралар» (Syntactic structures) китоби босмадан чиқди. Шу сана «инқилобий ўзгаришларни юзага келтирган йўналиш» баҳоси билан тақдирланган йўналиш – генератив тилшуносликнинг туғилиш санаси ҳисобланади. Ҳамма нарсани янгилашга интилган Н.Чомский аввал исмими янгилади (асл исми – Авраам) сўнг илмий эътиқодини ўзгартирди (отаси – Вильям Чомскийнинг изидан юрган Ноэмнинг дастлабки тадқиқоти иврит тилининг морфологиясига оид эди – Chomsky 1951:79) ва ниҳоят, умумий тилшуносликни «инқилоб» сари судради.

Олимнинг истаги ҳақиқатан ҳам инқилобий руҳга эга, зеро, тил билишнинг инсон ақлий фаолияти, когнитив қобилияти билан боғлиқ эканлигини исботлаш ниятида бўлган олим бутун умри бўйича ягона бир илмий фаразни далиллаш йўлини излаб келмоқда. Бу фаразнинг магзини «тил билиш инсон учун туғма қобилият» мазмунидаги гоя ташкил қиласди. Олимнинг рафиқаси психолингвист Кэрол Чомский (Шатц) «Ноэмни баҳсада ҳеч қачон енгид бўлмайди», деб айтгани ҳақиқат (қаранг: Hughs 2001:45). Юзлаб рисола, мақолаларни чоп қилдирган Чомский ўжарларча шу «туғма қобилият» гоясини ҳимоя қилиб келмоқда. Ҳатто ҳамюрти Пауль Посталнинг «Унинг

айтгандарининг бариси ёлғон... у эрмак учун ёлғон гапиради» (қаранг: MacFarquhar 2003:77) дейиши ҳам, германиялик мутахассис Ж.Лаунинг уни параноик руҳий касаллигида айблаши ҳам (Lau 2001) олимни бу фикридан қайтара олмади. Бу тариқа ўжарлик Чомскийнинг синтаксисга оид илк ишлариданоқ сезила бошлаган эди. Назарий тилшуносликнинг тараққиёти учун «тилни ўзлаштириш модели» муаммосини ҳал этиш муҳимлигини қайд этаётаб, у тил ўрганган ёш боланинг гап тузилиши, қўлланиши ва тушунилишини изоҳловчи қоидалар ҳақидаги билимга эга бўлиши ҳамда шу қоидаларнинг ички тизимини яратиши бу моделда акс топишини таъкидлайди. «Умумий тилшуносликнинг истиқболдаги вазифаси сифатида, – деб хулоса қиласи олим, – тилни ўзлаштириш имконини яратадиган түғма тил назариясини изоҳлаш ва исботлаш муаммосини ҳал этишни белгилаган бўлар эдик» (Chomsky 1965:25; Хомский 1972:27). Кўйилган ушбу вазифа аслида лисоний шакллар табиатини аниқлаш ва уларнинг қўлланиш қўламини белгилаш мақсади билан боғлиқ эканлиги аниқ кўриниб турибди.

Она тилини ўзлаштириш бальзилар ўйлаганидек, тақлидчилик йўли билан кечмасдан (ота-оналар болаларни тўғри шакллар нусха-қолиллари билан таъминламайдилар), балки ҳар бир бола ўзининг қоидаларга асосланган грамматикасини яратишини уқтирган генеративистлар тил назариясини бошқача тасаввур қилишлари кутилган ҳол эди. Чомскийнинг таъбирича, назарий тилшуносликнинг асосий мақсади ва вазифаси тузилиши жиҳатидан грамматик қонуниятларга жавоб берадиган гапларни бундай қонун-қоидаларга мос келмайдиган тузилмалардан фарқлаш методларини топиш ҳамда гап структурасини багафсил тавсифлашдан иборатdir. Олим таклиф қилаётган синтактик таҳдилнинг асосида ҳар қандай мураккаб тузилишдаги гапни бир неча содда («ядровий») гапларга

ажратиши мүмкінлігінің ишботлаш мақсад-гояси туради. Натижада грамматиканың синтаксисга оид қатлами иккі қисмдан таркиб топиши таҳмин қилинади. Генератив, яратувчи номини олған биринчі қисми ядрөвий, ўзак тузилмаларни яратувчи ёки ҳосил құлувчи қоидалар тизимидан иборат бўлса, трансформациялар грамматикаси деб аталған иккинчи қисмда тўпланадиган қоидаларнинг вазифаси – кичик микдордаги «ўзак» гаплардан чекланмаган микдордаги турли тузилишдаги (содда ва мураккаб) гапларни ҳосил қилишdir. «Трансформациялар грамматикаси» шу сифат формалар, қоидалар бажарадиган вазифалар тавсифини беради.

Хуллас, генератив тишлиунослик ўз тараққиётининг ilk давридан бошлаб, тил қурилишини синтактик тузилишларни ҳосил құлувчи ҳамда лугавий бирликлар танловини назорат құлувчи қоидалар қарамоғига бериб қўя қолди. Трансформация қоидаларининг «зоҳирий (сиртқи) структураларни» (яъни турли кўринишдаги гапларни) ҳосил қилиш имконияти таъкидланаётган бир пайтда, «ботиний структура»га (турли трансформациялар негизида турган ядрөвий, ўзак тузилма) семантик изоҳ берилиши кутилган эди. Лекин ботиний структуранинг тилнинг синтаксис сатхига жойлаштирилиши унинг семантик тавсифига ўрин топиши қийинлаштиради. Қийинчиликдан кўрқиши сабабли, чомскийчилар лисоний бунёдкорликни фақат синтаксисга хос хислат эканлигини ишботлашни маъкул кўрдилар. Оқибатда, лингвистик таҳлил жараёнида маъно ҳақида гапириш шарт эмас, деб ўйлаган Чомский грамматикани маъно билан боғлиқ бўлмаган мустақил соҳа сифатида таърифлашгача бориб етди. Унинг ёзишича, «грамматик қоидаларга мувофиқликни маънога асосланиб аниқлаш йўлидаги ҳар қандай уриниш бесамар» эмиш (Хомский, 1998:30).

Семантиканинг камситилиб, синтаксиснинг улуғланиши генератив тилшуносликнинг энг «оғриқли» нуқтасидир. Грамматиканинг қандайдир «автоном (мустақил) формал синтактик бўлаги»ни ажратиб олиш йўли билан бажарилган тадқиқотларнинг самараси нақадар паст эканлигини кўпчилик аллақачонлар англаб етган. Лисоний ҳодисаларнинг «соф» шакллар, қолиплар кўзгусида тасвирланиши лингводидактик амалиёт учун ҳам ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ. Компьютер таржимаси лабораториясини биринчилардан бўлиб ташкил қилган исроиллик тилшунос Йеҳошуа Бар-Хиллелнинг ҳикоя қилишича, улар лаборатория ишини жадаллаштириш мақсадида назариётчи тилшуносларни таклиф қилганларида тузилган дастурларнинг самараси аксинча пасайган (Bar-Hillel, 1970). Сабаб аниқ: таклиф қилинган назариётчилар генератив тилшунослик вакиллари бўлган. «Ялонгоч» синтаксисни компьютер қандай тушунсин?! Машина формани эмас, балки маънони таржима қиласи, бир тилдан иккинчисига мазмунни ағдаради.

Генератив тилшуносликнинг асосий ғояси - яратувчанлик имконияти тилда табиатан мавжудлигини назарий жиҳатдан далиллашдир. Чомский грамматикаси эса, семантикандан йироқлашгандек кўринади, чунки унда тасвирланаётган қолип-таклифлар мавхум кўринишга эга бўлиб, гап тузувчи-сўзловчининг вазифаси ўша қолиплар катакларини сўзлар билан тўлдиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Сўзлар валентлиги «буюртма»си билан ҳосил бўладиган тузилма тўғридан-тўғри, бевосита синтаксис ҳам бўла олмайди, грамматика ҳам. Маъносиз синтаксис қумлоқда чизилган шаклга ўхшайди, ҳар қандай лисоний тузилманинг қиймат-қиммати унинг нутқий воқеланишида, мазмун олишида кўринади.

Чомский ва унинг издошлари наҳотки семантикандан шунчалик юз ўгириб, маънонинг таъмидан баҳраманд

бўлишни тўлигича формал семантика, лингвистик семантика, компьютер тилшунослиги, когнитив психология ва ниҳоят когнитив грамматика каби ёнма-ён ривожланаётган соҳаларга топширган бўлсалар?! Ҳеч ҳам ишонгим келмайди. Ҳамма гап генератив назарияни қандай тузилишидами ёки Чомскийнинг ўзи бизни чалкаштиряп-тимикан? Зотан, умр бўйи тил билишнинг шахс ментал қобилиятига боғлиқлигини исботлаш ҳамда шу йўсинда инсондаги лисоний қобилиятга ботинийлик, турғалик сифатини бериш йўлини қидириб юрган олим семантикани «етимча» қилиб қўйишига ишониш қийин. Ҳа, ҳаммамизни чалкаштираётган Чомскийнинг ўзига ўхшайди. Олимнинг фикрлари баъзан зиддиятли эканлиги, жумладан, унинг охирги китобларидан бири (Chomsky, 2003) билан танишаётганимизда аниқ сезилади. Бу ишда, бир томондан, маънонинг «ботиний» (балким, муаллиф қўллаётган *internalist* «ботиний, ички» тушунчасини *conceptual* «ақлий, концептуал» билан алмаштириш маъқулдир) ходиса эканлиги журъат ила таъкидланса-да, иккинчи томондан, синтаксиснинг семантикамага хукмронлик қилиши борасидаги фикридан ҳеч қайтгиси келмайди. Акс ҳолда, у тилнинг фақат синтаксис ва прагматикага эга эканлигини таъкидлаб, «семантика»ни эса, ушбу тилнинг фақат маълум нуткий вазиятда қўлланиши билан боғламаган бўлар эди. Унингча, тилнинг ифода имкониятлари, ҳудди шаклий структурадек, синтаксисга оид тадқиқотлар мавзуси бўла олар экан (Comsky 2003:132). Лисоний ва лексик семантика синтаксиснинг ажралмас қисмлари бўлса-да, лекин тил қўлланишининг алоҳида соҳалари, хусусиятларини ўрганар эмишлар (Ўша асар, 174-бет).

Чомскийнинг «синтаксис» тушунчасини кенг маънода талқин қилганилиги аниқ кўриниб турибди. Бу талқинда «синтаксис» хар қандай тузилмаларнинг онг (мия)да шакл топишини англатади. Маъно ва тушунча ҳам комбинатор-

бирикиш (combinatorial) тизимларини шакллантиради, шу боис улар ҳам синтаксис қарамида. Синтаксисни бундай кенг мөйөр ва маънода талқин қилишни, майли, генеративистлар ихтиёрига қўйиб қўя қолайлик. Аммо уларнинг «семантика»ни воқелик ва тил муносабатини ўрганувчи, «синтаксис»ни эса, рамзий тизимлар, яъни ўзак гаплар хусусиятлари таҳлили билан банд бўлган соҳаларга ажратиб қўйилишини одатий ҳол деб қарашшарини маъқуллаш қийин. Маълумки, олмош ва унинг антецеденти (ўрнини олмош олаётган унсур) ўртасидаги муносабатни семантика доирасида таҳлил қилишга ўрганиб қолганмиз (чунки буни билиш гапнинг қандай ифодаланаётганлигини аниқлаш учун муҳим). Лекин биродаримиз Чомский ушбу муносабатни «синтактик» деб аташни маъқул кўрар эканлар, «чунки (бу ҳодиса – Ш.С.) тадқики воқелик – тил муносабати даражасига етмайди, у онгда мавжуд бўлган муносабат билан чегараланади» (Cela-Conde and Marty 1998:27). Олмош ва унинг антецеденти ўртасидаги муносабатнинг тафаккур жараёнида, онгда шаклланиб, кейин лисоний ифода топишига ишонаверсак бўлади. Бироқ бу муносабатни фақат тадқиқотчи истаётгани учун («Мен уни синтактик муносабат деб аташни маъқул кўраман» I prefer to call it “syntactic”) маънодан халос қилиб қўйишимиз инсофдан эмас. Бундай хулоса илмийликка давъогар бўла олмайди. Бонقا бироримиз «бунинг барчаси семантика» дейишини ёқтириб қолишимиз ҳам мумкин-ку! Қолаверса, Чомскийнинг сафдошларидан баъзилари олмош ва антецедент муносабатини семантик ёки концептуал табиатга эга эканлигини қайд этганларини ҳам биламиз (қаранг: Culicover and Jackendoff 1995; Lasnik 1989).

Ҳарҳолда генератив тилшунослик тарафдорлари кўп вақт ўтмасдан маънони инкор қилган ҳолда синтактик таҳлилини бажаришнинг иложи йўқлигини англаб етдилар. Маънога эътибор, айниқса, гап тузилиши тадқиқига

трансформация амаллари татбиқ этилиб, «ботиний» ва «зохирий» структуралар фарқлана бошлагандан сўнг аникроқ кўриниш олди. Жеррольд Катц, Жерри Фодор, Уриел Вайнрайх, Манфред Бирвиш кабиларнинг (Katz and Fodor 1963; Katz 1972; Bierwisch 1969; Weinreich 1966) семантик қарашлари ботиний структураларнинг маъно билан боғлиқ жиҳатларини асослаш доирасидан четга чиққани йўқ ҳисоб. Жерри Фодор, Рей Жакендофф, Ричар Ларсон ва Габриэл Сегаллар кўп йиллар давомида маъно назариясини генератив тилшунослик ғояларига яқинлаштириш йўлларини қидириб келмоқдалар (масалан, қаранг: Fodor 1975; Jackendoff 1972; Larson and Segal 1995). Лексик маъно масаласи генеративистларни қарийб қизиқтирумайди (Pustejovsky 1995).

Маъно ҳодисасини генеративизм нуқтаи назаридан ўрганиш ҳаракатида бўлган тадқиқотчилар баъзи назарий муаммоларни ечишга мажбур бўлдилар. Бундай муаммолардан бири гап мазмунини тавсифлашни трансформациялар синтаксисига оид назарий ғоялар билан мослашувини таъминловчи назарий асосни топиш билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, мисол тариқасида «*Болалар иккита тилни билишади*» гапини «*Синфимиздаги болалар иккита, яъни инглиз ва рус тилини билишади*» ёки «*Синфимиздаги болалардан Мафтұна инглиз ва немис тилларини, Дилором инглиз ва испан тилларини билади*» йўсинида ўзgartирилиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, унда бу ўзgartма - трансформаларда маъно ўзгаришлари юзага келиши (келмаслиги)ни билиш мухимдир. Маъновий силжишлар ҳосил бўладиган бўлса, синтактик ва когнитив структураларнинг муносабатини қандай изоҳлашимиз даркор?

Агар Чомскийни тўғри англаётган бўлсак, у семантикани икки структура чегараларидаги оралиқ ҳодиса сифатида қарамоқчи, лекин қайси худуддаги оралиқ чегара ҳакида сўз кетаётганилиги номаълум бўлиб қолмоқда. Чunksi

у бир жойда тил ва концептуал тизимлар алоқадорлиги ҳақида гапирса, бошқа бир ҳолатда эса, тилнинг «ташқи ва ички олам билан» алоқасини эслатади. Кўп нарсада унга эргашган Ж.Катц эса, трансформациялар грамматикасининг «стандарт назария»сига хос бўлган анъаналарини давом эттириб, асосий таҳлил объекти сифатида нутқий тузилма – гапни танлайди.

Трансформация таҳлилини тарғиб қилиб келишаётган тадқиқотчилар ва бошқа генеративистларни қийнаб келаётган масала гап мазмуни қандай ва нима воситасида ҳосил бўлишини аниқлашдир. Тадқиқотчилар гап мазмунини ботиний структура белгилаб берадими ёки трансформациялар ҳам мазмунни ўзгартириши имкониятига эгами, деган саволга жавоб топа олмасдан узлуксиз баҳслашиб юрган эдилар. Ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қиласан Ж.Катц ва Ж.Фодор 1963 йилда «Семантик назария структураси» мавзусидаги анчайин катта ҳажмдаги мақолани *Language* журналида эълон қилдилар. Генератив семантика соҳасига оид бўлган ушбу илк тадқиқотнинг муаллифлари аслида биринчилардан бўлиб трансформация грамматикаси семантиказиз иш кўра олмаслигини исботлаш йўлини танладилар. Грамматик таҳлилда семантиканинг ўрнини улар қуидагиларда кўрдилар: а) семантик омиллар ботиний структуранинг тавсифий белгиларини шакллантиради; б) синтактик структуранинг барча узвларини лексик бирликлар тўлдирадилар. Бундай таҳлилдан кўзланадиган мақсад гапнинг синтактик ва семантик жиҳатдан бутунлай аниқ бўлишини кўрсатишдир. Бутунлик синтактик тузилишга оид бўлса, аниқлик эса, мазмунга нисбатан белгиланади. Гап синтактик жиҳатдан бутун, яъни грамматик талабларга жавоб бериши, аммо мазмун жиҳатидан ғализ бўлиши мумкин. Масалан: «*Муваффақият одамни эсанкиратади*» «*Одам муваффақиятни эсанкиратади*» тузилмалардан биринчисида синтактик тузилиш мазмун

билингвистикалык макромодулдардың түрлөөлүгүн сипатташтырууда көрсөткөн болуп саналады. Билан уйғунлашган, иккинчисида эса бундай боғлилик йўқ. Чунки «эсанкиратмок» феълининг семантик валентлиги ҳаракат объективининг жонли мавжудот бўлишини тақозо этади, «мұваффақият» эса бу талаабга жавоб бермайди. Айнан шу кўринишдаги синтактик-семантик боғлилик, мослашув гап мазмунини аниқлашнинг асосий белгиси, меъёри сифатида эътироф этилади.

Чомский ўз пайтида (Chomsky 1957) синтактик таҳлилга F-кўрсаткични татбиқ этиб, гап тузилишини сўз туркумлари рамзлари бўлган N (noun – от), V (verb – феъл), Det. (determinative – сифат, равиши) кабилар иштирокидаги қолиллар воситасида тасвирлаган эди. Бу қолилларда сўз туркумлари бажарадиган вазифалар (F рамзи function – «вазифа» сўзидан олинган) акс топмаётганини сезган олим кейинчалик «функционал категория»ларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Лекин бу категориялар гап қолипидаги олдинги рамзларни тавсифлаш усулида изоҳландилар. Жумладан, эга гап ўзаги (ядроси)га тўлигича тебе ҳолатда тасвиrlанди ($NP \leftarrow S$), кесим гапнинг феъл гурухига оид ($VP \leftarrow S$) деб қаралди. Демак, ажратилаётган «функционал категория»лар синтаксиснинг яратувчанлик имкониятига хос бўлмасдан, балки улар бажарилаётган тавсифловчи амаллар маҳсулидир.

Ж.Катц ва Ж.Фодорлар ҳам худди шу тавсифий (интерпретатив) семантика йўлидан боришини маъқул кўрдилар. Улар киритган янгилик гапнинг грамматик тавсифини унинг семантик тавсифи (ягона шакл воситасида ифодаланаётган маъноларни аниқлаш) ҳамда контекст кўрсаткичлари билан бойитиш таклифи бўлди.

Дастлабки қарашда фойдаланаётган «F қоидалари» маъно ходисасининг генератив тиљшуносликнинг таҳлил доирасига киритишда юзага келган қийинчиликларни бартараф этишда бирмунча қулайликлар туғдираётгандек туюлади. Албатта, «F қоидалари» воситасида синтаксис ва

семантиканинг ўзаро боғлиқлигини изоҳловчи омилларни аниклаш мумкин. Аммо ушбу қоидалар Катц истаганчалик «оддий», «ўринли» бўлмаса керак. Таърифланаётган «F қоидалари», биринчидан, синтактак ва семантик хусусиятларни бир хил кўренишда тасвирласа, иккинчидан, гапнинг мазмун структурасини олдиндан шакллантирилган ҳодисадек қабул қилишга ундейди. Бундай ёндашувда мазмун ифодасида контекстнинг роли унутилиши табиий.


Катц ва Фодор, олдинроқ айтилганидек, контекстнинг ролини эслаб қолишгандек, лекин уларнинг «контексти» нутқий мулоқот муҳитидан йироқ тушунча – генеративистларнинг доимо ишониб юрган суюнчи бўлган синтактик ўзак шаклидир.

Тил – инсон эҳтиёжини қондирувчи восита ва унинг тузилиши, тартиботи ҳам шу эҳтиёж талабига жавоб беради. Тилнинг бажарадиган вазифалари ҳам асосан икки муҳим мақсадни қондириш билан боғлиқ: 1) у вокеликни билиш учун хизмат қиласи; 2) инсонларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлайди. Мазмунни намоён этувчи контекст ҳакида сўз кетганда, айнан шу вазифалар бажарадиган муҳитни назарга тутмоғимиз лозим. Гап қолипини сўз маъносини вокелантирувчи контекст дейишдан чарчамаётган тилшуносларни ҳақ деб ёзишга кўлим унчалик бормай турибди. Мени бундай хуросага қўшилишдан сақлаб турган нарса, авваламбор, гапнинг шартли бирлик эканлигидир. Унинг бошқа тил бирликларидан чегараланиши ҳам ўта шартли бўлиб, у кўпинча, алоҳида шахснинг истаги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Кўпчилик гаплар чегарасини белгилайдиган восита сифатида пунктуацияни қараб келади, лекин бундай талқинда гап фактат ёзма нутқ бирлигига айланиб қолади. Инглиз олими Линн Трасс 2003 йилда нашр қилдирган кўлланмада келтирилган тузилмаларни қиёслаб кўрайлик: Tom locked himself in the shed. England lost to Argentina «Том

пичанхонага бекиниб олди. Англия Аргентинаға ютқазди» (Truss 2003: 129). Бу тузилмаларни алоҳида гап сифатида қарайдиган бўлсак, уларда содир бўлган иккита ҳодиса ҳакида сўз кетаёттганлигини эътироф этишимиз керак бўлади. Лекин бошқа пунктуацион белгини қўллашимиз ҳам мумкин: Tom Locked himself in the shed; England lost to Argentina. Унда мазмун бошқача англашилади: баён қилинадиган ҳодисалар бир пайтда содир бўлмоқда, лекин Том, асабийлашиб, ўйинни бошқа томоша қила олмаганлиги сабабли пичанхонага бекиниб олди ва ҳали натижани билмаслиги ҳам мумкин.

Равшанки, пунктуация контекстни, унинг мазмуний имкониятларини акс эттиради. Аммо бунинг барчаси ёзма нутқда, оғзаки нутқ сатҳида эса, биз фақат оҳанг, интонацияга таянишимиз мумкин. Демак, гап бирлигининг табиатини аниқлаш, бошқа лисоний бирликлардан фарқлаш учун ҳеч тортинмасдан алоҳида гап доирасидан чиқишимиз, матн, контекст ҳудудига кўчишимизга тўгри келади. Шу боис Катцнинг тил соҳиби гапнинг мазмунини англаши учун унинг таркибидаги бўлаклар, бирликларнинг маъносини билиши даркор, деган фикрига (Katz 1972: 386) ҳам батамом эргашишининг имкони йўқ. Таклиф қилинган назарияда маънонинг ўзига хос атомлар (бўлаклар), турли кўрсаткич-маркерлардан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган. Чунки назария муаллифларининг ишонишича, луғавий бирликларнинг маъно структураси кичик ҳажмдаги атомар маъно бирликларидан таркиб топади ва шу луғавий бирликлар синтактик тузилма – ботиний структурани ҳосил қиласи. Шунда синтактик кўрсаткичлар (феъл, от, сифат кабилар) луғавий бирликларнинг синтактик муносабатларини шакллантирсалар, семантик кўрсаткичлар (масалан, «жонли», «жонсиз», «инсоний», «жисмоний» кабилар) эса мазмун муносабатларини яратадилар. Кўринадики, прагматиканинг семантикага

оид қисмий лугатни қамраб олади ҳамда бу қамровда ҳар бир бирликни мазмуний тасвири намоён бўлади. Натижада, Катц ва Фодорнинг лугавий бирликнинг семантик структурасига бераётган тасвифи грамматик, семантик ва бошқа фарқловчи белгилар (дистинкторлар)нинг поғонали муносабатини акс эттиришдан нарига ўта олмади. Ушбу муносабатларни тасвирилаш учун улар bachelor сўзини танладилар. Инглиз тилидаги бу сўз полесемантик бўлиб, «бўйдоқ», «ёш рицар», «бакалавр» ва «ёш (эркак) тюлень» маъноларига эга. Бу маънолар Катц ва Фодорлар ишида қуйидагича тасвифланади (Katz and Fodor 1963):



Бундай кўп қаватли тасвирини луғатда берип кийинлигини сезган муаллифлар унинг бошқача шаклини ҳам келтирадилар:

Bachelor [+N...], (одам) (эркак) [уйланмаган эркак]
 (одам) (эркак) [ёш рицар]
 (одам) [бакалавр]
 (хайвон) (эркак) [ёш тюлень]

Келтирилган шаклдан кўринадики, семантик кўрсаткичлар юқоридан пастга қараб тушиб келадилар ва маънонинг умумий семантик кўрсаткичларидан гап мазмунидаги ноаникликларни йўқотиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ҳаммуаллифлар умид қилишларича, бу кўриниш – гап мазмунини англашга имкон яратиши лозим. Лекин таклиф қилинаётган тавсиф усули маъно шаклланишини формаллаштиришнинг бир намунасидир. Семантик тавсифни формаллаштиришга нима мақсадда мурожаат қилинар экан? Бу амаллар, олимларнинг фикрича, гапнинг мазмуний тавсифи муаммосини «ҳиссиёт, сезги орқали эмас, балки формаллаштириш асосида ечиш учун керак» (Katz and Fodor 1963: 39).

Формаллаштириш амалларини ҳимоя қилишаётган генеративистлар балким қисман ҳақдирлар. Бироқ нутқий фаолият метафорик баённи, ифодани қанчалик ёқтиришини барчамиз биламиз. Фикрнинг метафорик, идиоматик ифодаси фаоллашгандан, луғат ва синтаксис ўртасидаги семантик мослашувни олдиндан режалаштиришнинг қарийб имкони йўқ. Шу сабабли У.Вайнрайх каби тилшунослярнинг идиомали тузилмалар маъносини, генератив тилшунослик ғояларига амал қилган ҳолда, таркибий қисмлар маънолари, уларнинг семантик кўрсаткичлари жамланмасидан ҳосил бўлишини изоҳлаш йўлидаги уринишлари у даражада самарали чикмади (Weinreich 1969). Н.Чомскийнинг генератив грамматикасида илгари сурилган ғояларни ривожлантириш мақсадини кўзлаган тадқиқотчилар контекстдан ажralган гапларни таҳлил қилишаётиб, Э.М.Медникова айтганидек, билиш фаолиятининг биринчи босқичида, яъни фақат конкрет факт таҳлилида тўхтаб қолмоқдалар. Уларнинг таҳлилида умумлаштириш ва умумлаштирилган билимнинг тажрибадаги синови йўқ. Аслида, «бундай синовнинг имкони ҳам

йўқ, чунки таҳлилнинг илк босқичида керак бўладиган формал амаллар улуғланмоқда» (Медникова 1974:29).

Генератив тилшунослик доирасида ижод қилишган семасиологлар хар доим ҳам ўз сафдошларининг фикрларини қўллаб-қувватлаб ўтирумайдилар. Бинобарин, Ж.Макколи гап ва унинг таржибидаги луғавий бирликларнинг маъноси ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қиласди. Жумладан, олим «семантик воқеъланиш» деб атаган таҳлил усули гаплар синонимиясини ўрганишга татбиқ этилган. Унинг фикрича, фақат тўлиқ синонимлар бирхил «семантик воқеъланиш»га эга. Масалан, «Атиргул қизил ва бинафша кўк» ҳамда «Бинафша кўк» ва «Атиргул қизил» гапларининг бирмаънолиги ушбу гапларнинг мантиқан муқобиллигидадир. Лекин «Йиғилишда шовқин солган одамдан чиқиб кетишини талаб килиши» ва «Бу одам йиғилишда шовқин солди ва ундан чиқиб кетишини талаб килдилар» гапларини синоним деб қараш нолойик (McCawley 1971).

Бундан ташқари, Катц ва Фодор ажратишган семантик белгилар («мавжудот», «одам», «хайвон», «эркак» кабилар) маъно тузилиши тадқиқини яна ўша «соф» мантиқ сари судрайди. Маъно «атомлари»ни излаш сўз семантикасининг қандайдир кичик мазмуний белгилар йиғиндисидан иборатлигини тасдиқлаш учун керак, холос. Бундай мазмуний белгилар, нарса-ходисаларнинг физик хусусиятларини акс эттириш билан бир қаторда, уларнинг таснифий хусусиятларини ҳам намоён этади. Лисоний бирликларнинг семантик кўрсаткичлари, белгиларининг тадқиқи тафаккур тизимининг универсал, умумий хислатларини ўрганиш учун керакли бўладиган материални тўплашга шароит яратади. Зоро, шу усулда ажратилаётган семантик кўрсаткичларни, М.Бирвиш ёзганидек, «турли тилларда фарқлаб бўлмайди, улар инсон лисоний қобилиятининг умумий қисмларидан

бири бўлиб, универсалликлардан бирини ташкил қиласди ва ҳар бир тил ундан ўзича фойдаланади» (Бирвиш 1981:196).

Ўз сафдошларининг гап семантик структураси борасидаги қарашларига «танқидий кўз» билан боқишига интилганлардан яна бири Рей Жаккендоффдир. Бу тилишунос семантик воқеланишни тўртта алоҳида структура қатламлашувидан иборат, деб ҳисоблайди. Булардан биринчиси функционал структура бўлиб, гап таркибида юзага келадиган муносабатларни (агенс, ҳақиқат, мақсад кабилар) акс эттиради. Модел структура ҳам кичик меъёрдаги (ибтидоий кўринишдаги) семантик бўлакларнинг йиғиндисидан таркиб топади ва гап турли қисмларининг ифода имкониятларини намоён этади. Учинчи структурага олим «кореферентлик жадвали» атамасини беради ва бу босқичда гап таркибида иштирок этаётган бирликларнинг рефентив муқобиллиги аниқланади. Масалан: «Менинг дўстим» иборасининг муқобиллари «Жон», «у», «уни» кабилар бўлиши мумкин. Нихоят, охирги структура фокус ёки пресуппозиция кўринишида бўлади ва бунда узатилаётган ахборотнинг янги ва олдинги маълум (эски) эканлигини фарқлаш мухимдир (Jackendoff 1972).

Санаб ўтилган структуralар, Жаккендофф талқинида, гап деривациясининг турли босқичларига мос келади. Функционал структура ботиний синтактик структураларнинг тавсифи асосида аниқланса, фокус ва пресуппозициянинг аниқланиши эса, – зоҳирий структура тавсифи билан боғлиқ. Худди шунингдек, кореферентлик жадвалининг аниқланиши учун трансформацияларга мурожаат қилиш зарур, фақат модал структурагина гапнинг барча қатламларига, ботиний ва зоҳирий структураларга бир хилда хос. Модаллик бир неча синтактик тузилмалар воситасида ифодаланган семантик ахборотни қамраб олиши мумкин. Бундан ташқари, функционал структураларни ажратишда Жеккендофф ўз ватандоши Филлморнинг келишиклар

грамматикасига (Fillmore 1968) тақлид қилған бўлса ажаб эмас. Чунки функционал структурада ажратилаётган категориялар (Локатив, Манба, Мақсад, Агенс кабилар) Филлморнинг грамматикасидаги семантик келишикларни эслатади.

Биламизки, Чомский бир пайтлар келишиклар грамматикаси назариясини батамом инкор этишга уринган эди (Chomsky 1972). Чунки генератив грамматика асосчисининг мақсади нутқий тузилмаларнинг семантик фарқини ботиний структура билан боғли ҳолда изоҳлаш ва трансформациялар маъновий силжишларга олиб келишини исботлаш эди. Ч.Филлмор эса, худди Жаккендофф сингари, трансформация маънонинг ўзгаришига олиб келиши шарт эмаслигини исботлаш йўлини танлайди. Охир-оқибат, генератив тилшунослик вакилларининг баъзилари Чомский таълимотини тафтиш қилиш талаби билан чиқа бошладилар. Ростини айтганда, назарияни тафтишга тортишга асос бор эди. Семантика ва синтаксисни бир-бирига зиддиятли ҳолатда қарайдиган, гап тузилишининг синтактик ва семантик таҳлилини алоҳида соҳаларга топширган назария баркамолликдан йироқ бўлиб, унинг нуқсонлари етарлича, синтаксисдан узоқлаштирилган семантика асосан ўзига хос луғатдан ва қоидалар мажмуаси фаоллашувидан иборат бўлиб қолган эди. Худди шу қоидалар маъновий кўрсаткичларни ифодаловчи луғавий бирликлар танловини таъминлаб туриш билан бир қаторда, маълум муҳитда, маълум бир гап таркибида у ёки бу кўринишдаги семантик белгиларнинг юзага келиш ёки келмаслигини ҳам назоратга олиши эътироф этилди. Тавсифий (интерпретатив) семантика йўналишининг яна бир асосий гояси трансформация жараёнида гап мазмунининг ўзгармасдан қолишини исботлаш бўлди.

Бироқ тавсифий семантика йўналишида таклиф қилинаётган назарий гоялар ва таҳлил амаллари ҳаммани

ҳам бир хилда қониқтира олмади. Натижада, ягона таълимот доирасида ўзига хос ички бўлиниш юзага келгандай бўлиб, баъзилар генератив семантикани тавсифийдан фарқлаб, алоҳида йўналиш сифатида ажратишни маъқул кўришди (қаранг: Fodor 1980:165-179; Павилёниш 198:87; Бушуй, Сафаров 2007: 116-120). Тавсифий семантиканинг мунаққидлари қаторига қўшилган тиљшунослар синтаксиснинг маъно ҳосил қилишдаги ҳиссасини аниқлаш ва трансформациялар мазмун ўзгаришига сабаб бўлишини далиллашғамида бўлдилар. Уларнинг фикрича, гап структурасидаги ўзгаришлар умумий мазмуннинг бойишига, сезиларли силжишларга учрашига сабаб бўлади. Шу боис, семантик таҳлили гап деривациясининг барча босқичларига нисбатан таҳлил этиш лозим. Чомский ва унинг издошлиаридан баъзилари (Жаккендофф, Парти, Лакофф ва бошқалар) трансформация маъно ўзгаришига сабаб бўла олмаслиги ҳақидаги олдинги фараздан воз кечиб, гапнинг мазмунини изоҳловчи янги «кенгайтирилган стандарт назарияси»ни яратдилар. Бу назария муаллифлари синтаксис ва семантика ўртасидаги кескин чегарани йўқотиш ва зоҳирий структура ҳам маъно ифодалаш имкониятига эга эканлигини изоҳлашғамида бўлдилар.

Гап структурасида маънонинг ўрни борасидаги генератив тиљшунослик вакилларининг баҳси арқон тортиш ўйинига ўхшайди. Катц, Фодор, Постал кабилардан иборат гурӯҳ семантика боғланган арқонни ботиний структурага қараб торсалар, ўзларини ҳақиқий генеративистлар деб биладиганлар эса, арқонни маҳкам ушлаб туришни маъқул кўрадилар. Генератив тиљшуносликнинг кейинги ривожланиш босқичларида юзага келган бўндай ҳолат ҳақиқатан ҳам турли тортишувларга, умумий ғоянинг бошқача талқин қилинишига ва қандайдир «янгиланган» йўналишларининг илдиз отишига сабаб бўлди. Бироқ, генеративизмнинг кейинги шаҳобчалари ва олдинги авлод ўртасидаги

келишмовчиликлар қай даражада сезиларли бўлишига қарамасдан, уларни ғоявий жиҳатдан умумийлигини кўрсатадиган методологик тамойиллар мавжудким, бу тамойилларга амал қилмасдан туриб, генеративизм ўз мустақиллигини, бошқа таълимотлардан фарқини сақлаб қола олмас эди.

Генератив тишликоносликнинг асосий методологик тамойили лингвистик назария ва умуман лингвистик тадқиқнинг мақсадини аниқ белгилаш вазифаси билан боғлиқдир. Таълимотнинг семантик либос кийишга иштиёки бу вазифани янада фаоллаштириди. Эндиликда назария турли нутқий тузилмаларнинг грамматик жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилигини асослаш билан чегараланиб қолмасдан, балки шакл ва маъно муносабатларини батафсилоқ ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Бинобарин, Чомскийнинг дастлабки ишларида гапнинг грамматик жўялилиги «синтактик танлов» қоидасига амал қилиш билан боғлиқлиги ҳақида гапирилган эди. Ажаб эмаски, бу қоидани киритиш билан олим синтактик ва семантик ахборотнинг мослашуви, бирикувини назарга тутган бўлса, лекин унинг шогирдлари жўялиликни фақат луғавий бирликлар танлови билан боғлаб қўя қолдилар. Яхшиямки, улар кейинчалик гапнинг грамматика ва мазмун жиҳатидан тўлиқлигини таъминлаш учун лугат танловининг етарли эмаслигини сезиб қолишибди. Жумладан, *My tooth brush is alive and is trying to kill me* «Менинг тиш чўткам тирик ва мени ўлдирмокчи» тузилмасининг бемаънилигини кўрган Макколи шу сифат гапираётган одам «инглиз тилини тузатиш курсига эмас, балки руҳий касалликлар шифохонасига мурожаат қилиши»га маслаҳат берадиган (MacCawley 1970:168), ҳар қандай гапнинг мазмунини пресуппозиция билимини қамраб олишини эътироф этади. Нутқий ижод жараённида меъёрдан чекиниш ҳолатларини махсус ўргангандан Лакофф ҳам пресуппозициянинг мазмун шаклланишидаги

ролини алоҳида таъкидлайди ва лисоний қобилият (language competence) ҳамда ундан фойдаланиш (performance) тушунчаларини чомскийчилардан ўзгачароқ англашга чақиради. Лисоний қобилиятни грамматик қоидалар мажмуасида қарайдиган Чомский назариясидан норози бўлган бу олимнинг фикрича, ушбу назарияга асосланиб лисоний қобилият ва фаолиятнинг фарқини ёки боғлиқлигини кўрсатиб бўлмайди. «Бирор бир гап ва унинг воситасида воқеланаётган олам ҳақидаги билимнинг боғлик жиҳатларини тизимли равишда ўрганиш лисоний қобилият тадқиқининг ажралмас қисмидир» (Lakoff 1971:329). Демак, лисоний қобилиятнинг ижроси ва жўяли мазмундаги нутқий ижодкорлик учун лисоний билимнинг ўзи етарли эмас. Лисоний қобилиятни нолисоний, экастралингвистик билимдан ажратиб талқин қилиш формал тилишунослик анъаналаридан унчалик узоқлашмайдиган ёндашувдир.

Тўғри, баъзи генеративистлар семантик тафсифни формаллаштиришнинг заарли оқибатини сезишиб, «форма» дейилаётганда қандайдир грамматик шакллар мажмуаси эмас, балки «мантиқий шакл» назарга тутилаётганлигини уқтиromoқчи бўладилар. «Гап маъноси ва унинг мантиқий шакли ўхшаш», деб ёзган эди Катц 1981 йилда (Katz 1981:1). Аммо гап мантиқий шаклининг унинг синтактик тузилиши билан боғлиқлигини ва бу «шакл» пропозицияга (субъект-предикат-аргументлар тизмасига) асосланишини инобатга оладиган бўлсак, гап мазмунини мантиқий шакл тушунчаси доирасида талқин қилиш унинг синтактик тузилишига эътиборни кучайтиради. Масалан, «Бугун дарсга ҳатто Аббос келди» қабилидаги гапнинг тагмаъносини қандай англаш лозимлигини билиш зарур бўлади: «Бугун дарсга Аббоснинг ҳам келгани таъкидланаяптими?» ёки «Гурухдаги барча талабанинг дарсга келгани ҳақида хабар берилаяптими?» Бу саволларга Чомскийнинг жавоби аниқ: мазмундаги ноаниқлик

(кўпмайнолик)ни бартараф этиш учун ботиний структурага мурожаат қилиш керак. Мантиқий таҳлилга мурожаат қилаётган Катцнинг жавоби бошқачароқ эшигилса-да, аслида у ҳам қандайдир шаклни, мантиқий тузилмани излашга ундейди. Мантиқий тузилма эса, ботиний структурани эслатади, уларни аниқлаш амаллари ҳам қарийб бир хил. Зоро, мантиқшунослар «Суқрот – одам» фикрининг ҳақиқатлигини икки хил мантиқий шаклга мурожаат қилиш йўли билан исботлайдилар: 1) *Суқрот ёки одам ёки ўлимга маҳкум эмас = Суқрот – ўлимга маҳкум = Суқрот – одам;* 2) *Суқрот – одам ва барча одамлар ўлимга маҳкум = (шу сабаб) Суқрот – ўлимга маҳкум.*

Мантиқий шакл нуткий тузилманинг ҳақиқий маъносини ифодалай олмаслиги ва унинг мазмун олиши нуткий вазият, миллий-маданий омиллар билан боғлиқ эканлигини яна қайта тақрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Хўш, унда тузилмалар мазмунига аниқлик киритишнинг, уларнинг семантик изоҳларини далиллашнинг бирор-бир барқарор усули бормикан? Чомскийнинг толган йўли – трансформациялардан фойдаланишдир. Генератив тилшуносликнинг асосий тамойиларидан бири бўлган, унинг гоялари ҳаракатчанлигини таъминловчи механизмлар сифатида шаклланган трансформация қоидалари синтактик шакл ва маъно муносабатидаги асимметрик ҳолатлар, номуқобилликларни тавсифловчи ва изоҳловчи манба деб қабул килинди. Трансформациялар методининг босқичма-босқич татбиқ этилишини ботиний структуранинг лисондаги муқобиллари – зоҳирий структураларни ҳосил қилувчи жараён эканлиги эътироф этилди. Ушбу структуранинг бир хил эмаслигини қайд этаётган Чомский ботиндаги структуранинг мавхум элементар объект эканлигини ва унинг зоҳирий структура яратилиши учун асос хизматини ўташини

айтиб ўтади. Шунинг билан биргаликда, ботиний структура синтактик тузилманинг семантик тавсифи учун асос эканлиги хам алоҳида таъкидланади (Хомский 1972:20-21).

Аминманки, генератив-трансформацион таълимот атрофидаги барча мунозаралар, унинг нокисликлари, таклиф қилинаётган гояларининг асоссизлигини кўрсатиш йўлидаги барча уринишлар айнан шу икки кўринишдаги структуралар муносабатининг етарли даражада аниқлаштирилмаганлиги билан боғлик. Ушбу муносабатни аниклаш, ботиний ва зоҳирий структураларни фарқлаш масаласи узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг охирги чорагида бу масала муҳокамаси кўплаб хорижлик тилшуносларнинг севган машғулотига айланиб, баъзи бир йигинларнинг мавзуси бўлган эди (Москвада 1972 йилда ўtkазилган конференцияга «Тилдаги ботиний ва зоҳирий структуралар» номи берилганини эслаймиз). Мунозара иштирокчилари муҳокамадаги ҳодисалар талқинига турлича ёндашиб, уларнинг муносабатини ўзларича изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Жумладан, Л.С.Бархударовнинг талқинича, гап синтактик структураси тўрт қаватли тузилмадан иборат бўлиб, булардан юкоридан бошланадиган уч қавати зоҳирдаги структуралар бўлса, энг қуи қатламда эса, семантик, яъни ботиний структура жойлашар эмиш. Шу қаватда «умумий тафаккур структуралари – «хукмлар» ва уларнинг анъанавий муқобиллари намоён бўлар» экан (Бархударов 1974:33). Чех тилшуноси П.Адамец бошқалардан фарқли равишда ҳар бир гап ўз ботиний структурасига эга, деб ҳисоблади ва ушбу структурага ифода воситаларини, замон, модаллик аспектларига тақсимланиш кўрсаткичларини киритиш тарафдоридир (Адамец 1973).

Лекин ботиний структура ҳақидаги энг кенг тарқалган фикр уни гап ва бошқа синтактик тузилмалар семантик

тузилиши нүқтаи назаридан талқин қилишдир. Бунда унинг «бевосита кўзга ташланмаслиги», «мавҳум ментал ҳодиса» эканлиги, трансформация жараёнида ўзгармаслиги ва, ниҳоят, фақат ва фақат унда маъно ифодаланиши таъкидланади (Бўронов 1973:39). Ботиний структура тушунчасининг бу йўсиндаги талқини маъно ҳодисаси тавсифини ҳам мавҳум қўринишига солиб қўйиши аниқ. Авваламбор, нутқий тузилмаларини шаклан ўзгартириш амали бўлган трансформациялар ботиний структурадан илдиз олиши ҳеч қачон исботланмаган. Бу амаллар табиатан тилнинг устки қатламида бажариладиган формал-структур тавсифнинг намунаси бўлиб қолаверадилар. У ёки бу тузилманинг маъносини аниқлаш, ундаги маъно ноаниқлигидан (*ambiguity*) кечиш учун трансформация амалиётига мурожаат қилиш балким лозимдир. Бироқ бунинг билан мақсадга эришиш қийин, чунки асл маънонинг шаклланиши қанчалик кўпбосқичли жараён бўлса, уни тушуниш ҳам шунчалик мураккаб фаолиятдир. Г.В.Колшанский уқтирганидек, нутқий тузилманинг кўпмаъноли бўлиши зоҳирий структуранинг таъсири эмас, балки грамматик категорияларнинг мавҳумлиги натижасидир ва бу ноаниқликни қандайдир грамматик изоҳлар ёрдамида очиб бўлмайди, унга фақат контекстга мурожаат қилган ҳолда эришиш мумкин (Колшанский 1980:58).

Семантикани ботиний структуранинг акси, унинг нусхаси, деган ақида айрим генеративистларнинг онгига шу қадар ўтириб қолганки, улар кўпмаънолилик ҳолатларида маълум бир тузилманинг икки ёки ундан ортиқ ботиний структурага эга эканлигини қайд этишдан қайтмайдилар. Аммо маънонинг фақат ботиний структурадан излашга ундов ҳаммани ҳам бир хилда қониктирмайди (Immiger 1974:213). Дарвоқе, ботиндаги ва зоҳирдаги структурани яқинлаштиришни ҳеч қачон истамаган Чомский ҳам зоҳирий структуранинг баъзи ҳолатларда маъно

ифодалашдаги ролини инкор эта олмасдан турибди. Бу, айниқса, турли грамматик шаклларнинг кўлланишида аниқ кўринади. Масалан, инглиз тилида Hillary has climbed Mt.Everest – «Хиллари Эверест тоғига чиқди» дейишимиз мумкин бўлган ҳолда худди шу ҳозирги замон перфект шаклини Марко Полонинг тоққа чиққанлигини баён қилишида кўллай олмаймиз. Марко Поло тирик эмаслиги боис, яхшиси, ўтган замон ноаниқ шаклига мурожаат қиласиз: Marco Polo climbed the Everest «Марко Поло Эверест тоғига чиқди». Худди шундай ҳолат мажхул даража шаклларнинг ишлатилишида ҳам кузатилади. Пассив ҳозирги замон перфект шаклида ифодаланиши мумкин – I have been taught physics by Einstein – «Физикани менга Эйнштейн ўргатган эди», лекин Эйнштейн ўлганлигини билганимиздан сўнг, активда перфект шаклини кўллай олмаймиз ва ўтган замон шаклини ишлатишга мажбурмиз: Einstein taught me physics «Эйнштейн менга физикани ўргатди».

Аввал айтилгандек, грамматик шаклнинг мазмун ифодалашдаги бу кўринишдаги ҳиссаси пресуппозиция билими билан изоҳланади. Лекин энг муҳими Чомскийнинг хulosаси: «Ботиний ва зоҳирий структуралар бир хилда маъно яратилишида иштирок этадилар. Ботиний структура маънои аниқловчи предикация, модификация каби грамматик муносабатларни таъминлади. Шунингдек, пресуппозиция, топик (ахборот янгилиги) ва унинг изохи ҳамда бошқа бир қатор мантикий узвларни зоҳирий структура воқеалантиради» (Chomsky 2006:97). Бу, сўзсиз, айни пайтида қилинганди эътирофдир. Ушбу эътирофнинг эътиборлилиги шундаки, у Чомский назариясига бўлган танқидий муносабатнинг бироз бўлса-да «чўғи»ни пасайтирди. Маънонинг лисоний ҳодиса эканлигини исботловчи ҳаракатнинг кучайиши эса, тадқикот йўналишлари, илмий парадигмаларининг ўзгаришига замин

тайёрлади. Генератив тилшуносликнинг ашаддий танқидчиларидан бири бўлган У Чейф ҳали ушбу йўналиш ривожи айни авжига чиққан пайтлардаёқ «ҳақиқий тил назарияси - семантик тузилишнинг назариясидир», деб ёзган эди (Чейф 1975:24). Машхур мунаққид тил семантик структураси таҳлилини гап таркибида феъл атрофида юзага келадиган муносабатлар тавсифига айлантириб қўйиш ва тилнинг ижодкорлик қобилиятини ҳам феъл валентлигининг воқеланиши доирасида кўриш билан ўзи кўзлаган мақсадга – ҳақиқий тил назариясини яратишга эриша олмади, албатта. Феълнинг маъноси унинг семантик валентлиги миқёсини, аргументлар иштирокини акс эттирувчи пропозиция таркибини белгилаб бериши ҳаммага маълум. Бироқ, олдинроқ айтганимдек, тилнинг семантик тузилиши феъл валентлигининг фаоллашуви, пропозициянинг лисоний воқеланиши билан тугамайди. Алоҳида, ажратиб олинган нутқий фаолият жараёнидан узоқда турган гап структурасининг таҳлили ҳали семантика эмас. У тилнинг семантик назариясига қўйилаётган қадамлардан биригина, холос. «Фақат феълнинг яратувчанлик кучини (гап бирлиги яратилиши назарда тутилмоқда – Ш.С.) эътиборга оладиган ҳамда матн тузилиши талабларидан четлашадиган ҳар қандай назария тўлиқ бўла олмайди» (Кацнельсон 1986:286). Уоллес Чейф гоясини анча-мунча мақтаб, унинг грамматик семантика тараққиёти учун аҳамиятли эканлигини таъкидлаган С.Д.Кацнельсоннинг бу сўзларини ўқиётиб, томонлар баҳсида, фикрлар ғалаёнида семантика асосий мавзуу эканлигига яна бир бор ишондим. Семантика тафаккур, ҳиссиёт, инсон тажрибаси ва лисон учрашуви чорраҳасида турган ҳодиса экан, бу чорраҳага қадам босган одамнинг калтак еб қолиши ҳеч гап эмас. Бу «калтак»дан кутулиш осон иш эмас. Генератив таълимотни кўкларга кўтариш, уни идеаллаштириш ниятида бўлган лондонлик профессор Нейл

Смит сингариларнинг «ботиний» ва «зохирий» сўзлари генератив назариянинг формал тузилмаларига берилган ёрлиқ-этиケットка, уларни маъно ҳодисаси билан боғлашга ҳожат йўғ-у, аммо терминларга бўлган мафтунилик, улардаги афсункорлик бунга йўл қўймай турибди дейишлари (Smith 2004:58) танқиддан холос бўлишнинг умидида айтилган гап бўлса керак.

Иллатсиз одамзот бўлмаганидек, хатосиз таълимотни топиш ҳам қийин. Генератив тилшуносликнинг камчиликлари ҳакида кўп гапирилган ва гапирилмоқда. Яхшиси, хulosани бошқачароқ қилиб, ушбу таълимот маъно назарияси ривожи, унинг бошқа назарий билимлар кўридан ўзига монанд жой топишига қандай ҳисса қўшганлиги ёки қўшиши мумкинлиги ҳакида ўйлайлик. Энг аввало, ушбу таълимотнинг негизида турган тил тизимининг динамик хусусиятли қурилма эканлигини ва шу қурилма ускуналари ҳаракати натижасида мазмунан тўғри, маънодор нуткий бирликларнинг ҳосил бўлиши ҳакидаги ғоя формал синтаксис тадқиқидан синтактик бирликлар яратилиши жараённинг мантикий-маъновий тадқиқи сари қадам қўйилиши учун зинапоя ўрнатди. Зинанинг пиллапоялари кўп. Генератив семантиканинг синтаксис мазмуний қатламини тўлиғича камраб олишга кучи етмай қолиши ҳам олдиндан маълум этди. Аммо унинг мазмуний синтаксис «пиллапоялари»да қолдирган изи кўзга ташланарли даражада бўлди.

Маълумки, генератив тилшуносликда семантик қатлам сўзловчи ёки тингловчининг гап мазмунини тўғри англаш ва тавсифлаш қобилияти билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. Гап мазмунини бу йўсинда аниқлаш мақсади тадқиқотчиларни яна бир муаммо ечимини излашга унади. Бу – ушбу таҳлилнинг гапнинг яратилиш (генеративистлар шевасида – унинг талаффуз этилиш) муҳити билан алоқадорлигини билишdir. Натижада, коммуникатив

мазмунга эътибор кучайиб, семантиканынг прагматика билан муносабатини аниқлашга эҳтиёж туғилди. Ниҳоят, Чомскийнинг суюкли афоризми «Тил-тафаккур кўзгуси» бўлганлигини унутмайлик. Грамматикани тафаккур жараёни маҳсулоти сифатида ўрганиш истаги Чомскийдан олдин ҳам бор эди. Лекин фақат генератив грамматика таълимотигина бу истакка эришиш йўлида сабитқадамлик кўрсатиб, маъно шаклланишининг когнитив жараён эканлигини исботлаш йўлини тутди. Майли, генератив семантика буни исботлашда кўп хатоликларга йўл кўйиб, баъзи қалтис хulosаларга келган бўлсин. Бироқ илмий фаолиятларини шу таълимот оғушида бошлаган Жерри Фодор, Жорж Лакофф, Рей Жаккендофф, Пауль Постал кабилар маънонинг концептуал назариясини яратиш измидан кетишиб, беихтиёр когнитив семантика тараққиётига ҳисса кўшаётганларини ўзлари ҳам сезмай қолдилар. Ҳа, генератив тилшунослик иккинчи «когнитив инқилоб»га — когнитив тилшуносликнинг «саҳна»га чиқишига замин тайёрлади. Қисқаси, маъно назариясининг ривожланиш босқичларини тўғри тасаввур этиш учун генератив тилшуносликнинг қолоқ томонларини аниқлаш билан бир қаторда, унинг гояларининг истиқболли кўрсатмаларини ҳам фаҳмлаб олишимиз шарт. Шекспирнинг Ҳамлети «онасининг кўкрагини ҳам хушомадлар ила оғизга олган»лардан бўлган Озрикнинг хушомадгўйлигидан тезроқ кутулиш учун «Бирорни яхши билдингми, бас, ўзингни ҳам яхши биласан» дея луқма ташлайди. Вильям Шекспир ва унинг ўзбек фикрдори (ҳаммуалифи демоқчиман) Жамол Камолдан изн сўраб, ушбу фикрнинг (Н.Чомскийнинг ҳам кўнгли ўксимасин) ботиний структурасини сақлаган ҳолда трансформация қилмоқчиман: «Бошқалар таълимотини яхши билсанг, ўз хulosангни ҳам яхши англайсан». Илмий фаолият танқид ва яратувчан фикрлашнинг кўшалоқ бўлишини тақозо этади.

ХУСИЙИГАН АНДЖИЯ

7-БОБ. КОГНИТИВ СЕМАНТИКА

Халқаро когнитив тилшунослик жамиятининг нашри бўлган *Cognitive Linguistics* журналиниңг 1990 йилда чоп қилинган биринчи сонида ушбу йўналишнинг асосий мақсади тилни «ахборот яратувчи, тартиблаштирувчи ва ўзатувчи восита» сифатида ўрганиш эканлиги маълум қилинган эди. Ахборот билим беради, у билим замирада яратилади. Жамланган ахборот маънога эга бўлиши керак, фақат шундагина уни бошқага узатиш, етказиш мумкин бўлади. Демак, конгнитив тилшуносликнинг асосий обьекти – маъно, уни тил илмининг маъношунослик соҳалари қаторига киритсак, ҳеч ҳам адашмаймиз. Генератив тилшунослар ҳам ўзларини тил табиятини «когнитив» нуқтаи назардан ўрганувчи тадқиқотчилар, деб ҳисоблайдилар. Буни ҳеч ким инкор қилмайди ҳам, генеративистлар тилнинг ментал ходиса эканлигини, лисондаги ижодкорликни инсоннинг тафаккур фаолияти билан боғлашни таъкидлашдан ҳеч ҳоримайдилар. Иккала йўналиш ҳам, ҳеч қандай гумонсиз, когнитив мақомга эга, уларда тилнинг эпистемологик вазифаси ва лисоний тафаккурсиз билиш фаолияти бажарилмаслиги эътироф этилади. Бироқ генератив назария учун тил бирликларини билиш муаммоси муҳим, унинг тадқиқ обьекти – тайёр тил бирликлари, синтактик тузилмалар ва қоидалардир. Когнитив тилшунослик учун олам хақидаги бўлимнинг

тилда акс топиши ва ушбу билимнинг шаклланишида тилнинг хиссаси мухимдир. Бу йўналишни танлаган тадқиқотчи тилни воқелик, дунёни билиш воситаси сифатида қабул қилиб, маънони, унинг ҳосил бўлиши ва ривожи таҳлилини биринчи ўринга кўяди. Тилнинг турган битгани, унинг «ҳаёти мазмуни» маъно ифодаси бўлганидан сўнг, унга мулоқот юритиш воситаси сифатида инъом этилган ҳодисани ўрганишга аҳд қидаётган ҳар бир илм соҳиби маъношунос бўлишга мажбурланади.

Ҳарҳолда маъно фақат когнитив тилшунослик «қарамоғи»даги ҳодиса эмас, тилнинг вазифавий хусусиятлари билан машғул бўлган ҳар бир соҳа ушбу ҳодиса билан шуғулланади. Ҳатто формал семантика ҳам маъно тадқиқини мақсад килган йўналишdir. У ҳолда когнитив тилшуносликнинг бошқалардан фарқи нимада экан? Фанимизнинг бу соҳасида тил табиати унинг когнитив вазифаси фаоллашуви кесимида ўрганилади. Бу вазифанинг фаоллашуви, бир томондан, оралиқ информатив тузилмалар воситасида амалга ошса, иккинчи томондан, лисоний бирликларнинг иштирокини талаб қиласди. Шу боис, когнитив тилшуносликнинг обьектини лисоний тафаккур жараёни ташкил қиласди десак, хато қилмасак керак. Бундай ёндашувда тилда жамланган билим заҳираси маънодор категориялар тўпламидан иборат эканлиги аниқ бўлиб, уларнинг воқелик кузатуви тажрибасида туғиладиган янги маълумотларнинг концептуаллашувидаги вазифаси равшанлашади.

Айтилганлар когнитив таҳлилда семантик структуранинг бирламчи эканлигидан гувоҳлик беради. Оламни билиш жараёнида тилнинг иштироки даставвал категориялаштириш билан боғлиқ, маънога мурожаат қилмасдан туриб, нарса-ҳўдисалар ўртасидаги муносабатларни, уларни гурухлаштирувчи ва умумлаштирувчи белгиларни ажратиш мумкин эмас.

Дунёни билиш, аслини олганда, уни тавсифлаш ёки унинг тўғридан – тўғри онгда акс этиши эмас, балки уни тушуниб олишдир. Фаҳм-фаросатсиз билим маъносиз ва мантиқсиз манбадир. Е.С.Кубрякова ўз ҳамкасби Р.Келлернинг «концептлар тизими – воқеликнинг кўзгуси эмас, балки у олам билан муносабатимизнинг кўзгуси» (Keller 1998: 27), деган фикрига изоҳ бераётib, концептлар муаммоси тадқиқотчиларни «борлиқдаги олам» гоясини ҳамда тилнинг оламни билиш натижаларини мазмунан ифодалашдаги вазифасини узвийликда ўрганишга ундашини таъкидлаган эди (Кубрякова 2000: 18-19). Тил табиатига хос бўлган хусусиятларни шу нуқтаи назардан ўрганиш мақсадини кўзлаган когнитив-дискурсив парадигманинг қамрови тобора кенгайиб бораётганлигига қарамасдан, унинг «бағри»да илдиз отаётган тармоқларнинг барчасида семантик таҳлил ўз ўрнини топган. Бу, айниқса, ментал тузилмаларнинг лисонда воқеланишини таъминловчи омилларни аниқлаш йўлидан бораётган фрейм семантикаси, прототип назарияси, концептуал метафора, концепт назарияси, ментал ҳудудлар каби тармоқларда яққол намоён бўлади. Ушбу йўналишларда шаклланаётган назарияларнинг асосий ғоялари ва таҳлил усуллари билан танишиш маъно назариясининг ва семантика фанининг тилшунослик ривожидаги ўрни муҳим ва муқимлигини аниқ тасаввур қилишга имкон яратади.

7.1. Прототиплик ёхуд прототиплар семантикаси

Прототип назариясига ўтган асрнинг 80-йилларида олмон руҳшуноси Элеанор Рош томонидан асос солинди. Рош хоним шогирдлари билан ҳамкорликда қатор тажрибасиновларини ўтказишиб, категорияларнинг таркиб топиши, уларнинг ички тузилиши ҳақида маълум хуносаларга

келдилар. Тез орада бу хулосалар ахборот яратилиши жараёни билан қизиқувчилар (психолексикологлар) дикқатини жалб қила бошлади ҳамда сунъий интеллект муаммолари тадқиқига татбиқ этилди. «Прототип» тушунчасининг тилшуносликка кириб келиши Анна Вежбицка, Жорж Лакофф, Савас Тсоҳатзидис, Жон Тейлер кабиларнинг номлари билан боғланади.

Прототип назариясининг асосида категориал тузилма, яъни тушунчанинг талқини муаммоси туради. Маълумки, тушунча ҳодисаси узоқ даврлар давомида қисмлардан иборат тафаккур шакли сифатида қараб келинди ҳамда шу нуқтаи назардан сўз маъносини ҳам бўлакларга (семантик белгиларга) ажратиб ўрганиш амалиёти тарғиб қилинди. Масалан, «**бўйдок**» сўзи маъно структурасида «эркак», «балоғатга етган» («балоғат ёшидан ўтган»), «уйланмаган» семантик белгилари фарқланиши одатга кирган. Барча семантик белгиларни санаб ўтиш ва рўйхатга олиш амали қўлланилганда, сўзлар у ёки бу семантик белгининг маъно структурасида бор ёки йўклигига нисбатан қиёсланадилар. Жумладан, «**ота**» ва «**она**» сўзларининг умумийлиги уларнинг иккаласида ҳам «**одамзот**», «**ёши катта**», «**қариндоши**» семантик белгиларига эга эканлигига бўлса, фарқланиши эса, «**эркак**» ва «**аёл**» жинсий кўрсаткичларига асосланади. «**Ўғил**» сўзининг фарқи «**ота**» ва «**она**» сўзларига нисбати «**катта ёшда**» эмаслигига кўринади. Ўз пайтида ушбу йўналишдаги таҳлил сунъий интеллект мутахассисларининг эътиборига ҳам тушди ва улар луғавий бирликни семантик бўлакларга ажратиш услубига таянган ҳолда электрон луғатлар тузиш имкониятлари хусусида бош қотириб кўрдилар. Шундай изланишлар муаллифларидан бири бўлган Р.Шенк тилдаги барча феълларни 12 та примитив ёки оддий ҳаракат турларига тақсимлаш мумкин, деган фикрга келган эди (Schank 1975).

Тил бирликлари маъно структурасини бўлакларга ажратиб ўрганиш амали америкалик тилшуносслар ўйлаган доирадаги янгилик эмас. Маъно компонентлари, фарқловчи фонологик белгилар каби энг кичик маънодор бўлакларни ядро физикасига тақлид қилиб, «атомар маъно», «маъно квантлари» ёки «семантик примитивлар» деб аташ ҳам янгиликдан дарак бермайди. Сўз семантик структурасини бўлакларга ажратиб тавсифлаш - тилшуносликнинг қадимий анъанаси. Луғатшуносслар бу амалдан азалдан фойдаланиб келадилар. Негизида аслида формал мантиқ амаллари турган бўлакларга ажратиш амалларининг луғатшунослик амалиёти учун қулайлиги шундаки, улар ёрдамида сўзларнинг маъноларини ажратиб тавсифлаш имконияти кучаяди (формал мантиқнинг кенг тарқалган амалларидан бири айнан санаб ўтиш, хисоблаб чиқиш эканлигини унутмаслик лозим). Лекин луғатшуноссларнинг маъноларни санаб ўтишда, уларни фарқлашда учрайдиган қийинчиликлари ҳам хисобсиз. Щунингдек, амалиётчилар бўлаклардан яхлитни йигиш усули сўзлар маъносини изоҳлашда ҳар доим ҳам қўл келмаслигини кўп бора қайд этишган. Ажратилаётган семантик белгилар, атомар маънолардан қайси бири луғатдаги изоҳда «калит» ролини ўташи мумкинлигини аниқлаш қийин масала. Энг муҳими, ушбу бўлаклар қай йўсинда жамланганда яхлит маъно юзага келишини ҳозирча ҳеч ким етарли даражада тушунтириб берганича йўқ. Психолингвистларнинг кузатишича, ҳатто хотираси сусайган шахслар ҳам сўзларни хотирада тиклашда асосан яхлит маънони эслаш йўлидан борар эканлар (Harley, 2004: 288).

Ҳар қандай нарса – ҳодисанинг моҳияти унинг яхлитлигига намоён бўлади. Қисмларга бўлиб ўрганиш ҳодисанинг у ёки бу хусусиятини билиш мақсадида қўлланиладиган методик амалдир. Ажратилган белги якка ҳолда олинганда, умумий моҳиятни билиш учун қарийб ҳеч

нарса бермайди. Моҳиятни аниқ билиш мақсадига етишиш белгиларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг умумий хислатларини аниқлашни тақозо этади. Категориаллик фақат яхлитга хос бўлади. Мантиқшуносларнинг ўзлари эътироф этганларидек, анализ амали охир-оқибатда синтез учун хизмат қиласди, унга замин яратади. Махсус луғатда таърифланишича, анализ «ўрганилаётган предметни фикран ёки амалда таркибий қисмларга ажратиш методи бўлиб», бу методнинг қўлланишидан мақсад «анализ жараёнида ажратилган элементларни бошқа мантиқий амал –синтез воситасида яхлитлаштиришдир» (Кондаков 1975: 34-35). Бундай яхлитлаштириш жараёнида алоҳида белгилар янгича, «бойитилган» кўринишга ва мазмунга эга бўладилар.

Синтетик амалларнинг устуворлигини сезган баъзи тадқиқотчиларнинг бўлакларга ажратиш таҳлилини батамом инкор этишга уринишлари ҳам бехуда кўринади. Зоро, семантик белгилар, таркибий қисмларнинг хусусиятларини аниқ тасаввур қиласдан туриб, маъно тузилишининг умумий тавсифига эришиш қийин. Бўлакларга ажратиш (компонентлар) таҳлили лексик маънони тавсифлаш ва қиёслашнинг кулай усули сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У синтетик ёндашув учун замин тайёрлаши ҳозиргина айтилди. Ҳарҳолда, аналитик ва синтетик ёндашувлар муносабатида, иккинчисининг етакчи эканлигини қайд этишга барчамиз мажбурмиз.

Прототиплар назарияси айнан синтетик амалларнинг маъно шаклланиши жараёни тадқидига татбиқ қилинишининг намунасиdir. Олдинроқ айтилганидек, прототип оламни билиш фаолиятининг асосида турадиган категориялаштириш шароитида намоён бўладиган ҳодиса. Маълумки, воқелик идрокининг муҳим жихатидан бўлган категориялаштириш онгли фаолият натижасидир. Категориялаштиришнинг беихтиёр амалга ошишини

тасаввур қилиш қийин. Онгли идрок турфа оламнинг тартиботли, тизимли тасаввури учун шароит яратади. Бу шароитда онгда бажариладиган амаллардан асосийлари танлов, умумлаштириш ва таснифлашдир. Воқеликдаги нарса-ҳодисалар белги, хусусиятларга бой ва идрок фаолияти бу белгиларнинг барчасини бирварақайига қамраб олиш имкониятига эга эмас, бунга ҳожат ҳам йўқ. Мавжуд белгилар жамланмасидан, одатда, айримларигина «назарга тушади», танлаб олинади. Танлов, албатта, инсон томонидан бажарилади, лекин онгли фаолият танлаётган белгининг аҳамиятини, қийматини аниқлади. Табиатан субъектив бўлган танловнинг ижтимоий моҳият касб этиши шунда. Танлангаётган белгининг муҳимлиги ҳам субъектив, ҳам ижтимоий ўлчовга эга. Танлов ўлчови кейинги амаллар – умумийлаштириш ва танлов учун йўл очиб беради. Бундай танловда белгининг муҳимлиги асосий мезон эмас. Буни, масалан, биологик жинсий фарқларнинг грамматик род категориясида бир текис акс топмаслигида кўриш мумкин. Лотин тилида *«homo»* эркак сўзининг *masculine* (мужской), *femina* «аёл»нинг эса, *feminine* (женский) родларга тақсимланиши тушунарли. Лекин *pes* «оёқ», *gladins* «қилич» каби конкрет ва *honer* «шараф» мавхум отларига эркаклик, *biga* «қайиқ», *fides* «ишонч» кабиларга эса, аёллик нисбатини берилишини тушуниш қийин. Энг ҳайрон қолдирадигани ягона бир предметга гоҳ эркаклик, гоҳ аёллик кўринишининг берилишида бўлса керак. Ўтган асрларда яшаган форсийзабон элатларнинг наздида, ҳаво, сув, кийим, озуқалар *кучли* (кўпол) ёки *кучсиз* (нозик) сифатларга эга бўлиши мумкинлиги боис эркаклик ёки аёллик нисбатига эга бўлган. Инглиз этнографи Бернетт Тайлорнинг гувоҳлик берисича, Африкадаги даяки қабиласи вакиллари *кучли* ёмғирни эркак деб атайдилар: «Уйтан ачай си!» – «Эркак ёмғир -бу!» (Тайлор 1989:140). Шу каби ҳолатни жонли ва жонсиз отлар фарқланишида ҳам

кузатици мүмкін. Шимолий Америкадаги алгонкин қабиласида жонлилар категориясига тирик мавжудотлардан ташқари, қуёш, ой, чакмоқ, момоқалдироқ каби илохийлик ёки кучлилик құдратига зәға бўлганлар билан биргаликда ёй, қозон, бургут пати, тамаки трубкаси, ногора каби предметлар ҳам киради.

* Буларнинг барчаси, биринчидан, танланган белгининг таснифлаш қыйматига зәға бўлиши турли омиллар билан боғлиқлигидан дарак берса, иккинчидан, белгининг категориал хусусияти идрок фаолиятининг оралиқ босқичи – умумийлаштириш мантикий ҳаракати жараёнда эътиборни торгади. Ҳозирги кунда когнитив бирлик сифатида қаралаётган прототип айнан шу жараёнда шаклланади. Э.Рошнинг таърифича, прототип бирор-бир гурухга, синфга оид ҳодисалар хусусиятлариниг умумийлигини акс эттирувчи белгидир. Олима «оиласи үхашашлик» (*family resemblance*) деб номлаётган (Rosh and Merris 1975:574) ушбу белги, «оила»га киравчиларнинг хусусиятларини қиёслаш ва умумийлаштириш асосида ажратилади. Нарса-ҳодисаларни у ёки бу гурухга киритиш учун уларнинг прототипга қай даражада монанд эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Масалан, күшлар гурухидагиларнинг прототип мезони уларнинг қанотли, патли бўлиш, уча олиш каби хусусиятларидир. Ўткир тумшукли, тухумдан очилиш, ёввойилик каби хусусиятлар эса, прототип шаклланишида бирор-бир аҳамиятга зәға эмас. Қаноти бор пингвин, уча олмагани учун ушбу прототип таснифдан ўрин топа олмайди.

Семантик таҳлилга прототип категорияларини жорий қилишнинг тарафдорларидан бири бўлган Дирк Гираертнинг тавсифича, бу категориялар қуйидаги хусусиятларга зәға бўлишлари лозим (Geeraerts 1989:593):

а) прототип категорияларни бирор алоҳида олинган мезон асосида ажратиб ва изоҳлаб бўлмайди;

- б) прототип категориялар «оилавий ўхшашлик» структурасига эга ёки, бошқача айтсак, семантик структура маънолар уюшмасининг қатламлапувини акс эттиради;
- в) прототип категорияларнинг таснифий белгилари бир хил эмаслиги сабабли, категория таркибига кирувчиларнинг эгаллайдиган ўрни ҳам бир хил даражада бўлмайди;
- с) категориилар аниқ чегарага эмас, уларнинг худуди янги кўрсаткичлар, бирликлар ҳисобидан кенгайиб туриши мумкин.

Ушбу ҳусусиятларнинг олам идроки жараёнида ўзлаштирилаётган билимнинг лисоний воқеланишида ва маъно касб этишида намоён бўлиши турлича кечади. Авваламбор, прототипларнинг даражаланиш белгиларига эга бўлиши тушунчаларнинг маъно шаклланишида таянч нуқта ролини ўташи билан боғлиқ. Зотан, биз янги ҳодисаларни мавжуд категориилар, қолиллар доирасида идрок этишга интиламиз. Идеал когнитив қолип (Lakoff 1987:68) янги ҳодисаларни таснифлаш, уларнинг категориал белгисини аниқлаш мезони, «тарози»сидир. Бундай қолип (модел) узвларнинг боғлиқлигини акс эттирувчи, улар кесишадиган тугунлар тўқимасидан иборат бўлади. Қолидаги ҳар бир тугун концептуал категорияга мос келади. Шу боис категориянинг мавқеи ва меъёри маълум тугуннинг умумий таркибдаги ўрни, бошқа тугунлар билан муносабати, ниҳоят, ушбу қолипнинг концептуал тизимдаги ёндош, сарҳаддош бирликлар билан алоқасига нисбатан белгиланади. Ана шу муносабатлар, алоқалар кўламида прототипнинг роли намоён бўлади. Мисол тариқасида семантикага оид ишлар учун анъанавий бўлиб қолган яна ўша «бўйдоқ» сўзини оладиган бўлсак, унга бериладиган «уйланмаган» «балогат ёшидан ўтган» тавсифи фақат алоҳида социал мухитда (уйланиш ёши ҳақида маълум тушунча мавжуд бўлган жамиятда) фаол ва ҳақиқат бўла олади. Матриархат тузумли жамиятда эса, эркак кишига

«бўйдок» сифати берилмаса керак. Инсонлардан йироқда вояга етган Тарзану, Мауглилар ҳам «бўйдок» сўзининг маъносини билишмайди. Ҳатто католик мазҳабидаги руҳонийлар ҳам «бўйдок»ликда айбланмайдилар.

Лакоффнинг кузатишича, категориялаштириш учун асос бўлаётган идеал когнитив модел кўпинча кўп қаватли таркибга эга бўлиб, боғламли, даста модел (*cluster model*) кўринишини олади (Lakoff 1987:74). Буни, масалан, **она** тушунчасининг маъно таркиби шаклланишида кузатиш мумкин. Луғатларда акс этадиган «фарзандли, бола тукқан хотин» қабилидаги маъно изоҳи амалий жиҳатдан кўпчиликни қониқтириши мумкин, албатта. Лекин, **она** бўлиш учун болани туғишининг ўзи кифоя эмас, уни боқиши, вояга етказиш, тарбиялаш лозим. Бундан ташқари, **она** бўлиш учун турмушга чиқиш, туғилган боланинг отасига хотин бўлиш ҳамда боланинг энг яқин аёл қариндоши сифатида эътироф этилиши лозим. Демак, **она** тушунчасининг концептуал маъноси турли когнитив моделлар боғлами замирада шаклланади. Бундай ҳолатларда, одатда, қайси қаватдаги когнитив моделнинг бирламчи эканлигини аниқлаш муҳимдир. Кўпчилик луғатшунослар **она** сўзига изоҳ беришда, одатда, «туғилиш» моделини танлайдилар: «Фарзанд тукқан она». Аммо бундай одатдан чекиниш ҳолатлари ҳам учрайди: Жумладан, Longman луғатларида mother сўзининг изоҳи қариндошлик (генеологик) моделга асосланади: female parent (аёл қариндош). Oxford луғатларида эса, «қариндошлик» ва «туғилиш» моделлари бирикади: female parent; woman who adopted a child – «Аёл қариндош; бола тукқан хотин».

Маъно қатламларидан жой оладиган когнитив моделларнинг қиммати улардан қайси бирининг прототип хусусиятини олиши билан белгиланади. **Она** тушунчасининг турли маънолари фаоллашувида ёки маъно кўчимлари юзага келганда турли когнитив моделларнинг

прототип ролини ўташи қузатилади. Рус тили дарсларида муаллимамиз шеър ёдлатганда айтган «Повторение матъ ученья» мақолидаги метафорик күчим «тарбия» когнитив моделига асосланади.

Психологлар прототип назарияси ҳозирги пайтда икки йўналишда шаклланиб бораётганлигини қайд этмоқдалар (Hampton 1991;1997). Биринчи йўналишда категория таркибига кирувчи бирликларнинг белги-хусусиятлари санаб ўтилиши ва улардан қайси асосий (марказий) бўлиши мумкинлигини аниқлаш ўйли билан маълум бир тушунча – концептнинг табиати изоҳланади. Энг кўп белгилар тўпламига эга бўлган бирлик категориянинг муҳим (энг яхши) вакили ҳисобланади. Прототип назариясининг бошқа йўналишида эса, категория таркибини аниқлаш учун ўхшашлик мезони асосий ўринга чиқади. Бунда бирор–бир бирликни категория таркибига киритиш учун унинг прототипга нақадар яқинлик, қанчалик ўхшашлик даражасига эга эканлигига таянилади. Жеймс Ҳэмптон, бу икки йўналиш бир-бирини тақоролмаслигини (Hampton 1997:88) исботлашга зўр бераётган бўлса-да, улар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқлиги аниқ кўриниб турибди. Ҳар иккала йўналишда ҳам кўзланаётган мақсад – категориялар марказида турган бирликни топиш ва унинг прототипга қанчалик яқинлигини аниқлашдир. Бу мақсадга эришиш учун яна ўша категориялаштириш қатиамлари, босқичларининг муносабатлари, алоқадор жиҳатларини излашга мажбурмиз. Категориялар ички таргиботи, тузилишида бирликлар белгиларининг миқдорий кўрсаткичлари ва уларнинг ўхшашлик меъёри ушбу бирликлар муносабатларининг босқичли кўринишини тасвиrlайди. Қиёсланг: **мева – олма** – Бахмал олмаси; тирик мавжудот – ҳайвон – **ит** – лайча; предмет – курол – кесадиган курол – **пичоқ** – ошпичноқ ва ҳоказо.

Ажратилаётган «қаватлар»нинг категория таркибидаги ўрни ва қиймати бир хил эмас. Уларнинг мақоми мавҳумлик ва конкретлик кўрсаткичларига қараб белгиланади. Аслаҳа, қийим – кечак, ҳайвонот каби категорияларга ўта мавҳумлик мансуб. Куйи қатламдаги категориялар эса, кўпроқ конкрет кўринишга эга бўлади ва улар **туб, негиз категория** деб аталадилар. Бирор – бир категориянинг туб ёки негизлик хусусиятига эга бўлиши унинг бошқаларга ўхшашлик (ёки ўхшамаслик) даражаси ҳамда ушбу маъно шаклланишида қўшадиган ҳиссаси билан ўлчанади. Масалан, «ҳайвон – ит – лайча» қаторини оладиган бўлсак, «ҳайвон» категорияси-нинг «қуш», «балиқ», «ҳашорат» каби қўшни категориялардан кескин фарқи яққол кўринса-да, унинг ички категориал фарқи унчалик аниқ эмас. «Лайча»нинг қўшни категория аъзоларида (масалан, «бургут»дан) фарқининг информативлик даражаси паст (яъни бу фарқ маъно тавсифида ўрин топмайди). Демак, таҳлил қилинаётган қаторда «ит» асосий ўринни – негиз қаватни эгаллайди. Негиз категорияларнинг категориал маъно шаклланишида асосий рол ўйнашини психолингвистик кузатувлар натижаларида ҳам кўриш мумкин. Ёш болаларга лайча ёки тозининг суратини кўрсатиб, у нима эканлигини сўрасангиз бериладиган жавоб «ит» бўлишига аминман. Лайчани бошқа итлардан фарқлап лисоний тафаккур, категориалаштиришнинг кейинги босқичларида амалга ошади. Шу сабаб ҳам, ёш болаларнинг илк ўзлаштирадиган сўзлари конкрет маъноли отлар ва мономорфемик ёки кичик таркибидаги сўзлар бўлса керак.

Прототип назариясида категорияларнинг чегарасини белгилаш ҳақида аниқ бир тўхтамга келинганича йўқ. Лакофф ва Хэмптон каби тадқиқотчилар категорияларнинг меъёри чегараланган, акс ҳолда, тасниф амалини ошириб бўлмас эди, деб хисоблайдилар. Аммо категория таркиби-нинг прототипга, яъни маълум синфга оид бўлган хусусият-

лар, белгиларнинг сохиби бўлган бирликка нисбат берган ҳолда аниқланиши барчага маълум. Шунга биноан категория таркибида марказ ва сарҳад узвлари мавжуд бўлиб, марказдан узокроқдаги узвларнинг мавқеи унчалик даражада муқим эмас, уларнинг бальзан бошқа категория худудига кўчишлари ҳам кузатиладиган ҳолдир. Р.Лангакер ёзаётганидек, «бирор-бир элементнинг прототипдан қанчалик узоқлашиши мумкинлиги чегараланмаган, категориялаштирувчи шахс типик ўхшашлик белгиларини топа олса, ушбу элемент мавжуд категория таркибида қолаверади» (Langacker 2002:266). Сарҳаддаги элементнинг мақомини аниқлаш учун марказдаги, яъни прототип узвнинг белгилари қай микдорда сақланаётганини инобатга олиш керак. Бунинг исботини топиш учун, масалан, **югурмоқ** феъли семантик структураси атрофида юзага келадиган категориал белги муносабатларини кузатиб кўрайлик. Ушбу феълнинг илк маъноси инсоннинг тез (оёқда) ҳаракатини ифодалаш билан боғлиқ: «**ирғишлиб бирор йўналишда тез ҳаракат қилимоқ**» (ЎТИЛ). Менимча, лугат тавсифидаги «ирғишлиб» семантик белгиси ортиқча, («ирғишиламоқ» бирор йўналишдаги ҳаракатдан кўра кўпроқ жойида туриб сакрашни англатади), тавсифда етишмаётган семантик белги эса – югуришнинг юриш ҳаракатидан тез эканлиги ва бу ҳаракатнинг оёқ воситасида бажарилишига ишоранинг йўқлигидир (қиёсланг: инглиз тилида run – to move on one's legs at a speed faster than walking «оёқларда юришдан кўра тезроқ ҳаракат қилиш»- LDCE). Демак, инсоннинг бирор йўналишдаги тез ҳаракати ҳақидаги тушунча тўлиқ бир категориянинг марказида туради, унинг прототипи вазифасини ўтайди. Худди шу прототип «**югурмоқ**» феълининг кейинги семантик тараққиётида кўп маънолиликка эга бўдишида таянч нуқта вазифасини ўтайди. Дарёнинг, сувнинг «югуриши» прототипдаги ҳаракатнинг тезлиги белгисини сақласа, боланинг раисни

чақириб келиш учун «югуртирилиши» ҳаракатнинг оёқда бажарилишига ишора қиласи. Шунингдек, хатта кўз югуртириб чиқиши ҳам ҳаракатнинг тез бажарилаётганига ишора бўлса, «бирор мақсадни амалга ошириш учун югуриш» («Ўқишнинг кетидан югуриш») маъносида эса, прототипдаги «бирор йўналишдаги ҳаракат» белгиси ўз аксини топган.

Маълумки, тавсифий тилшуносликда ҳам лексик маънонинг поғонали тузилишига эга эканлиги таъкидлаб келинади. Таниқли семасиолог Санкт Петербург педагогика университети чет тиллар факультетини кўп йиллар бошқарган М.В.Никитин лексик маъно таркибан икки қисмдан иборат бўлишини айтган эди. Биринчisi – маънонинг мазмуний ядросини (марказини) ташкил қилиб, «интенсионал» деб номланса, иккинчisi четки ҳудуддаги ёки сарҳаддаги семантик белгилардан ташкил топади ва «импликационал» номини олади. Маъно интенсионаллари денотатларни номлаш учун лозим бўлган таснифлаш, ўхтатиш ва фарқлаш амалларини фаоллаштирувчи нутқий тафаккур ҳаракатларининг асосида туради. Импликационаллар эса, сўзларнинг маъно структурасидан муҳим ўрин олмайди, уларнинг фаоллашуви кўпинча контекст билан боғлиқ (Никитин 1983:24). Олимнинг лексик маъно тузилиши ҳақида билдираётган фикрлари мантиқан асосли эканлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Бироқ бир пайтлари маърузаларидан завқ олган домламнинг рус тилидаги «зима» сўзининг интенсионалини «время года с декабря по февраль в Северном полушарии и с июня по август в Южном полушарии», деб тавсифлаётганига ҳайрон қолганман. Наҳотки, рус тили соҳиби учун Жанубий яримшарда кечаетган фасл ўзгариши борасидаги маълумот муҳим бўлса?! Аксинча, унинг учун йилнинг энг совук пайти ҳақидаги маълумот аҳамиятлиdir. В.М.Никитин импликациялар қаторига қўшаётган «йилнинг энг совук

даври» семантик белгисини маъно ядросига киритсак, хато қилмаймиз. Афтидан, рус тили лугатларининг муаллифлари ҳам шундай фикрдалар: «зима – самое холодное время года, наступающие вслед за осенью и сменяющееся весной» (Д.Н.Ушаков); «самое холодное время года, следующее за осенью» (С.И.Ожегов). Агар М.В.Никитинга ишониб «осень» ва «весна» белгиларини ҳам импликациялар қаторига ўтказсак (Ўша асар, 25-б), интенсионал янада ихчамлашади.

М.В.Никитиннинг интенсионал ва импликационални фарқлаш борасидаги фикрларини эслатиш билан маъно структурасининг ўзагини, мундарижавий марказини топиш истаги когнитивистлардан бошқаларга ҳам ёт эмаслигини айтиб қўймоқчиман. Тилшунослар кўпдан буён қўллаб келаётган «энг яқин (яқиндаги) маъно» (А.А.Потебня), «асосий, номинатив-туб маъно» (В.В.Виноградов), «семантик примитив» (А.Вежбицка) ва «десигнат» каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши бунга мисолдир. Аммо бу тушунча, атамалар илмий тафаккур ва таҳлил тараққиётида мухим вазифани ўтаб келишаётганларига қарамасдан, улардан қайси бирининг семантик ўзакни тўлиқ акс эттириши ҳакида бирор бир аниқ фикрга келинганича йўқ. Масалан, мантиқшунос ва тилшунослар тинимсиз мурожаат қилиб келаётган «десигнат» тушунчаси айримлар учун фақат фарқловчи белгилар тўпламини англатса, бошқалар эса, унинг таркибидаги белгилар меъёри ҳакида ҳеч нарса демасдан, оддийгина қилиб асосий белги воситасида референт моҳиятини ифодалаш таърифини бериш билан чекланадилар (қаранг: Апполонская ва бошқалар. 1987:58). Сўзсиз, «маълум бир синф (гурух)нинг вакили», «категория моҳиятини белгиловчи объект» сифатида талқин қилинаётган «прототип» тушунчаси ҳам (Лакофф 1981:357) шу қатордан ўрин олади. «Лексик прототип» тушунчасининг бошқалардан қулайлиги шундаки, у

фарқловчи ва бириктирувчи белгиларни бир хилда қамраб олади. Прототип ажратилишининг бирдан бир талаби белгилар тўпламининг ихчам кўринишга эга бўлиши ҳамда ажратилаётган белгилар тўпламининг предмет ёки тушунчанинг моҳиятини аниқлаш учун етарли эканлигидадир. Эсласангиз, бир-икки саҳифа олдинроқ «лексик прототип» тушунчасидан полисемия ҳодисасини шарҳлаш ва омонимларни фарқлаш мақсадида фойдаланиш имконияти ҳақида гапирилган эди. Ҳозир прототипнинг полисемантик сўзнинг алоҳида лексик – семантик варианtlари, бошқача айтганда, маъно бўлакларининг мақомини белгилаш воситаси бўла олишини «юз» сўзининг таҳлили мисолида кўрсатмоқчиман (маълумотлар асосан «Ўзбек тили изоҳли луғатидан олинмоқда»).

Луғатда берилишича, ушбу сўзнинг бирламчи маъноси – «одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши». Бошқа тиллар луғатларидаги изоҳлар ҳам шу мазмунда: инг. face – front part of the head (Longman Dict.); лица – «передняя часть головы человека» (С.Н.Ожегов) ва ҳоказо. Шунга биноан ушбу маънони лексик прототип сифатида қараш мумкин. «Юз» сўзининг кейинги маъноси («Ер юзи», «ой юзи» каби бирикмаларда) лексик прототипга анча яқин ва бунда юзнинг одам танасининг устки, кўзга аниқ ташланадиган қисми эканлиги категориал белги вазифасини ўтамоқда. «Кўчанинг юзидаги уйлар» ёки «дарёнинг ул юзидан қолиб, бул юзидаги ёрга етолмаслик» кабилар ҳақида гап кетаётганда прототипдаги «олд томондан кўриниши» белгиси фаоллашмоқда. Чунки масофа, худуддаги жойлашувнинг ҳисоби инсоннинг кўзи бевосита тушиб турган обьектдан бошланади. Луғатда қайд қилинаётган «обрў, эътибор, юз-хотир» лексик-семантик варианти, ўз навбатида, метафорик кўчимнинг натижаси бўлса-да, инсон юзига бўлган мантиқий ишора сақланмоқда: одамга бўлган эътибор, хурмат уни рухлантиради, руҳият эса, юзда намоён

бўлади. Отабекка насиҳат қилаётган отаси Юсуфбек ҳожи «Ҳар ҳолда ҳурматларини бажо келтириш, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келаодилар» дейиш билан ўғлига «Хурматингни сақла, бошқалар юзига оёқ қўйма» ўғитини етказмоқчи. «Юзига оёқ қўймоқ», «Юзини шувит қўймоқ», «юзидан ўта олмаслик» каби иборалар семантик структурасини ҳам метафорик кўчим билан боғлиқ изоҳлаш мумкин. «Юзи ёруғ», «юзи иссиқ», «юзи қора» кабилар эса, метаномик кўчимлар бўлиб, яхлит ва қисмлар муносабатига асосланади. Зеро, юз – одам гавдасининг алоҳида (иядан бўйингача бўлган) қисмидир. Бироқ, «юз бермоқ» (содир бўлмоқ) ва «юз тутмоқ» (йўл олмоқ, кетмоқ) иборалари мазмунида лексик прототип маъносининг акс топиши тамоман ўзгача. Бу ерда лексик прототипнинг юз бошнинг олд қисмida жойлашганлиги ҳақидаги белгиси мундарижавий ўзак ролини ўйнамоқда. Зеро, бирор томонга кетаётган одам олдинга қараб юради, унинг юзи олдинда бўлади: У Кўён томонга юз тутди. Бироқ, «инқирозга юз тутмоқ» иборасида иккиласми маъно кўчими содир бўлмоқда, бунинг прототипи эндилиқда «олдинга юриш, кетмоқ» маъносидаги ҳаракат белгисидир.

«Юз» сўзи ўзак ролини ўтайдиган ясама бирликларнинг прототип боғлиқлиги турлича. Бинобарин, «юзлашмоқ» феъли ва «юзма – юз» равишларининг маъноси прототип билан бевосита боғлиқ: бирор киши билан учрашиш учун юзлар рўпара келиши керак, юзма – юз ўтиришда ҳам юзга – юз тушади, ўтираётган шахс олд томонига қараб ўтиради. «Юзиз» сифати ва «юзизларча» равиши эса, «юз» сўзининг «обру – эътибор, юз – хотир» лексик семантик варианти негизида ҳосил бўладилар. Демак, уларнинг асосий лексик прототип билан алоқаси билвоситадир. Бу, ўз навбатида, семантик ва лексик деривациянинг кўп босқичли жараён эканлигидан яна бир карра дарак беради. Айни пайтда, «юзаки» («юзаки маълумот») сифати ва «юзлаб» («Ерни

юзлаб саёз ҳайдамоқ») равишининг маънолари прототипдаги «устки сатҳ» прототип белгиси негизида пайдо бўлади. Муҳими, прототип белгининг луғавий бирликларининг грамматикалашуви жараённида сақлаб қолиниши кузатилган ҳолдир: «Адолат юзасидан гапирмоқ» ва «Инсоф юзасидан иш тутмоқ» иборалари замирида «адолатнинг юзига қараб» ёки «инсофнинг юзига юзингни рўпара қилиб» деган прототип мазмунлар ётганлигига ишонмасликнинг имкони йўқ.

Шундай қилиб, сўз маънолари тизимли воқеликнинг маълум бир лисоний белги, шакл воситасида онгда акс этиши натижасидир. Семантик структура таркибидаги барча маъно бўлакларини прототип доирасида ихчамлаштириш ҳамда изоҳлаш имкониятининг мавжудлиги тил тизими таркиби ва унинг фаоллашуви батамом когнитив тежамкорлик қонуниятлари назоратида эканлигидан дарак беради (Langacker 2002:102 – 104). Прототип умумлаштириш ва мавхумлаштириш намунаси сифатида оламни билиш жараённида юзага келаётган тасаввурни тез ва оддий лисоний воқелантириш имконини яратади. Лингвистик билим маъновий яхлитликка эга ҳолда хотирада сақланади ва лисоний фаолиятда унинг керакли бўлаги фаоллашиб, қолган қисми «вақтингча» унутилади. Натижада когнитив меҳнат сарфи камаяди. А.Вежбицканинг таҳлилича, ҳар қандай мураккаб таркибли семантик структура оддий қолип – тизимлар замирида шакланади. Тил соҳиблари ва тил ўрганувчилар шу қолиплардан фойдаланган ҳолда (улар асосида) сўзларнинг алоҳида маъноларини ёдда сақлаб қоладилар ва, лозим бўлганда, қайта яратадилар (Wierzbicka 1985:115).

Оламнинг идроки, аслини олганда, уни англаш ва «қайта яратиши»дан иборатдир. Бундай идрок шароитида сўзловчи (тингловчи ҳам) идрок обьекти - олам парчаси билан муносабатга киришади, уни концептуаллаштиради

ҳамда лисоний тасвирини яратади. Ушбу тасвирнинг, кузатилаётган мақсадга мос равишда, кўлами турлича (тафсилотли ёки тафсилотсиз) бўлиши мумкин: **қизил – тўқ қизил – қондай қизил**. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам концептуаллаштирув жараёни когнитив фаолиятнинг икки асосий тамойилини четлаб ўта олмайди. Булардан биринчиси сиз билан биз кўп марта такрорлаганимиз – оламни билишда олдинги тажрибага асосланиш тамойили бўлса, иккинчиси эса, оламнинг лисоний қиёфасини яратишида категориал қолиплардан фойдаланиш тамойилидир. Таникли психолингвист Р.М.Фрумкина когнитив тилшунослик ва психолингвистиканинг яқин-узоқлиги ҳақида гапираётиб, когнитивизмнинг асосий шиори оламни тасвираш эмас, балки уни тавсифлаш эканлигини қайд этади: «биз оламни руҳият воситасида («онгда» демоқчирир – Ш.С.) яратамиз» (Фрумкина 1999:90).

Синергетик таълимот олам тартиботи мувозанат ва мувозанатсизлик муносабатида кечишини уқтиради. Герменевтика йўналишида изланишлар олиб бораётган файласуфлар «тебранувчан олам» тимсолини тарғиб қилмоқдалар. Уларнинг ақидасига биноан замон (олам каби) ўзгарувчан, унинг ҳар бир дақиқаси милтиллаб ёнаётган чироқ сингари ўчиб-ёниб турди ва олдинги ҳолатини тўлигича сақлаб қола олмайди. Онгнинг билиш фаолиятидаги ҳаракати ҳам шунга ўхшаш: ўтмиш ва келажакни эслашга вақт етишмайди, ҳозир мавжуд дақиқа давомида ўйлаганингни ифода қилиб улгуришинг керак. Мулоқот юритаётган шахс учун бирор-бир сўзнинг барча маъно бойлигини тўлиқ хотирлаб ўтиришга вақт етишмайди ва бунга ҳожат ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, у фикрини тўлиқ баён қилиб, ҳамсухбатига етказа олади. Демак, инсон хотираси маънолар «омбори» эмас, балки маънонинг ихчамлашган андозалари тўпланадиган худуддир. Маълум бир гурух, мажмуанинг типик хусусиятларини жамловчи

бундай андозалар маъно яратишида лексик прототип вазифасини ўтгайдилар. Прототип воситасида у ёки бу категорияга оид нарса-ҳодисаларнинг онгдаги тимсоли ҳосил бўлади ҳамда воқелик шу тимсол қамровида идрок этилади. Прототип тимсолидаги идрок ягона бир ҳодисани турли нуқтаи назардан ва турли хил лисоний бирликлар воситасида воқелантиришга имкон туғдиради.

Маънодошлиқ ҳодисаси анъанага биноан таснифий кўрсаткичлар асосида ўрганилади. Синоним қаторлар таркиби сўзлар маъносидаги умумийлик, дистрибутив (бошқа сўзлар билан бирикиш) хислатларининг мос келиши ҳамда контекстда ўзаро ўринлашиш каби кўрсаткичларга нисбатан аниқланади. Ўйлашимча, маънодошликтининг юзага келиши ва сақланиши сабабларини тўлиқ тасаввур қилиш учун когнитив таҳлил амалларига мурожаат қилиш лозим. Ю.Д.Апресяннинг айтипича, синонимлар таҳлилида лугавий бирликларнинг «сийқаси чиқмаган» маъносини эътиборга олиш муҳимдир (Апресян 1974:220), чунки сўзнинг синоним қаторга уюшиши алоҳида олинган маъно доирасида кечади, турли «сийқалашган», қўшимча маъно бўлаклари эса, бу сўзни ушбу қатордан четлаштиради. «Сийқалашмаган» дейиш билан Ю.Д.Апресян тил бирликларининг семантик қиймати ўлчовининг энг «вазмин тоши» бўлган лексик прототип замиридаги маъно бўлагини назарда тутган бўлса, ажабланмас эдим. Зоро, прототип назариясининг синонимлар таҳлилига татбиқ этилиши маълум қатордаги ҳар бир сўзнинг маъно кўламини ва унинг бошқа сўзлар маъносига муносабатини ҳамда маънодош сўзларнинг ушбу қатордаги ўрнини муқимлаштирувчи омилларни ўрганиш самарасини ошириши мумкин.

Кузатишлар гувоҳлик беришича, маънодошлиқ қўпинча маънолар кўчими шароитида юзага келар экан. Бинобарин, инглиз тилидаги *handsome* сифати аслида дат тилидан олинган бўлиб, даставвал «қўлланиши осон, кулай, ўнғай»

маъносини англатган. Ушбу сўзнинг «чиройли, хушбичим» маъносини олиши кейинги даврлардаги кечган маъно кўчиши билан боғлиқ. Лекин маънонинг бу тарзда кўчишида ҳам «чирой» белгисининг сақланиши инсоннинг маълум бир вазифани бажаришга лойиклиги, унинг ижтимоий мақоми юқори эканлигига ишора қиласи ва *handsome person* нафақат хушбичим, балки жамоага фойдаси тегадиган одамдир. Ушбу сўз билан маънодош бўлган *fine* сифати даставвал «тоза, ҳар қандай аралашмалардан холи» маъносига эга бўлган. Унинг инсон ташқи қиёфасини сифатловчи маъносини олиши чиройнинг маълум кўриниши, ҳолатнинг меъёри (яни - тозалиги) билан боғлиқ. Чиройга эга бўлиш бирор мақсадга, нарсага яроқли бўлишдир. Прототип белгиси мос келадиган сўзлар ёйма-ён туришга лойик: ...and by very much more *handsome and fine* «жуда ҳам нозик ва нафис санъат (иш)» – Hamlet, II.ii (Shewmaker 2008:204;251). Шу қаторда турадиган pretty сўзининг семантик тараққиёти ўзига хосдир. Даставвал «эпчил, уддабурон» маъноларини англатган ушбу сўзнинг «чиройли»лар қаторига ўтиши маъно кўчишининг натижасидир. Хуллас, сўзларнинг «чиройли» концепти доирасида уюшишига чиройни манфаат, фойда келтириш нуқтаи назаридан тасаввур қилиш прототип белгисига асос бўлмоқда. Инсоннинг эпчиллиги ундан манфаат кўриш мазмунида англашилади. Шу сабаб биз «чиройли инсон» ва «ҳақиқий инсон» иборалари бир хил мазмунга эга бўлишига ишонамиз.

Умуман, «манфаатдорлик, фойда келтириш» категориал белгисининг маъно шаклланишида, воқелиқдаги нарса-ходисаларга ном берилишида фаоллашуви ёки етакчилик қилиши кузатилиб туриладиган ҳолдир. Чунончи, форс тилида *қоплон* ва *ит* алоҳида лугавий атамаларга эга («паланг» ва «саг»), лекин бу ҳайвонлардан овда фойдаланиш мумкинлиги борасидаги тушунча воқеланишида уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил атамани олади: *йўз*

(«юз» эмас!) – «қўлга ўргатилган қоплон» ва «този ит». Шунингдек, қалмиқ тилидаги «начин» бир пайтнинг ўзида «овчи лочин» ва «ов ити - този»ни англатади. Балким, ақлий фаолиятга оид тушунчаларнинг феъллар маъноси кўчими воситасида ифодаланиши ҳам «фойда келтириш, манфаатдорлик» категориал белгиси фаоллашуви билан боғлиқдир. Акс ҳолда, *«режани пиширмоқ»*, *«ақлни чархламоқ»* каби ибораларда жисмоний ҳаракат феъллари иштирок этмас эди.

Бутун ҳаётини этимологик тадқиқотларга бағишилаган В.И.Абаевнинг ёзишича, биз идрок этаётган воқеликдаги янги ҳодисага муносабат олдинги тажрибадан, ўзлаштирилган билимдан ажралиб қолмайди. Бу билим олдин шаклланган семантик тушунча-мажмуалар доирасидан ўрин олгандан сўнг номланиб, «онгли, ижтимоий тажриба тизимидан ўзига жой топади» (Абаев 2006:29;75). Осетин тиљуносининг ушбу қайдини асосан маъкуллаган ҳолда, олдинги тажрибанинг янги билимга таъсири ҳар хил кўриниш ва мезонда кечишини ҳам унутмаслик лозимлигини эслатиб қўймоқчи эдим. Зотан, семантик структура ривожида марказдан узокроқда турган белгиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Семантик доира кенгайиши, категория таркибига янги бирликларнинг кириб келиши сарҳаддаги белги, маънолар ҳисобидан кечиши ҳолатлари бироз олдинроқ изоҳланган эди. Бундай ҳолатларни кузатган П.А.Флоренский ўз пайтида «янги белгига соҳиб бўлаётган семема олдинги, ҳатто туб маънога бефарқ бўлиб қолади» (Флоренский 1973:367), деган холосага келган эди. Ҳақиқатдан ҳам, сиртқи қатламлардаги белгиларнинг қиймати ўзгариб туради ва бундай ўзгаришлар баъзан ижтимоий сабаблар билан изоҳланади. Масалан, отбозлар учун «от» тушунчасининг марказий, туб маъносидан («якка туёқлиларга мансуб сутэмизувчи йирик иш-улов ҳайвони») кўра иккиласми, узок сарҳаддаги белгилар муҳимроқдир.

«Йўрга», «бия», «байир» кабилар ҳақида гапираётган отбоз отнинг сут эмизувчилар, якка туёқлилар қаторига киришини ҳеч қачон эсламаса керак. Лекин когнитив тилшунослар объект ҳақидаги билим иккиламчи белгилар ҳисобидан нақадар кенгайшига қарамасдан, асосий қатламдаги белги ўз қийматини йўқотмайди, деган фаразни билдиromoқдалар (Johnson and Mervis 1997). Бу фараз ҳам баъзан асослидек кўринади. Шундай бўлмаганида мавхумлашган концептларнинг маъно тузилишини изоҳлаш янада қийинлашар эди. Австралиядаги дирбал элатида аёл, олов ва барча хавфли нарсаларни бир кўз билан кўриб («аёл ҳам оловдек хавфли»), валап сўзи билан аталишини прототип назариясидан четда туриб қандай тушунтиришнинг йўлини ҳали топганимизча йўқ. Шунингдек, «Авесто» матнида «гау» лексемаси сигирнинг ўзидан ташқари унинг гўшти, сути, қатиги кабиларни ифода этган бўлса-да, ҳозир факат умумлашган маънода (тоҷикча «гов» – «сигир, мол») кўлланилаётганлигининг изоҳи йўқ.

Маъно ҳодисаси тавсифига прототип назарияси нуқтаи назаридан ёндашувнинг қулайликларини таъкидлашни истаган Е.С.Кубрякова охирги ишларидан бирида икки ҳолатга алоҳида эътибор беришни сўраган эди. Биринчидан, ягона категория таркибидаги бирликларнинг мавқеи бир хил эмас, уларнинг мақоми прототипга яқин ёки узоқлиги билан белгиланади. Лекин баъзи бирликлар хусусиятларининг намунадан узоқлашиши категориянинг тарқалиб кетишига сабаб бўла олмайди. Иккинчидан, категория таркибидаги бирликлар хусусиятларининг тўлиғича мос келиши камдан-кам кузатилади. Шунга биноан категорияларнинг турли таснифдаги белгилар мажмуасида намоён бўладиган мақоми турлича, яъни баъзилари аниқ чегарага зга категориялар бўлса, бошқаларининг чегараси сийқалашган, худуди аниқ эмас (Кубрякова 2004:107).

Мархум устозимнинг ушбу таъкидлари категориалаштиришнинг лисоний яратувчанлик, ижодкорлик намунаси эканлигидан гувоҳлик беради. Категория – ҳаракатдаги ҳодиса. Бу эса, маъно ҳодисаси когнитив талқинининг ҳам доимий ривожда бўлишини тақозо этади. Когнитив семантиканинг асосий вазифаси маъно тузилишини акс эттирувчи ментал қолиллар, шаклларнинг воқеийлигини, уларнинг имкониятларини аниқлаш, тўғрироғи – қўрсата олишдир. Маъно шаклланишининг мураккаблиги уни тавсифлаш, тахлил этиш турли ёндашувлар, назарий ғоялар, услублар ҳамжиҳатлигини талаб қиласди. Шундай ҳамжиҳатлик, ҳамкорликдан прототип назарияси ўзига мос ва хос ўринни эгаллашига ишонса, бўлади. Ушбу назариянинг энг яқин «ҳамкори» фрейм семантикасидир.

7.2. Фрейм семантикаси

«Қандай қилиб чет тилини тез ўрганса бўлади»? Бу саволга жавоб излашга маҳкуммиз, аммо қанийди бунинг уддасидан чиқа олсак. Баъзилар «кўпроқ сўз ёдла» дейиш билан қутулмоқчи бўладилар. Афсуски, амалда ундан эмас. Фараз қиласлилар, уйингизда энг «зўр» лугат бор (хозирги пайтда бундай лугатлар компютерда ҳам мавжуд), айтайлик, катта миқдордаги сўзларни ёд олгансиз, таржима қилмоқчи бўлаётган матнингиздаги лугавий бирликларнинг ҳаммаси сизга таниш, унда нега яхлит матнни таржима қилиш шунчалик қийин? Сабаби шундаки, тилнинг сандигида турган бирорта ҳам сўзнинг маъноси ўта турғун ҳолатда бўла олмайди. Якка маъноли лугавий бирликни топиш ундан ҳам қийин. Ҳатто терминларга ҳам маъно силжиши ёт эмас. Ягона бир сўзнинг турли маънолари ўртасидаги умуний масофа уччалик узоқ эмас ва баъзан бу масофа шу даражада кўзга илғанмас кўринишга эгаки, буни лугатшунослярнинг сезиши қийин. Сезганларида ҳам маъно

жилоларини тўлиғича луғатда қайд этишнинг иложи йўқ. Шу боис таржимонлик илинжида юрган шахс, луғат ёдлапдан ташқари, ундан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиши лозим. Ўзгалар тилидан фойдаланиш яна ўша маънолар фарқини, уларнинг муносабатларини билишни тақозо этади. Тил тизимини яхлит майдонга ўҳшатадиган бўлсақ, унинг таджирий тузилишини турли бирликларнинг шу майдондаги семантик муносабатлари, учрашувлари тасвирида кўришга мажбурмиз. Немис тилшуноси Йост Трир сўзлар ва уларнинг луғатдаги тавсифи оралиғида «маъно майдони» мавжудлигини таъкидлаган эди. «Майдонлар, - деб ёзди немис олимни, - алоҳида сўзлар ва сўзлар жамламаси ўргасидаги «тирик» воқеликдир (Wirklichkeiten) ва улар алоҳида яхлитликлар сифатида ўзига хос хусусиятларга эгадирлар. Бу хусусиятлар, даставвал, майдоннинг бириктириш ҳамда қисмларга ажралиш имкониятларида намоён бўлади» (Trier 1931:430).

Трир тарғиб қилган «семантик майдон» назарияси кейинчалик луғатнинг тизими хусусиятларини, маъно бўлакларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш соҳасига кенг микёсда татбиқ қилинганлиги ва унинг сўнги пайтларда ўзбек тилшунослигига ҳам илдам кириб келаётганлигидан хабардормиз, албатта. Афсусланарлиси, баъзи тадқиқотчилар семантик майдонни чегараланган кўринишда, ёпиқ тизим сифатида тасаввур қилишиб, маъно структурасига қатъий меёрдаги семантик белгилар тўпламидан иборат тузилма шаклини беришни истаб қолишидир. Бунинг оқибатида назария муаллифининг асосий ғояси четга қолиб, структурализмнинг қармоғига илиниб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Йост Трирнинг мақсади эса, сўз маъносининг бўлаклари ўргасидаги «Берлин девори»ни бузиб ташлаш, улар чегараларининг заифлигини кўрсатиш, бир сўзнинг икки маъноси ўргасидаги худудда қанчадан-

канча очиқ ва яширин учрашув жойлари борлигини изоҳлаш эди.

Маъно структурасини қисмларга ажратишдан кўра, уни яхлит майдон тасвирида, гештальт тузилишида кўришни маъқул кўраётган когнитив семантика йўналишининг вакиллари Трирнинг маъно яхлитлигини тавсифлаш борасидаги кўрсатмаларини эслаб қолишидилар ва тил бирликлари маъно тузилишини шу йўсинда таҳлил қилиш методларини яратишнинг йўлини қидирмоқдалар. Когнитив семантика доирасида шаклланган фрейм таҳлили айнан шундай изланишлар натижасидир. Фрейм таҳлили тилнинг комуникацияни таъминловчи ҳамда олам қиёфасини акс эттирувчи тизим эканлигини исботлаш йўлидан бораётган таҳлил услубларидан (ёндашувларидан) биридир. Олам ҳақидаги билим инсон идроки маҳсули бўлган семантик-концептуал майдонлар кўламида жамланади ва мулоқот самарасини таъминловчи ахборотни яратиш воситасига айланади.

Психология, сунъий интеллект ҳамда бошқа фан соҳаларида ҳам кенг кўлланишда бўлган «фрейм» тушунчасининг тилшунослар назарига тушиши таникли маъношунос Чарльз Филлморнинг номи билан боғлиқ. Ушбу тушунча даставвал синтактик таҳлил доирасида татбик қилиниб, синтактик тузилмаларнинг ҳосил бўлиши сўз ва бошқа бирликларнинг ўзаро бирикиши фрейм қолили тасвирида қаралган эди. Бундай таҳлилда фрейм сўз гурухлари ва грамматик категориялар муносабатини ифодалаб, маъно шакл топадиган идеал қолип сифатида қаралади. Масалан, *«Тоҳир Зухранинг эри – у хотини билан бирга турмайди»* тузилмаси ўртасида ўзига хос мазмуний «бўшлиқ» бор. Бўшлиқни «аммо» ёки «лекин» билан тўлдирсак, бу бирликлар бир хил вазифани бажаришини кўрамиз. Ушбу бўшлиқдан «ва», «ёки» боғловчиларининг жой олишида эса, тузилманинг мантиқий ва прагматик

мазмунлари ўзгаради. Трансформациялар грамматикаси бағрида тарбия топған Ч.Филлморнинг бу йүсіндегі фрейм таҳлили алоҳида тил бирликларининг валентлик хусусиятларини ўрганиш йўлидан борганлиги аниқ кўриниб турибди. Олимнинг «Келишиклар грамматикаси» туркумидаги ишлари ҳам шу йўналишда бажарилган тадқиқотлар сирасига киради, факат эндиликда эътибор феълининг синтактик-семантик бирикиш имкониятлари таҳлилига кўчди (Fillmore 1968). Аммо феъл кесими атрофидаги синтактик бирликлар бажарадиган семантик вазифалар кўламини ўрганиш лисоний ҳодисаларнинг асл моҳиятини белгилайдиган мазмун ва ахборот ифодаловчи омилларни аниқлаш мақсадидан йироқдир. Натижада феълларнинг синтактик валентлик турлари доирасида семантик умумлаштириш амалининг катта қисми изсиз қолиб кетаётгандигини сезган Ч.Филлмор маъно таҳлили учун «мустақил равишда мавжуд бўлган алоҳида структуранинг» (Fillmore 1982:115) имкониятлари кўламини аниқлаш муҳимлигини эътироф этди.

Шундай тузилмалардан бирини «фрейм» деб номлаган Филлмор воқеалар кечимини маълум бир режа – сценарий асосида тасвиirlашпа ҳаракат қилди. Масалан, «савдо-сотиқ» фаолиятини акс эттирувчи фрейм қолипининг узвлари қуидагилардан иборат бўлади: «Харидор» – пулга маҳсулот олмоқчи бўлган шахс; «Сотувчи» – маҳсулотини пулга айирбошламоқчи бўлган шахс; «Маҳсулот» – харидор сотиб олмоқчи бўлган нарса; «Пул» – сотиб олиш воситаси». Ушбу фрейм узвларини инобатга олган ҳолда «сотиб олмоқ» феъли харидорнинг маҳсулотга нисбатан ҳаракатини ифодалаётгандигини аниқлаймиз. Ўз навбатида, «сотмоқ» феъли сотувчининг маҳсулотга нисбатан бажарадиган ҳаракатини ифодаласа, «тўламоқ» феъли харидорнинг пул орқали сотувчига нисбатан бўлган муносабатини билдиради. Шунингдек, ушбу фрейм доирасида «сарфламоқ»,

«нархламоқ», «харажат қилмоқ» каби бошқа феълларнинг маъно хусусиятлари воқеланади, аммо бу феъллар ифодалайдиган муносабатлар фрейм сарҳадларида тутунлардан жой оладилар (Fillmore 1977; Сафаров 2006:44-43)

Олимнинг фикрича, келтирилган кўринишдаги тасаввурга эга бўлмасдан туриб, ушбу феълларнинг маъносини билиб бўлмайди. Гумонсиз, «фрейм» тушунчаси воқеалар кечимини тасвирилашда бирмунча қулайликлар туғдиради. Фрейм лексик маънони тизимлаштиради ва сўз фрейм тасвирига муҳтож. Фрейм назарияси когнитив тилшуносликка хос бўлган маънонинг қомусий ҳодиса сифатида қарааш анъанаси талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг билан биргаликда, фрейм ёндашуви матн ёки бошқа лисоний тизилмалар мазмунини таркибий бўлаклар маънолари йиғиндисидан ташкил топади, деган нотўғри гоядан воз кечишига ундейди. «Лингвистик семантиканинг вазифаси, - дея фикр билдиради Ч.Филлмор, - матн мазмунининг қандай ҳосил бўлишини аниқлаш бўлса, унда бу вазифани бажариш учун керак бўладиган билим лисоний билим билан чегараланмайди» (Fillmore 1986:52).

Мулоқот мухитининг аниқ бир кўринишини моделлаштириш фрейм таҳлилиниң устувор жиҳатларидан биридир. Тил табиатининг маъно ифодасига хосланган жиҳатларидан хабардор бўлиш учун, бир томондан, мулоқот матнида у ёки бу кўринишда намоён бўладиган воқелик парчасини қолипли тасвирилаш малакасига эга бўлиш лозим бўлса, иккинчидан, ушбу тасвирда лисоний билимнинг воқеланишини ҳам акс эттириш талаб қилинади. Олам қиёфаси тасвирига ёндашув фреймни сўзловчи ва тингловчи ёки муаллиф ва ўқувчи муносабатини акс эттирувчи белгилар билан бойитишга ундейди. «Интерактив фрейм» мулоқот мухитида содир бўлаётган воқеалар, муносабатларнинг мантиқий ва шаклий тасвиридир. Бу турдаги фреймлар мулоқот матнининг мазмунини англашни

осонлаштиради. Улар асосидаги таҳлил матнларни таснифлаш, услугбий белгиларини аниқлашга имкон беради (масалан, қаранг: Боймирзаева 2010:60-77). Зоро, мазмун лисоний билимнинг тафаккур қобилияти билан учрашувида юзага келадиган ҳодисадир ва уни тушуниш ментал тузилмаларининг фаоллашувини ҳамда уларнинг лисоний-когнитив ахборот билан тўлдирилишини тақозо этади (Tannen 1993:227; Ashurova 2012:108).

Мулоқот матнининг фрейм тасвирини беришда прототип назариясида тавсия этилаётган амалларга мурожаат қилишга мажбурмиз. Чунки воқелиқдаги нарса-ҳодисаларнинг онтологик хусусиятларини билмасдан туриб, уларни ифодаловчи лисоний белгиларнинг мазмунини англаш мушкул вазифадир. Масалан, «етим» тушунчасига, одатда, «ота-онасидан ажралғанлик» изоҳи берилади. Ушбу маъно «етим» сўзи учрайдиган матнларда прототип вазифани ўтайди, чунки «етим» тушунчаси замирида ота-онанинг бола тарбияси, уни вояга етказишдаги мажбуриятлари туради. Аммо «етимлик»нинг чегараси бор, «ёши йигирмадан ошган» киши ўзини-ўзи боқа оладиган ёшга етгандан сўнг уни «етим» дейиш одат тусига кирмаган. «Етим қўзи» ҳам она сутидан тўймаган ҳайвондир, у «чори», «панжи» даражасига етганида, «етимлик» сифатидан батамом қутулган кўйга айланади. Катталарга «етим» сифатининг берилиши прагматик мақсад учун хизмат қиласи, киноя, ҳазиллашиб мазмунларини яратади. Етимлик раҳм-шафқатни уйғотади, деган фикр ушбу тушунчанинг ҳар қандай нутқий вазиятда фаоллашувида тагмаъноли кўринишда воқеланади. Ҳатто ота-онасини ўлдирган бир кимса суддан етимлигини инобатга олишни ва раҳмдилликни сўраган экан. Ўзини ўзи «етим» қилган кимса шафқатга лойиқмикан?!

Бирор-бир тушунча учун хос бўлган туб ва иккиламчи белгиларнинг ягона концептуал тузилма қамровида бўлиши

фрейм таҳлилидан воқеликни тўлиқ тасвирлашни талаб қилади. Мулоқот фаолиятининг турли вазиятларида юзага келадиган ҳолатларнинг фрейм тасвири вазиятнинг асосий ёки туб белгиларидан ташқари, барча «икир-чикир»ларини ҳам баён этиш мақсадини кўзлайди. Бундай батафсилликга эга бўлмаган фрейм мазмунни тушунишда етарли қийматга эга эмас. Бундан ташқари, фрейм семантикаси нуқтаи назаридан ёндашилганда, воқеликдаги ягона бир ҳодисани баъзан турлича фреймларда қолиплаштириш мумкин ва шу йўсинда уларни алоҳида «ҳодиса»лар сифатида тасаввур қилиш имкони ҳосил қилинади (Fillmore 1982:125). Фрейм семантикасининг бу имконияти, айниқса, лисоннинг метафорик ҳудуди тавсифидаги қулай воситадир.

Матн мазмунини англаш шароитида фрейм таҳлилига икки усулда мурожаат қилинади. Биринчисида матннинг лугат ва грамматик таркиби ўқувчи (tinglovchi)нинг онгида маълум фреймларни «уйғотади». Чунки грамматик ва лексик шакллар ва категориялар фрейм кўрсаткичлари сифатида мавжуд бўладилар. Иккинчисида эса, тингловчи маълум бир фрейм воситасида матннинг мазмуний яхлитлигини тасвирлайди. Моддий таркибни акс эттирувчи фреймнинг тингловчи (ўқувчи) яратгаётгандан фарқи шундаки, таҳлил бу турдаги фреймларга асосланганида, мазмунни тушунишга бўлган эҳтиёж бутунлигича қондирилади. Масалан, Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган номаси қуидаги сўзлар билан бошланади: «Биз ким, Амир Темур Кўрагон сўзимиз. Аслзода ва музaffer дўстимиз қирол ҳазратларига дунё учун бағоят фойдали, буюк жангларнинг ғолиби, малик ва сulton, Франция ва бошқа кўпгина халқларнинг қиролига саломлар йўллаймиз ҳамда осойишталик тилаймиз» (Холбеков 1996:21). Расмий номанинг бу йўсинда бошланиши шарқона одат намунасидир. Японлар шахсий номаларида ҳам бу услугга қаттиқ риоя қилишиб, хатни об-ҳаво,

табиат ҳақидаги хабарлар билан бошлар эканлар. Японнинг боғдаги дараҳтлар гулга бурканганлиги ҳақидаги хабари ёки ўзбекнинг суҳбатдошдан ҳол-аҳвол сўраши, яхши ниятларни билдириши қай мақсадда ва қандай маънода баён килинаётганлигини англаш учун, албатта, матндан четга чиқишига мажбурмиз. Бироқ бу турдаги фатик мулоқот иборалари матннинг фрейм тавсифидан четда қола олмайдилар.

«Ҳар қандай алоҳида олинган белги ўликдир. Нима унга тирикликни бахшида этади? Қўлланилган (матнда – Ш.С.) белги тирикдир. Унга ҳаёт шу ерда бахшида этиладими? Ёки қўлланишининг ўзи ҳаётми?» Людвиг Витгенштейннинг «Фалсафий тадқиқотлар» асарида сўралаётган саволлар риторик эмас. Улар жавобга лойикдир. «Ўлик»нинг «тирик»ка айланиши осон эмас. Алоҳида сўзни ҳеч қандай маънога эга эмас, дейиш ҳам батамом нотўғри. Лекин бу – имкониятдаги маънодир ва уни тушуниш учун хотирани тез ва тўлиқ ишга солишимиз зарур бўлади. Жумладан, «Лола бошини кўтарди» ва «Олапар бошини кўтарди» гапларидаги «кўтармоқ» феълининг маъносини бир хилда тушунишимиз керакмикан?! Бажарилаётган ҳаракатлар бир хил эмас: олапарнинг бош кўтариши ерга нисбатан белгиланадиган ҳаракат (ит гавдасининг бош қисми ерга қараган), Лола эса, бошини тик турган ҳолатда олдинга қараш учун кўтаради. Сўзсиз, бу семантик кўрсаткичлар лексик маъно таркибидан ўрин олмаслиги мумкин, аммо уларнинг матн мазмунини ойдинлаштириши мухимдир. Демак, фрейм таҳлили концепт ва маъно шаклланишининг қандайдир бир қўшимча воситаси эмас, балки лингвистик семантика мақсадини тамоман ўзга йўналишга бурган таҳлил усулидир. Филлморнинг талқинича, фрейм модели - тушуниш семантикаси модели. Бу модел сўзловчи назарда тутаётган ва тингловчи кўраётган ахборот-мазмунни тўлиқ, батафсил англаш

имконини бериши керак. Маъно таҳлилининг асосий мақсадини уни тушуниш омилларини аниқлашдан иборат, деб ҳисоблаётган тишлинуослар бошқа йўналишдаги тадқиқ усулларини (масалан, семалар, синонимлар, антонимларни ажратиш усулларини) шу мақсад учун хизмат қиласидиган иккиласми вазифаларни бажаришини таъкидлайдилар (Fillmore 1985:235). Таҳлил жараёнида бундай вазифани бажариши учун тил бирликлари маъносига оид бирор-бир белги назардан четда қолмайди, барча белгилар маъно ифодаси учун, мазмунни англаш учун бир хилда муҳим. Бошқача айтадиган бўлсак, маънони тушуниш учун сўзловчи фойдаланган фреймни қайта яратиши талаб қилинади. Шу боис ҳам маънонинг фрейм таҳлили структур семантика йўналишида маъқулланган таҳлилдан кўра батаф-силоқ ва мазмунни тушуниш учун қулайроқ кўринади.

Синоним ва антонимларнинг тавсифи масалалари билан шугуулланган тадқиқотчилар ушбу қаторларга киритилиб келинаётган бирликларнинг муносабатларида намоён бўладиган маъновий асиметрия, номувозанатли ҳолатларни изоҳлашда қийналиб қолишилари кўп бор кузатилган. Жумладан, «баланд», «узун» сифатларини бошқа синонимик қатордаги «*past*», «*kalta*» сўзларига антоним сифатида қарашни гапиришни ўргана бошлаганимиздан буён маъқул кўрамиз. Аммо «*баланд бино*» ва «*узун бино*» ибораларининг маъноси турлича англашинилади: биринчисида ўлчов пойдевордан (ёки ердан) бошланса, иккинчисида бинонинг қадди эмас, балки ён деворлари оралиғи инобатга олинади. Шунингдек, «*past бино*», «*kalta бино*» иборасидан кўра маъқулроқ (чунки «*паст*»нинг ўлчов нуқтаси юқоридан бошланади). Одамга нисбаган шу сифатлар берилаётганда «новча», «дароз» ва баъзан «узун» сўзлари кўлланилади. Бунга «*новчани (дарозни) чақир*» метонимик кўчимлари ҳам гувоҳлик беради («Баландни чақир» дейиш эриш туюлади). Антонимлар кўлланишида ҳам шундай ҳолатлар кузатилади.

Одам «*пакана*» бўлади, «*паст одам*» ибораси эса, тамоман бошқа маънени англатади (лекин «паст бўйли» одамга ва бинога бир хил сифатини беради). Шунингдек, «*калта одам*» ва «*калта бино*» ибораларининг кўлланишида ҳам бошқача мазмунлар англашинилади. Демак, баланд-пастлик, узун-каталик сифатларига эга ҳодисалар тасвирида турли фреймлардан фойдаланиш лозим бўлади. Улардан бири предмет ҳодисаларнинг вертикал ҳолатини тавсифласа, иккинчисида масофа белгиси ўз ўрнини топиши керак.

Лисоний ҳодисаларни категорияга ажратиш анъанаси олдиндан мавжуд бўлса-да, кўпчилик ҳануз категориянинг барча аъзолари бир хусусиятли бўлишини истаб, бу талабга жавоб бермайдиганларини тасодифий хусусият деб ҳисоблашмоқда. Грамматик категорияларнинг ҳаммавақт семантик категориялар билан боғлиқ бўлавермаслиги кўп бор тажрибада кузатилган (Қаранг: Иванов. 2004:59-62). Аммо бу категориянинг мувозанатини бузук ҳолда тасаввур қилишга сабаб бўла олмайди. Бир пайтлар сўз туркумлари таснифи муаммоси билан қизиқсанларнинг ҳаммаси Р.Диксоннинг *Where Have All the Adjectives Gone?* «Ҳамма сифатлар қаёққа йўқолиши» китобини излаб қолишган эдилар (Мен Ленинграддаги Лингвистик тадқиқотлар институти кутубхонасидан олинган ушбу китобни ўғирлатганимга ҳозиргача афсусдаман). Бу китобда ёзилишича, сифат алоҳида сўз туркумига ажралмайдиган тиллар бор экан, баъзи тилларда эса, сифатларнинг сони ўта чегараланган: ҳауса тилида сифатларнинг сони – 2та; игбо тилида – атига 8та (Dixon 1982). Аммо «*катта-кичик*», «*яхши-ёмон*», «*оқ-кора*», «*кекса-ёш*», «*қаттиқ-юмшоқ*» каби сифатловчи маънолар ҳеч бир тилда ифодаланмасдан қола олмайди-ку!

Аристотель «Категориялар» асарида лисоний тузилмаларнинг субстанция, (бирор ҳаракатни) бажариш маъноларини ифодалашига ёки канча, кандай, кайси

муносабатда, қаерда, қандай, қандай холатда каби саволларга жавоб бўла олишига нисбатан 10 та категорияяга тақсимлаган эди. Юнон файласуфи ажратган категориялар моҳияттан лисоний категориялардир. Шу жиҳатдан Эмиль Бенвенистнинг тил ва тафаккур муносабатида етакчиликни биринчисига (тилга) бериши баъзан ишонарли эштилади. Француз тилшуносининг ишонишича, лисоний ифодалаш имконияти тафаккурни шакллантириши билан бир қаторда, уни чегаралайди ҳам. «Тил, – деб таъкидлайди олим, - ақл-идрок маълум предметга хослаётган хусусият-белгиларни номлади, уларга лисоний шаклни тақдим этади» (Бенвенист 1974:111). Э.Бенвенистнинг бу таъкиди мазмунини бошқача англаш ҳам мумкин: ақлу идрок субстанцияларга турли меъёрдаги белгилар хослигини аниқлаши билан бирга, ушбу субстанциянинг бошқасидан фарқли эканлигига ишора қиласди. Лекин шу ўринда яна бир саволга жавоб излашдан қоча олмаймиз: субстанцияга хос белгиларга асосланиб, лисоний бирликларни сўз туркумларига тақсимлаб бўлармикан? Гап шундаки, тил бирлигининг луғатда изоҳланаётган маъносида унинг категориал белгилари акс топмасдан қолиши ёки бу белгилар ўта яширин ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Сўзнинг категориал мақомини билиш учун унинг дискурсив имкониятларини аниқлаш лозим. Е.С.Кубрякова қайд этганидек, «сўзни коммуникация шароитидан айрò ўрганиш бесамар харакатдир» (Кубрякова 2004:216). Сўз туркумларини ажратишнинг асосий мезонларидан бири бажарадиган синтактик вазифа бўлиши кераклигини тилшунослар қачонлардан бўён айтиб келадилар. Лекин маълум бир сўзнинг у ёки бу синтактик вазифани бажаришининг сабаби нима билан боғлиқ эканлиги масаласи тадқиқотчиларни ўнчалик қизиқтирумайди ёки улар бу масаладан йирокроқ туришни маъкул кўрадилар. Тил бирлигининг вазифавий имкониятлари ўз-ўзидан мавжуд

бўлмайди, имконият, биринчидан, маълум жараёнлар кечишида тўпланадиган захира, иккинчидан, ушибу захирадан фойдаланиш учун шароит туғилиши керак.

Сўзнинг категориал хусусиятларини аниқлаш учун унинг дискурсив фаолиятини ўрганишнинг муҳимлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Ҳатто алоҳида бир сўз туркуми таркибига киритиладиган бирликларнинг хусусиятлари бир текис эмас, айримларининг категориал белгиларини узоклардан излаб топиб, баъзан «зўрлаб» шу грухга киритишга ҳам мажбур бўламиз. Когнитологларнинг уқтиришича, сўз маъноси маълум обьектнинг хусусиятларини акс эттириш билан чегараланиб қолмайди, маъно ушбу обьектнинг бошқалар билан муносабати, унинг вазифалари ёки ундан нима мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам жамлайди. Сўзнинг маъноси, Г.Миллер ва Ф.Жонсон-Лэрдинг ишонтиришларича, бизнинг номланаётган нарса ҳақидаги билимимизни тўлиқ қамраб олиши керак ва «у узок муддатли хотирада сақланаётган маълумотларга йўї очади» (Miller and Johnson-Laird 1976:702). Тил бирликларининг маъно хусусиятларини, категориал белгиларини билишда «нимани билмоқ» ва «қандай билмоқ» амалларидан бир хилда фойдаланиш муҳимлигини рус тишлинуслари ҳам қайд этмоқдалар. Е.С.Кубрякованинг таъкидича, обьектни билиш унга «маълум турдаги фаолият таркибидан жой ажратиш» демакдир (Кубрякова 1991:89).

Инсон фаолияти, ҳодисалар жараёни турлича кечади. Борлиқнинг лисоний қиёфаси ҳам турлича шаклланиши мумкин. Бу шаклда тасаввурдаги «қиёфа» билан бир қаторда, воқеанинг содир бўлиш ҳолати, унинг ривожи ҳам ўз ҳасини топади. Бирор кишининг бирор нарсани ҳарид қилишига оид хабар савдо-сотик фреймини ҳосил қилишини биламиз, аммо воқеанинг ушбу тасвири унинг иштирокчилари нуқтаи назаридан берилаётган тасвирдир.

Инглиз тилидаги *land* ва *ground* сўзлари бир хилда «куруқлик, ер» маъносини ифодалайдилар, лекин *land* ифодалаётган «куруқлик» сувлик (денгиз, дарё)дан бошланса, *ground* ифодалаётган «куруқлик» эса, юқоридаги осмонга нисбатан белгиланади (*he was landed on a lonely island* – «У кимсасиз оролга туширилиб қолдирилди»). Бу икки синонимнинг фарки уларнинг янада каттароқ, кенгроқ фрейм таркибидаги иштирокида намоён бўлади.

Фрейм негизида умумий билим туриши олдинги саҳифаларда ҳам айтилган эди, лекин бундай билим манбаи дискурс шароитидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Дискурсгача мавжуд бўлган билим маъно шаклланиши шароитида «таянч нукта»лардан бирининг ролини ўтайди. Ч.Филлмор «туб фреймлар» (*baskground frames*) деб атаётган (Fillmore 1992:77) бу кўринишдаги билим ифодаланаётган маънони тўлиқ тушуниш имкониятини яратади. Масалан, ҳафта қунлари номланишини оладиган бўлсак, «душанба», «сесданба», «чорсанба», «пайшанба», «жума», «шанба», «якшанба» атамалари бир-бири билан давомийлик муносабатида. Бундан ташқари, ушбу муносабат даврийлик доирасида кечади. Даврийлик доирасидан жой оладиганларнинг барчаси, бир-бири билан тенг муносабатда бўлишидан ташқари, бирор-бир бутунликнинг қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳафта қунлари даврийликни номловчи «ҳафта»нинг қисмларидир. Демак, даврийликни ифодаловчи «ҳафта» сўзининг маъносини фрейм модел асосида тасвирлаш ва тушуниш учун биз қуйидаги маълумотларга эга бўлишимиз керак: 1) қунлар алмашинувининг даврийлиги қуёшнинг ҳаракати билан боғлиқлигини; 2) бир қуннинг даври тугаши билан иккинчининг бошланишини; 3) ҳафта тавқимининг 7 қундан иборат бўлиши ҳақидаги «келишув» мавжудлигини; 4) ҳафтанинг маълум қисми «иш» қунлари, қолгани эса, «дам олиш» қунлари сифатида белгиланишини; 5) «ҳафта» бошқа

даврийлик белгилари: «ой», «чорак», «фасл», «йил» кабилар билан «яхлит-қисм» муносабатида бўлишини.

Ушбу турдаги маълумотларга эга бўлиш билимнинг тўлиқлигига асос бўлиши аниқ. Шундай экан, сўзларнинг семантик муносабатларини фрейм моделлари воситасида изоҳлаш амалий натижага беришига ишонса бўлади.

Фрейм таҳлили амалларига мурожаат қилинганда бир хил ҳодисаларни турли фрейм қолипига тушириш имкони ҳам пайдо бўлади ва унинг натижасида улар алоҳида ҳодисалар кўринишини оладилар. Жумладан, ортиқча сарф-ҳаражатни ёқтиргайдиган шахсни баъзилар «қизғанчиқ» дейиш билан уни «саховатли, қўли очиқ» одамга қарама-қарши қўйсалар, бошқалар уни «тежсамкор» деб атаб, «исрофгар»га зидлайдилар. Номланаётган шаклнинг хатти-ҳаракати «қизғанчиқ-саховатли» зиддиятида баҳоланаётганида, алоҳида шахслар ўртасидаги муносабат фрейми фаоллашмоқда. Баҳо «тежсамкор-исрофгар» қарама-қаршилигини акс эттирганда эса, фрейм маблағ ва бошқа манбалари ҳаракатига моҳирона, оқилона ёндашиш маъносини фаоллаштиради. Ушбу фреймларнинг ўзаро фарқини бошқача изоҳлаш ҳам мумкин. Биз «У қизғанчиқ эмас, балки тежсамкордир» дейиш билан «қизғанчиқ-саховатли» зиддиятини назарда тутмаймиз. Бу ерда фаоллашаётган зиддият «тежсамкор-исрофгар» эканлиги кўриниб турибди.

Умуман, баҳолаш фаолиятининг лексик фреймларда акс топиши қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Сифатларнинг маъно структурасида ҳажм, даража, масофа, миқдор кабиларга ишора бор. Бироқ баъзи ҳолатларда берилаётган баҳо мавҳум тусни олади, унинг референти конкрет кўринишга эга эмас. Биз «яхши қалам», «яхши овқат», «яхши она», «яхши ҳайдовчи» каби бирликларнинг маъносини аниқ тушунишимизнинг сабаби уларнинг маълум қатордаги тушунчалар фреймлар асосида

яратилганидадир. Қаламнинг баҳоси унинг ёзув учун қулай восита эканлиги билан боғлиқ; овқат мазали бўлганлиги учун «яхши» баҳосини олмоқда; онанинг меҳрибонлиги, болалари тарбиясидаги меҳнати самараси унинг «яхши она» эканлигидан дарак беради; ҳайдовчининг «яхшилиги» эса, унинг касбий маҳоратига берилаётган баҳо. Баҳо сифатлари ифодалаётган маънони тўлиқ англаш учун воқелик ҳақида олдиндан мавжуд бўлган билимдан ташқари, бевосита матнга мурожаат қилиш хам лозим бўлади. Улар аниқлаётган отларнинг баъзиларининг маъно фреймларида баҳонинг меъёри олдиндан белгиланган бўлса, бошқалари номлаётган предмет-ҳодисаларга баҳони фақат мулоқот контекстида шунга имконият туғилгандагина бериш мумкин. Масалан, «яхши таёқ» биримасининг аниқ маъносининг изохини матндан излаймиз. Чунки бир таёқнинг иккинчисидан «яхшилиги» доимий кўрсаткич эмас: ўгрини калтаклаётган таёқдан ҳасса ўрнида ишлатилаётган таёқ фарқ қиласди; подачи таёқ ва олма қоқаётгац таёқлар бажараётган вазифалари мос келмайди; пахта (жун) савалайдиган таёқ ва белги (санок) таёқчалари ўргасидаги фарқ анча-мунча. Уларга «яхши-ёмонлик» баҳосини бериш кўпинча сўзловчи шахснинг ихтиёрида.

Фрейм қолиплари воситасида турли кўринишдаги категорияларни, шу жумладан, конкрет ва мавҳум тушунчаларни тасвиirlаш мумкин. Сифат, равиш, сон кабилар воситасида ифодаланадиган тушунчалар ҳам бундан истисно эмас. Лекин маълум бир категорияни алоҳида бир фрейм таркибида акс эттириш мураккаб вазифадир. Аслида ҳар қандай фрейм мураккаб таркибга эга, у маълум қисмлардан иборат бўлади. Лоренс Барсалоунинг таърифича, фрейм қуйидаги уч таркибий қисмдан иборат: доимий атрибулар тўплами, ўзгармас таркибий структура ва ўзгарувчан хусусиятлар тўплами (Barsalow 1992:29). Доимий атрибулар жамламаси фреймнинг негизини ташкил

қиласи. Масалан, автомобилнинг асосий атрибутлари «ҳайдовчи», «мотор», «ёқилғи», «ғилдирак» кабилар бўлиб, уларнинг жамламаси фреймли тавсифда етакчи ўринда туради. Автомобилнинг ранги, тезлиги, ўриндиқлари билан боғлиқ хусусиятлар эса, фрейм изоҳи учун иккиламчи кўрсаткичлардир. Бирор бир белги атрибутлик хусусиятини олиш учун маълум бир объектни бошқасидан фарқига ишора қилиши зарур бўлади. Масалан, қизил рангнинг бирор кишига ёқиши ёки ёқмаслиги ҳақида гап кетаётганида, «ранг» аниқ предметнинг атрибути, кўрсаткич эмас, бу хусусиятга эга бўлиш учун «ранг» тушунчаси, ҳеч бўлмагандан, «кўйлак» тушунчаси билан ҳамроҳлашиши керак бўлади.

Атрибутлар фрейм таркибида ўзаро муносабатга киришиб, мантиқий жиҳатдан бир-бирларини тўлдирадилар. Шу аснодаги муносабатлар замирида маъно тузилиши учун муҳим бўлган ахборот жамланади. Масалан, «автомобиль» фреймидаги «харакатланиш» белгиси «ҳайдовчи» ва «мотор» белгилари муносабатини ёритади. Атрибутлар ўртасидаги доимий муносабатларнинг ифодаланишини Л.Барсалоу «структуравий инвариантлар» (structural invariants) сифатида қарашни таклиф қиласи (Ўша асар, 35-бет). Структуравий инвариантлар сирасига ўзгармас муносабатлар киради ва улар асосан макон, замон, сабаб, мақсад каби диалектик муносабатларни акс эттирадилар. Жумладан, «овқатланиш» фреймida «емоқ» ва «тўламоқ» муносабати (сабаб: «едингми пулини тўла») асос бўлса, «тўшак» фреймida «жой» ва «ухламоқ» муносабати ифодаланади (макон: «тўшакда ухла»).

Шундай қилиб, когнитив тишлинуосликда турли билим тузилмаларининг лисоний воқеланиши билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқ қилинади. Лисоний тафаккур фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган бундай тузилмаларни тадқиқ қилишининг ҳозирги пайтда тобора кенг тарқалаётган

усулларидан бири фрейм таҳлили методидир. Маъно яратилиши, тузилишини ва унинг тушунилишини изоҳловчи фрейм таркибида тартиботли жойлашадиган қисмларни ажратиш ҳам одат тусига кирмоқда. Бу қисмлар, Л.Барсалоу, Р.Лангақр, Д.Нормман кабиларнинг наздига, фреймда ифода топадиган билимнинг пропозиция қисмини ташкил қиласди. Пропозиция эса, диктум (объект ҳақида аниқ билим)дан ташқари, модус (реал билимга берилаётган баҳо, субъектнинг муносабати)ни ҳам қамраб олади. Шу боис фреймни олам ҳақидаги билимни инсон онгига жамловчи ва сақловчи турли конструк-тузилмалар сифатида тавсифланиши барчага маъкул тушмоқда. Шу тавсифни маъкул кўришаётган ҳамкасларимиз, айни пайтда, когнитив семантикага оид тушунчаларнинг мавхумлиги, уларнинг изоҳлари баъзан унчалик ишонарли даражада эмаслигини ҳам қайд этмоқдалар. Яқиндагина И.М.Кобозева фрейм таҳлилида асосий эътибор инсон онги фаолиятини ҳаракатга келтирувчи механизмларни ва шу ҳаракат жараёнида ҳосил бўладиган концептуал тузилмаларни ўта мавхумлаштирилган ҳолда ўрганиш мақсади кўзланаётганлигини таъкидлаб, бундай ёндашувни «психологизм»да айблашга уринди (Кобозева 2000). Москва давлат университетидаги бу ҳамкасларимиз назариётчиларни «калтаклаш»ни маълум даражада ёқтиради (бир пайтлар бу «калтак»нинг мазасини мен ҳам тотиб кўрган эдим: Ирина Михайловна дугонаси Н.И.Лауфер билан ҳаммуаллифликда менинг докторлик диссертациямга берган такризларида «эмпирик материал таҳлили камлиги»ни алоҳида уқтирганларидан сўнгтина, хулосада ишга ижобий баҳони раво кўрган эдилар). Лекин «калтак» ҳар доим тажовузли бўлавермайди, баъзан у фойдали, савобли бўлиши, тарбиявий аҳамият касб этиши мумкин. Когнитив семантика ҳозирча шаклланиб бораётган йўналиш ва у дастлабки ўринда назарий пойдеворга муҳтоҷ. Бундай пойдеворсиз қўлланиладиган таҳлил методлари,

амаллари ўз «кучи»ни кўрсата олмайди. Назарий пойдеворнинг пухталигини эса вақт, тажриба синайди. Шакланиш даврини кечираётган назарий таълимотда воқелик ва воқеаларга нисбатан баъзан нотўғри талқинлар учраб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шу жиҳатдан ҳатто таълимотнинг яловбардорлари таклиф қилишган талқин, тавсифлар ҳам баъзан эҳтиёткорликни талаб қиласди. Хусусан, когнитив семантиканинг таҳлил усуллари ҳақида фикр юритаётган тадқиқотчилардан бирининг яқинда нашрдан чиққан мақоласида фреймнинг тажриба ва таълим олиш шароитида шаклланадиган воқеликни билиш ва тартиблаштириш воситаси, ботиний когнитив ахборот манбаси эканлигини тўғри таъкидланаётиб, тўсатдан унинг «туғма структура» сифатида пайдо бўлиши ҳақида гапирилиши кишини ҳайратга солади (Таджибаева 2010:86). Ёш олимамиз бу фикрни Ч.Филлмор ёки Ж.Лакоффга ишониб айтаётган бўлса ажаб эмас. Аммо бу тилшуносларнинг Н.Чомский тарбиясини олганликларини унутмайлик, тилни, лисоний қобилиятни «туғма» дейиш ўша генеративизмнинг қолдиги. Лисоний қобилият ва унинг билан боғлиқ бўлган бирор бир ментал ҳодисасига «туғма қобилият» тамғасини босиш тилнинг ижтимоий моҳиятини хўрлашдан бошқа нарса эмас. Инсон учун мия туғма ҳодисадир, фақат лисон эмас. А.Таджибаева зийракларча сезганидек, тил биз билишни истаётган бутун бир яхлитликнинг бир қисмигина, холос. Билиш муқобил ва етарли бўлиши учун хотира ва инсон физологик, психологик имкониятларининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун воқелик, ижтимоий муҳит ҳамда инсоннинг барча турдаги фаолияти ҳақидаги маълумотларга мурожаат қилишга тўғри келади (Ўша иш, 79-бет).

Когнитив таҳлил натижаларининг амалиёт учун аҳамияти масаласига қайтадиган бўлсак, бу борада, айниқса фрейм семантиканинг истиқболи яққол кўзга

ташланмоқда. Тил бирликлари маъноси ҳақидаги маълумотлар манбаи, сўзсиз, лугатдир. Аммо лугатлардаги маъно изоҳлари кўпинча илмий кўринишга эга бўлиб, терминлар тавсифига айланиб қолган. Сўзлар маъносининг бу йўсиндаги изоҳи уларнинг нутқий мулоқотда қўлланишида англанишиладиган маънога мос келмай қолиши турган гап. Мисол тариқасида «куёш» сўзига берилаётган изоҳни ўқийлик: қуёш – «бизнинг галактикада жойлашган ва ўз атрофида айланувчи, ҳамма планеталарга ёруғлик ва иссиқлик бериб турадиган, қизғин газ ҳолидаги юмалоқ ёритгич» (ЎТИЛ). Ушбу изоҳда илмий тавсифга (билимга) оид манбалар етарлича, лекин оддий тил соҳиби истайдиган маълумотлар микдори чекланган. Берилаётган изоҳдан объектнинг қайси белгилари асосий эканлигини ҳамда бу белгилар инсон онгидаги қандай ассоциациялар уйғотиши мумкинлигини аниқлаб бўлмайди.

Ушбу сўз маъносини фрейм таҳлили тамойилларига амал қилган ҳолда тавсифлайдиган бўлсак, унда Күёшнинг ягоналиги, маконлашуви, шакли, асосий хусусиятлари (ёруғлик, иссиқлик), ҳаракати билан боғлиқ белгилар изоҳдан ўрин олган бўлар эди, зоро, худди шу белгилар «куёш» сўзининг нутқий фаоллашувида ўз аксини топади. Қиёсланг:

1.Куёш – кундузи энг ёруғ бўлган осмондаги ёритгич: «куёшли кун», «куёшли кайфият», «куёш каби ёруғ» ва ҳ. к.

2.Куёш – иссиқлик, ёруғлик манбаи: «куёшда исинмоқ».

3.Куёш – баҳт-саодат, тинчлик рамзи.

4.Куёш ҳаракати – вақт меъёрининг ўлчови: *Күёш тонгда кўтарилади, чиқади ва кечда ботади. Қиёсланг: Күёш чиқиши билан қўлига дафтар олади.*

Худди шунингдек, «юлдуз» сўзининг когнитив тавсифида унинг ташқи кўриниши, сони, пайдо бўлиш пайти

ва вакти, ҳаракатига оид маълумотлар акс топиши зарур. Қиёсланг: 1.Юлдуз – энг аввало ёруғ объект, лекин у куёшдан фарқли равишда, иситмайди, балки фақат ёнади, нур сочади: *Юлдузи иссиқ; саҳна юлдузи; кўзлари юлдуз сингари чақнайди*. 2.Куёш қаби юлдуз ҳам узоқда: *Юлдуз санаб ётмоқ; юлдузни бенарвон уради; осмондаги юлдузни истайди*. 3.Юлдузларнинг сон-саноқсизлиги: *осмондаги юлдуз каби* («саноғи йўқ» мазмундаги); *юлдуз санаб ётмоқ* («эришиб бўлмайдиган орзу» мазмунида). 4.Оддий тасаввурда инсоннинг қисмати юлдузларга қиёсланади: *Юлдузи ёргув; Юлдузига ишонмоқ; юлдузи-юлдузига тўғри келди*.

Менимча, санаб ўтилган белгилар «куёш» ва «юлдуз» сўзларининг лугавий изоҳида ўз ўрнини топиши изоҳланаётган маънонинг тушунарли бўлишини таъминлайди, лугатлар билим манбаига айланадилар. Поляк этнолингвисти Ежи Бартминьский таъкидлаётганидек, сўз маъносининг лугавий изоҳи воқелик бўлаги ҳақидаги ҳикоя бўлиши даркор (Бартминьский 2005:27). Бунга эришишнинг ягона йўли маъно изоҳига когнитив тавсиф кўринишини беришdir. Бу усулдаги тавсифда воқеликнинг, предмет-ходисаларнинг маълум миллат, маданият вакиллари, тил соҳиблари томонидан идрок этилиши билан боғлиқ ҳолатлар, предмет-ходисаларнинг категориаллаштирилиш усуллари ўз аксини топади. Когнитив тавсиф, айниқса, яратилиши мўлжалланаётган ўзбек тили тезаурус лугати ижодкорларига маъқул келишига гумоним йўқ. Шу усулда битилган инглиз тилининг изоҳли лугати Интернет тармоғига киритилган (<http://framenet.icsi.berkeley.edu>) ва фрейм тавсифининг лугатшунослик учун ахамиятли жихатлари изчил ўрганилмокда (Atkins 1994; Fontenelle 2003).

8-БОБ. КОНЦЕПТ ВА МАЬНО

Когнитив тилшунослик ҳозирги пайтда тил ҳақидаги фаннинг жадал ривожланаётган соҳасидир. Илмий нашрларда лингвокогнитив таҳлилнинг турли йўналишлари таклиф қилиниб, ушбу соҳанинг таянч терминлари, тушунчаларига изоҳлар берилмоқда ва уларнинг ўзаро муносабатлари аниқлаштирилмоқда. Олимларнинг эътирофича, инсоннинг когнитив қобилияти ва имкониятларини билиш учун воқелик идроки жараённада ҳосил бўладиган билим структуралари таҳлилига эътибор қаратиш лозим. Маълумки, тафаккур фаолияти билиш структураларининг ҳаракатга келиши, уларнинг лисоний структуралар билан муқобиллашуви шароитида кечади (Schwarz 1997). Тадқиқотчилар концептни когнитив тилшуносликнинг асосий категорияси сифатида қарашиб, унинг таърифи ва тавсифи когнитологларнинг асосий вазифаси, мақсади эканлигини қайд этмоқдалар (масалан, қаранг: Расулова 2010:15; Ҳошимов 2010:68).

Ҳозирги пайтда «концепт» муаммоси барчанинг дикқатини жалб қилмоқда. Ушбу атаманинг когнитология, семасиология, лингвокультурология, психолингвистика, прагмалингвистика каби соҳаларда кенг қўлланишининг сабаби тилшуносликнинг психология, фалсафа, социология фанлари билан яқинлашуви ва шу аснода фанлараро муносабатларнинг фаоллашуви билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, фанлараро ҳамкорликнинг натижасида юзага келадиган кўптармоқли тадқиқот йўналишларининг ҳар бири мустакил кўриниш олишлари жараёнида маълум қатордаги умумий тушунча ва терминларга мурожаат қилишга мажбурдирлар. Бу терминларнинг айримлари барча соҳаларда бир хил қўламда қўлланилади, аммо уларнинг ушбу соҳаларда мазмун доирасининг мос келиши даражасини билиш муҳимдир. Зеро, термин учун яккамаънолилик хослигини таъкидлашга қанчалик уринмайлик, унинг умумий, бошқача айтганда, референтив маъноси атрофика мослашадиган «маъно квантлари» коннотатив белгилардан холи эмаслигини эътироф этмасликнинг ҳам иложи йўқ. Буни турли фанлар ва йўналишлар доирасида қўлланиладиган терминлар мисолида кузатиш мумкин. Фалсафа, психология, лингвистика, маданиятшунослик, социология каби фанларга оид тадқиқотларда бир хил муомалада бўлган «концепт» худди шундай терминлардан биридир.

Хўш, *концепт* нимани англатади? Унинг мазмунни нимадан иборат-у, мундарижаси нималарни қамраб олади? Ушбу саволларга хозирча тўлиқ жавоб топилганича йўқ ва унинг топилиши ҳам гумонли. Гумон туғилишининг, албатта, сабаблари бор. Даставвал, «концепт» тушунчасининг ўта мавхум ҳодиса эканлигини, унинг замиридаги «ментал структура» аниқ моддий кўринишга эга бўлмасдан, балки ақлий идрок жараёнида ҳосил бўладиган, тасаввурдаги тузилма эканлигини унутмаслик лозим. Боз устига, «концепт» атамаси «тушунча», «маъно», «мазмун» каби бошқа ментал ҳодисалар билан ёнма-ён турадиким, уларнинг ўзаро муносабатини аниqlаш, фарқли белгиларини ажратиш муаммоси ҳам пайдо бўлади.

Маълумки, «концепт» атамаси лотин тилидаги *concipere* («тўпламоқ, илиб кетмоқ, ўйлаб қолмоқ, бошлаб юбормоқ») феълининг сифатдош формаси бўлган *conceptus* сўзидан

олинган. Барча роман тилларида сақланган (фр.*concept*; ит.*concetto*-; исп.*concepto*; порт.*conceito*) ушбу сўз инглиз тилига француз тилидан *concept* кўринишида (*conceive* – «тушунмок», «тасаввур қилмоқ») ўзлаштирилган. Термин мақомини олган бу сўз кейинчалик барча тиллар (шу жумладан, рус ва ўзбек тиллари) илмий мулоқот лугатидан ўрин олди.

Аслида, *conceptus* сўзининг термин ҳарактерини олиши фалсафада концептуализм йўналишининг юзага келиши билан боғлиқ. Ушбу йўналиш асосчиларидан бўлган фаранг файласуфи Пьер Абеляр (1079 - 1142) ва кейинчалик инглиз олими Жон Локк (1632-1704) борлиқда алоҳида предметлар мавжуд бўлиб, булар орасидаги боғлиқликларнинг тафаккурдаги идроки натижасида умумийлик, универсалиялар туғилади ва концепт ҳосил бўлади, деган ягона олға суришган (Фил.энц.словарь 1983:278). Аммо П.Абелярнинг концепт - «ақлий фаолият воситасида у ёки бу предмет ҳақидаги фикрларни умумийлаштириш ва ягона хуносага келишидир», деган таърифига таянган концептуалистларнинг ҳарчанд уринишларига қарамасдан, ушбу терминнинг илмий кўриниш олиши ва оммавийлашуви анча қийин кечди. Бундай «сусткашлик» воқеликдаги предмет-ҳодисалар хусусиятлари талқинида концептуалистлар йўл қўйган хатолар натижаси бўлса ҳам ажаб эмас. Зоро, ушбу оким тарафдорлари умумийликни фақатгина яққа, алоҳида предметлар хусусиятларидан излашиб, тизимий муносабатларни нотўғри тасаввур қилишган. Система аслида яхлитлик ва умумийлик мавжудлигини тақозо этади, қисмларнинг хусусий белгиларини излаш ва хусусийликдан умумийликка караб йўл олиш ҳодисалар моҳиятига механизм нуқтаи назаридан ёки редукцион ёндашувдан бошқа нарса эмас. Системанинг ҳақиқий моҳияти холистик ёндашувда, яхлитликдан қисмларга караб интилишда намоён бўлади. Ахир Гёте ҳар қандай мавжудот буюк уйғунликдаги ягона,

яхлитликнинг намуналаштирилган (қолиллаштирилган) аксидан бошқа нарса эмаслигини бекорга қатъий қайд этмаган бўлса керак (қиёсланг: Капра 2002: 37).

Яхлитлик ва қисмлар ёки умумийлик ва хусусийлик ўртасидаги зиддият «концепт» терминининг фалсафада турғунлашувига бир мунча ҳалакит бергани аниқ ва худди шу ҳолат тилшунослиқда ҳам ўз аксини топди. Тўгри, «концепт» калимаси инглиззабон ва романзабон илмий адабиётларда доимий равишда амалда, бироқ бу тилларда *concept* асосан «тушунча, ғоя, умумий фикр» маъноларини ифодалайди. Рус тилшунослигида ушбу атама ўтган асрнинг 30-йилларида қўлланишга кира бошлади. Бинобарин, С.Н.Аскольдов 1928 йилда эълон қилган сўз ва концепт муносабати ҳақидаги мақолосида воқелик идроки жараёнида ҳосил бўладиган алоҳида ва умумий тушунчаларни фарқлаш лозимлигини уқтирган эди. Рус филологининг уқтиришича, умумий тушунча бир турдаги предметларни, уларнинг белги, хусусияларини умумлаштириш асосида юзага келади (масалан, «идиши» тушунчаси замирида *коса*, *тиёла*, *чойнак*, *ликопча*, *лаган* каби предметлар белгилари, бажарадиган вазифаларининг умумлашмаси ётади). Демак, концепт ақлий фаолият жараёнида бир турдаги предметлар ва уларнинг белги хусусиятларининг ўрнини алмаштирувчи (олмошлар функцияси билан қиёсланг) бирликдир (Аскольдов 1997:274).

С.А.Аскольдовнинг таърифу тавсифига диққат билан разм соладиган бўлсак, «концепт» «тушунча» атамасидан узоқлашмаётганлигини сезамиз. Таъкидланаётган фарқ яна ўша умумийлик ва хусусийлик муносабатига бориб тақалмоқда. Менимча, танланган йўл тўгри, зеро, ментал ҳодисалар бўлган «концепт» ва «тушунча»ни моҳиятан зид қўйиш нотўғри, аммо ушбу икки ҳодисани ягона бир қолинга солиш ва уларга бир хилдаги меъёрий ўлчов асосида таъриф бериш ҳам унчалик тўғри бўлмаса керак.

Концептнинг бошқа ёндош ҳодисалар билан муносабати муаммоси ҳақида кейинчалик бироз батафсилоқ фикрлашамиз, ҳозир эса унинг атама сифатида шаклланиши масаласига қайтмоқчиман. «Концепт» терминининг оммавийлашуви, сўзсиз, янги тадқиқот йўналиши - когнитив тилшуносликнинг ривожи натижасидир. Охирги эллик йил давомида когнитология қанот ёзиб, баркамоллашгани сари «концепт» ҳам тўлиғича термин мақомини олиб, илмий адабиётларда энг кўп учрайдиган атамалардан бирига айланди. Афуски, кексаю ёш лаҗжасида тинимсиз такрорланаётган, тадқиқотчилар қалами учидаги доимо тайёр турган термин мазмунан сийқалашиб, ўз мавқеини йўқотиб қўйиш хавфи ҳам йўқ эмас. Бир пайтлар С.А.Аскольдов бекорга «ақлий фаолият мазмунни бўлган умумий тушунча («концепт» назарда тутиляпти - Ш.С.) ҳануз ўта жумбоқли қиймат бўлиб қолмокда» (Ўша асар, 267-б.), деб нолимаган бўлса керак. Бундай нолиш ҳозир ҳам эшигилса, ҳайрон қолмаслик керак. Шундай экан, «концепт» нима ва унинг таърифида қайси кўрсаткичларга таянимок лозим? қабилидаги бошқотирмаларга жавоб топиш зарурияти янада долзарблашмокда.

Концепт ҳодисасига берилаётган таърифлардан айримларини эслатмокчиман. Даставал «Когнитив терминлар қисқача луғати»да берилган таърифни олайлик. Бу луғатда таърифланишича, концепт - бизнинг онгимиз (ақлий фаолиятимиз - Ш.С.) ментал ва руҳий имкониятлари ҳамда инсон билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлигидир; хотирадаги мазмундор ментал лексикон (хотирадаги ботиний луғат тизими - Ш.С.) концептуал тизим ва фикр юритиш (*lingua mentalis*) ҳамда инсон психикасида воқелик қиёфасини акс эттирувчи тузилмадир (Кубрякова 1996:90).

Концептнинг лингвокогнитив ҳусусиятлари билан қизиқаётган тадқиқотчилар ушбу бирликнинг онга оид

жихатларини биринчи ўринга кўйишга ҳаракат қилишади. Жумладан, Воронеж университети профессорлари З.Д.Попова ва И.А.Стернинларнинг наздида, концепт «кенг қамровли ақлий бирлик бўлиб, тузилма кўринишидаги билимнинг алоҳида бўлаги, квантидир» (Попова, Стернин 2000:4). Худди шунингдек, Н.Н.Болдырев ҳам концептни тафаккурга хос ҳодиса ва тил тизими билан боғлиқ эмаслигини уқтиради: «концептлар онг элементи сифатида тилдан мустақилдирлар. Тафаккур табиатан нолисоний ҳодисадир ва бу аллақачон ўз исботини топган» (Болдырев 2000:26).

Психолингвистлар ҳам концептни нолисоний табиатга эга бўлган мураккаб тузилма сифатида қарайдилар. А.А.Залевскаянинг фикрича, концепт - «шахснинг билиш ва коммуникатив фаолиятида ўз-ўзидан юзага келадиган, ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффектив тузилма. У инсон руҳий ҳаёти қонуниятларига бўйсунади ва шу жихатдан назарий тилшуносликнинг илмий тавсифи маҳсули бўлган тушунча ва маъно ҳодисаларидан фарқ қиласди» (Залевская 2001:39). Ушбудан маълум бўладики, психолингвистлар концептнинг шакланишини якка шахс (индивиду) тафаккур фаолияти билан боғлайдилар. А.П.Бабушкин эса, аксинча, концептни тил соҳибининг «миллий хотираси»да лисоний ифодаланган ҳолатда сақланадиган «жамоа онги»нинг мазмундор бирлиги сифатида талқин қиласди (Бабушкин 1996:13).

Адабиётшунослар талқинида эса, концепт индивидуал маъно, мазмун ҳодисаси бўлиб, «юзага келиши мумкин бўлган маънога ишорадир» ҳамда ушбу индивидуал хусусият маълум мухитда намоён бўлади. Зотан, «концептлар, умумий бўлиш билан бир қаторда, маълум контекстда намоён бўладиган кўплаб мазмуний чекиниш, тўлдирилишлар имкониятига эгадирлар» (Лихачев 1997:282).

Таърифларни эслатиши давом қилиш мумкин, лекин келтирилгандар ҳам концептнинг моҳиятини тушуниш, уни талқин қилишда ягона тўхтам йўклигидан далолатdir. Яқдилликни фақатгина концептнинг онга хослиги, тафаккур жараёнида туғилишининг эътироф қилинишида кўрамиз. Лекин бу ҳолатда олимларнинг айримлари индивидуал онгни, якка шахс тафаккур фаолиятини назарга тутишаётган бўлсалар, бошқалари эса, концептни «жамоа онгига» «идеал воқеликни» акс этишида шаклланадиган тузилма сифатида қарашни маъқул кўришмоқда.

Қизик, аслида бу тортишув ўринлимикан?! Индивидуал онг ва жамоа онгини қай йўсинда бир-бирига қарама-қарши кўйиш мумкин? Умуман, «жамоа онги» нима? Савол устига савол. Маълумки, онг инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида бажарадиган руҳий-психологик фаолиятининг юқори босқичидир. Куйи босқичларда эса воқеликни идрок этиш билан боғлиқ амаллар, яъни кўриш, сезиш, ҳис, тасаввур қилиш кабилар бажарилади. Худди шу амаллар тафakkур юритишига туртки бўлади, тафаккур фаолияти, ўз навбатида, борлиқ ҳақида фикр, тушунча, тоя туғилишига сабаб бўлади. Шахс онгига пайдо бўлган ушбу тушунча - тоялар, даставвал субъектив мазмунли бўлса-да, кейинчалик идеал тус олишиб, маданий маҳсулот кўринишини оладилар (масалан, тил бирликлари, санъат асарлари ва бошқа семиотик белгилар сифатида). Демак, борлиқ ҳақидаги билим илк босқичда объектив дунёнинг субъектив тасаввuri асосида юзага келади ва фақатгина «маданийлашиш» босқичидан ўтгандан сўнг ижтимоийлашади ва жамоа онги мулкига айланиши мумкин (туғилаётган барча субъектив тасаввур, тушунчаларнинг бир йўсинда жамоа онгидан ўрин олиши шарт эмас). Шундай экан, концептни индивидуал тафаккур жараёнида, шахснинг воқеликни билишга интилиши натижасида ҳосил бўладиган бирлик сифатида қараш маъқулроқ, унинг лисоний қолипда жамоа

онгидан жой олиши эса, маълум вақт оралигига кечади ва концептуал тизим бирлиги мақомига эга бўлиши талаб қилинади.

Дарҳақиқат, концепт предмет-ҳодисалар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва тўпланган маълумот асосида кузатилаётган ҳодисаларни тавсифлаш ҳамда таснифлаш имконини беради. Таснифлаш амалининг ижроси маълумотга эга бўлаётган шахснинг ҳаёт тажрибаси, унинг жамиятда қабул қилинган гурухларга ажратиш қонуниятларидан хабардорлиги билан бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, борлиқни ўзлаштиришнинг субъектив тажрибадан ижтимоий ҳақиқат ёки жамоа онгига қараб ўсиб боришидан далолат беради. Бундан равшанки, концептнинг туғилиши беихтиёрликдан рационалликка қараб йўл олаётган тафаккур фаолиятининг натижасидир. Е.С.Кубрякова таъкидлаганидек, «биз ҳозирча тафаккур жараёни қандай кечишини билмаймиз, лекин уларнинг баъзилари онгли равишда кечишини, яъни рационал-ақлий фаолият хусусиятини олишини тасаввур этишимиз мумкин» (Кубрякова 2004:20).

Хуллас, концепт индивидуал ва жамоа онгги учун бир хилда хос ҳодисадир. Индивидуал, яъни алоҳида шахслар тафаккур фаолиятида юзага келадиган концептлар умумийларига нисбатан мазмун ва шакл жиҳатидан турли хил ҳамда кенг қамровли бўладилар, чунки умумийликка (жамоавийликка) алоҳида шахслар тажрибаси, тафаккури умумлашмаси орқали эришилади. Сўзсиз, ҳар икки турдаги концепт ҳам ташқи дунё, воқелик қиёфасининг онгда акс этиши натижасида ҳосил бўлади. Лекин бу воқелик ҳақиқий кўринишга эга бўлиш билан бир қаторда, хаёлан тасаввур қилинаётган воқелик бўлиши ҳам мумкин. Бундай икки хилдаги борлиқ қиёфасини акс эттираётган концептларни С.А.Аскольдов (Ўша асар 274- бет) таклиф қилганидек, «билишга оид» (познавательные) ва бадиий концептлар

гурухларига ажратишнинг имкони йўқ. Воқелик киёфасининг оддий ва бадиий тасвири ўртасида ўтиб бўлмайдиган жарлик бўлмаса керак. Зотан, бадиий тасаввур ҳам шахснинг воқеликни билиш тажрибасига, шу тажриба жараёнида орттирган билимига таянади. Туғри, бадиий концепт бироз мураккаброк шароитда шаклланади. Ўз пайтида психолог Н.А.Бернштейн ва унинг давомчилари бўлган психолингвистлар инсон онгли фаолияти ижроси уч босқичли, яъни режалаштириш, ижро этиш ҳамда қиёслаш ҳаракатлари босқичларидан иборат эканлигини таъкидлаган эдилар (Қаранг: Сахарный 1989:45). Худди шу босқичлар ҳар қандай турдаги концептнинг яратилиши фаолиятида ўз «кучи»ни кўрсатади. Аммо охирги босқич бадиий концепт яратилишида ўзгача аҳамиятга эга, чунки бадиий ижод фаолиятида шахсий назорат кучлироқ кечади. Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фаолияти, ҳаракати натижасини олдиндан режалаштириш, унинг маҳсулини кўра билишга интилади. Бундан тафаккур (аникроги - нуткий тафаккур) фаолияти ҳам истисно эмас. Инсон воқеликни идрок этиш ва шу идрок жараёнида туғиладиган концептнинг тасвирий («ифода» дегим келмаяпти) шаклини танлашда тўлиқ эркинликка эга эмас, бу ерда эҳтимолли режа ўз кучини яна бир бор намойиш килади. Мумкин бўлган муқобиллардан энг мақбулини танлаш учун муқобиллик доираси босқичма-босқич торайиб боради ва энг охирги босқичдагина мақсадга мувофиқ шакл, схема маъқул топилади.

Тафаккур фаолиятининг назоратли кечиши, унинг аниқ бир мақсадга буйсундирилиши ҳеч кимда гумон туғдирмаса керак. Шунга биноан индивидуал ва жамоавий руҳдаги концептларни бир хилда рационал фаолият маҳсулоти сифатида қараш маъқулдир. Машхур итальян олими, Болония университетидаги семиотиклар марказининг раҳнамоси Умберто Эко борлиқ идроки ва унинг когнитив

«хазми» субъектив назорат остида кечишини алоҳида таъкидлайди. «Бизни кизиқтирадиган барча ҳодисаларни, - деб ёзди олим, - коммуникациянинг энг одий ҳолатига асосланиб, жуда оддий модел кўринишига келтирамиз. Кейин эса, пайдо бўлган тушунчаларга баҳо берилади, улар кенгайтирилади - бошқача тасаввур қилинади, инкор этилади, улар олдиндан қўйилган қопқонларга қамаладилар, уларнинг «пишиқлиги», мустаҳкамлиги текшириб кўрилади» (Эко, 1998:30). Инчинун, концепт, у қандай кўринишда бўлишдан қатъи назар, кўп босқичли тафаккур фаолияти маҳсул: Ҳар қандай индивидуал концепт ҳам шу йўсиндаги «ишлов»дан ўтгандан сўнгтина алоҳида шахснинг ички лексиконидан ўрин олади, унинг идиолекти намунасига айланади. Шахс тафаккур ва нутқий фаолияти, қолаверса, унинг оламни билиш имконияти асосини ташкил қилувчи концептлар тўплами унинг концептосферасини, яъни концептуал бойлигини ҳосил қиласи. Концептлар бойлигининг худуди, чегараси инсоннинг интеллектуал қобилияти даражаси ва бошқа психологик, руҳий ҳодисалар билан боғлиқдир. Албатта, концептосфера турғун ҳодиса эмас, унинг худуди доимо кенгайиб, инсоннинг воқеликни идрок этишдаги эҳтиёжи ва имкониятлари ўсиб боргани сари унинг концептлар заҳирасининг миқдори ошади, мундарижаси мураккаблашади. Индивидларга ҳос концептосфералар, ўз навбатида, алоҳида ижтимоий гуруҳлар - социумлар, этник гуруҳлар ва, нихоят, миллатлар концептосферасининг таркиб топиши учун асос бўлади. Миллий концептосфера майдонидан ўрин олган концептнинг мундарижаси янада кенгаяди, у миллий - маданий қийматли бирликка айланади. Миллий-маданий қийматли мазмун қобиғига эга бўлган концептнинг таҳлили ҳам ўзгача ёндашувни талаб қиласи. Бу мақсадда бажариладиган тадқиқотлар учун - анъанавий «тил ва

тафаккур» жуфтлигининг «тил - инсон - маданият - тафаккур» түртлиги томон кенгайиши муқаррардир.

Концепт ҳодисасининг моҳияти ва мундарижаси унинг тушунча, маъно каби ёндош ҳодисалар билан муносабати доирасида равшанлашади. Аммо ушбу ёндошлик муносабатлари ҳақида билдирилаётган фикрлар ҳам турли туман ва, афсусланарлиси, улар баъзан зиддиятлидир. Бундан 4-5 йил олдин муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Концептлар антологияси» асарида концепт ҳодисасига бир пайтнинг ўзида «нолисоний бирлик», «тасаввур, тушунча ва маъно кабиларнинг ўрнини оладиган бирлик» ва ҳатто «онгда жойлашган шартли белги» тавсифлари берилаётганлигини кўрамиз. (Антология 2007:7-8;10-12). Онгда мавжуд бўлган ҳолатнинг муҳим ёки вақтинчалик (шартли) эканлигини аниқлай олмаётган муаллифларнинг наздига, бир томондан, концептнинг, сўз ва бошқа тил бирликлари воситасида лисоний ифода топиши шарт эмас бўлса, иккинчи томондан, барча концептлар «ўзларига бириклирлган ва эркин шаклларда» воқеланаар эканлар (Ўша асар 8-14-б.)

Концептнинг онтологик хусусиятлари тадқиқига биринчилардан бўлиб киришган С.А.Алексеев-Аскольдов унга ўз пайтида «туманли тушунча» таърифини бежиз бермаган экан. Лекин илмий тафаккур «тумандан» қочишга мажбур, «туманли» фикрлар оғушида қолган тадқиқотнинг қисмати ачинарли бўлиши турган гап. Бирор бир ҳодиса ҳақида зиддиятли фикрларнинг пайдо бўлиши кўпинча илмий ёндашувларнинг методологик жиҳатдан пухта асосланмаганлиги билан боғлиқ. Бинобарин, айримлар тафаккур фаолиятининг новербал ёки нолисоний ҳолатда кечишини исботлаш ниятидан қайтишни истамай турибдилар. Афсуски, шундайлар қаторига бир қатор когнитивистлар ҳам қўшилиб қолдилар. Жумладан, З.Д.Попова ва И.А.Стернин нутқий тафаккур бирликларини,

улар қандай номланаётган бўлишидан қатъи назар, тил худудидан тамоман сиқиб чиқариш тарафдорлари дирлар (Попова, Стернин 2007:39-41). Аслида «новербал тафаккур»нинг қандай юзага келишини тасаввур қилиш қийин, чунки борлик ҳақидаги фикрни фақат лисоний шакллар воситасида ўқий оламиз. «Англамоқ»нинг асл этиномони «онг+ла+моқ» бўлса, ажаб эмас. Биз лисоний онгдан ўрин олган концептни, тушунчани англай оламиз ва бу тафаккур фаолиятининг охирги босқичидир. Шундай экан, тафаккур фаолиятини унинг мақсадидан ажратиб қўйиш инсофдан эмас.

Бундан ташқари, тил ва тафаккур оралиқ босқичларини аниқлаш ҳам қийин масаладир. Бундай босқичларни ажратиш, бир томондан, уларни яқинлаштириш йўлидаги уриниш бўлса, иккинчи томондан, уларни бирлаштириш, яқдилаштиришдан қочиш ҳаракатидек кўринади. Натижада, онгни қисмларга ажратиш ва когнитив, коммуникатив ҳамда лисоний онг турларини фарқлаш (Ўша асар 45-50-б.) амалининг истиқболи номалум бўлиб қолади. Агарда оралиқ босқичлар сонини кўпайтиришни жуда ҳам истайдиган бўлсак, албатта, лисоний тафаккурнинг миллий хусусиятларини этиборга оладиган этномаданий онгни фарқлаш лозим бўлади.

Эсимизда, 2001 йилда Россиянинг Воронеж университетида когнитив тадқиқотлар методологияси муаммоларига бағишлиланган семинар-йиғилиш ўтказилган эди. Шу семинарда И.А.Стернин концепт мундарижасида мавжул бўлган таянч ва иккиламчи қатламларни ажратишни таклиф қилди (Стернин 2001:59). Таянч қатлами тафаккур амаллари замирида турадиган умумий предметлик коди (идрок этилаётган тимсол) бўлиб, усиз концепт ҳосил бўла олмайди. Концептуаллашув шароитида юзага келадиган иккиламчи қатлам эса, таянч қатламини мазмунан тўлдиради. Концептлар таснифида ва уларнинг тиллараро

киёсида айнан шу иккиламчи қатламдан жой оладиган маъно бўлакларини аниқлаш мухимдир. Бусиз олам идрокининг миллий-маданий хусусиятларини фарқлаш кийин кечади.

Концепт, бир томондан, оламни ўзлаштириш, билиш воситаси хизматини ўтаса, иккинчи томондан, унинг ўзи ҳам худди шу билиш фаолияти жараёнида туғилади ва бундай «туғилиши» шароитида у маънонинг ўриндоши вазифасини ўтайди. Ўриндошлиқ вазифасини бажараётган концепт маънонинг онгдаги аксидир. Ушбу акснинг лисоний фаолият жараёнида «қайта акс» топишидан қоладиган «излар» аниқ кўриниб туради. Масалан, *юлдуз*нинг идроки даставвал унинг «кечаси нур сочиб турувчи нуқта бўлиб кўринадиган осмон жинси» эканлиги билан боғлиқ бўлса, кейинчалик у сочаётган нурнинг ёруғ, ўткирлиги концептуал идрок майдонини кенгайтиришга имкон яратади: алоҳида шахслар, ҳодисалар «юлдуз»га айланадилар («саҳна юлдузи», «шеърият юлдузи»).

Модомики, инсоннинг сўзларга эгалиги, сохиблиги «улар етказадиган маъно ва концептлар даражасида» (Маматов 2012:216) кечар экан, шу икки ҳодисанинг муносабати қай йўсинда кечишини билишимиз даркор. Москвада нашр килинган «Тилшунослик комусий лугати»да ушбу ҳодисаларнинг яқинлиги бевосита таъкидланган: «Концепт сўз маъноси билан бир каторда турадиган, лекин бироз бошқачароқ муносабатлар тизимида қараладиган ҳодисадир» (Лингвист.энцикл.сл. 1990:384). Академик Д.С.Лихачевнинг концептни «маънонинг алгебраик ифодаси» сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги фикри ҳам концепт ва маъно ҳодисаларини уйғунликда қарашга унрайди.

Аспирантурада бирга таҳсил олган дўстларим ва ҳозирги кунда Кемерово университети профессорлари Е.А.Пименов ва М.В.Пименовалар билан Россияда

үтказилган қонференциялардан бирида концептнинг табиати ҳақида узоқ баҳслашдик. Пименовлар жуфтлиги ўз маърузаларида концептни аниқ шаклга эга бўлмаган, мавхум қолип кўринишидаги ҳодиса эканлигини исботламокчи бўлдилар, мен эса, унинг воеий, реал ҳодиса сифатида қарашни маъқул кўришимни айтдим. Тортишувимиз кейинчалик ёзишмаларимизда ҳам давом этди. Пировардида, М.В. Пименова Германияда чоп қилинган мақоласида «концепт тил бирликлари маъноларида тарқалган ҳодисадир», деган фикрни баён килди (Пименова 2003:95). Баҳсимизда ким ғолиб келганлигини билмайман-у (илмий фаолият учун «ғолиблик» марра эмас, унинг мақсади хақиқатни топишдир), лекин маъносиз концептни тасаввур қилиш қийин, Концептнинг тил бирлиги маъно қатламларида тарқалиши («сочилиши» эмас) ўзига хос ҳолда кечади, у рамз, тушунча ва тимсолда шакл топади (Колесов 2004). Воқелик идрокининг дастлабки намунаси бўлган тимсол маъно шаклланишининг ёки, аниқроғи, воқелик ҳодисаларининг онгда акс топишнинг пойдеворидир. Концепт, тимсол ва лисоний белги ўргасидаги муносабатлар қамровида лисоний кўриниш олади. Лисоний тафаккур фаолиятининг илк босқичида туғилган тимсол концептнинг кейинги тараққиёти шароитида тушунчага кўчади ва шу йўсинда тил бирликлари семантик структурасининг ривожи таъминланади.

Баъзи тадқиқотчилар концепт ривожини, унинг маъно билан муносабатини бироз бошқачароқ тасаввур қилмоқдалар. Хусусан, В.В. Колесовнинг ўйлашича, этик концептлар тушунча ва рамз даражасига эришишлари билан бир қаторда, «онтологик концептлар эса, тимсол ҳолатида туриб қолар» эмишлар (Колесов 2004:71). Рус тили сўз бойлиги тарихининг билимдони сифатида барчанинг хурматини қозонган олимнинг ушбу фикрини маъқуллашга

ботина олмай турибман. Ҳеч бир тимсол ўзи билан ўзи, бўлиб қолиб кетишига ишониб бўлмайди. Ҳар қандай тимсол, у қандай семантик шаклга эга бўлишидан қатъи назар, маънога эга бўлиши шарт. Бу шарт, ўз навбатида, тимсолнинг тушунчага кўчишини тақозо этади. Бошқа томондан, рамз даражасига етиб келган концепт ўз тимсолини йўқотмаса керак-ку, аждодини унуглан рамз ҳам маъно ифодалай олишига кўзим етмайди.

Генератив тилшуносликнинг ашаддий мунаққидларидан бўлган Ҳилэри Патнэм барча концептларни онгда мавжуд бўлган семантик тасвир бўлакларига ажратиш мушкуллигини ёзган эди (Ritnam 1988:48). «Биз, - деб давом этади у, - сўз ёки бошқа бирор белгининг маъносини тушунаётганимизда уни маълум концепт билан боғлаймиз» (Ўша асар, 50- бет). Унумайликки, маъно сўз ёки бошқа бирликларнинг референтини белгилашини Аристотель, Рассел, Фреге, Карнал каби файласуфлар қачонлар айтган эдилар. Лекин Патнэмнинг мақсади бошқача бўлса керак - унинг истаги лисоний тафаккур, онгнинг туғма эмаслигини исботлашдир. Акс холда у маъно шаклланишини кўп босқичли жараён сифатида қарамаган бўлар эди: «Мия ёки онг фикрни яратади, уни маҳаллий тилда кодлаштиради ва сўнг бошқага узатади» (Ўша асар 51-бет). Ишонаманки, концептнинг маъновий либос олиши ҳам худди шундай лингвистик меҳнат тақсимоти жараёнида кечади. Бундай тақсимот қатнашчилари тил ва тафаккур бўлиб, улар бажарадиган меҳнатнинг роли, вазни ҳам бир хил оғирлиқда. Концепт ривожи ва сўзнинг семантик тараққиётида улар ёнма-ён туриб «меҳнат» қиласидар, бир-бирларидан ажралиб қолмайдилар.

Н.Ф.Алефиренко концептнинг лисоний воқеалигини тўрт босқичли жараёндан иборат, деб хисоблади. Биринчи босқичда концепт мазмунининг мундарижаси сўзнинг этимологияси билан бояланади. Этимон - сўз лугавий

маъносининг қолдик элементидир ва уни аниқлаш этимологик таҳлилни талаб қиласи. Иккинчи босқичда эса, концептнинг маъновий маркази- тимсол ҳосил бўлади. Маълумки, олам идроки асосан тимсоллидир, шу сабабли лисоний белгиларнинг концептуал маъноси тимсол ва рамз тарзида гавдаланади. Концепт лисоний воқеланишининг навбатдаги босқичида тимсол метонимик кўчим негизида намоён бўлади. Нихоят, лисоний воқеаланишининг охирги босқичида рамзнинг маълум бир маданий муҳитдаги хатти-харакати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Шу босқичда сўз семантик структурасининг тагмаъноли қисми, яъни импликационал яралади (Алефиренко 2005:143-148). Равшанки, кўрсатилган лисоний воқеланиши босқичлари яхлит жараённинг узвий қисмларидир, уларнинг поғонали кечипши эса, лисоний тафаккурнинг чизиқли харакатда бўлиши натижасидир.

Яна бир карра таъкидламоқчиман: концепт - мураккаб тузилишли , аммо яхлит структурага эга бўлган ҳодисадир. Унинг такибида онгнинг тимсол, тушунча, ҳиссиётга оид тузилмалари бирлашадилар ва шу тузилмалар инсон дунёкарашини акс эттирадиган воқелик тасвиру-тасавурининг асосини ташкил қиласи. Концепт турли кўринишдаги маъно ва мазмунлар учрашмасидир. Тил бирлиги концептни воқелантирувчи, лисоний моддийлаштирувчи восита ҳамда бу жиҳатдан унинг бажарадиган вазифаси бошқа семиотик белгиларга тенглашиб қолади. Ҳар қандай семиотик тизим - онг захирасида мавжуд бўлган «сирли битиклар»ни воқелантирувчи воситалар тизимиdir. Бу битиклар маъносини тўғридан-тўғри уқиб олиш қийин, чунки онг биз учун «ёпиқ сандик» бўлиб қолмоқда, унинг сиру асроридан бевосита хабардор бўлиш имкониятига эга эмасмиз.

Онтологик жиҳатдан концепт фақат лисоний онг ҳодидаси эмас, у яхлит онг ҳодисадир ва унинг ривожи ҳам

худди шу яхлитлик доирасида кечади. Концепт мундарижасининг тушунчага оид қисмida турли маъно белгилари қатламлашади. Ю.С.Степанов шундай қатламлардан учтасини санаб ўтади:

1. Маълум бир этник маданий жамоанинг барча аъзолари учун умумий бўлган асосий ва фаол белги;
2. Алоҳида шахсларга маълум бўлган қўшимча (баъзан нофаол бўлган) белги;
3. Концептнинг фақат мутахасислар учун муҳим бўлган, лекин унинг лисоний кўриниши оламида ўз ўрнини топадиган ботиний шакли (Степанов 1997: 41-42).

Унутмайликки, тушунча ақлий фаолият жараёнида ҳосил бўладиган ҳодисадир, у оламдаги ёки тасавурдаги предмет, ҳодисаларни билиш, идрок этишнинг натижаси. Воқедик идроки тимсолдан бошланиши ва унинг тушунчадан олдин юзага келишини биламиз. Лекин тимсол ва тушунчани умумийлик ва хусусийлик белгиларига нисбатан қарама-қарши қўйиш ногўғри. Тимсолга ҳам умумийлик белгиси ҳос. Воқеликдаги нарса-ҳодисалар ҳақидаги билимнинг категориялашуви учун зарур бўлган тимсолли тасаввур умумлаштириш воситаси. «Одамлар маълум бир категорияга оид предметларнинг аниқ ва мавхум тафаккурий тимсолини яратадилар» (Демъянков 1996: 144).

Умуман, лисоний ва тафаккур фаолиятларининг ҳамоҳанглигига, яқдиллигига юзага келадиган ҳодисалар мундарижасини бир-бирига зид қўйиш ҳаракати ҳар доим ҳам ўзини оқлай олмайди. Зиддиятлар орқасидан қувиши баъзан пала-партиш, асоссиз хуносаларга сабаб бўлиши кутилган ҳол. Жумладан, «тушунча» ва «концепт» терминларини фарқлаш лозимлигини ўқтираётган В.А.Маслованинг ушбу терминларга берадиган таърифларини қиёслайлик: «Тушунча - объектнинг идрок этилган муҳим белгилари мажмуаси; концепт миллӣ

хусусиятли ментал тизим бўлиб, унинг мундарижавий плани объект ҳақидаги билимнинг тўлиқ мажмуасидир (таъкид меники –Ш.С), ифода плани эса, тил бирликларининг жамиси: лексик, фразеологик, паремиологик ва бошқа бирликлар» (Маслова 2006: 37). Берилаётган таърифлар илк боқишида аниқ кўринишга эга, уларда таърифланаётган терминларнинг моҳияти ўз ифодасини топгандек. Аммо муаллифнинг шу заҳотиёқ концептнинг аввалти объект ҳақидаги билимнинг тўлиқ мажмуаси бўлиши ҳақидаги фикридан қайтиб, ҳар қандай тушунча концепт бўла олмаслигини таъкидлашини ва «фақат улардан энг муракқаблари, муҳимларигина» концепт даражасига этиб бора олишини эътироф этаётганлигини (Ўша асар, 37-бет) тушуна олмайсан, киши. Келинг, Маслова айтганича ҳам бўла қолсин, унда тушунчаларнинг қайсилари муҳимум, қайсилари муҳим эмаслигини қандай ажратса бўлар экан?! Когнитологлар концептнинг тимсол, тушунча, рамзлардан таркиб топшишини яқдиллик билан эътироф этиб келмоқдалар. Бу эътироф Маслова хоним учун ҳам ёт эмас, лекин сўзидан қайтишни одат қилиб олган олимга бир ўринда ҳар қандай тушунча концепт шаклини ола олмаслиги ҳақида гапираётшиб, бошқасида Ю.С.Степановнинг концепт муҳим бўлмаган иккинчи даражали белгиларни ҳам қамраб олиши ҳақидаги фикрига (Степанов 1993 :16) «қарсак чалиб» туришини тушуниб бўлмайди.

Тушунчанинг тузилиши ва таркиби концептниги нисбатан оддийрок кўринишга эга бўлиши рост. Лекин концептлар ҳам тузилиш жиҳатидан бир хил эмас, уларнинг структуралари ҳар хил таркибга эга. Рональд Лангакер концептларни структур тузилиш жиҳатидан минимал (minimal concepts), конфигуратив (configurational concepts), архитип (conceptual archetypes) турларига ажратишни таклиф қилди (Langacker 2008:33). Биринчи турдаги концептлар ҳақиқатдан ҳам оддий (кўпинча бир босқичли)

тузилмалар бўлишиб, улар воқеликдаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввур, уларнинг предметли тимсоли сифатида юзага келадилар. Конфигуратив концептлар кўп погонали ментал амаллар воситасида ҳосил бўлишиб, улар қарама- қарши қўйиш, ўзгартириш, ажратиш, истисно этиш каби амал-харакатлар натижаларини акс эттирадилар. Архитип концепт эса, воқеа-ҳодисаларнинг фрейм қолипидаги яхлит тасвиридир. Бундай кўринишларга эга бўлган концептлар қаторидан борлиқнинг бевосита идроки жараёнида ҳосил бўладиган (оддий) тушунчалардан бирортасининг ўринсиз қолиши ноҳақликдир. Лисоний тафаккур ноҳақликка йўл қўймайди, у ўз фаолиятида тежамкорлик йўлидан бориши мумкин, аммо тафаккур ва тил элементларининг бирортасини ҳам камситмайди, уларнинг барчаси умумий тизимда ўз ўрни ва моҳиятига эга.

Концепт ва маъно ҳодисалари муносабати ҳақида билдирилаётган фикрлар ҳам баъзан ўта мунозарали. Бу ҳодисаларни бир-биридан узоқлаштириш, лозим бўлганда, узиб қўйишни хоҳлаб юрганларнинг фикрича, «маъно» термини лингвистик тадқиқотларда назардан четда қолиб, ўз жойини «концепт»га бўшатиб берәётган эмиш (Маслова 2006:37). Концепт ва маънони айри, мустақил ҳодисалар сифатида қарайдиган бўлсак, унда уларнинг бири иккинчисига ўз ўрнини бўшатиб бериши керакми?! Ёки маъносиз концепт мавжудми? Тўғри, концепт ва маъно ўртасида ҳосил бўладиган муносабатлар мураккаб хусусиятли, лекин бу муносабатни ёрдамчи сўз туркумлари қаторига киравчи бирликларнинг лексик маъносини аниқлаш қийинлигидан изламаслик керак. Маслованинг наздида, «ва», «лекин» каби боғловчилар лексик маънога эга бўлмасалар-да, улар негизида турадиган концептлар («боғлаш», «қарама-қарши қўйиш») аниқ экан.

Маълумки, ёрдамчи сўзларнинг маънога эга бўлиши тил тизимида кечадиган умумлаштириш, мавхумлаштириш

харакатларининг юқори даражадаги фаоллашуви натижасидир. Аммо мавҳумлаштириш шароитида сўз таркибида воқеланадиган тафаккур шакли тамоман йўқолиб кетиши мумкин эмас. Аксинча, ушбу жараёнда тафаккур шакли янада ривожланиб, ботиний хусусиятни олади. Демак, ёрдамчи сўз туркumlари ҳам маълум тушунчаларни ифодалайдилар, фақат ушбу тушунчалар мавҳум, формал белгиларга эга ва шу боис улар етказадиган ахборотни бевосита англаб олиш қийин.

Ҳархолда, лисоний ифодасиз фикр мавжуд бўлмаганидек, лисоний белги ҳам фикр ифодасидан холи тура олмайди. Тил табиатини англаш ва уни тадқиқ этишининг асосий тамойили сифатида унинг (тилнинг) «икки тарафлама» обьект эканлигини танлаган Соссюрнинг қайдича, таҳлил қилганимиз сари ҳеч ҳам кўз юмиб бўлмайдиган бир ҳақиқатга янада кўпроқ ишонамиз: «Ҳодисалар ўргасида биз аниқлаётган алоқа, муносабат, ушбу ҳодисалардан олдинроқ мавжуд ва шу мавжудлик уларни таърифлаш имконини беради» (Қаранг: Бенвенист 1974:56). Фикримча, концепт ва маъно муносабати ҳақида мулохаза юритиш истаги бўлган хар бир шахс тилнинг моҳиятини унинг ҳодисаларининг икки томонлама (шакл ва мазмун) хусусиятга эга эканлиги белгилашини ва бу томонлардан бирортасининг иккинчисисиз мавжуд эмаслигини унутмаслиги лозим.

Концепт ва маъно ҳодисаларининг муносабати ҳақидаги баҳс қай йўсинда давом этишидан қатъи назар, бир ҳақиқатга амин бўлмогимиз даркор: бу - икки ҳодиса бир-бiriнинг такрори эмаслигидир. Тил бирликларининг маъноси концепт шаклланиши учун ягона манба бўла олмайди. Концептнинг шаклланиши маънодан бошланади, деган хулосага ишонадиган бўлсақ, генератив тилшунослик гоялари изидан бориб, беихтиёр маънонинг тилдан олдин, туғма холда мавжудлигини эътироф этишга мажбур

бўламиз. Зўравонлик билан сингдирилган ғоя хеч қачон хақиқатга йўл оча олмаслигига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Ҳақиқат бошқа томонда, зеро, концепт ментал ҳодиса сифатида лисоний бирликлар ва воқелик ўртасидаги воситачи ролини ўтайди. Алоҳида шахслар ва жамоа, миллат тажрибаси асосида юзага келадиган концепт эмоционал, экспрессив ва баҳо белгиларига эга бўлади (Маслова 2006:47) ҳамда ушбу белгилар сўзнинг маъно структурасида ўз ўрнига эга.

Концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараси ва бошқа турли миллий-маданий белгиларнинг акс топиши муқаррар. Миллийлик ва маданийликнинг кучи шундаки, ҳатто умуминсоний аҳамиятга эга бўлган концептларнинг мундарижаси ҳам турлича қўшимча, коннотатив маъно бўлакларига эга бўлиши мумкин. Бинобарин, «ўлим» умуминсоний концептлар қаторига киради («ўлим - муқаррар»), лекин шу концептуал майдон доирасида ўзбек тилида «Қаҳрамонларча ҳалок бўлмоқ», «Элчига ўлим йўқ», «Ватани учун курашиб ҳалок бўлмоқ» каби тушунча-иборалар пайдо бўлган. Япон тилида эса, «ўлим» концепти билан боғлиқ тушунчалар қатори эллиқдан ортади ва уларнинг ифодалайтган мазмуни ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан *junkoku* «Ватан учун ўлмоқ» ва *sange suti* «баҳодирларча ҳалок бўлмоқ» концептуал жихатдан «Ватан ҳимояси» маъносига яқин турса, *harakari* – «ўзини қурбонлик қилиш»дир.

Худди шунингдек, «сўз» концепти ҳам барча миллатлар учун умумий концепт. *Homo loques* қобилиятига эга бўлган инсон сўзлайди ва сўздан фойдаланади, аммо сўзнинг қадри турлича баҳо олиши ҳам кузатилган ҳолатдир. Инглизлар сўзни кўпроқ ўсимликлар дунёси тасвирида (*rose, flower, leave, weed, sunbeam, shell, seaweed*) кўрсалар, ўзбеклар учун сўз *гавхар, жавоҳирдир*. «Сўз» бизнинг тушунчамизда *лаъл, олмос* каби қимматбаҳо ёки *ширин, аччик, лаззатли, мазали,*

қаймок каби таъмли бўлади (Қаранг: Галеева 2010:19) Буларнинг барчаси концептларнинг идиоэтник қадриятга эга эканлигидан дарак беради, албатта. Аммо келтирилган мисолларда қадриятнинг миллий маданият учун умумий хислат бўлиши акс этган. Н.Д.Арутюнованинг таъбирича, одатда, инсон бирор мақсадда фойдаланишни кўзлаётган нарсага баҳо беради. Баҳонинг асосий тамойили - дунё инсон учун мавжуд, инсон дунё учун эмас (Арутюнова, 1998:181). Воқелик нарса-ҳодисаларига баҳо бериш у ёки бу маданият ҳудудида маданий концептуал гуруҳларнинг ажралишига сабаб бўлади. Инсон табиий муҳитда эмас, балки маълум бир ижтимоий маданий муҳитда туғилиб ўсади. Унинг воқеликдаги нарса-ҳодисаларга бераётган баҳоси ҳам шу муҳит назоратидаги қонун, этник нормалар талабларига мос келиши керак. Шу сабаб турли концептларни атовчи тил бирликларининг мазмун структурасида ижтимоий-маданий хусусиятли маъно бўлаклари мавжуд бўлади. Лекин концептнинг маданий ҳодиса бўлиши унинг умурижтимоий мақомини йўқقا чиқармайди. «Оёқ», «қўл», «қўз» каби бирликларни маданий концептлар категориясига киритиш қийин бўлганидек, уларга миллий маданият нуқтаи назаридан тавсиф бериш ҳам қийин. Менимча, «Ҳамма инсонлар концептуал тизимдан баҳрамандмилар?», деган саволни бошқача, яъни «Концептлар ҳамма тијларда ифодаланиладими?» тарзида сўраш маъқулдир. Турли миллат, маданият вакилларнинг концептуал тизими батамом фарқ қилишига ишониш қийин. Турли лисоний маданиятга мансуб инсонларнинг бир-бирларини тушунишлари, бир тилдан иккинчисига таржима қилиш имкониятининг мавжудлиги ва, ниҳоят, умуминсоний қадрият тушунчаларининг бисёрлиги бунга йўл қўймайди ҳам. Лекин қадриятлар ўлчовининг ҳар хиллигини, факат алоҳида этник маданиятларга хос бўлган концептларнинг ҳосил бўлишини ҳам ҳеч кимса инкор

этишга ҳозирча журъат қилгани йўқ. Когнитив фаолият жараёнинг барча учун умумий бўлган хислатлари ва унинг миллий маданиятга боғлиқ жиҳатлари «сирли сандик» да сақланиб турибди. Балким, когнитив тилишунослик доирасида бажарилаётган тадқиқотлар бизга ушбу сандик ботинига мўралашга имкон туғдирар.

Кўйилган иккинчи саволга жавоб излаётиб, биз яна беихтиёр ўша «сирли сандиқ» назар ташлашга мажбурмиз. Америкалик тилишунос Боас келтирган мисоллардан биламизки, эскимос тилида «кор» концепти бир неча луғавий бирликлар воситасида ифодаланади: *arut*- ер юзасидаги кор; *quana*-ёғаётган кор; *riqsirpoq*- учеб юрган кор; *qitiqsuiq* - кор уюми. Эскимос тилида ифодаланаётган тушунчалар, сўзсиз, бошқа этник гурухлар вакилларига ҳам таниш, лекин эскимослар биргина сўз (*quana*) билан ифодалаётган тушунчани биз сўз бирикмалари ёки алоҳида синтактик тузилмалар воситасида маълум қиласиз. Тушунчалар лисоний воқеланишидаги фарқларнинг сабаблари баязан маданий омилларга боғлиқ бўлади (масалан, қорнинг турли кўринишда тасаввур қилиниши эскимослар маданияти, турмуш тарзи билан боғлиқ). Лекин бу омил ҳар доим ҳам ўз кучини кўрсатавермайди. Жумладан, барча учун умумий бўлган «ҳаракат» қонуниятини ифодаловчи ўзбек тилидаги феъллар кўпинча ҳаракатнинг ўзидан ташқари, унинг бажарилиш усулига ишора ҳам қиласилар: «*Тоғдан тош юмалаб тушади*»; «*Чана сиргалади*»; «*Араванинг оёги гилдирайди*»; «*Сув оқади*», «*Ўргимчак ўрмалайди*»; «*Илон судралади*» ва ҳоказо. Испан тилида эса, ҳаракат ва унинг бажарилиш тарзи, услуби айро, алоҳида тил бирикмалари воситасида ифодаланади: *La botella entro en la cueva, rodando*- сўзма сўз: «Шиша (бутилка) юмалаб (rodando) хандакка тушди (entro)».

Айни пайтда, испан тилидаги баязи феъллар ҳаракат маъносини ифодалаш билан бир қаторда, ушбу ҳаракат

йўналишига ҳам ишора қиласи. Масалан: El globo bajo «Ҳаво шари пастга тушди»; El globo «Ҳаво шари юқорига кўтарилиди»!

Келтирилган мисоллардан икки нарсани англаш мумкин. Биринчисида, «ҳаракат» концепти «йўналиш», «ҳаракат усули», «ҳаракатланаётган объект» каби қатор концептлар билан ёндош туради. Иккинчидан, ушбу концептларнинг лисоний воқеланиш жараёнидаги гурухлашуви турли тилларда турлича кечади. Концептларнинг тиллароро ва маданиятлараро муносабатларини ўрганиш концепт тизимининг тузилиши ҳақида маълумотлар тўплаш учун зарур. Концептларнинг мазмуний яқинлиги асосида ҳосил бўладиган гурухларни концептуал майдон доирасида ўрганганимиз маъкул. Бунда ҳар бир майдонда марказий, ядроий қисм ажратилиб, улар атрофида вақтинча жойлашадиганларининг мақомини, қийматини аниқлап мақсади назарда тутилади. Ушбу майдон сутруктураси поғонали кўринишга эга бўлиб, алоҳида поғоналарда турадиган концептларнинг мақоми бир хил эмас. Поғоналарнинг ўзаро муносабати умумийлик ва хусусийлик тамойили асосида шаклланади. Шу тамойил замирида фарқланадиган концептларнинг ўзаро иерархиясини акс эттириш учун юонон тилидан олинган макро -(makros- «узун, катта»), мезо- (mesos - «ўртача, оралиқ») ва микро- (micro- «кичик») элементларидан фойдаланган ҳолда концептуал майдон поғоналарида концептлар жойлашувини «макроконцепт - мезоконцепт - микроконцепт» қатори тасвирида бериш мумкин.

Шундай қилиб, концепт кўпжихатли ва кўпўлчовли ҳодисадир. Унинг шаклланиши воқеликни бевосита идрок этиш жараёнида ўзлаштирилаётган билимнинг инсон хотирасидан ўрин олиши ва ушбу билимнинг маълум маънода мавжуд бўлган маданий, ахлоқий қадриятлар билан мослашувини тақозо этади. Концепт терминига берилаетган

тавсифларнинг турли, баъзан тафовутли кўринишда бўлиши концепт ва тил бирликлари маъносининг ўзаро муносабатини аниқлаш масаласи билан боғлиқ.

Лингвокультурология йўналишида фаолият олиб бораётган тилшунослар учун концепт маълум лисоний маданиятнинг ўзига хослиги белгисидир ва бу белгилар борлик нарса-ҳодисаларининг ҳар бир миллат эллат турмуш тарзи, яшаш эҳтиёжи, маданиятига мос ҳолда идрок этилиши ва категориялаштирилишига боғлиқ. Шу боис ўз пайтида Д.С.Лихачев истеъмолга киритган ва «миллат концептлари мажмуаси» таърифини берган «концептосфера» термини фақат маданий концептлар йигиндисига нисбатан қўлланилмоқда. Ушбу йўналишдан бораётган олимларнинг бошқа бир қисми эса, «лингвокультурема» терминини маъкул кўришиб, унга лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топадиган босқичлараро мажмуавий бирлик тарифини бермоқдалар (Воробьев 1997: 44).

Психолингвистлар таъбирича, концепт инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида ҳаракатга келадиган идрокий когнитив тузилма бўлиб, у инсон руҳиятининг қонуниятларига бўйсунади ва шу жиҳатдан маъно ҳодисасидан фарқ қиласди (Залевская 2001:39).

Когнитив лингвистикада концепт тил бирликларининг маъноси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади ва шунга биноан тафаккур бирлиги сифатида қаралаётган концептни қолиплаштиришда тил бирликларига хос хусусиятларга таянилади. Когнитив назарияга қулоқ осадиган бўлсақ, тил «инсонлараро фаолиятнинг энг муҳим турларидан бири ва лисоний категориялар тафаккур тизимининг ёрқин намунасидир» (Қаранг: Лакофф 1988:31-47). Сўзнинг лексик маъноси когнитив талқинда концептуал ҳодиса бўлиб, у воқеликнинг идеаллаштирилган идроки натижасидир. Демак, концептда ҳам тимсоллик хусусияти мавжуд ва у

мавхумлаштириш жараёнида юзага келишига қарамасдан, моддий асосга эга. Концептнинг яна бир хусусияти - унинг лисоний ва ментал босқичлар ўргасида сралиқ тугун вазифасини ўташиди. Шу аснода уни тушунча ёки маънонинг айниси, сифатида кўриб бўлмайди. Маъно концептнинг тил тизимида воқеланиш шаклидир, шунинг учун ҳам концептнинг тузилишини унга муқобил бўлган тил бирликларининг валентлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқлаш мумкин. Бу эса, «концепт» терминининг лотин тилидаги conceptus («тушунча») билан боғлагандан кўра, conceptum («магиз, уруғ, ҳомила») сўзи воситасида изоҳлаш маъкуллигидан дарак беради. Зотан, шу «уруғ»дан уни лисоний воқелантирувчи барча шакллар «ўниб» чиқади. Инглиз тилидаги concept терминининг ўзагида эса, conceptus туради (Киёсланг: concept – «a general idea, thought or understanding»). Балким шунинг учун ҳам европалик ва америкалиқ тилшуносларнинг концепт ва тушунча ҳодисаларини фарқлаш масаласи умуман қизиқтирамайди. Ҳатто Рей Жакендоффнинг «What is a concept?» («Концепт нима?») номли ишини бир неча карра ўқиётиб ҳам, концепт ёки тушунча ҳодисаларининг қайси бирига тавсиф берилаётганлигини охиригача англай олмадим. «Концепт» термини лингвистик лугатларга киритилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, хорижлик тадқиқотчилар concept бирлигини «тушунча» мазмунида талқин қилишда давом этаётганликларига ишонса бўлади.

Когнитив тилшунослик доирасида кўлланишда бўлган термин, тушунчаларни россиялик ва америкалиқ тадқиқотчилар турлича тавсифлашларининг сабаби уларнинг гоявий қарашлари турлича бўлишидадир. Америка когнитивистлари асосан генератив тилшунослик паноҳида вояга етган олимлардир. Генеративизмнинг асосий гояси инсон лисоний қобилиятининг ботиний хислат, қонуниятларини аниқлаш эканлигини эслайдиган бўлсак, шу

ғояни ёшлигидан ўзлаштирган когнитивистларнинг турли тузилишдаги ментал (супер)категорияларни излаплари кутилган ҳолдир. Тилдан ташқаридаги ҳодиса, деб қаралётган прототип, фрейм каби категориилар таҳлилтавсифини мақсад қилганлар учун концепт ва тушунча ҳодисаларини фарқлашга эҳтиёж йўқ.

Рус тилшунослиги учун лисоний тафаккур фаолияти жарёнида шаклланадиган ҳар қандай ҳодисани шакл ва мазмун (ёки янада кенгроқ тил ва тафаккур) муносабати доирасида ўрганиш анъанага айланган. Бундай ёндашувда тадқиқ объектининг мундарижавий белгиларини аниқлаш учун уларни қиёслаш йўли билан объектни яхлит кўринишда тасвирлаш устувор мақсадга айланади. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам когнитив тилшуносликнинг дикқат марказида маъно ҳодисасига оид муаммолар турганлиги аниқ кўриниб турибди. Шу сабаб бўлса керакки, тадқиқотларнинг асосий қисми ҳам когнитив семантика доирасида бажарилмоқда.

9-БОБ. МАЬНО ВА ЛИСОНӢЙ МОДДИЙЛИК МУНОСАБАТИ

Машхур инглиз файласуфи Френсис Бэкон «Янги Органон» асарининг илк саҳифаларида «инсон факат ўзи кузатаётган нарса-ҳодисаларни тушуна олади, ундан ортиқчасини билмайди ва била олмайди», деб башпорат қилмоқчи бўлган экан. XVII аср фанида табиат-маълум қисмлардан таркиб топган машина ва ушбу қисмларнинг ўзгармасдан тақрорланадиган ҳаракати унинг доимийлигини таъминлайди, деган ақида хукмрон бўлиб турган пайтда файласуфларнинг холосаси ҳам механик тус олиши табиий эди. Шу даврда факат кўриб, кузатиб тўпланган маълумотлар асосида холоса чиқариш «энг намунали фан» нишонига даъвогар физиканинг асосий мақсадига айланган эди. Сўзсиз, маҳсус асбоблар ёрдамида бир қийматнинг бошқасидан фарқини аниқлаш илмий тадқиқотда натижага эришиш учун муҳим. Лекин физик қонуниятлар факат асбоб-ускуналар кўрсаткичларига биноан тўпланадиган статистик маълумотларга боғлиқ эмас-ку! Оддий кузатиш амалига суюниб қолган тадқиқотчининг кузатилаётган моддий оламнинг тузилиши, унинг динамик табиати ҳақида бирор бир холосага келиши муаммо. Тўпланаётган маълумотларнинг манбанини, уларнинг қандай мавжуд бўлишини билмасдан туриб, илмда ижобий натижага эришиш қийин кечади. Жаҳон фанининг механик

дунёқараашдан, позитивизм ғояларидан кутулиши осон кечмади, албагта. Моддийлик тақрорланмасдан, балки бир шаклдан иккинчисига ўтадиган ҳодиса эканлигини англаш лозим бўлди. Масалан, термодинамиканинг тараққиёти энергиянинг бир турдан иккинчисига ўтишини изохлаб берган бўлса, тирик организмларнинг ўрганилиши ҳаётнинг барча турлари хужайралар ривожининг маҳсулни эканлигини кўрсатиб берди. Шунингдек, геологияда Ер тузилиши ўзгарганлиги тасдиқланди ва астрономия юлдузларнинг ҳам бир хилда сакланмаслигини исботлаш йўлини тутди.

Тилшунослик фанининг ҳам механистик ёндашув ғояларидан узоқлашиши осон кечмади. Эмпирик тилшуносликнинг ҳукмонлиги узок давом этди, ҳатто Соссюрнинг семиотик таълимотида ҳам «лисоний белгилар табиати шакл асосида ёритилди» (Нурмонов 2011: 81). Лисоний белгиларнинг бошқа турдаги семиотик бирликларидан (масалан, йўл кўрсатичларидан) фарқи уларда шаклнинг табиатан мазмун-маъно билан боғлиқ бўлишидадир. Бундан ташқари, лисоний белгининг шахслараро мулоқот ва оламни билиш воситаси эканлигини инобатта оладиган бўлсак, шакл ва маъно муносабатининг янада мураккаброқ боғланишларга эга эканлигини қўрамиз. Бу боғланишлар ўрамлари шу қадар чигаллашганки, уларнинг тугунларини топиш ва ечиш нихоятда мушкул вазифадир. Семантикага оид китоб, илмий ишларни вараклаб кўринг, агарда уларда бирор бир мавзу баённида ҳамфирликни учратсангиз, уни ўқимай қўя қолинг – бу иш мустақил эмас. Семантика – баҳсни ёқтирадиган соҳа ва ўта даражада мураккаб бўлган маъно ҳодисасининг ҳар бир қирраси алоҳида эътиборга лойик. Алоҳида олинган бирор бир қирранинг ўрганилиши бошқасининг ҳам таҳлилини талаб қиласди. Бир муаммонинг ечимини ахтараётисб, беихтиёр бошқа муаммо атрофида «ўралашиб» қолганимизни сезмай қоламиз. Муаммолар шу даражада

кўпки, ҳатто баъзилар маъно ҳодисасига тилшунослик худудидан ўрин топишга қийналиб ҳам қолмоқдалар. Маънонинг лингвистик тадқиқига ишончсизлик билан қараган Д.Льюснинг қайдича, семантик кўрсаткичлар рамзий хусусиятга эга бўлиб, улар воситасида бажариладиган таҳлил табиий тилдан қандайдир ёрдамчи тилга қилинадиган «таржима, алгоритмга» ўхшар эмиш (Lewis 1972: 169).

Маънони лисоний ҳодиса сифатида қарашни истаганлар эса, бошқачароқ йўл тутишиб, «соф лингвистик маъно»ни ажратиш йўлини қачонлардан буён излаб юришиди. Машхур рус тилшуноси В.А.Звегинцевнинг 1957 йилда нашр қилинган «Семасиология»сида маъно ҳодисасига берилган таърифни эслайлик: «Сўзнинг маъноси соф лингвистик нуқтаи назардан унинг бошқа сўзлар билан бирикиш имкониятлари, бошқача айтганда – валентлик хусусиятларига нисбатан аниқланади. Сўзнинг бирикиш имкониятлари тўплами лексик маънонинг объектив мавжуд бўлган ҳодиса ёки тил тизими факти эканлигига ишора қиласди» (Звегинцев 1957:123). Афсуски, тил ҳодисаларини «соф лингвистика» нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, тавсифлаш анъанаси ҳозирча ўз таъсирини йўқотгани йўқ. Яқинда нашрдан чиқкан «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг муаллифлари семема ва нутқий маънонинг фарқини диалектик қонуниятлар билан боғлаш борасида анчагина «тер тўкканлари»нинг гувоҳи бўламиз. Уларнинг фикрича, семема такрорланувчанлик, барқарорлик, чекланганлик, ижтимоийлик хусусиятларига эга нутқий маъно эса, аксинча, бетакрор, ўткинчи, чексиз, индвидуал ҳодисадир. Бундай зиддиятлар асосидаги талқиндан келиб чиқадиган хулосанинг ҳам ажримчилик қатъиятида бўлиши кутилган ҳолдир: «Семема маълум бир конуният ёки қолипнинг маҳсули ёки ҳосиласи эмас»; «...Семема киши онгида нутқий маъно сифатида намоён бўлиши учун тайёр

туради. Сўзловчи ҳеч қачон семема яратмайди» (Сайфуллаева ва бошқалар 2009: 104-105).

Маънонинг (эслатилған муаллифлар нақлида – семеманинг) бу даражадаги «соф лингвистик» тавсифи тил соҳиби, мулоқот фаолияти субъектини четта суриб қўйиш билан бир қаторда, лисоний маънонинг воқелик билан боғлиқ жиҳатларини ҳам унтишга ундиҳди. Маъно онгда доимо тайёр турадиган ҳодиса бўлса, тилни ёпиқ тизим сифатида қарашга, семемаларнинг тил билан биргаликда инсон учун тугма ҳолатда мавжуд эканлигини эътироф этишга мажбур бўлар эдик. Семеманинг нутқий фаолият шароитида яратилмаслиги ҳақидаги фикр эса, лисоний фаолиятнинг ижодкорлик хусусиятининг инкор этилиши билан тенгdir. Тилнинг ижодкорлиги, сўзсиз, маънонинг шаклланиши, унинг янгиланиб бориши билан боғлиқ. Маъно ҳодисасига «софлик», «турғунлик», «барқарорлик» муносабатида бўлиш лисоний ҳодисаларга предметлик, субстанциялик нуқтаи назаридан ёндашувнинг таъсиридир. Маъно – қандайдир бир турғун, ўзгармас нарса – субстанция эмас, у биз учун маънили ва маъноли бўлган мундарижага эга ҳодисадир. Ҳеч нарса, ҳеч бир тил бирлиги ўз-ўзидан бирор маънони англата олмайди. Маънога эга бўлиш учун ҳар бир нарса (бирлик) маълум бир турдаги ҳодиса сифатида аниқ бир муҳитда шу турдаги бошқа ҳодисалар куршовида фаоллашуви лозим.

Қадимги лотин грамматикаларида, антик фалсафада ўринлашган «бир нарсага тавсиф ушбу нарсанинг бошқалар билан муносабати асосида берилади» (*Definitio fit per relations rei defeniedae ad ali as res*), деган ақида методологик тамойилга айланиб бўлған эди. Шу боис, сўзнинг луғатларда изоҳланаётган маъноси воқелик ҳақидаги тупшунча, десигнатнинг изоҳи, лисоний идрок элементларининг ўзаро алоқадор жиҳатларининг шарҳидан иборат бўлгани маълум. Тил бирлигининг мавжудлиги ҳам унинг ифода

имқониятларининг намоён бўлишидадир. «Сўзлар улар воситасида улардан бошқа бирор бир нарса ҳақида гапириш учун мавжудирлар. Мен «*Қуёш нур сочмоқда*» дейиш билан ушбу турдаги бошқа гаплар билан грамматик тузилиш жиҳатидан монанд бўлган гапни талаффуз килиш (айтиш)ни хоҳлаётганим йўқ. Менинг ниятим «*Қуёш нур сочаётганигини хабар қилишидир*». Математик мантиқшунос Б.Расселнинг ушбу фикрини бизга эслатган луғатшунос В.Дорошевский лисоний ҳодисалар изоҳини фақат ушбу ҳодисалар чегарасида бериб бўлмаслигини ва тўлақонли изоҳга эга бўлиш учун лисон ҳудудидан ташқарига чиқиши талаб қилинишини уқтиради. «Сўз нимани ифодалаши ҳақида ўйлаётib, -деб ёзди олим, - шу заҳотиёқ унинг қандай қўлланиши ҳақида ўйламасликнинг иложи йўқ, чунки сўзлар айнан нутқда қўлланилаётганиларида маънога эга бўладилар» (Дорошевский 1973: 265-266).

Сократ давридан қолган маънони умумий мавхўм мўндарижа сифатида қарашиб анъанасига қарши чиқканлардан бири файласуф Людвиг Витгенштейндин. «Сўзнинг маъноси – унинг қўлланиш усули», деб ёзган олимнинг эътирофича, ушбу усулни ўзлаштириш тил билишнинг асосий омилидир (Витгенштейн 1994: 331). Оксфорд файласуфлар мактаби раҳнамосининг «маъно - қўлланишдир», деган иборасининг негизида «оилавий ўхшашлиқ» (family resemblance) тамойили туради. Ушбу тамойилнинг мазмуни қуйидагича: ягона бир сўз воситасида аталаётган предметлар гуруҳлари (масалан, ўйин турлари) маълум жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшашиб (Масалан, шахмат ва футбол ўйинларининг умумий томонлари бор), бошқа гуруҳларнинг ўхшашлиги эса, бошқача кўринишга эга (жумладан, футбол ва болаларнинг копток ўйинидаги муқобиллик копток ва қўғирчоқ ўйинидаги ўхшашлиқдан фарқ қиласи). Демак, «ўйин» тушунчаси воситасида ифодаланаётган фаолият турларининг барчасини жамловчи умумий белги бўлиши

билан бир қаторда, уларни фарқловчи, гурухларга ажратувчи белгилар мавжуд. Шу боисдан анъанавий равишда ҳукмрон бўлиб келаётган «маъно ҳар бир тушунчага хос бўлган мавхум хусусиятнинг акси», деган ғоядан воз кечишининг тарафдори бўлган Витгенштейн маънони тил бирликларининг фаоллигидан, уларнинг «лисоний ўйин»лардаги иштирокидан излашга унданомкда. Маълумки, маъно аниқ чегара ва кўринишга эга эмас, шу сабабли у сўз қўлланишининг аниқ «марраси» ёки нишони бўла олмайди. Витгенштейн бундай нишонни белгилашни намуналар ва қоидалар тўпламига топширади. «Маъно» ва «қоида» тушунчалари ўртасидаги муносабатнинг қатъйлигини таъкидлаётган файласуф нутқий тузилмаларнинг моҳияти, бир томондан, «уларнинг тузувчи қоидалар (масалан, немис тили тизимиға оид қоидалар) билан белгиланса, бошқа томондан, белгининг лисоний ўйиндаги иштироки билан аниқланиши»ни қайд этади (Ўша асар, 131-133 бетлар).

Шундай қилиб, лисоний фаолият «лисоний ўйин»лар мажмуасига тенглантирилиб, ушбу «ўйин»нинг ижроси тил ва унинг қўлланишининг ягоналиги ҳамда бу қўлланишининг маълум намуналар, қоидалар назоратида кечишида қаралади. Витгенштейн «ўйин» термининг ушбу қўлланишини тил билимини эгаллашнинг онтогенезисида кечадиган босқичлари мисолида изоҳлайди. Ёш бола тилни ўзлаштириши ўйин фаолиятини эслатади ва бу фаолиятни бажаришдаги асосий восита – «ўйинчоқ» сўз бўлса, ушбу «ўйинчоқ»ни ўйнашда бола кўрган, эшитган намуналарга риоя қиласи. «Лисоний ўйин» ғоясининг негизида тил бирликлари маъносини маълум бир фаолият шароитида ўзлаштириш ва тушуниш мумкинлиги ҳақидаги фикр ётади. Ҳозиргина айтилганидек, Витгенштейн тил бирликларининг турли муҳитларда қўлланишида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини ҳам унутмайди. Бундай боғлиқлик олимнинг

тавсифида «оилавий ўхшашлик»ни Эслатади. Лекин, «ўхшашлик»нинг чегарасини белгилаш муаммодир. Зарур бўлганда ҳар қандай нарсалар ўртасида бирор бир ўхшашликни топиш мумкин. Масалан, «изласак, бир вараг қофоз, самолёт, парашют ва қуш»ларнинг ўхшаш томонларини кўрсата оламиз. Америкалик файласуф Д.Блурнинг кузатишича (Bloor 1983), ақли заиф инсонларнинг нарса-ҳодисаларни таснифлаш қоидалари «оилавий ўхшашлик» тамойилига ўхшаб кетар экан. Аммо бу сўз қўллаш қоидалари ақли заифлар берадиган таснифлардан фарқ қилмайди, дегани эмас. Сўзлар маъноларнинг ўхшашлиги ва фарқи маълум контекстга, «лисоний ўйин» шароитида аник меъёрлар асосида белгиланади. Қоида ва норма меъёрларга амал килинмаган тақдирда мулоқотда самарага эришиб бўлмас эди. Витгенштейн ғояларини учалик ёқтиргмаган социолог М.Полани ҳам мулоқот жараёнида умумий қоидаларга амал қилиш лозимлигини эътироф этишга мажбур бўлган эди: «Сўзлар маъносига ишончимиз социал субутлиликнинг намойишидир» (Полани 1985: 254). Л.Витгенштейн назариясининг (бу назарияга кейинчалик «аналитик фалсафа» мақоми берилди) энг заиф ва қўпчиликнинг эътирозини уйғотган томони айнан «ўйин» тамойили ва бу тамойилни воқелантирувчи қоидалар мажмуаси бўлиб чиқди. Авваламбор, айтиш керакки, олим «ўйин» тушунчасини нутқий мулоқотнинг муҳим эмоционал турларидан бўлган ва комик, ҳазил самара берадиган «сўз ўйини» ҳодисасига нисбатан қўллаётгани йўқ. «Лисоний ўйин» Витгенштейн талқинида – тил ва фаолият яхлитлигига юзага келадиган ҳар қандай нутқий акт ижросидир. Лекин бу турдаги лисоний фаолият тил бирликлари қўлланиши шароитида шаклланадиган қоидалар назоратида бажарилади. «Бу ўйин жараёнида, -деб таъкидлайди файласуф, - маълум қоидаларга амал қилинади,

зоро, бу қоидаларни бевосита ўйин амалиётининг ўзида, табиатнинг аниқ қонунияти сифатида, аниқлаб олиш мумкин» (Витгенштейн 1994:105).

Витгенштейннинг ушбу фикридан кўриниб турибдикӣ, қоидалар тўплами ўйинга нисбатан иккиламчи, улар ўйин жараёнида намоён бўладилар ва фақат шу ўйин муҳитида таъсир кучига эгадирлар. Шунинг учун ҳам ўйинни уни ҳаракатга келтирувчи қоидаларга тақсимлаш йўли билан нутқий мулоқот моҳиятини, мазмунини аниқлаб бўлмайди. Бу ўта ўринли мулоҳаза. Лисон заҳирасидан фойдаланаётган шахс тил бирликлари танловига бефарқ бўла олмайди. Аммо бундай танлов, Витгенштейн ўйлаганидек, факат социал моҳиятга эга бўлган, маълум социумда одат тусига кирган анъана, ақида, урфлар тўпламидан иборат мулоқот қоидалари билан белгиланмаслиги ҳам аниқ. Танлов тил бирликлари семантик имкониятларидан бошланиб, мазмун ифодаси билан тугашини ким билмайди?! Охирги мазмун инсон фаолиятининг муҳим бўлаги - лисоний ҳаракатнинг «аслаҳавий» вазифаси натижасидир. Қаламнинг «аслаҳа, қурол» эканлиги унинг ёзишда қўлланишида кўринганидек, лисоний ибора ҳам мулоқот фаолиятида, «лисоний ўйин» шароитида бажарадиган вазифаси асосида прагматик мазмун олади.

Тилнинг инсон амалий ва ментал фаолиятининг ажралмас қисми ҳамда амалий фаолият тури, унинг воситаси, аслаҳаси сифатида қаралиши ҳеч қандай гумон туғдирмайди. Лекин аналитик фалсафада маъно ҳодисасига янгича талқин берилаётib, асосий эътиборни «лисоний ўйинлар» кўриниши тавсифига қаратилиши ва, айни пайтда, ушбу «ўйин» воситаси, манбаи бўлган тил табиатнинг ёритилишининг унубиб қўйилишини қандай изоҳлаш мумкин экан?! Унутмайликки, «лисоний ўйин»нинг ижроси ва натижаси бошқа ўйинларнидан кескин фарқ қиласди. Бу ўйинни қўғирчоқ ўйини билан қиёслаб бўлмайди, ҳатто

шахмат ёки домино ўйинлари ҳам аслан мантиқий амаллардан иборат эмас, улар кўрсатмалар ва ҳисоб-китоб натижаларига сўзсиз амал қилишдир. Шу боис шахмат ёки картани кўрмасдан туриб, сиртдан ўйнаш мумкин. «Лисоний ўйин» сиртдан ўйналмайди, унинг ўйинчилари ўз «ўйин қуроли» - тилнинг табиатини ҳис этишлари билан биргаликда, ўйин мухитининг бевосита иштирокчиси бўлмоғи даркор. Лисоний фаолият ўйинининг шахмат ёки домино ўйинларидан фарқ қилишини, афидан, Витгенштейннинг ўзи ҳам ҳис этгандай, чунки унинг «Фалсафий тадқиқотлари»да *puzzle* «бошқотирма» ўйини эслатилади. Бошқотирмада, масалан, ҳар хил рангли сурат қисмларга ажратиб ташланади ва ўйинчининг вазифаси шу қисмларни қайта териб, суратни тиклашдир. Ўйин қоидаси қанчалик оддий бўлмасин, қайта тиклаш топширигини бажариш осон эмас. Қисмларни териб, яхлитликни яратиш лисоний фаолиятнинг асосий онгли амали ва бажарадиган вазифасидир. Шу сабаб, лингвистик маъно ҳам кўп катламли ҳодиса бўлиб, унинг яхлитлиги катламлар муносабатида ҳосил бўлади.

Яна бир бор айтиш жоизки, Л.Витгенштейн таклиф киlgан маъно назарияси анъанавий референтли маъно назарияси татбиқида учрайдиган мушкулотларга барҳам бериш йўлидаги уринишлар натижасидир. «Соф» лингвистик маънони излаш бесамар ҳаракат эканлитини сезган олим маъно яратилишининг изоҳи тил тизимининг ички тузилишидан ташқарида, аникроғи, инсоннинг фаолият тизимида турганлигига ишонди ва бунинг исботи учун ўйин назариясидан фойдаланди. Файласуф тарғиб қилган «лисоний ўйин» гояси кейинчалик прагмалингвисика йўналиши тараққиётида ўз ўрнига эга бўлди, албатта. Бироқ, айrim тадқиқотчилар истаганларидек, Витгенштейн талқинидаги «лисоний ўйин» гоясини маъно ҳодисасининг прагматик хусусиятларининг «назарий-ўйин» таҳлилига

тенглаштириш ҳақиқат унчалик түгри келмайды. Назарий-үйин семантикаси таҳлил усули замираидың йүйннинг математик назарияси ётади. Охирги йўналишидаги тадқиқотлар олдида турган асосий вазифа лисоний ибора воситасида ифодаланаётган мазмуннинг ҳақиқат ёки ёлғон (ўйдирма) бўлишини аниқлаш эканлигини биламиз (Қаранг: Сааринен 1986: 125). Бундай ёндашувда бажариладиган семантик амаллар ҳеч қачон коммуникация тизимиning яхлит кўринишили бирликлари бўла олмайдилар. Витгенштейн талқинидаги «лисоний ўйин»лар эса, аксинча, аниқ мулоқот шароитида воқеланувчи ҳодисалардир. Ўйин назариясига таяниб, лисоний иборалар мазмунининг ҳақиқат эканлигини аниқлаш усулининг тарафдорларидан бўлган финн мантиқшуноси Я.Хинтикка ҳам лозим бўлганда «лисоний ўйин»нинг «семантика муаммосида охирги (охирги хулосани берувчи –Ш.С.) ҳакам» эканлигига икрор бўлишга мажбурдир (Hintikka 1979: 20).

Витгенштейн учун энг муҳими – «лисоний ўйин»нинг маълум қоидалар доирасида кечиши. Унинг таъбирича, гапнинг мақоми уни тузувчи қоидалар тўпламида ва лисоний бирликларнинг ўйиндаги иштирокида белгиланади ҳамда шу аснода «маъно» ва «қоида» тушунчалари ўзаро боғлиқ, мутаносиб тушунчалар сифатида қаралиши лозим (Витгенштейн 1994:131). Маъно ҳодисасини қоидалар қамровида тавсифлаш урфи давом этмоқда. Айниқса, франциялик ҳамкасларимиз бу борада яловбардорлик қилиш ниятидан қайтишни истамаяптилар. Шундай «ўжар»лардан бири бўлган Лимож университетининг профессори Пьер Рака «маъно» ва «мазмун» тушунчаларини кескин ажратиш тарафдори. Унинг англалича, семантика тил элементларининг нутқий бирлик мазмунини шакллантиришдаги иштирокида юзага келадиган чекловларни илмий ва амалий тадқиқи билан машғул бўлар эмиш (Raccah 1998; Raccah 2005).

Кўринадики, тадқиқотчини шаклланган мазмун эмас, балки пайдо бўладиган чекловлар қизиктиради. Чеклов эса, тил бирликларининг кўлланиш чегарасини аниқловчи қоидалар замирида белигиланади. Энг қизиги, Рака жанобларининг талқинида маъно - мазмун шаклланганидан сўнг ортиб қолган колдиқ эмиш. Бу маъно ходисасини чекловларга, яъни қоидалар мажмуасига tengлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Бегумон, инсон қоидалар, қонуниятлар қамровида яшайди, ҳаёт кечиради. Лекин қоидаларга амал қилиш оддий «ўйин» эмас, ўйин унинг ҳаёт мазмуни бўла олмайди. Ёш ҳайвонлар ҳам ўйинга ишқибоз, аммо фақат инсонгина ўз ўйинини қоидалаштиради, ундан фойда излайди. Барча тирик мавжудотлар озиқ-овқат манбаларини излайди ва уларни эслаб қоладилар, лекин фақат инсон хомашёдан овқат тайёрлаш санъатини эгаллаган. Жамоалашув, гуруҳларга ажralиш ҳаракати ҳайвонларга ҳам ёт эмас, бироқ фақат инсонлар қонунлар яратадилар ва сиёсий, маъмурий ташкилотларни тузиб, ўз жамоаларини қонун-қоидалар назоратига топширадилар. Тил ҳам инсон учун яратилган жамоавий, ижтимоий ҳодисадир. Ундан фойдаланиш қонунлари, қоидалари тўплами ning шакланишида ижтимоий омиллар билан бир қаторда, инсоннинг когнитив фаолияти ҳам ўз аксини топади. Инсоннинг концептуал имкониятлари кенгайгани сари унинг лисоний қобилияти ҳам юқори даражага кўтарилиб боради. Тилни чуқур ва кенг кўламда билган сари инсоннинг оламни идрок этиш ва ундаги нарса-ходисаларни концептуаллаштириш имкониятлари ҳам ўсиб боради. Ж.Фодорнинг «тилга эга бўлмган шахс тилни ўргана олмайди», деган даъвоси (Fodor 1975: 64) ҳақиқатдан ҳам қуруқ гап. Бу даъво генеративизм оқимининг асоратидан бошқа нарса эмас. Инсонда тилни ўзлаштиришга бўлган қобилият қисман тугма бўлиши мумкин, лекин мулоқот ва

оламни билиш воситаси бўлган тил фақат инсоннинг ижтимоий камолотга эришиши билан боғлиқ ҳолда шакланади.

Фодор ва унинг издошлиари сўзнинг маъносини билиш учун ушбу маънони ифодаланаётган тушунчаларга боғлаш имконини берадиган манбага эга бўлиш даркорлигини тинимсиз уқтириб келмоқдалар. Бу фикрни қўллаш қанчалик кийин бўлса, уни инкор этиш ҳам шунчалик мушкулдир. Америкалик психологлар ўтказган тажрибалар гувоҳлик беришича, шимпанзе ҳам ўхшащлик ва фарқни ажратадиган олар экан. Лекин бунинг учун шимпанзега объектларнинг шу жиҳатларига ишора қилувчи рамзларни танлашни ўргатиш лозим (Oden et al 2001). Инсоннинг концептуал қобилияти ўзгача ва унинг маъно яратиш ҳамда идрок этиш қобилияти доимо бажариладиган лисоний тафаккур фаолияти билан боғлиқ. Бунга унинг когнитив имкониятлари йўл очиб беради, янги маъно олдингисига қиёслаш асосида юзага келади. «Анология» термини билан аталаётган бу ҳодисанинг имкониятлари кенг. Лекин бу ҳеч қачон маънонинг олдиндан, қандайдир «туғма» ҳолатда мавжуд эканлигидан дарак бермайди. Анология асосида яратилаётган янги маъно ёки янги лексема тил тизимидағи имкониятларга ва когнитив моделларга таянади. Бунда тилнинг яратувчанлик табиати билан тил соҳибининг когнитив қобилияти мувофиқлашади.

Маъно ёки тил материалидан қайси бири бирламчи эканлиги ҳақидаги тортишув узоқ тарихга эга эканлигини биламиз. Маънонинг ўзи ифода топаётган лисоний материалдан айри эмаслиги фалсафада қачонлардир эътироф этилган бўлса-да, тилшуносларнинг бу борадаги хулосалари бир хил эмас. Айниқса, Ф.де Соссюр лисоний белгининг табиатини «эркин» ва ифодаловчи ҳамда ифодаланмиш ўртасида «ҳеч қандай табиий боғлиқлик йўқ», деб маъруза қилганидан сўнг лисоний белгига мустақиллик

беришни истовчилар сафи кенгайди. Соссюрнинг «тил субстанция эмас, балки шаклдир», деган қайдини бир томонлама англаган тадқиқотчилар ҳатто тилшуносликнинг тадқиқ объектини фақат шаклда, моддийликда кўришгача бориб етдилар. Формализмдан кутулиш йўлини қидирган бошқа гуруҳдаги олимлар эса, маънонинг бирламчилиги, унинг лисонгача мавжудлигини исботлаш умидида юрибдилар. Баъзи психолингвистларнинг нияти янада қатъйрок: улар ҳамма учун умумий бўлган, қандайdir «универсал маъно тузилма»ларини топиш йўли билан тафаккурнинг лисонсиз фаолият кўрсатишини намойиш этмоқчилар.

Наҳотки маъно ва шакл шу даражада зиддиятли бўлиб, бири иккинчисидан айри ҳолда мавжуд бўлса?! Менимча, бу ерда *tertium non datur* амалини қўллаш зарур ва бу икки ҳодисанинг бирортасини ҳам алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Немис ёзувчиси Элиас Канетгин тўрт ёшга киргунига қадар Болгарияда яшаган ва уларнинг оиласидаги мулоқот тили ладино (яхудийлар ўзлаштирган эски испан тили) бўлса, бошқалар билан болгар тилида сўзлашганлар. Канеттининг эсласича, кечалари хизматкор-қизлар унга турли арвоҳлар, қонхўрлар ҳакида ҳикоя қилиб беришган. Бу ҳикояларнинг ёш болага таъсири шунчалик кучли бўлганки, у катта ёшли бўлганида ҳам ҳикоялардаги воқеаларни «ипидан-игначигача», батафсил эслайди. Лекин ёзувчининг оиласи у тўрт ёшлигига дейбет Германияга кўчиб ўтган ва болгар тилини унутган муаллиф эндиликада ўша ҳикоялар мазмунини фақат немис тилида эслай олади. Бундай ҳолатларга дуч келган баъзи тадқиқотчилар буни маъно бирламчилигининг исботига йўйишлари ҳеч гап эмас. Аммо маъно ифодаланишининг қандай моддий кўринишда, қайси тил материалида кечишидан қатъи назар, ифодаланмиш ва ифодаловчининг яхлитлиги йўколмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам маъно шаклда гавдаланади.

Мазмунсиз лисоний моддийлик ҳақиқат бўлмаганидек, фикрни лисоний шаклсиз ифодалаб бўлмайди. Э.Бенвенист айтганидек, ифодаланмиш ва ифодаловчи ёки акустик белги ва тафаккурдаги инъикос ягона бир тушунчанинг икки жиҳатидир. Ифодаловчи – ғоя, тушунчанинг товуши (формал) кўриниш олиши, ифодаланмиш эса, – ифодаловчининг тафаккурдаги муқобилидир. «Ифодаланмиш ва ифодаловчининг худи шундай қўшма субстанциаллиги лисоний белгининг структур яхлитлитини ташкил килади» (Бенвенист 1974: 93).

Маъно ва лисоний моддийлик муносабатини структур яхлитликда кўриш лозимлигини Р.Якобсон кўп бора уқтирган эди (Jakobson and Waugh 1979). Олим ҳали Прагада яшаб юрган пайтида эълон қилган мақоласида (Jakobson 1936) келишикларнинг маъносини уларнинг яхлит тизимдаги муносабати доирасида аниқлаш мумкинлигини ёзган эди. Шунинг билан биргаликда, ҳар бир келишикнинг ўзига хос «умумий маъно»га эга эканлигини (масалан, бош келищик – даставвал «номлаш келишиги»; тушум – «объект келишиги»; эгалик – «мансублик келишиги») аниқлаётган олим, алоҳида келишиклар формалари ягона яхлитлик доирасида ўзаро муносабатда бўлишлари билан бир қаторда, ҳар бир форманинг ўз маъносига эга эканлигини ва шу маънога нисбатан яхлит тизимдан ўрин олишини таъкидлашни унутмайди.

Хуллас, маъно доимо лисоний материалда гавдаланади, бундай гавдага эга бўлмаган маъно узуқ-юлуқ бўлиб қолаверади, яхлит мундарижага эга бўла олмайди. Аммо маъно ва шаклнинг мужассамлашиши, бирдамлиги уларнинг қоришиб кетишидан дарак эмас. Улар ўртасидаги муносабатлар турли-туман, бири иккинчисини тақрорламайдиган. Зоро, ягона бир маъно турлича ифода топиши мумкин бўлганидек, биргина моддий бирлик турли маънога эга бўлиши ҳам доимо кузатилиб турилади. Бундай

бир-бирига ўтиш жараёнида маъно ва лисоний шаклнинг бири иккинчисини гавдалантириши ҳеч қачон йўқолмайди. «Бундай мужассамликсиз, -деб ёзади Б.Гаспаров, - фикрдан ҳам, шунингдек, лисоний материалдан ҳам фақат тасодифий, нотургун, чала ярим парчалар қолади» (Гаспаров 1996:292). Дарҳақиқат, тил тизими, худди бутун воқеликдек, Норберт Винер ибораси билан айтганда, «охирги мувозанат бўлмасдан, балки жараёнлар оламидир». Маъно ва шакл муносабати талқинига ҳам биз кибернетика фани асосчисининг ушбу ўғитига амал қилиб, номувозанат ҳолатларда намоён бўладиган тизимлиликни излаганимиз маъкул бўлса керак.

Маъно ҳодисаси ва лисоний ифода материали муносабатининг мувозанати даражасини ҳисобга олмаслик, ўз навбатида, ушбу ҳодисанинг лингвистик мақомини аниқлашга тўсқинлик қилиши турган гап. Олам ҳақидаги билимнинг новербал қисмидан, тил бирликлари қўлланишида юзага келадиган мазмундор ва ниҳоят тафаккур фаолиятидан айри турадиган қандайдир лисоний маъно мавжуд бўлиши ҳақидаги саволнинг туғилиши гайритабиий. Кескин ажримчилик йўлидан борган Н.Чомский лисоний семантикани «мантиқий шакл» деб номлаб, семантиканинг бу қисмини гап грамматикасининг обьекти, сифатида қараган эди. «Мантиқий шакл» чегарасидан жой олмайдиган мазмуний кўрсаткичлар эса, «бошқа семантик қоидалар» (other semantic rules) қаторига киритилган эди (Chomsky 1975: 105).

Назаримда, бу яна ўша «софлик»ни тарғиб қилишдан бошқа нарса эмас. Маънони концептуаллашув фаолиятидан ажратиш ва «соф» лингвистик семантикага алоҳида ҳудудни излапнинг сабаби маънонинг назоратини кўлга олиш, унинг тавсифини осонлаштириш истаги бўлса ажаб эмас. Лекин бу истак маъно умумлашмаса-да, алоҳида қатлам мавжудлигини исботлаш учун асос бўла олмайди-ку! Ҳатто

Фрегенинг 1892 йилда лисоний бирликнинг референтини ва ушбу референтни ифодалаш усулини фарқлашни қонунлаштириш йўлидаги харакати ҳам ҳозиргача охирига етмаган истак бўлиб қолмоқда. Зотан, «лугавий» ёки ижтимоий-денотатив маъно сифатида талқин қилинаётган сўз маъносини (Фреге талқинидаги - Bedeutung) ва унинг шахсий, индивидуал ассоциациялар асосида юзага келадиган мазмунни (Sinn) кескин ажратишнинг имконияти низоятда чекланганигини барча тадқиқотчилар унутганларича йўқ. Ушбу масала талқинида ҳам семантик структура шаклланишининг синергетик жараён эканлиги нуқтаи назаридан ёндашилганда, кутилган натижаларга эришиш мумкинлигига ишонаман. Нотиқликда машҳур бўлган Цицерон лаҳжасидаги *pere quae dicuntur* ибораси «айтилаётганни эшитиш» маъносини ифодалаш билан бир пайтда, «эшитганини тушунмок» мазмунини англатишини унумаганимиз маъқул.

ХОТИМА

Семантика фаннинг кейинги эллик йиллар давомидаги тараккиётига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу фаннинг нафақат таҳлил методлари, балки ўрганини обекти ҳам ўзгариб турганлигини сезамиз. Бир пайтлар семасиологлар диккатини фақат лексик маъно ҳодисаси жалб қилган бўлса, ўтган асрнинг охирларига келиб, сўздан катта ҳажмдаги бирликлар: гап, матн ва бошқа нутқий тузилмаларнинг маъно хусусиятларини таҳлил қилиш амалиёти кенг миқёсда жорийлашди. Аммо йирик кўринишдаги нутқий тузилмаларнинг семантик мундарижасини ўрганишга бўлган интилиш, ўз навбатида, уларнинг таснифи ва илмий тасвирига оид қатор муаммоларни туғдирдики, ушбу муаммолар муҳокамаси келажақдаги кўплаб тадқиқотларнинг мавзуси бўлишига ишончим комил. Бинобарин, синтактик бирликлар семантик структурасининг тавсифига оид муаммоларни оладиган бўлсак, ушбу рисолада генератив грамматиканинг асосий ғоялари ва қоидаларини шарҳлаётуб, гап семантикаси тадқиқининг фақат биргина йўналиши имкониятлари ҳақида фикр билдирилганлигини эътироф этишга мажбурман. Бунинг билан синтактик семантиканинг бошқа йўналишларини зинҳор камситмоқ-чи эмасман. Бундай йўл тутишда, биринчи навбатда, гап маъно тузилишининг номинатив, коммуникатив, функционал, категориал маъно

ифодаси нуқтаи назаридан ва ниҳоят референтив, пропозитив тамойиллар негизида ўрганишни тарғиб қилувчи йўналишлар илмий адабиётларда бирмунча батафсил ёритилганлиги инобатга олинди. Иккинчидан, генератив семантиканинг мазмуний синтаксиснинг бошқа соҳаларидан фарқли жиҳатлари аниқ кўриниб туради. Масалан, денотатив (пропозитив) тамойилга суянадиган тадқиқотларда асосий эътибор гап мазмуний тузилишининг идрок қилинаётган ёки тасвирланаётган воқелик структурасига нақадар мос келиши масаласига қаратилади (мисол тариқасида У.Чейф, Ч.Филлмор, Н.Д.Арутюнова, И. П.Сусов, В.В.Богданов, Н.Махмудов, А.Нурмонов, Д.Лутфуллаева ва бошқаларнинг тадқиқотларини эслатиш мумкин). Генератив тилшунос-лик эса, гап семантикаси тадқиқида асосий эътиборни унинг ички тузилишига қаратади ва шу боис интенсионаллик ҳусусиятига эга бўлган маънони аниқлашда трансформациялар амалига кенг миқёсда мурожаат қилинади. Бироқ гап тузилишининг тил тизимида хукмони бўлган қоидалар мажмуаси талабларга жавоб берадиганлиги (ёки бермаётганлиги)ни аниқлашда ва шу йўсинда ифодаланаётган маънони ажратишда генеративистларнинг ишонган усул – амали тил соҳибининг интуицияси, тажрибаси бўлиб қолаверди. Сўзга оид лисоний тажриба, ҳис этишнинг лингвистик таҳлилда тутган ўрнини ҳеч ким инкор эта олмайди, албатта. Кадимдан буён луғавий бирликлар ва уларнинг маъноси ўргасидаги муносабатни исботлашга эмас, балки факат қайд этишга одатланганмиз. Масалан, Куёш системасидаги учинчи планетани *Er* ва баъзан *er шарӣ*, *дунё*; *олам* деб аталишини қайд этамиз-у, аммо ишодаланмиш ва ифодаловчи ўргасидаги алоқа билан у даражада қизиқмаймиз. Аслини олганда, бу алоқа, муносабат ўта мураккаб кўринишга эга. Алоҳида бир воқелик бўлагининг

инсонлар томонидан бир ҳилда идрок этилмаслиги ва бир шаклда лисоний қиёфа олмаслиги барчага маълум. Бунинг исботини психолингвистлар ўтказган тажрибасиновлар натижаларида ҳам кўриш мумкин. Б.Ю.Норман тажриба қатнашчиларидан юз кишига учта бир хил суратни кўрсатиб, суратдаги одам нима билан машғул эканлигини сўрайди. Берилган жавоблар турлича: «*Бу киши пойафзал киймоқда*», «*Бу эркак туфлисининг итини боғлаяпти*», «*Бу йигит туфлисини тозалаяпти*», «*Палто осигилқ турибти. Бир одам туфлисининг итини ечмоқда*», «*Бу одам ишга кечикаяпти*», «*Бу йигит висол учрашувига шошилаяпти*» ва ҳоказо (Норман 1994:149-154). Олинган жавобларнинг қиёси, биринчидан, воқелиқдаги ҳодисаларни баён қилувчиларнинг идрок диққати турли йўналишда зоҳир бўлишидан дарак берса, иккинчидан, уларнинг бу воқеликка бўлган муносабати, нуқтаи назари ҳам бир хил эмаслигига ишора қиласди. Демак, маъно структураси ва воқелик ўртасидаги муносабат онтологик муқобиллик хусусиятига эга эмас, чунки нутқий муносабат жараённида биз тушунадиган ахборот бевосита воқелик ҳақида эмас, балки ушбу воқеликнинг инсон онгида гавдаланадиган ҳолатига оид. Сўзловчи воқелик ҳақида нимани, қандай ахборотни маълум қилса, шундан маъно ва мазмун яратади. М.М. Кобозеванинг таъбирича, «*нутқий тузилма мазмуннинг пропозитив қисми воқеликда кечаётган ҳодисанинг (сўзловчи тасаввуридаги – Ш.С.) ҳолати ҳақидаги ахборот бўлса, унинг интенсионал бўлаги эса, – сўзловчининг ҳақиқий (ёки хаёл қилинаётган) интенцияси-ниятидир*» (Кобозева 2003). Ушбу таърифда пропозитив ва интенсионал маъно бўлакларининг бу йўсинда қарама-қарши кўйишлиши ҳаммамизни бир ҳилда қониқтирмаслиги аниқ, зоро, нутқий тузилма мазмунининг шаклланишида воқеликнинг

аниқ, реал қиёфасидан кўра, унинг сўзловчи томонидан танлаб олинаётган ва тавсифланётган кўриниши мухимроқ.

Генератив тилшуносликда гап семантик тузилиши интенсионал жиҳатларининг ўрганилиши, сўзсиз, мазмуний синтаксис соҳасига оид билим доирасининг кенгайишига, тил ҳодисаларининг семантик структур табиатини ҳар томонлама тадқиқ этишга имкон яратди. Шу соҳа вакилларидан бўған М.Бирвишнинг эътироф этишича, «ҳар бир тилнинг семантик тадқиқи ушбу тилда яратилган гапнинг қандай тушуниш, тавсифлаш ва ташки оламдаги обектлар билан боғланиши мумкинлигини изоҳлаши зарур» (Бирвиш 1981:177).

Референт семантикаси йўналишида ҳам масала ҳудди шу тартибда қўйилади. Кўпчилик тилшуносларнинг ишонишича, маъно назариясида референтни аниқлаш ҳал қилувчи вазифани ўтайди. Я.Хинтикка ва бошқа мантиқшуносларнинг фикрича, нутқий бирлик (гап) мазмунини адресатга етказилаётган ахборотдан айри ҳолда тавсифлаб бўлмайди. Ахборотнинг мундарижаси эса, гап воситасида билдирилаётган фикрнинг ҳақиқат бўлишига ва воқеликнинг содир бўлиш ҳолатига боғлиқдир (Хинтикка 1980:77; 330). Маъно ҳодисасининг референт назарияси узоқ пайтлардан буён таърифланиб келинаётган соҳа бўлишига қарамасдан, бу назариянинг асосий тамойили тил бажарадиган асосий вазифалардан бири, яъни нарса-ҳодисаларнинг, обьектларнинг категориал ва предметлик воқелигига ҳамда уларнинг замон ва макондаги мавжудлигига ишорани ифодалаш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу назария охирги даврларда сезиларли даражада янгиланди ва «модерн» кўринишини олаётib, маънонинг интенсионал талқинига қарши далиллар жамланмаси кўринишини олди.

Файласуф ва тилшунослар баъзан воқелик ва лисоний маъно муносабатини тўғри чизиқли муносабат

рамзида тасвирилашни маъкул кўрадилар. Немис файласуфи М.Ҳайдеггер бир пайтлар қатъият ила «Сўз йўқ жойда ҳеч қандай нарса ҳам бўлмайди», деган таъкидни ҳаммага етказмоқчи бўлган эди (Heidegger 1959:165). Файласуфнинг бу таъкидига ишониш қийин. Жамият, фан-техника тараққиёти жараёнида янги нарсалар, ҳодисалар кашфиётни давом этаверади ва инсон буларнинг барчасига ном топишга мажбур. Коммуникациянинг маълум шароитларида илгаридан маълум бўлган нарсаларга янгича ном беришга эҳтиёж тугилиши ҳам тез-тез кузатиладиган ҳолатdir. Бундан ташқари, инсоннинг борлиқни идрок этишида унинг нейрофизиологик имкониятлари, малакасининг таъсири ҳам етарлича. Тасаввур қилингки, тоғ бағрида баланд шаршарани томоша килиб ўтирибсиз. Шаршарадан тушаётган сувнинг овози, жилоси рангбаранг, куёш нурлари сувга қўшилиб оқаётгандек, шаршарадан тушаётган соя эса, хитой матосидан ясалган соябондек гоҳ бошингиз узра тарқалади, гоҳ дарё ўзани бўйлаб сузуб кетади. Бундай гўзал воқелик, манзарани бир пайтнинг ўзида тўлиғича лисоний қиёфага солишининг имкони бормикин?! Менимча, воқеликнинг тўлиқ даражадаги тасвирини бериш сўзловчи бажарадиган вазифалар қаторига кирмаса керак. Бунга эҳтиёж тугилган тақдирда ҳамма «икир-чикир»ларни батафсил тасвирилашга тилнинг имконияти етмай қолиши ҳам мумкин. Боз устига, борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг барча жиҳатлари бир пайтнинг ўзида баён қилинаётганда бу борлиқ тартиботсиз хаос кўринишини олиши мумкин, шу сабаб лисоний қиёфани яратишда объектларнинг замон ва макондаги кетма-кетлигини, тартиботини сезиш ва «улар ўртасидаги мазмуний алоқаларни аниқлаш муҳимдир» (Шабес 1989:14).

Буларнинг барчаси тил бирлиги маъносининг денотат билан бевосита муҳобилликка эга бўлмасдан,

балки нарса-ҳодисаларнинг онгдаги идроки билан боғликлигидан дарак беради. Шунингдек, гап мазмуни ҳам референт воқеликни ифодалаш билан чегараланиб қолмайди, у, албаттa, ушбу воқеликнинг сўзловчи томонидан тасаввур қилиниши ҳолатини акс эттиради. Чунки, Б.Ю.Норман ёзаётганидек, «референт воқеликнинг чегараси йўқ, уни тўлигича қамраб олиб бўлмайди. Уни билиш жараёни ҳам тўхтовсиз давом этиверади. Билишинг ҳар бир босқичида янги қатламлар, белгилар намоён бўлади. Лисоний ифода эса, танлов асосида кечади ва бунда маълум ҳалқнинг тафаккур тажрибасига ҳамда лисоний қоидалар тўпламига амал қилинади» (Норманн 1994:136).

Референт назариясида ҳам, ҳудди генератив тилшуносликда бўлганидек, нутқий тузилмалар таркибидаги лугавий бирликларнинг маъноси назардан четда қолмаётгандек кўринади. Лекин бу икки турдаги (ёки турли босқичларда юзага келадиган) маъноларнинг муносабати ҳақидаги хулосалар бир хил эмас. Р.Кемпсоннинг фикрича, бу муносабат изоҳида икки йўлни танлаш мумкин: агарда лексик маъно алоҳида изоҳланса, унда гап мазмуни унинг таркибидаги сўзлар маънолари йигиндиси сифатида қаралади; шунингдек, гапнинг маъносини сўзлар маъносига эътибор қаратмасдан ҳам тавсифлаш мумкин. Буларнинг қайси бири тўғри йўл экан?! (Кемпсон 1977:28). Фикримча, референт назариясининг бу саволга берадиган жавоби биргина ва бу жавобнинг мазмуни қуйидагича: сўзларнинг бажарадиган вазифаси ва маъноси уларнинг гап таркибидаги «улушки» билан белгиланади. Бошқа ҳеч нарса эмас. Аммо бундай талқинда ҳам яна ўша мантиқшунослар учун одат бўлган нутқий тузилма маъносини ифодаланаётган нарса-ҳодисаларнинг рост ёки ҳақиқат бўлиши билан боғлаш анъанаси етакчи ўринга чиқади. «Сўз

маъноси ҳақидаги тасаввуримиз, -деб ёзади юқорида эслатилган муаллиф, - ушбу сўзнинг гапнинг ҳақиқийлигини аниқловчи шартга кўшадиган ҳиссаси билан белгиланади» (Ўша асар, 28-бет). Воқеликнинг рост ёки ҳақиқий тасвиirlаниши лингвистик таҳлил учун мухиммикан?! Лисоний тасвир доимо воқеликнинг субъектив идроки натижаси эканлигини яхши биламиз. Тилшунос «Ўргимчакнинг оёги олтита» ва «Ўргимчакнинг оёги саккизта» тузилмасини бир хилда таҳлил қиласкеради (Киёсланг: Раҳилина 2000: 8). «Ёлғон» тушунчасининг тавсифи ҳам ноаниқ. Сўзловчи воқелик ҳақида фақат айрим маълумотни хабар қилаётганининг ўзи ҳам ноҳақликдан дарак беради. Янги давр файласуфларидан бўлган Кристоффер Росснинг эътирофича (Ross 2001:10), «We are confused about the subject of lying. We all lie many times a day and yet, we were to be questioned, I am sure most of us would claim to tell the truth «most of the time» (Мазмуни: «Ёлғон муаммоси барчамизни шошириб қўяди. Кун давомида кўп марталаб ёлғон гапирсак-да, лекин бу ҳақида сўраганларида, аминманки, кўпчилигимиз ҳар доим рост гапираётганигимизни таъкидлашга уринамиз»).

Ҳақиқатдан ҳам гапнинг маъноси берилаётган ахборотнинг рост ёки ёлғонлиги билан не даражада боғлиқлигини аниқлаш қийин масала. Мантиқшуносларнинг севган иборалари бўлмиш «Ваграмғолиби» ва «Ватерло мағлуби» иборалари, биз Наполеон номли тарихий шахснинг бор бўлганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиш ёки бўлмаслигимиздан қатъи назар, маъно ифодалашлари маълум. Аммо лисоний бирликларнинг экстенционали (референти) борлиги муаммосини лисоний маънонинг контекстдан ташқарида ҳам мавжуд бўлиши масаласи билан чалкаштириб юбормаслик талаб қилинади. Масаланинг бу йўсинда

кўйилиши, албатта, тилшуносликда кенг миёсда муҳокама қилиниб келинаётган экстенционал ва интенсионал маъно турларининг ажратиш муаммосини «кун тартиби»дан четга суриб чиқармайди. Лекин бу икки турдаги маъно ўргасидаги фарқ сезиларлидир. Шу боис бирор бир иборанинг маъносини беътилаш зарурияти туғилганида аввал экстенционал ёки интенсионалдан қайси бири сўралаётганлигини аниқлаб олишимиз лозим бўлади.

Энг сезиларлиси, лисоний бирликлар маъно тузилиши тадқиқига қандай методологик ғоя нуқтаи назаридан ёндашилишидан қатъи назар, тадқиқотчилар қандай бўлмасин лексик маънонинг бу тузилишдаги ўрни ҳақидаги саволга жавоб излашга мажбурдирлар. Ушбу мажбуриятнинг, албатта, турли сабаблари мавжуд бўлиши мумкин, лекин муҳими - узатилаётган ахборотнинг қайси гуруҳдаги бирликлар воситасида шаклланаётганлигини билишdir. Бундан бир неча йиллар олдин барчанинг мазмуний синтаксисга ишқибозлиги кучайганлигини кўрган машҳур семасиолог Ж.Лайонз тадқиқотчиларни лексик семантиканинг «қонуний ҳукукларини» қайтариб беришга чақирган эди, зоро, сўзловчининг ўз тилидаги сўзлар маъносини билиши унинг лисоний қобилиятининг таркибий қисмлардан биридир.

Генератив тилшунослик йўналишининг мунаққидлари гап мазмунини таҳлил қилишнинг ягона йўли сифатида унинг таркибидаги фелнинг маъноси ва унинг «ҳамроҳ»лари муносабатини ўрганиш, деб қарааш билан пропозиция ифодасида алоҳида сўзлар маъносининг ўринни таъкидладилар. Генератив грамматиканинг сўз маъносига «қайтиши» эса, бироз бошқачароқ кечди. Бу ерда зоҳирий структуралар, яъни гап трансформаларини қиёслашда ушбу гапларда маънонинг қайси қисмлари такрорланаётганлиги ёки, аксинча, инкор қилинаётганлигини аниқлашга эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада гапнинг

умумий маъносини қисмларга тақсимлаш амали етакчи ўринга кўтарилиди. Структур тилшунослик доирасида кейинчалик «компонентлар таҳлили» номини олган бу амалнинг ишлазлари аслида Соссюр ва Ельмслевлар ишларига, ғояларига бориб тақалади. Лекин ҳозирги пайтда компонент таҳлили назарий жиҳатдан анча бойиган, кенг миқёсдаги татбиқ доирасига эга бўлган йўналишга айланган. Кўлингиздаги рисолада ушбу йўналишга алоҳида бобни ажратишни лозим кўрмаган (чунки компонент таҳлили тамойиллари бошқа ишларда батафсил баён қилинган) муаллифингиз ҳар ҳолда унинг маъно умумий назарияси доирасидан қандай жой олиши мумкинлиги борасида фикр билдиришдан ўзини тўхтата олмасдан турибди.

Маълумки, Соссюр давридан бошлаб назария лексикология ва семасиологияда тилнинг лугат таркибини система сифатида қараш ғояси узлуксиз тарғиб қилиб келинмоқда. Бу системада лугавий бирликлар у ёки бу турдаги муносабатларга киришадилар ҳамда шу муносабатлар доирасида уларнинг баъзилари ўхшашлик хусусиятларини намоён этсалар, бошқаларига зиддиятли белгилар ҳос бўлади ёки ҳеч қандай боғли жиҳатларга эга эмаслар. Боз устига, семасиологлар шу каби муносабатларга киришаётган сўзлар маълум микдордаги семантик белгилар тўпламидан иборат ҳодиса сифатида мавжуд эканлигини исботлаш измидан бордилар. Бу ҳодисанинг исботини таъминловчи амал сифатида компонентлар ва семалар таҳлили қабул қилинганлиги барчага маълум. Шунинг билан биргаликда, ушбу йўналишдаги таҳлил натижасида ажратиладиган маъно бўлакларини (масалан, семантик белгилар ёки примитивларни) қайд этиш муаммоси долзарблашди. Айтиш жоизки, бу борада аниқ бир натижага эришиш кийин кечмоқда.

Семантик белги, бўлакларни қайд этиш вазифаси, даставвал, генератив грамматика доирасида қўйилди, чунки ушбу йўналиш «вакилларининг фикрича, яхлит гапнинг мазмуни уни таркиб топтирувчи сўзларнинг маъноларидан бошланади» (Катц 1981:34). Бунда алоҳида сўзларнинг рамзини маҳсус лугатда қайд этиш имконини берадиган метатилнинг яратилиш эҳтиёжининг туғилиши табиий эди. Бу муаммонинг ечимини баъзилар сунъий белги-рамзлар тизимидан излаётган бўлсалар, бошқалар семантик белгиларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш таклифини киритишди. Ниҳоят, учинчи бир гуруҳдаги семасиологлар бундай лугатларни тузишда табиий тил бирликларидан фойдаланиш маслаҳатини бермоқдалар. Аммо ушбу турдаги лугатлар қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, кўзланаётган мақсад лугат таркибидаги барча бирликларни тавсифлаш ва изоҳлаш учун зарур бўлган чекланган миқдордаги семантик бирликлар мажмуасини шакллантиришdir. Жумладан, А.Вежбицка умумий метатилни яратиш файласуфлар ва тилшуносарнинг орзуси эканлигини қайд этаётиб, бу мақсадда 13-15 та «металексема»дан фойдаланиш маслаҳатини беради (Wierzbicka 1980: 28; 1988:10). Олиманинг ушбу маслаҳатига амал қилган инглиз луғатшунослари шундай семантик метатил луғатини Интернет саҳифаларида эълон қилдилар. (<http://www.une.edu.au/arts/LCL/disciplines/lingnistics/nsmpage1.htm> // model). Ушбу сайт маълумотларига кўра, Natural Semantic Metalanguage «Табиий семантик метатил» қўйидаги «примитив»лардан иборат:

Substantives (субстантивлар): I «Мен», YOU «Сен», SOME ONE «Бир киши», PEOPLE «Одамлар», THING «Нарса», BODY «Гавда».

Determiners (детерминатор-аниқловчилар): THIS «Бу», THE SAME «Шунинг ўзи», OTHER «Бошқа».

Quantifiers (сон күрсаткичлари): ONE «Бир», TWO «Икки», SOME «Бир неча», ALL «Хамма, барча», MANY/MUCH «Күп».

Evaluators (баҳоловчилар): GOOD «Яхши», BAD «Ёмон».

Descriptors (дискриптор-тавсифловчилар): BIG «Катта», SMALL «Кичик», LONG «Узун».

Intensifiers (интенсификатор-кучайтирувчилар): VERY «Жуда».

Mental predicates (ментал предикатлар): THINK «Үйламоқ», KNOW «Билмоқ», WANT «Хоҳламоқ», FEEL «Ҳис қилмоқ», SEE «Кўрмoқ», HEAR «Эшитмоқ».

Speech «Нутқ»: SAY «Айтмоқ», WORD «Сўз», TRUE «Ҳақиқат».

Actions, events and movement «Фаолият, воқеалар ва ҳаракат»: DO «Қилмоқ, бажармоқ», HAPPEN «Содир бўлмоқ», MOVE «Ҳаракат қилмоқ».

Existense and possession «мавжуд ва эга бўлиш»: THERE IS «Бор», HAVE «Эга бўлмоқ».

Life and death «Ҳаёт ва ўлим»: LIVE «Яшамоқ», DIE «Ўлмоқ».

Time «Замон»: WHEN «Қачон», NOW «Хозир», BEFORE «Олдин», AFTER «Сўнг», A LONGE TIME «Анча вақт», A SHORT TIME «Қисқа пайт», FOR SOME TIME «Бироз вақт (давомида)».

Space «макон»: WHERE/PLACE «Қаерда, қайси жойда», HERE «шу ерда», ABOVE «юқорида», BELOW «пастда», FAR «узок», NEAR «Яқин», INSIDE «Ичкарида».

Legical concepts «Мантиқий тушунчалар»: NOT, MAY BE, CAN, BECAUSE, IF.

Taxonomy, partonomy «Қисмларга ажратувчилар, таснифловчилар»: KIND OF, PART OF.

Similarity «Ўхшашлик»: LIKE.

Семантик примитивларни ажратиш тамойилига асосланган бундай «металексема»лар рўйхатининг ҳаммани ҳам қониқтиравермаслиги аниқ. Масалан, А.Вејбизцка фарқлаётган примитивларни «энг кичик семантик бирликлар эмаслигини» таъкидлаётган Ю.Д.Апресян (Apresjan 1992:4) бошқа хил семантик тавсифни маъкул кўради. Жумладан, у рус тилидаги «оставать» «оркада қолмоқ» фельининг семантик изохини қуидагича тасвирлайди: «A отстает от B = A и B перемещаются в одном направлении и расстояние между A и B увеличивается и A находится позади B.» - «A Вдан оркада қолмоқда= A ва B бир йўналишда ҳаракат қилмоқдалар ва улар ўргасидаги масофа узоклашмоқда ҳамда A Вдан оркада».

Мантиқан олганда, семантик луғатларда акс эттирилаётган маънолар энг кичик бирликлар бўлиши ва бошқа бўлакларга ажралмасликлари шарт. Ушбу луғатлардаги тавсифлар ихчам, тежамкор кўринишида бўлиши талабини инобатга оладиган бўлсак, Ю.Апресян ва бошқа бир қатор олимлар таклиф қилишаётган тавсиф амаллари, металексемалар рўйхатлари бу талабга тўлигича жавоб бера олмаслигининг гувохи бўламиз. Ҳар холда, бу йўналишдаги изланишларнинг давом эттирилиши луғавий бирликлар семантик тузилишини батафсил ўрганиш ва тил луғат таркибининг тизимли тартиботини ёритиш имкониятларини кенгайтиришига ишонсан бўлади. Бироқ семасиология фанининг кейинги йиллардаги тараққиёти бизни маъно ҳодисасининг табиатига хос сирларни инсон когнитив фаолияти ва қобилияти доирасидан излаш лозимлигига яна бир бор ишонтирмоқда. Семантика когнитив тилшуносликнинг ажралмас қисми, лозим бўлса, негизига айланашётганлигининг барчамиз гувохи бўлиб турибмиз.

Ушбу рисолада семантика соҳасининг чегараси кенгайиб бориши, унинг тадқик худудига янги объектлар,

тушунчаларнинг киритилиши, уларни таснифлаш ва тавсифлашга янгича услублар, ёндашувларнинг жалб қилиниши жараёнларини кузатиш мақсади кўзланди. Семантика фанининг ўтган йиллар давомидаги таракқиётига қуидаги факторлар етакчилик қилганлигини кўрамиз: а) семантиканинг бошқа фанлар билан алоқасининг кенгайиб бориши натижасида маъно ҳодисасини ўрганишга қаратилган янгича ёндашувларнинг шалланиши; б) тадқиқ ҳудудига янги объектларнинг жалб қилиниши натижасида турли кўринишдаги бирликлар маъно тузилишини таҳлил қилишга оид муаммоларнинг кўтарилиши; в) умумий тилшуносликка оид мақсад, вазифаларнинг янгилаши муносабати билан семантиканинг бошқа лингвистик йўналишларга муносабатини аниқлаштириш ҳамда «сарҳаддошлиқ» замирида юзага келадиган ҳодисалар тадқиқи вазифаларини белгилаш; г) тилшунослик амалий вазифаларнинг семантикага оид қисмининг долзарблашуви (жумладан, лугатшунослик, машина таржимаси ва ЭҲМлар дастурларини тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар).

Эътироф этиш лозимки, семантика фанининг барча соҳалари бир миқёсда ёритилгани йўқ. Шунингдек, белгиланган режаларнинг ижроси ҳам барчани қониқтирмаслиги аниқ. Лекин замонавий тилшуносликда кечаётган «инқилобий» ўзгаришлар йўлидан бораётган семантика фани ҳануз ўзи танлаган анъанавий йўли – инсон фаолиятининг муҳим ва мураккаб ҳодисалардан бўлган маъно категориясининг табиати, моҳиятини билиш йўлидан оғмасдан бораётгандигини кўрсатиш рисоланинг асосий мақсади эканлигини эслаб қолишингизни сўрайман. Шунинг билан биргаликда, миллий тилларнинг борлиқقا муносабати турлича кўриниш, қиёфада бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак бўлади. Зотан, барча тилларда универсал семантик хусусиятлар мавжуд бўлиши, ҳар бир тилда бошқалар билан «баҳам» кўрадиган маъно ҳудудларни ажратиш мумкинлиги

билан бир қаторда, семантика ҳеч қачон миллийлик рухиятидан воз кеча олмайди. Турли тиллар билимдони А.Е.Кибрик яқинда айтганидек, «тиллар оламининг охири йўқ ва бундай турли-туманлик шу даражадаки, ҳеч қандай илмий-назарий фантазия лисоний воқелик билан баҳслаша олмайди» (Кибрик 2003:43). Бу алоҳида тил тадқики асосида умумлаштирилган хулосаларни бошқа тиллар тадқики доирасига кўчиришда эҳтиёт бўлишга ундаётган огоҳдир.

АДАБИЁТЛАР

Абаев В.И. Статьи по теории и истории языкоznания. – М.: Наука, 2006.

Абдуазизов А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология, 2007, №3. –С. 5-6.

Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Номзодлик дисс. автореф. –Т., 2010.

Адамец П. О семантико-синтаксических функциях двербативных и деадъективных существительных // Филологические науки, 1973, №4.

Алексеев (Аскольдов) С.А. Мысль и действительность. –М.: Путь, 1914.

Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики. –М.: Гnosis, 2005.

Антология концептов. –М.: Гnosis, 2007.

Апполонская Т.А., Глейбман Е.В., Манило И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. –Кишинев: Штиинца, 1987.

Апресян Ю.Д. Избранные труды: Т. 1. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. –М.: Языки славянской культуры, 1995.

Апресян Ю.Д. Лексическая семантика
Синонимические средства языка. –М.: Наука, 1974.

Аристотель. Метафизика. –М.: ЭКСМО, 2005.

Аристотель. Сочинения: в 4т. –М.: Мысль, 1978.

Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –М.: Языки русской культуры, 1998.

Аскольдов (Алексеев) С.А. Концепт и слово // Русская речь. –Л.: Академия, 1928. –С. 28-44.

Аскольдов С.А. Концепт и слово. В кн: Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. –М.: Academia, 1997. -С. 267-297.

Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. –М.: ЛИБРОКОМ, 2009.

Бабушкин А.Т. Типы концептов в лексико-семантической системе языка. –Воронеж, 1996.

Баранов А.Н., Добровольский Д.О. Аспекты теории фразеологии. –М.: Знак, 2008.

Бартминьский Е. Языковой образ мира: очерки по этнолингвистике. –М.: Индрик, 2005.

Бархударов Л.С. О поверхностном и глубинном синтаксисе // Иностранные языки в школе, 1974, №1. –С. 30-34.

Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. –М., 1975.

Бейкер Г.П., Хакер П.М. Скептицизм, правила и язык. –М.: «Канон», 2008.

Белый А. Мысль и язык (Философия языка А.А.Потебня) // Логос, 1910. №2.

Беляевская Е.Г. Семантика слова. –М.: Высшая школа, 1987.

Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М.: Прогресс, 1974.

Бережан С.Г. Онтологический статус языка и её единицы. В кн.: Теоретические проблемы семантики и её отражения в одноязычных словарях. –Кишинев: Штиинца, 1982.-С. 58-66.

Бережан С.Г. Семантика языковая и неязыковая, лингвистическая и нелингвистическая // Лимба ши литература молдовянскэ, 1979, №2.

Бегматов Э., Нематов X., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон. –Б.34-40.

Бирвиш М. Семантика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X. –М.: Прогресс, 1981. –С. 177-199.

Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968.

- Блумфилд Л. Ряд постулатов для науки о языке. В кн.: Звегинцев В.А. История языкоznания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. –М.: Узпедгиз, 1960. –С. 144-152.
- Боймираева С. Матн модаллиги. –Тошкент; Фан, 2010.
- Болдыров Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. –Тамбов, 2001.
- Болотов В.И. А.А.Потебня и когнитивная лингвистика // Вопросы языкоznания, 2008. №2. –С. 82-96.
- Бородина М.А. Некоторые наблюдения над диалектной номинацией // Лимба ши литература молдовеняскэ; 1978, т. XXI. №3. –С. 54-60.
- Бородина М.А., Гак В.Г. К типологии и методике историко - семантических исследований. –Л.: Наука, 1979.
- Бородина М.А., Кокошкина С.А., Николаева С.П., Рошка П.И. Опыт картографирования и интерпретации общероманского ареала // Проблемы картографирования в языкоznании и этнографии. –Л.: Наука, 1974.
- Бочаров В.А., Маркин В.И. Введение в логику. –М.: ИД «Форум», 2008.
- Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Т.: Фан, 2007.
- Бушуй Т.А. Язык в истории развития человеческой мысли. Т.: Фан, 2011.
- Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973.
- Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. –М.: Прогресс, 1993.
- Вайсгербер Й. Л. Родной язык и формирование духа. –М.: Изд-во МГУ, 1993.
- Вдовиченко А.В. Расставание с «языком». Критическая ретроспектива лингвистического знания. –М.: Изд-во ПСТГУ, 2009.
- Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. –М.: Русские словари, 1997.

- Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. –М.: Наука, 1977. –С. 162-189.
- Витгенштейн Л. Логико-философский трактат. –М.: Канон, 2008.
- Витгенштейн Л. Философские работы. Ч.1. –М.: Гнозис, 1994.
- Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. –М.: Изд-во МГУ, 1989.
- Войшвилло Е.К. Понятие. –М.: Изд-во МГУ, 1967.
- Волков А.Г. Язык как система знаков. –М.: Изд-во МГУ, 1966.
- Вопенка П. Альтернативная теория множеств. – Новосибирск: Параллель, 2004.
- Воробьев В.В. Лингвокультурология: (Теория и методы). –М.: 1997.
- Выготский Л.С. Из неизданных материалов // Психология грамматики. –М.: Изд-во МГУ, 1968. –С. 182-192.
- Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. –М.: Изд-во АП РСФСР, 1956.
- Выготский Л.С. Мысление и речь. –М.: Лабиринт, 2005.
- Выготский Л.С. Мысление и речь. Сборник. –М.: АСТ Москва, 2008.
- Выготский Л.С. Орудие и знак в развитии ребенка // Собрание сочинений. –М.: Педагогика, 1984. Т.VI. –С. 5-90.
- Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 2010. -28с.
- Галимов Б.С. Проблемы мозаичной философии. -Уфа: Изд-во Башкирского у-та, 2006.

Гаспаров Б. Язык, память, образ. Лингвистика языкового существования. –М.: Новое литературное обозрение, 1996. –352с.

Глинская А.П. Юридический термин «privacy» как предмет системно-динамического исследования // Вестник МГУ, Серия/9. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2010. №2. –С. 33-50.

Глыбин В.В. «Эпистемологические миражи» лингвистики // Studio Linguistica Cognitiva. Вып. 1. Язык и познание: Методологические проблемы и перспективы. –М.: Гnosis, 2006. –С. 31-44.

Гумбольдт В. Избранные труды по языкоznанию. –М.: Прогресс, 1984.

Гумбольдт В. О возникновение грамматических форм и их влияние на развитие идей. В кн.: Гумбольдт В. Избранные труды по языкоznанию. –М.: Прогресс, 1984. –С. 327-349.

Дадабоев X. Илк эски туркий тилда эркак жинсининг ифодаланиши // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2011. –Б. 31-35.

Даммит М. Что такое теория значения? В кн.: Философия. Логика. Язык. –М.: Прогресс, 1987. –С. 127-212.

Демьянков В.В. Прототипический подход // Краткий словарь когнитивных терминов. –М.: Изд-во МГУ, 1996. –С. 140-145.

Дирак П.А. Принципы квантовой механики. –М., 1960.

Дорошевский В. Элементы лексикологии и семиотике. –М.: Прогресс, 1973.

Евин И.А. Восприятие неоднозначных образов как базовая модель художественного восприятия // Математика. Компьютер. Образование. –М.: Прогресс, 1999. –С. 362-365.

Ельмеслев Л. Пролегомены к теории языка. В кн.: Новое в лингвистике, вып-1. М., 1960.

Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978.

Залевская А.А. Психолингвистический подход к проблеме концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистике. –Воронеж, 2001. –С. 36-44.

Зализняк А.А. Феномен многозначности и способы его описания // Вопросы языкоznания, 2004. –С. 20-45.

Звегинцев В.А. О научном наследии Вильгельма фон Гумбольдта. В кн.: Гумбольдт фон В. Избранные труды. – М.: Прогресс, 1984. –С. 356-362.

Звегинцев В.А. Семасиология. –М.: Изд-во МГУ, 1957.

Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. –М.: URSS, 2001.

Иванов С.Н. Грамматик тадқиқотларнинг методологик муаммолари. –Самарқанд: СамДУ, 2004. -806.

Иванова Е.В. Мир в английских и русских пословицах. –СПб., 2006.

Кальоти ДЖ. От восприятия к мысли. –М.: Мир, 1998.

Капра Фритьоф. Паутина жизни. Новое научное понимание живых систем. –Киев: Софтя, 2002.

Капустник О.П. Взаимоотношения между непосредственными условными раздражителями и словесными их символами // Труды лаборатории физиологии высшей нервной деятельности ребенка, т.П.-М., 1930.

Карасик В.И., Красовский Н.А., Слыпкин Г.Г. Лингвокультурная концептология. –Волгоград: Парадигма, 2009.

Карнап Р. Значение и необходимость. –М.: Изд-во иностранной литературы, 1959.

Касарес Х. Введение в современную лексикографию. – М., 1959.

Кассирер Э. Философия символический форм. Т.1. –М.: Университетская книга, 2002.

Катц ДЖ. Семантическая теория. В кн. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X. –М.: Прогресс, 1981. –С. 33-49.

Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначенная. –М. –Л.: Наука, 1965.

Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. –Л.: Наука, 1986.

Кибрик А.Е. Константы и переменные языка. –СПб.: Алетейя, 2003.

Кобозева И.М. К распознаванию интенционального компонента смысла высказывания: теоретические предпосылки // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. –М.: Наука, 2003. –С. 267-271.

Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. –М.: Эдиториал УРСС, 2000.

Колесов В.В. Классификация ментальных исследований языка с позиций философского реализма // Концептосфера и языковая картина мира. –Кемерово, 2006. –С. 10-21.

Колесов В.В. Концепт культуры: образ – понятие – символ // Слово и дело: Из истории русских слов. – СПб. 2004. –С. 57-72.

Колшанский Г.В. Контекстная семантика. –М.: Наука, 1980.

Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. –М.: Наука, 1975.

Корнилов О.А. Runa sumi – язык инков: Экспериментальное учебное пособие по языку и культуре кечуа. –М.: Изд-во МГУ, 2009.

Корнилов О.А. Внутренняя форма языка кечуа – источник информации об «Андском мироведении» (Cosmo vision Andina) // Вестник МГУ, Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2010, №2. –С. 21-32.

Косериу Э. Контрастивная лингвистика и перевод: их соотношение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXV. Контрастивная лингвистика. М.: Прогресс, 1989. –С. 63-81.

Котелова Н.З. Значение слова и его сочетаемость (к формализации в языкоznании). –Л.: Наука, 1975.

Кравченко А.В. Когнитивные структуры пространства и времени в естественном языке // Известия РАН, Серия литературы и языка, 1996. Т.55. № 3.

Куайн У.В.О. С точки зрения логики. –М.: «Канон +», 2010.

Кубрякова Е.С. Концепт //Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г. Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. –М.: Изд-во МГУ, 1996. –С.90-93.

Кубрякова Е.С. О концепте «контейнер» и формах его объективации в языке. // Кубрякова Е.С. Язык и знание. –М.: «Языки славянской культуры», 2004. –С. 475-491.

Кубрякова Е.С. О новых путях исследования значения (теория айсберга) // Проблемы семантического описания единиц языка и речи. –Минск, 1998. Ч.1. –С. 38-39.

Кубрякова Е.С. Обеспечение речевой деятельности и проблема внутреннего лексикона // Человеческий фактор в языке: Язык и порождение речи. –М.: Наука, 1991. –С. 82-140.

Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира –М.: Языки славянской культуры, 2004.

Курилович Е.Р. Очерки по лингвистике. –М.: Прогресс, 1962.

Ладов В.А. Спор вокруг «загадки тождества» в аналитической философии // На пути к новой рациональности. –Томск: Изд-во Томск. у-та, 2000.

- Лайонз Ж. Введение в теоретическую лингвистику. – М.: Прогресс, 1978.
- Лакофф Дж. Лексические гештальты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 10. –М.: Прогресс, 1981.
- Лакофф Дж. Мышление в зеркале классификаторов // Новое в зарубежной лингвистике. –Москва: Прогресс, 1988. –С. 12-53.
- Лакофф Дж. О порождающей семантике // Новое в зарубежной лингвистике. –Вып. X. –М.: Прогресс, 1981. –С. 302-349.
- Леонтьев А.А. Психологическая структура значения // Семантическая структура слова: психолингвистические исследования. –М.: Наука, 1971. –С. 7-19.
- Лилич Г.А. (ред.) Проблемы фразеологический семантики. –СПб., 1996. -173с.
- Лингвистический энциклопедический словарь. –М.: 1990.
- Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речи. – М.: Высшая школа, 1984.
- Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста: Антология. –М.: Academia, 1997. –С.280-287.
- Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. –М.: Искусство, 1976.
- Лосев А.Ф. Философия имени. –М.: Изд-во МГУ, 1990.
- Лотман Ю.М. Об искусстве. –Санкт-Петербург: «Искусство-СПб», 1998.
- Мамардашвили М.К. Как я понимаю философию. –М., 1992.
- Мамардашвили М.К. Картезианские размышления. –М.: Прогресс-Культура, 1993.
- Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг мохияти нимада? // Ўзбек тилишунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. –Б. 212-220.

- Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – М.: Флинта –Наук, 2006.
- Матурана У. Биология познания // Матурана У. Язык и интеллект. –М.: Прогресс, 1996. –С. 95-142.
- Махмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. –Т.: Фоур Гулом номидаги нашриёт, 2012.
- Медникова Э.М. Значение слова и методы его описания. –М.: Высшая школа, 1974.
- Минин С.К. Философию за борт! В кн.: На переломе. Философские дискуссии 20-годов: Философия и мировоззрение. –М.: Политиздат, 1990. –С. 203-209.
- Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. -Т.: Мумтоз сўз, 2010.
- Мухамедова С. Когнитив лингвистика: вужудга келиши, асосий тушунчалари ва йўналишлари //Систем-структур тилшунослик муаммолари. –Самарқанд, 2010. –Б.189-191.
- Найда Ю.А. Процедуры анализа компонентной структуры референционного значения. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIV. –М.: Прогресс, 1983.-С. 61-74.
- Нематов X, Расулов Р. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.
- Никитин М.В. Лексическое значение слова. –М.: Высшая школа, 1983.
- Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. –М.: Высшая школа, 1988.
- Никитина Е.С. Семиотика (курс лекций). –М.: Академ. Проект, 2006.
- Норман Б.Ю. Грамматика говорящего. –СПб.: Изд-во СПб. У-та, 1994.
- Нурмонов А. Лексеманинг мазмуний мундарижаси // А.Нурмонов. Таъланган асарлар, III-жилд.-Тошкент: Академнашр, 2012.-Б. 149-159.

Нурмонов А. Танланган асарлар. -Т.: Akademnashr, 2012. I-жилд. -416б.

Нурмонов А. Шакл ва мазмун муносабати ўзбек тилшунослиги талқинида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. -Андижон, 2011. -Б. 81-83.

Ожегов С.И. Словарь русского языка. -М.: Русский язык, 1990. -921с.

Павилёниш Р.И. Проблема смысла. -М.: Мысль, 1983.

Пан А. Семантика и необходимая истина. -М.: Идея-пресс, 2002.

Панфилов В.З. Философские проблемы языковедения. -М.: Наука, 1977.

Патнэм Х. Значение и референция // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII. Логика и Лингвистика. -М.: Прогресс, 1982. -С. 377-390.

Пауль Г. Принципы истории языка. -М., Изд-во иностранной литературы, 1960.

Перельмутер И.А. Философские школы эпохи эллинизма // История лингвистических учений. Древний мир. -Л.: Наука, 1980.

Песина С.А. Полисемия в когнитивном аспекте. -СПб.: Изд-во РГПУ, 2005.

Пименова М.В. Структура концепта «разум» // Mentalität und mentales. -Landau: Verlag Empirische Pädagogik, 2003. -S. 95-111.

Полани М. Личностное знание: На пути к посткритической философии. -М.: Прогресс, 1985.

Попова З.Д. Стернин М.А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. -Воронеж, 2000.

Попова З.Д., Стернин М.А. Когнитивная лингвистика. -М.: ACT: Восток-Запад, 2007.

Поппер К. Логика и рост научного знания. -М., 1983.

Постовалова В.П. Язык как делательность. Опыт интерпретации концепции В.Гумбольдта. -М.: Наука, 1982.

- Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. I-II.
—М.: Узпедгиз, 1958.
- Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. IV.
—М.: Просвещение, 1985.
- Потебня А.А. Из записок по теории словесности. —
Харьков, 1905.
- Потебня А.А. Мысль и язык. —М.: СИНТО, 1993.
- Потебня А.А. Слово и миф. М.: Искусство, 1989.
- Потебня А.А. Теоретическая поэтика. —М.: Высшая
школа, 1990.
- Потебня А.А. Эстетика и поэтика. —М.: Искусство,
1976.
- Психологический словарь —М.: Педагогика, 1983.
- Рамишвили Г.В. Вельгельм фон Гумбольдт —
основоположник теоретического языкознания. В кн.:
Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. —М.:
Прогресс, 1984. —С. 5-33.
- Расулова М.И. Особенности концептуального анализа
лексических единиц // Систем-структур тилшунослик
муаммолари. —Самарқанд, 2010. —Б. 15-17.
- Рахилина Е.В. Когнитивный анализ предметных имен:
семантика и сочетаемость. —М.: Русские словари, 2000.
- Сааринен Э. О метатеории и методологии семантики. В
кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVIII.
Логический анализ естественного языка. —М.: Прогресс,
1986. —С. 121-138.
- Сайфуллаева Р.Р. ва болқалар. Ҳозирги ўзбек адабий
тили. —Т.: Фан ва технология, 2009.
- Сайфуллаев Ш.Р. Эволюция и природа интеллекта: -
СПб.: Петр Великий, 2005. Первая книга, т.1.-1024с.
- Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. —Жиззах: Санзор,
2006.
- Сафаров Ш. Прагмалингвистика. —Т.: «Ўзбекистон
миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.

- Сахарный Л.В. Введение в психолингвистику. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1989.
- Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи. –М. –Л.: Соцэкиз, 1934.
- Смирницкий А.И. Значение слова // Вопросы языкоznания, 1955, №2.
- Смирницкий А.И. К вопросу о слове: Проблема тождества слова // Труды Института языкоznания. Т. IV. – М., 1954.
- Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқик этиш. –Тошкент: Маънавият, 2004.
- Соклер З.А. Проблема обоснования знания. –М.: Наука, 1988.
- Соссюор де Ф. Заметки по общей лингвистике. м.: Прогресс, 1990.
- Соссюор Ф. Курс общей лингвистики. –М.: УРСС, 2004.
- Степанов Ю.С. Имена, предикаты, предложения: Семиологическая грамматика. –М.: Наука, 1981.
- Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. –М.: «Языки русской культуры», 1997.
- Степанов Ю.С. Семиотика. –М.: Наука, 1971.
- Степанов Ю.С. Константы мировой культуры. –М.: Наука, 1993.
- Стернин М.А. Методика исследования структуры концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. –Воронеж, 2001. –С. 58-65.
- Сулейманова Э.Д. Понятие смысл в современной лингвистике. –Алма-Ата: Мектеп, 1989.
- Суровцев В.А. Автономия логики: Истоки, генезис и система философии раннего Витгенштейна. –Томск: Изд-во Томского гос. у-та, 2001.
- Таджибаева А.А. Основные положения когнитивной семантики // Linguistics -1. –Ташкент, 2010. –С. 78-87.

Тамарченко Н.Д. А.А.Потебня и М.М.Бахтин: язык и слово в поэзии и прозе // Известия РАН, Серия литературы и языка, 2011, т.70, №2. –С. 13-17.

Тарски А. Семантическая концепция истины и основания семантики // Аналитическая философия: становление и развитие. –М.: ДИК, 1998. –С. 90-129.

Тейлор Э.Б. Первобытная культура. –М.: Изд-во политической литературы, 1989.

Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Наука, 1996.

Тронский И.М. Основы стоической грамматики // Романо-германская филология. Ленинград: ЛГУ, 1957.

Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. –М.: Наука, 1975.

Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принцип семиологического описания лексики. -М.: Наука, 1986.

Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

Философский энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1983.

Флоренский П.А. Столп и утверждение истины. –М., 1990. –Т.2.

Флоренский П.А. Строение слово // Контекст 1972. Литературно-теоретические исследования. –М.: Наука, 1973. –С. 348-357.

Фреге Г. Логика и логическая семантика. –М.: Аспект-Пресс, 2000.

Фрумкина Р.М. Когнитивная лингвистика или «психолингвистика наоборот» // Язык и речевая деятельность. –СПб., 1999. –С. 80-93.

Ҳакимова М. Семасиология (ўкув кўлланма). –Тошкент, 2008.

- Хинтикка Я. Логико-эпистемологические исследования. –М.: Прогресс, 1980. -448с.
- Хинтикка Я. Проблема истины в современной философии // Вопросы философии. -1996. №9.
- Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. –Самарқанд, 1996.
- Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. –М.: Изд-во МГУ, 1972.
- Хомский Н. Логические основы лингвистической теории. В кн.: Новое в лингвистике. –М., 1965, Вып.4.
- Хомский Н. Синтаксические структуры. – Благовещенск, 1998.
- Хомский Н. Синтаксическое структуры. В кн. Новое в лингвистике, вып II. –М., 1962.
- Хомский Н. Язык и проблемы знания. –Благовещенск, 1999.
- Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистики // Систем – структур тилдишнослик муаммолари. – Самарқанд, 2010. -Б. 68-70.
- Чейф У. Значение и структура языка. –М.: Прогресс, 1975.
- Черданцева Т.З. Очерки по лексикологии итальянского языка. –М.: Высшая школа, 1982.
- Черепанов С.К. Философия неопределенности: неопределенность и парадоксы. – Новосибирск: Наука, 2004.
- Шабес В.Я. Событие и текст. –М.: Высшая школа, 1989.
- Шарафиддинов Озод. Домлалар. –Т. “Маънавият”, 2009.
- Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. –Т.:Faфур Ғулом номидаги нашриёт, 2004.
- Шафф А. Введение в семантику. –М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1963.
- Шпет Г.Г. Внутреняя форма слова. М.: Государственная академия художественных наук, 1927.

Шпет Г.Г. Герменевтика и её проблемы // Контекст - 1989. -М.: Наука, 1989.

Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Л.: Наука, 1971.

Эко У. Отсутствующая структура. Введение в семасиологию. -СПб., 1998.

Юсупов Ў.К. Когнитив лингвистика ҳакида //Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. -Тошкент, 2007.

Якобсон Р. Речевая коммуникация. В кн.: Р.Якобсон. Избранные работы. -М.: Прогресс, 1985. -С. 306-319.

Abbott B. Models, Truth and Semantics // Linguistics and Philosophy, 1997, vol.20. -P. 117-138.

Apresjan Ju.D. Systemic Lexicography // EURALEX 92: Proceedings. I. -Tampere, 1992. -P. 3-16.

Ashurova D.U. Text Linguistics. -Toshkent: Tafakkur qanoti, 2012.

Atkins B. Analyzing the verbs of selling: A frame semantic approach to lexicography // Proceedings of the twentieth annual meeting of the Berkley Linguistics Society. -Berkley, 1993. -P. 42-56.

Barsalow L.W. Frames, Concepts, and Conceptual Fields // Frames, Fields, and Contrasts. New Essays in semantic and lexical organization. -Hillsday -New Jersey: Lawrence Erlbaum associates, 1992. -P. 21-74.

Bateson G. Mind and Nature. -N-Y.: Dutton, 1979.

Bierwisch M. On Certain Problems of Semantic Representation // Foundations of Language, 1969, vol. 3. -P. 153-184.

Bilodid O.I. Грамматична концепция О.О. Потебня. -Київ: Вища школа, 1977.

Bloomfield L. Meaning // Monatshefte für deutschen Unterricht, 1934, v.35.

Bloor D. Wittgenstein: A social theory of knowledge. –New York, 1983.

Breal M. Essai de semantique. Science des significations. –Paris, 1904.

Cela-Conde C. and Marty C. An interview with Noam Chomsky // Syntax, 1998, no.1. –P. 19-36.

Cherchia G. and McCaonnell-Ginet S. Meaning and Grammar: An Introduction to Semantics. –Cambridge, MA: MIT Press, 1990.

Chomsky N. An online interview with Noam Chomsky: On the nature of pragmatics and related issues // Brain and language, v.68, 1999. –P. 393-401.

Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. –Cambridge, MA: MIT Press, 1965.

Chomsky N. Language and Mind. –Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2006.

Chomsky N. Language and Politics. –Montreal: Black Rose Books, 1988.

Chomsky N. Lectures on Government and Binding. –Dordrecht: Foris, 1981.

Chomsky N. Morphophonemic's of Modern Hebrew. –New York: Garland Publishing, 1951/79.

Chomsky N. New Horizons in the Study of Language and Mind. –Cambridge: CUP, 2003.

Chomsky N. On Nature and Language. –Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2003. -206p.

Chomsky N. Reflections on Language. –New York: Pantheon, 1975.

Chomsky N. Replies. In: Chomsky and his Critics. –Oxford: Blackwell, 2003, -P. 255-328.

Chomsky N. Studies on Semantics in Generative Grammar. –Mouton. The Hague, 1972.

Cruse D.A. Meaning in language: Introduction to Semantics and Pragmatics. –Oxford: Oxford Univ. Press, 2000.

Culicover P., Jackendoff R. Something Else for Binding Theory // Linguistic Inquiry, 1998, vol. 26. –P. 249-275.

Davidson D. Radical Interpretation // Dialectica, 1973, v.27. –P. 313-327.

Deacon T. The Symbolic Species: The Coevolution of Language and the Brain. –N.Y.: Norton, 1997.

Dewey J., Bentley A. F.Knowing and the Known. –Boston, 1949.

Dixon R.M.W. Where have all adjectives gone? –Berlin: Walter de Gruyter, 1982.

Dummet M. Can truth be defined? // Dummet M. Frege: Philosophy of Language. –N.Y.: Harper and Row, 1973. –P. 442-470.

Dummet M. Language and Communication. // Reflections on Chomsky. –Oxford: Blackwell, 1989. –P. 192-222.

Fanconnier G., Turner M. Conceptual Integration Networks // Cognitive Science, 1998. Vol.22. –P. 133-187.

Fillmore Ch. "U" –semantics, second round // Quaderni di Semantics, 1986, No.7. –P. 49-58.

Fillmore Ch. Frame semantics // Linguistics in the morning calm. –Seoul: Hanshin, 1982. –P. 111-137.

Fillmore Ch. Frames and the semantics of understanding // Quaderni di semantic, 1985, No.6. –P. 222-254.

Fillmore Ch. The Case for Case // Universals in Linguistic Theory. –L. –N.Y.: Rinehart and Winston, 1968. –P. 1-88.

Fillmore Ch. Topics in lexical semantics // Current issues in linguistic theory. –Bloomington: Indiana Univ. Press, 1977. –P. 76-138.

Fillmore Ch., Atkins B. Towards a frame – based lexicon: the semantics of RISK and its neighbors // Frames, Fields and Contrasts. New essays in semantic and lexical organization, – Hillsdale – New Jercy: Lawrence Erlbaum associates, 1992. –P. 75-104.

Fodor J. A Theory of Content and Other Essays.-Combridge, Mass.: MIT Press, 1990.

Fodor J. The Language of Thought. -Cambridge, Mass.: MIT Press, 1975.

Fodor Janet. Semantics: Theories of Meaning in Generative Grammar. -Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1980.

Fontenelle Th. Frame Net Semantics. Thematic issue of the International Journal of Lexicography, 2003, No.16. --P. 233-361.

Frege G. Über Sinn und Bedeutung // Zeitschrift für Philosophie und Philosophische Kritik, 1892, 100. --S. 25-50. Инглизча таржимаси: On sense and reference // Translations from the Philosophical Writings of Gotlob Frege. -Oxford: Blackwell, 1952.

Fromkin V. Grammatical aspects of speech errors // Linguistics: The Cambridge Surrey. -Cambridge, 1988, v.II. --P. 117-138.

Geeraerts D. Prospects and problems of prototype theory // Linguistics, 1989, no 4. --P. 587-612.

Gódel R. Les sources manuscripts du Cours de linguistique generale de F. de Saussure.-Genive-Paris, 1957.

Greenberg J. Linguistics as a pilot science // Linguistics in 1970 s. -Washington's centre for applied linguistics, 1970.

Groenendijk J., Stokhof M. and Veltan F. Coreference and Modality // The handbook of contemporary semantic theory. -Oxford: Blackwell, 1996. --P. 179-213.

Gundle S. Glamour: A History. -Oxford: OUP, 2008.

Haegeman L. Introduction to Government and Binding Theory. -Oxford: Blackwell, 1994.

Haken H. Principles of Brain Functioning. -Berlin: Springer, 1996.

Hampton J. Psychological representation of concepts // Cognitive models of memory. -Hove: Psychology Press, 1997. --P. 81-107.

Hampton J. The combination of prototype concepts // The psychology of word meanings. –Hillsdale: Lawrence Erlbaum Associates, 1991. –P. 91-116.

Harley T. The Psychology of Language. From Data to Theory. –New York: Taylor and Francis, 2004.

Harris Z. Methods in Structural Linguistics. –Chicago, 1955.

Heidegger M. Unterwegs zur Sprache Pfullungen. –Tübingen, 1959.

Hintikka J. Language-Games // Game-Theoretical Semantics. –Dordrecht, 1979. –P. 1-26.

Hintikka J.L., Carlson L. Conditionals, Generic Quantifiers and Other Applications of Subgames // Game-Theoretical Semantics. –Dordrecht, 1979.

Hockett Ch. The State of the Art. –Paris, 1968.

Hornstein N., Weiberg A. The empty category principle. In: Governing and Binding Theory in the Minimalist Program. –Oxford: Blackwell, 1995. –P. 241-296.

Hughs S. Speech // The Pennsylvania Gazette. July / August, 2001. –P. 39-45.

Immler M. Generative Syntax – Generative Semantik. Darstellung und Kritik. –München, 1974.

Jaberg K. Sprache als Äußerung und Sprache als Mitteilung (Grundfragen der Onomasiologie) // Romania Helvetica, 1937. Bd. VI.

Jackendoff A. Semantic Interpretation in Generative Grammar. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 1972.

Jackendoff R. Foundations of Language. Brain, Meaning, Grammar, Evolution. –Oxford: Oxford Univ. Press, 2004.

Jackendoff R. Semantic Interpretation in Generative Grammar. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 1972.

Jackendoff R. What is a Concept? // Frames, fields, and contrasts. New Essays in semantic and lexical organization. –

Hillsdale –New Jersey: Lawrence Erlbaum associates Publishers, 1992. –P. 191-208.

Jakobson R. and Waugh L. *The Shape of Language*. – Brighton: The Harvester Press, 1979.

Jakobson R. Beitrag zur allgemeinen Kasuslehre // *Travaux du cercle Linguistique de Prague*, 1936, No. –P. 240-288.

Johnson K., Mervic C. Effects of varying levels of expertise on the basic level of categorization // *Journal of Experimental Psychology*, 1997. vol. 126. –P. 248-277.

Johnson M. *The Body of the Mind. The bodily basis of meaning, imagination and reason*. –Chicago, 1987.

Kamp H. and Peyle U. *From Discours to Logic*. – Dordrecht: Kluwer, 1993.

Katz J. Chomsky on Meaning // *Language*, 1980, vol. 56. – P. 11-41.

Katz J. *Language and Other Abstract Objects*. –Oxford: Blackwell, 1981.

Katz J. Semantic Theory. –New York: Harper and Row, 1972.

Katz J., Fodor J. The Structure of Semantic Theory // *Language*, 1963, vol. 39. –P. 170-210.

Keller R. *A Theory of Linguistic Sign*. –Oxford: Oxford Univ. Press, 1998.

Kempson R.M. Semantic theory. –Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1977. -216p.

Kripke S. Naming and Necessity // *Semantics for Natural Language*. –Dordrecht: Reidel, 1972.-P. 253-355.

Lakoff G. On generative semantics. In: *Semantics*. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1971. –P. 232-296.

Lakoff G. Presupposition and relative Well-formedness // *Semantics: an interdisciplinary reader in philosophy, linguistics and psychology* –Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1971. –P. 329-340.

Lakoff G. Women, Fire and Dangerous Things: What Categories reveal about the mind. –Chicago-London: Chicago Univ. Press, 1987.

Langacker R. Concept, Image and Symbol. The Cognitive Basis of Grammar. –Berlin and New York: Mouton de Gruyter, 2002.

Langacker R. Assessing the cognitive linguistic enterprise // Cognitive Linguistics: Foundations, Scope, and Methodology. – Berlin; N.Y., 1999. –P. 13-59.

Langacker R. Cognitive Grammar. A Basic Introduction. – Oxford: Oxford Univ. Press, 2008.

Larson R. and Segal G. Knowledge of Meaning. Cambridge, Mass: MIT Press, 1995.

Lasnik H. Essays on Anaphora. –Dordrecht: Kluwer, 1989.

Lau J. Onkel Noam aus dem Netz // Die Zeit, July 26, 2001.

Leibniz G.W. Unvorgreifliche Gedanken, betreffend die Ausübung und Verbesserung den Deutschen Sprache. –Stuttgart: Phillip Reclam Jun., 1995.

Lewis D. General semantics // Semantics of natural language. –Reidel, 1972. –P. 169-218.

Longman Dictionary of Contemporary English. –Harlow-Essex: Longman group, 1986.

Lyons J. Semantics. 2 vols. –Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1977.

Lyons J. Structural semantics: An Analysis of Part of the Vocabulary of Plato. –Oxford: Oxford Univ. Press, 1963.

MacCowley J. Where do noun phrases come from? // Readings in Transformational Grammar. –Waltham, Mass.: Xerox College Publishing, 1970. –P. 166-183.

Mamaridou S. Pragmatic meaning and cognition. –Amsterdam: John Benjamins, 2000.

Margolis L., Sagan D. What is Life? –New York: Simon and Schuster, 1995.

- Matsumoto Yo. Subjective Motions and English and Japanese Verbs // Cognitive Linguistics, 1996. №7. –P. 183-226.
- McCawley J. Interpretive semantics meets Frankenstein // Foundations of Language, 1971. Vol.7. –P. 285-296.
- Miller G.A., Johnson -Laird Ph. Language and perception. –Cambridge (Mass): Cambridge Univ. Press, 1976.
- Montague R. The Proper Treatment of Quantification in Ordinary English // Approaches to Natural Language. – Dordrecht: Reidel, 1973.-P.221-242.
- Morris Ch.W. Signs, Language and Behavior.-New York: Braziller, 1955.
- Mounin G. Clefs pour la semantique. –Paris, 1972.
- Neisser U. (ed.) Concepts and Conceptual Development: ecological and intellectual factors in categorization. –Cambridge and etc.: Cambridge Univ. Press, 1987.
- Nida E.A. Componentional Analysis of. Meaning. –The Hague –Paris: Mouton, 1975.
- Norrick N.R. Semiotic Principles of Semantic Theory. – Amsterdam, 1981.
- Oden D., Thompson K., Premack D. Can an ape reason analogically? Comprehension and production of analogical problems by Sarah, a chimpanzee // The analogical mind: Perspectives from cognitive science. –Cambridge, MA: MIT Press, 2001. –P. 471-498.
- Oller J.W. On the Relation between Syntax, Semantics and Pragmatics // Linguistics, 1972, vol. 83.-P. 43-55.
- Pinborg J. Classical antiquity: Greece // Current Trends in Linguistics. –La Haye – Paris, 1975.
- Popper X. Unended quest: an intellectual autobiography.- Fontana, 1976.
- Pustejovsky J. The Generative Lexicon. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 1995.
- Putnam H. Representation and reality. –Cambridge, Ma.: MIT Press, 1988.

Putnam H. The Meaning of "Meaning" // Language, Mind, and Knowledge.-Minneapolis: Univ. of Minnesota Press, 1975.-P. 131-193.

Raccah P.-Y. L'argumentation sans la prevue: prendre son biais dans la langue // Cognition et Interaction, 1998, vol.2, no. 1-2.

Raccah P.-Y. What is an empirical theory of linguistic meaning a theory of? // Diversity and language theory studies in language. -Companion Series, John Benjamins, 2005.

Ramsey F.P. Notes on philosophy. Probability and Mathematics. -Napoli: Bibliopoles, 1991.

Readings in Linguistics. -N.Y., 1958.

Russell B. Logic and Knowledge. Essays 1901-1950. -L.: George Allan A.Unwin, 1956.

Russell B. An Inquiry into Meaning and Truth.-New York, 1940.

Sapir E. Language. An introduction to the study of speech. -Harcourt: Brace and World, 1921.

Schiller F. Formal logic. -London, 1912.

Schwarz M. Einführung in die Kognitive Linguistik. -- Tübingen: Basel, 1997.

Shank P., Birnbaum L., May J. Integrating Semantics and Pragmatics // The XIII the International Congress of Semantics. Preprints of the Plenary Session Papers.-Tokyo, 1982.-P. 129-140.

Shank R.C. Conceptual information processing. - Amsterdam: North Holland, 1975.

Shewmaker E. Shakespeare's Language. A Glossary of Unfamiliar Words in his Plays and Poems. -New York, 2008.

Smith N. Chomsky: Ideas and Ideals. -Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2004.

Sperber D., Wilson D. Relevance: Communication and Cognition.-Oxford: Blackwell, 1995.

- Stenius E. Comments on D.Davidsons Paper “Radical Interpretation” // *Dialeetica*, 1976, v.30. –P. 35-60.
- Talmy L. Fictive Motion in Language and “Ception” // *Language and Space*. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 1996. –P. 211-276.
- Tannen D. *Framing in discourse*. –New York: Oxford Univ. Press, 1993.
- Tarski A. The concept of truth in formalized languages // *Logic, Semantics, Meta- mathematics*. –Oxford: Oxford Univ. Press, 1956. –P. 152-278.
- Trier J. Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. –Heidelberg: Winter, 1931.
- Truss L. *Eats, Shoots and Leaves*. L.: Profile Books, 2003.
- Twaddell W.F. On Defining the Phoneme // *Readings in linguistics*. –Chicago: University of Chicago, 1966. –P. 55-79.
- Ungerer F., Schmidt H.J. *An Introduction to Cognitive Linguistics*. –Edinburgh: Longman, 1996.
- Wagner R.G. *The Craft of Chinese Philosophy: Wang Bi on the Laozi*. –Albany: State University of New York. Press, 2000.
- Waku Nozomi. Philosophy of Language in Third Century China: On the Argument Language Does / Does not Exhaust the Meaning of Words // *Dialogues in Diversity*. –Tsukuba.: University of Tsukuba, 2011. Vol.2. –P. 135-145.
- Weinreich U. Explorations in Semantic Theory // *Current Trends in Linguistics*, vol. 3. –The Hague: Mouton, 1966.
- Wierzbicka A. *Lingua Mentalis: The Semantics of Natural Language*. –Sydney, etc.: Academic Press, 1980.
- Wierzbicka. *The Semantics of Grammar*. –Amsterdam; Philadelphia: John Benjamins, 1988.
- Wierzbicka A. *Lexicography and Conceptual analysis*. - Ann Arbor: Karoma, 1985.
- Winston M. *On Chomsky*. Wadsworth Philosophers Series. –Belmont, CA: Wadsworth / Thomson Learning, Inc., 2002.

МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	3
1-БОБ. Маъно ва уни ўрганиш муаммоси.....	14
2-БОБ. Маънонинг референт назарияси.....	37
3-БОБ. Тушунча ва маъно муносабати.....	62
4-БОБ. Маъно шаклланишининг дискурсив – синергетик тавсифи.....	94
5-БОБ. Хумбольт ва Потебня таълимотида маъно ҳодисаси.....	144
6-БОБ. Генератив семантика.....	190
7-БОБ. Когнитив семантика.....	216
7.1. Прототиплик ёхуд прототиплар назарияси	218
7.2. Фрейм семантикаси.....	239
8-БОБ. Концепт ва маъно.....	259
9-БОБ. Маъно ва лисоний моддийлик муносабати.....	286
Хотима.....	302
Адабиётлар.....	316

ШАҲРИЁР САФАРОВ

СЕМАНТИКА

Мусаҳҳих *К. Азимов*

Техник муҳаррир *M. Тошпўлатов*

Компьютерда тайёрловчи *Б. Ашуроев*

Босишга руҳсат этилди 24.05.2013. Бичими 60 x 84 1/16.

Times гарнитураси. Шартли б.т. 21,5.

Адади 600 нусха.

«Building Print» МЧЖда чол этилди.

Тошкент, Навоий кўчаси, 40.

Қайдар учун

Кейде оңай сүйнілік дегенде
Адамдардың түрлерін саналғанда
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Ноңынан оның да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Оңай болып көрінген көшілік
Дегенде күндерінен шынайы
Денесе де оның да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Темекінен табиғаттың
Мендер менең жаңынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Денесе де оның да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Жыныстың да табиғаттың
Мендер менең жаңынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Денесе де оның да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Егер мұнда да көзіңің
Табиғаттың да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.
Денесе де оның да жағынан
Себеңдер оңай болып көрінеді.

Digitized by srujanika@gmail.com

